

Илхом ҚАХХОРОВ

ЧОТИКЛИК САТЫАТИ

170 маслаҳат

- ахборот етказиши
- расмий одоб
- омма олдида чиқиши
- расмий чиқиши
- аудитория олдида чиқиши
- ишонтирувчи нұтқ
- күнгилочар йигинлардаги нұтқ

TOSHDO TAU




0000001563

Илҳом ҚАҲХОРОВ

ЦОТИКЛИК САГЪАТИ

170 маслаҳат

2238/24



УУК 808.5

КБК 83.7

Қ-35

Қаххоров, Илҳом

Нотиқлик санъати 170 маслаҳат / И.Қаххоров. – Т.: «Turon zamin ziyo» нашриёти. 2015. – 216 б.

ISBN 978-9943-4548-8-0

Уибү қўлланма нотиқлик санъатини мустақил ўрганаёт-
ган барча соҳадаги раҳбар ходимлар, устоз-мураббийлар,
ўқувчи ва талабалар, қолаверса, имом-хатиблар ҳамда омма
учун мўлжалланган бўлиб, улар мазкур китобдан қисқа ва
лўнда шаклда баён қилинган нутқ маданияти тўғрисидаги
амалий маслаҳатлардан фойдаланадилар, деган умиддамиз.

УУК 808.5

КБК 83.7

Тақризчи:
Абдумурод Тилавов,
филология фанлари номзоди

ISBN 978-9943-4548-8-0

© И.Қаххоров,
© «Turon zamin ziyo»,
Тошкент, 2014 й.

СЎЗБОШИ

Ўз фикрини мутлақо мустақил,
она тилида равон гўзал ва лўнда
ифода эта олмайдиган мутахассис-
ни, авваламбор, раҳбар курсисида
ўтирганларни бугун тушуниш ҳам,
оқлаш ҳам қийин.¹

И.А.Каримов.

*Чиройли гапириши пул, ҳокимият ва машҳурликдан
қимматроқдир. Чунки уларнинг барчасига кўпинча
чиройли гапириши билан эришилади.*

Скилеф

Яхши нотик бўлиш осон эмас. Бунинг учун фикрлаш ва гапириш услуби устида узоқ ва давомли машқ қилиш лозим. Кўпгина олимлар борки, уларнинг илмлари чинданда бисёр, аммо уни оммага кўнгилдагидек етказа олмайдилар. Аммо, кутилмагандан уларнинг қўлига нотиқлик санъати ҳақида бирор қўлланма тушиб қолса-чи?! Улар дарҳол бу илмни ҳам ўзлаштириб оладилар. Чунки уларда илмий салоҳият, қобилият бор! Уларга фақат йўлланма кўрсатилса, бас.

Инсонларнинг кўпчилиги нотиқлик қўлларидан келмаслигини тан оладилар: “Нотиқлик жуда мушкул иш!.. Бу менинг қўлимдан келмайди. Буни уддалашга лаёқатсизман!..” дейдилар. Бироқ айни пайтда ўзлари билиб-билмай нотиқлик қила олмасликлари ҳақида нутқ сўзлайдилар. Сўзлашни биладиган ҳар бир инсон нотиқликни ҳам, албатта, уддалайди. Фақат бунинг учун нотиқлик санъатининг қонун-қоидаларини ўрганиб, сўнгра кўпроқ машқ қилса, кифоя. Кундалик ҳаётимизда

¹ Каримов.И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тарақкиётининг пойдевори. Т.: Шарқ НМК.1999. 15-бет.

қўллайдиган ҳар бир жумламиз, саволимиз, сұхбатимиз – мўъжазгина нутқ. Нима учун энди шуларни кенгрок қилиб, омма олдида гапира олмас эканмиз?!

Нотиқлик санъатини ўрганишга киришган кишининг вазифаси – ушбу китобни тезда вараклаб, танишиб чиқиш эмас, балки уни бошидан охиригача диққат билан ўқиб, шубҳасиз, ундаги кўрсатмаларни ҳар қуни (камида 30 дақиқа!) машқ қилиш, ўргангандарини эса барча маъruzalарида қўллашдан иборат. Ҳар бир кўрсатмани диққат билан, шошмасдан, чукур таҳлил қилиб ўзлаштириш керак. Албатта, бу салмоқли меҳнат талаб қиласди. Аммо сабр ва қатъият билан машқларни давом эттирса, бир неча ой ўтмасданоқ қилган меҳнатларининг самараси сезилади, ҳаттоки буррогина нотик бўлиб қолганига ўзи ҳам ҳайратланади. Халқ орасида машҳур нотик сифатида танилиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас! Яхши нотиқнинг эса, қайси соҳа вакили эканлигидан қатъи назар, иш фаолиятида юқори мавқеларга кўтарилиши осон бўлади!

“Ҳеч бир қобилият, – деган эди Чонси М. Депью, – инсонни жамият томонидан зудлик билан тан олиниши ва юқори мавқеларга эришишида нотиқликдек имкон яратиб бера олмайди”.

Кайковус “Қобуснома”да: “Билгилким, ҳамма ҳунардан сўз ҳунари яхши”, дейди. Бунинг ҳикмати сўзга чечан, сўзамол нотик ҳамма жойда обрў-эътибор, ҳурмат топади, деганидир.

Гапира билиш – тўхтамасдан гапириш дегани эмас. Сўзларни эҳтиёт бўлиб, жавобгарликни ҳис қилган ҳолда қўллаш керак. Сўз қалблар ўртасига кўприк қура олади. Аммо у нотўғри ишлатилса, икки дилни бир-биридан тўсадиган деворга айланиши ҳам мумкин. Сўз фойда ёки заар келтиради, қолаверса, у тил эгасини нобуд қилиши ҳам мумкин.

Ушбу китобни диққат билан мутолаа қилган ҳар бир китобхон ҳам кучли нотик бўла олмаслиги мумкин, аммо нотиқлик санъти сирларидан анчагина боҳабар бўлади, албатта. Шунинг ўзи ҳам унинг салоҳиятига катта манфаат келтириши шубҳасиз.

Раҳбар ходимга нотиқлик санъати керакми?

Ҳар бир раҳбар, қайси соҳада бўлишидан қатъи назар, нотиқлик санъатидан хабардор бўлиши лозим. Чунки у ўз қўли остидагилар билан ишлаши, уларга вазифалар топшириши, уларни назорат қилиши, мажлислар ўтказиши, улар билан сұхбатлашиши тайин. Ушбу жараёнларда, у ўз нутқига нисбатан талабчан ва эҳтиёткор бўлиши, ҳар бир фикрини пухта ўйлаб, уни мазмунли, тўғри ва тушунарли тарзда ифодалashi лозим. Чунки қўл остидагилар унинг ҳар бир сўзига диққат қиласидилар, уни тинглаб раҳбар ҳақида хулоса чиқарадилар. Бекорга “Тил – инсон маданиятининг кўзгуси”, дейилмаган. Одамлар тилдан чиқаётган лафзларга қараб, инсоннинг маданияти, дунёқарashi, илм савияси ҳақида хулоса чиқарадилар. “Ҳар бир кишининг маданий даражаси, ўқиб қанчалик тарбия кўргани унинг ёзма ва оғзаки нутқидан билинади” (С. Иброҳимов). Демак, ҳар бир раҳбар нотиқлик санъатини чуқур ўзлаштириши, имкон қадар кўпроқ бадиий адабиёт ўқиши, ўз она тили грамматикиси ва мантиқни чуқур билиши зарур. Унинг нафақат ташқи кўриниши, балки нутқи ҳам гўзал бўлиши лозим, чунки нутқ орқали кишининг ижобий ёки салбий хислатларини билиб олиш мумкин.

Устоз-мураббийларга нотиқлик санъати нима учун зарур?

“Ўқитувчининг нутқи ноқис, заиф бўлса, унинг билими қанчалик чуқур ва тугал бўлмасин, ўзига ҳам, ўқувчига ҳам жабр. Она тилида пухта, лўнда ва ширадор нутқ тузা олиш таж-рибаси ва маҳорати математика ўқитувчиси учун ҳам, она тили ўқитувчилиси учун ҳам бирдай зарурий эҳтиёждир. Ўқитувчи равон ва гўзал ифодаларга бой нутқи билан ўқувчиларини маҳлиё этиб, бермоқчи бўлган билимини ёш авлод шуурига осонликча сингдиради. Зотан, она тили миллий маънавиятимизнинг, дунёни теран идрок этишимизнинг заминидир”².

² Махмудов. Н. Маърифат манзиллари. – Т.1999. 28-бет.

Кўп ҳолларда педагогнинг илм савияси юқори, маъруза-си пишиқ тайёрланган бўлади. Аммо унинг нотик сифатида тажрибасизлиги ва ўзига ишончсизлиги туфайли маъруза мазмуни ўқувчиларга – тингловчига кўнгилдагидек таъсир кўрсатмайди. Айтайлик, педагог минбарда туриб, маърузани ҳеч қандай ҳиссиятларсиз, матндан бошини кўтармай ўқиб берди. Албатта, бундай маърузанинг фойдасидан кўра зара-ри кўпроқ. Чунки мазкур жараёнда тингловчилар безътибор ўтиришади, зерикишади ва, оқибатда, уларни мудроқ боса-ди, тушунишмайди. Натижада, нотикнинг ҳам педагог си-фатида хурмати пасаяди. Ўқувчилар билан мулоқотга кири-шаётган ўқитувчининг ишонарли гапириши, нутқи далил-ланган, пухта асосланган бўлиши мухимдир. Ўқувчиларнинг меҳрини, ишончини қозонган ўқитувчинигина ҳақиқий устоз дейиш мумкин. Демак, ўқувчиларни қизиқтириб, дарсни эркин, эмоционал, таъсирчан етказиш, манфаатли таълим бериш учун ҳар бир педагог нотиклик санъатини му-каммал билиши лозим.

Ушбу қўлланма нотиклик санъатини мустақил ўрганаётган барча соҳадаги раҳбар ходимлар, устоз-му-раббийлар, ўқувчи ва талабалар, қоловерса, имом-хатиблар ҳамда омма учун мўлжалланган бўлиб, улар мазкур китобдан қисқа ва лўнда шаклда баён қилинган нутқ ма-данияти тўғрисидаги амалий маслаҳатлардан фойдалана-дилар, деган умиддамиз.

Ёзилган ҳар қандай китобни янада мукаммаллаштириш мумкин. Шу мақсадда мазкур қўлланма юзасидан ўринли танқидий фикр ва мулоҳазалар бўлса, уларни, албатта, эъти-борга оламиз.

РИТОРИКА - НОТИҚЛИК САНЪАТИ

Риторика (грекча *rhetorike* – “нотиқлик санъати”) – нотиқлик санъати ҳақидағи фан бўлиб, у аудитория олдида нутқ қилиш махоратини, ўз нутқи ёрдамида тингловчиларга самарали таъсир қилиш сирларини, нотиқлик маданиятини ўргатади.

Риториканинг асосчиси қадимги грек файласуфи Аристотель (милоддан аввалги 384-322 йй.) бўлиб, унинг риторика деб номланган китоби ҳозир ҳам маълум ва машхур.

Буюк нотиқ Цицерон: “Тарихда ё яхши ҳарбий саркарда, ё яхши нотиқ бўлиш керак”, деган экан. Бу билан ҳарбий саркарда ўз лашкарлари ёрдамида қандай ғалабаларга эришса, яхши нотиқ ўз тили ёрдамида шундай ютуқларга эришиши мумкинлиги назарда тутилмокда.

Нотиқлик санъатини, нутқ маданиятини ўрганиш барча соҳа мутахассислари учун, қолаверса, ҳар бир маданиятли инсон учун зарурдир.

Нима учун нотиқлик санъат дейилади? Бунинг сабаби нутқ қилиш қобилияти милоддан олдинги даврлардаёқ санъат даражасига кўтарилганидир. Унга санъатни эъзозлагандек муносабатда бўлишган. Махсус нотиқлик мактабларида мазкур санъат сирларини ўргатишган. У орқали оммага таъсир қилиш, унинг қаршисида чиройли, тўғри ва ишончли гапира олиш қобилияти ўргатилган. Бу санъатни астойдил қизиқиши бўлган ҳар қандай инсон ўрганиши мумкин.

ЧИҚИШЛАР

Омма олдида чиқиши – бу нотиқнинг анча катта ва уюшган аудитория олдида расмий чиқиши.

Расмий чиқиши – бу олдиндан эълон қилинган, ким, қачон, қаерда чиқиши, вақти ва мавзуси аниқ бўлган нотиқнинг чиқишидир.

Аудитория олдида чиқиши – тингловчилар сони 10-12 тадан бошланадиган йиғилиш. Агар одамлар сони 10 тадан кам бўлса, одатда “чиқиш” эмас, “сухбат” дейилади. Нотиқ учун энг кулай аудитория – 25-30 кишидан иборат жамоа ҳисобланади.

Омма олдида чиқиши *мақсадига кўра* тўрт турга бўлинади:

1. Ахборот етказиши. Бу нутқ кўпроқ илмий маъруза, хабар, талабаларга оид маъруза, ўқитувчининг дарс жараёнидаги монологи, дарсда ўқувчи саволига жавоб бериш, бирор воқеа ёки ҳодисани тавсифлаб бериш, эълон ёки кўрсатмаларни ўқиб эшиттиришда кўлланилади.

2. Расмий одоб. Бу нутқ кўпроқ расмиятчилик билан алоқадор йиғинларда кўлланилади. Масалан, расмий делегацияни кутиб олиш, бирор расмий йиғилишни бошлишдан олдин юбилиярни табриклаш, расмий даврада кимнидир мақташ, мотам маросимидағи нутқ ва ҳ. к.

3. Кўнгилочар йиғинлардаги нутқ. Бу нутқ қизиқарли ёки кулгили воқеаларни, латифаларни айтиб бериш асносида базм, тўй, концерт ва ҳ. к. ларда кўлланилади.

4. Ишонтирувчи нутқ. Бунда нотиқ бирор йўлнинг тўғрилигини кўрсатишга уринади. Мазкур услугуб кўзланган мақсадни мустаҳкамлашга, шу масала бўйича тингловчилар фикрини ҳам ўзгартиришга қаратилган бўлади.

Омма олдида чиқиши *шаклига кўра* қуидаги турларга бўлинади:

- **Маъруза** – кенгайтирилган хабар бўлиб, у бирор бир муҳим илмий ёки ижтимоий-сиёсий масалани очиб беради. Маъруза жиддий, илмий, ишлаб чиқариш ёки сиёсий мавзуларда бўлади. У 10-15 дақиқадан бир неча соатгача давом этиши мумкин.

- **Хабар** - 5-10 дақиқа давом этиб, унда унча катта бўлмаган масала ёки муаммо кўриб чиқилади.

- **Чиқиши** – 3 -5 дақиқа давом этиб, олдиндан маълум масала юзасидан маълумот етказилади.

- **Баёнот** – бирор илмий ёки илмий оммабоп масалани мутахассис томонидан кенгайтириб баён қилиниши. У мактабларда, олийгоҳларда, илмий-оммабоп маърузаларда кенг даврадаги тингловчилар учун қилинади. Одатда 20-30 дақиқадан 1, 5 соатгача давом этади.

- **Суҳбат** – нотиқ томонидан олдиндан тайёрланган тингловчилар билан ўтказиладиган мулоқот. Унда суҳбатнинг кўп қисмини нотиқ монолог шаклида олиб бориб, вақти вақти билан тингловчиларга саволлар беради, фикрларини эшитади, уларни изоҳлайди, таҳлил қиласади.

I БОБ

ҚҮРҚУВ

**Кўпчилик олдида гапириш қўрқувини қандай
енгиш мумкин?**

Қўрқув – инсоният ривожланиш жараёнининг ажралмас ҳалқаси бўлиб, у инсон ҳаёти учун хавфли бўлган импульсив, ўйламасдан қилинадиган ҳаракатлардан сақлаб туради. Олимлар 350 га яқин қўрқув турларини аниқлаганлар. Сўровларнинг кўрсатишича, инсон учун омма олдида гапириш қўрқуви ўлим қўрқувидан кейин иккинчи ўринда турар экан.

Қўрқув, қўрқув, қўрқув... Нутқ сўзловчи олдидаги энг ёвуз ва баҳайбат “аждар” – қўрқувдир. Маъruzamiz қанча пухта тайёрланган бўлмасин, қўрқувни енга олмаслик оқибатида аянчли ахволга тушиб қолиш ҳеч гап эмас:

- оёқ-қўлларнинг қалтираши;
- тўхтаб-тўхтаб нафас олиш;
- фикрларнинг чалкашиб кетиши;
- узилувчан ва титроқ товуш;
- қўзларнинг ҳар томонга аланглаши;
- овознинг бўғиқ ва зўрга эшитилиши...

Неча соатлик тайёргарликнинг барчаси одамлар олдига чиқишимиз биланоқ бесамар кетди. Чунки қўрқувга ён босдик.

Қўрқув билан курашишга энди мажбурмиз. Қўрқувнинг қирралари кўп бўлгани учун, унга қайси томондан яқинлашишни, қайси курол билан унга қарши курашишни билишимиз шарт. Ёки қандай инъом билан бу “аждар”ни ўзимиз томонга афдариб олишимиз мумкин? Бу саволларга жавоб топиш учун эса, қўрқувнинг илдизини, унинг қаердан унишини-ю, қаердан кувват олишини билишимиз лозим.

Икки хил ҳиссиёт бор: қўрқув ва ҳаяжон.

Күркүв инсоннинг оёқ-қўлларини караҳт қиласди, фикрлаш қобилиятига ғов бўлади. **Ҳаяжон** – асабий ҳолатларга нисбатан организмнинг нормал жавоб реакцияси. Кўркүв билан ҳаяжоннинг фарқини билишимиз зарур. Юлий Цезарь ўз армиясига жангчиларни ёллашда уларни хавф билан имтиҳондан ўтказар экан. Агар жангчи хавф пайти ҳаяжондан қизарса, уни ёллар, кўркувдан ранги оқарса, ҳайдаб юборар экан. Яхши нотик ҳар бир чиқишдан олдин, албатта, ҳаяжонни ҳис қилиши керак. Бу табиий ҳол ва яхши аломат ҳисобланади. Аммо ҳаяжон қўркувга ўтиб кетса, у ўзингизга бўлган ишончни йўқотади, ҳолсиз, иродасиз қилиб қўяди.

Кўркувнинг сабаблари нима бўлиши мумкин?

Бошқалар фикрига боғланиб қолиши. Кўркувнинг асосий сабабларидан бири – одамлар фикрига боғланиб қолганлигимиз. Ҳар бир кишининг қалбида оз бўлса-да, кибр мавжуд, шу боис эса уялиб қолишни, нокулай ҳолатга тушишни хоҳламайди. Мазкур ҳиссиёт нотикнинг қўркувини янада кучайтиради.

Дангасалик ва маъruzaga яхши тайёрланмаслик. Кўпинча, ўзимизда бўлган ишонч туфайли маъruzага тайёрланмаймиз. Бу эса бизга панд бериши мумкин. Маъruzадан бирор соат олдин тезислар билан танишиб, кейин уларни чиқиб ўқиб бериш тўғри иш эмас. Бизнинг дангасалигимиз сабабли тингловчи мукаммал, манфаатли илмни меъёрида англолмайди.

Тажрибасизлик. Бошловчи нотикларда тажриба бўлмайди. Маъruzани қандай тайёрлайди-ю, тингловчиларнинг жавоб таъсири қандай бўлади. Шу нарсаларни билолмаслик унинг юрагига қўркув солади. Бу қўркув, агар янги жамоа олдида гапиришга тўғри келса, ҳатто тажрибали нотикларда ҳам пайдо бўлиши мумкин.

– Уддалай олармиканман? Кўринишим уларда қандай таассурот уйғотади? Фикрларимни етарлича тушунтира оламанми? Тингловчилар мен ҳакимда қандай тўхтамга келади? Овозим бирданига узилиб қолса-чи? Тўсатдан мен билмайдиган савол билан мурожаат қилишса-чи? Шунга ўхшаш

күплаб саволларга жавоблар мавхум. Бу эса қўрқувга олиб борадиган яна бир восита.

Қўрқувни йўқотиш учун нима қилиш керак?

1-маслаҳат. “Тажрибани орттиринг”.

Кулай имконият туғилиши биланоқ одамлар даврасида гапиринг, гапиринг, гапиринг...

Тажрибалар шуни қўрсатадики, гавжум давраларда 10-20 марта “омадли” чиқиш қилсангиз, қўрқув сўнар экан. Энди ҳамма ҳислар таниш, энди қўрқмаса ҳам бўлади.

Юқорида “омадли” сўзи бежиз ишлатилмади. Агар чиқишингиз омадсиз бўлиб, сизни хуштак чалиб ҳайдашган ёки қулоқ солишмаган ёки уялтиришган ёхуд савол бериб нокулай ҳолатга туширишган бўлса, кейинги чиқишиларингизда бу қўрқув янада кучаяди.

Шунинг учун бошланғич тажрибани оиласиз, дўстларингиз, сизга муносабати яхши бўлган кичикроқ давраларда орттирганингиз маъкул. Агар талаба бўлсангиз, ўзингизга ўхшаган бошқа талabalар билан бирга машқ қилиш яхши натижা беради.

2-маслаҳат. “Энг даҳнатлиси”ни тасаввур қилинг.

Бу усул шундан иборатки, сиз: “Агар шу ҳаётимдаги энг омадсиз чиқиш бўлса – энг ёмони нима бўлиши мумкин?”, деб фикрлай бошлайсиз. Жавобни кўз олдингизга иложи борича бўрттириб келтирасиз. Шу даражада бўрттирасизки, ҳатто кулгили бўлсин:

Фараз қилинг, маърузангиз одамларга ёқмагач, улар сизга помидор ва тухумларни ота бошлианди. Сиз эса уларга моҳирлик билан чап беряпсиз. Кулгилими? Ҳамма гап шунда.

Бу усул нима учун фойда беради? Кўпинча, нотик: “Агар чиқишим омадсиз бўлса, нима бўлишини тасаввур ҳам қила олмайман”, дейди. Шу нарсани ўйламасликка ҳаракат қиласи. Натижада, қўрқув баттар кучаяди. Лекин агар шу нарсани кўз олдига келтирса, қўрқув совун кўпигидай ёрилиб кетади. Ҳатто у айрим пайтларда, омадсиз чиқиши одамлар учун қанчалик аҳамиятсиз эканини тушуниб, хафа ҳам бўлади.

3-маслаҳат. “Кўрқинчли фильм”ни тасаввур қилинг.

Хаёлан қўрқинчли фильмни тасаввур қилинг:

Сиз минбарга чиқдингиз. Одамлар ўз сухбати билан овора. Сизга ҳеч ким эътибор ҳам бермаяпти. Маърузани бошлишингиз ҳамоно, одамлар гапингизни бўлиб, ноўрин саволлар беришяпти. Улар сизни уялтиromoқчи!.. Баъзи бирорлар ўсмоқчилаб, тўсатдан баланд овозда кулишяпти. Айрим пайтлар: “Қисқароқ қилишнинг иложи йўқми, жонга тегдикү?!” каби овозлар эшигилади. Одамлардан тинчланишини сўрасангиз”, сен ким бўлибсан, қабилида иш тутишяпти.

Нотиқ учун бундан ортиқ даҳшатли фильм бўлмаса керак! Ана шу фильмни тўлиқ ривожлантириб, кўз олдингиздан 10-20-30 марта ўтказинг. Кўп марта тасаввурингиздан ўтказсангиз, охири кўнишиб, бундан чўчимайдиган бўласиз. Бу жуда фойдали усул ҳисобланади.

4-маслаҳат. “Яхши фильм”ни тасаввур қилинг.

Энди фақат яхши нарсаларни ўйланг. Кўз олдингизга яхши фильмни келтиринг:

Сиз нутқ қилишга чиқяпсиз. Ҳамма сизни хурсанд кутиб оляпти. Сиз ўзингизни жуда бемалол тутяпсиз. Одамлар билан осон мулоқотга киришяпсиз. Овозингиз баланд ва ишончли. Энди шу фильмни кўз олдингизга 10-20-30-100 марта келтиринг. Шундай бўлишига ўзингизни ишонтиринг.

Кўркув йўқолди! Энди унинг ўрнини нима эгаллаши керак?

Айримлар қўркув йўқолгач, ўзини ҳаддан ташқари эркин, шўх, бемалол тута бошлайди, лекин маъруза мавзуси бўйича у ўзини жиддий, камтарона тутиши керак. Айрим ҳолларда одамларнинг кайфиятини кўтарадиган, байрамона, шўх мавзуни жиддийлик ёки бефарқлик билан гапира бошлайди. Албатта, бундай хатоларга йўл қўймаслик лозим. Нотиқ гапирадиган мавзусига қараб ё жиддий, ё қувноқ, ё камтар, ё салобатли бўлиши лозим.

5-маслаҳат. “Сехрли жумлалар”дан фойдаланинг.

Ўзингизни одамлар олдида эркин, бемалол ҳис қиласидиган сехрли жумлаларни топиб олинг.

Фараз қилинг, нотаниш жамоа, одамлар кўп. Ҳамма сизга

Қизиқиши билан қарайпти, сиздан ниманидир кутяпти. Натижада, сиз асабийлашяпсиз. Шу ҳолатингизда қандай жумла сизни эпақага солади? – Айни ҳолатда қўйидаги жумла сизга ердам бериши мумкин: “*Бу ерда мен ўзимни худди уйимдаги-дек бемалол ҳис қилияпман, ҳатто уйимдагидан ҳам яхшироқ ҳис қилияпман!*”

Фараз қилинг, одамлар олдида гапиряпсиз, аммо айримларни уйку элитяпти. Уларни сергаклантириш, ўзингизнинг ҳам, тингловчиларнинг ҳам диққатини ошириш учун қандай сехрли жумла керак? Жавобини ўзингиз топинг...

Фараз қилинг, маъруза пайти тўсатдан кимдир сизга кутилмаган, ўринсиз савол берди. Натижада, ўзингизни иўқотиб қўйдингиз. Оёқ-қўлларингизда куч қолмай, овозингиз қалтираб қолди. Энди яна ўзингизга бўлган ишончни қайтариш учун қанақа сехрли жумлани ишлатишингиз керак? Жавобини ўзингиз изланг...

Агар сизнинг руҳиятингизга тўғри келмаса, бошқаларнинг тайёр жумлаларидан фойдаланмаслик керак. Ўзингизга ёрдами тегадиган жумлаларни қўллаганингиз маъқул.

6-маслаҳат. Зарур бўлса, “кескин буйруқ” беринг.

Хаётда тез-тез учрайдиган ҳолатлардан бири:

Бирор маросимда кимгадир сўз берилади. У одам “нимадейман?”, “гапира олмайман”, деб ўзини ҳам, сўз берувчи ни ҳам ноқулай ҳолатга қўя бошлайди. Бундай пайтда киши ўзига кескин буйруқ бериши керак: “Тур ва гапир! Шунчалик кўрқоқмисан? Бошқалар, гапирганда сен гапира олмайсанми? Кўрқма, сўзлашни уddeлайсан!..”

Буйруқ қанчалик кескин бўлса, одамлар олдидағи қўрқув шунчалик кичик кўринади.

7-маслаҳат. “Одамлар нима дейди?” деб минбарга чиқманг.

Залда сиз учун аҳамиятли одамлар (бошлиқ, устоз, қариндош, дўстлар)нинг борлиги ҳаяжонингиз кўпайишига хизмат қилиши мумкин. Минбарга чиққач, уларга эътибор берманг. Бизни, асосан, уларнинг фикри ҳаяжонлантиради. “Одамлар нима дер экан?” деб яшовчи кишининг ўзига

ишенчи бўлмайди. Сиз шунча одамнинг олдига маъруза ўқиш учун чикдингизми, тамом, вазифангизни бажаринг. Бир нечта одамнинг фикри маърузангиз сифатига салбий таъсир қилмасин.

8-маслаҳат. Маърузангизга бошқача баҳо беринг.

Биз, кўпинча, тингловчилардан кўрқамиз:

- “Улар мендан устун” (илмли, маҳоратли, кучли, ўз ишининг устаси ва х. к.);
- Мен тажрибасизман, шу боис улардан камроқ биламан. Уларнинг олдида мен кичкина одамман;
- “Бу маъруза мен учун ниҳоятда зарур...” ва х. к.

Бу ерда бизнинг хатомиз шундан иборатки, биринчидан, тингловчиларни жуда юқори баҳолаяпмиз; иққинчидан, ўзимизни пастга уряпмиз; учинчидан, маърузанинг биз ва тингловчилар учун аҳамиятини кўтариб юборяпмиз. Нима қилиш керак?

Уч қадамда бераётган баҳомизни ўзгартиришимиз лозим:

1. Тингловчиларнинг наздимиздаги баҳосини пасайтирамиз: “Улар ҳам мендек оддий инсон. Уларнинг барчаси – яхши одамлар. Маърузам муваффақиятли якунланмаса, мени тушунишади, изза қилишмайди. Улар менга ёмонликни раво кўрмайди ахир”. Ўйлаб қарасак, аслида ҳам шундай!

2. Ўзимизга бўлган баҳони оширамиз: “Менинг бошқалардан кам жойим йўқ. Бошқалар ҳам вақтида менинг кўйимга тушган. Буюк нотиқлар ҳам ўз даврида менга ўхшаб ҳаяжонланишган. Мен ҳам фурсати келиб, албатта, буюк нотиқ бўламан! Бу иш мени қўлимдан келади. Мен, албатта, буни уddeлайман!” Агар олдимизга аниқ мақсад қўйиб, қийинчиликлар олдида чекинмасдан, доимо шу мақсад сари дадил ҳаракат қилсак, албатта, қўзлаган мақсадимизга ёришамиз.

3. Маърузанинг баҳосини туширамиз: “Нега мен бу маърузадан қўрқишим керак? Ахир у менинг ҳаёт-мамотимни ҳал қилимайди-ку! Омадсиз чиқса, осмон узилиб ерга тушармиди! Одамлар мени тошбўрон қилишмайди-ку! Нима бўлиши мумкин?.. Ҳеч нарса!.. Мен бўлса, қўрқиб ўтирибман!”

Бунақа баҳо бергандан кейин ўзингизни анча енгил ҳис қиласиз.

9-маслаҳат. Маъruzangiz natижасига хотиржам муносабатда бўлинг.

Омадсиз маърузанинг аҳамиятини ҳаддан ошириб юборманг. Нутқа ўйиндек муносабатда бўлинг: “Бугунги чиқишим омадсиз бўлди. Ҳечқиси йўқ. Хатоларимни топиб, кейинги маърузага (ўйинга) чиқсанда, албатта, омадга эришаман!”

Агар нотиқ омадсиз чиқишдан кейин: “Тамом! Ҳаммаси тугади! Энди одамларнинг юзига қандай қарайман? Нима учун ҳам шу соҳани танладим? Энди ҳеч қачон маъруза қилмайман”, деб тушкунликка тушадиган бўлса, бу унинг қийинчиликлар олдида дарҳол таслим бўладиган оддийгина ҳаваскор эканлигини кўрсатади.

Устамон нотиқ эса бошқача фикрлайди: “Хўш, бугун жуда бўш маъруза қилдим. Нега? Биринчидан, маърузани ҷўзиб юбордим. Иккинчидан, кўпчилик тушунмайдиган атамаларни кўп қўлладим. Учинчидан, одамлар чарчаганда мавзуни алмаштирамадим. Тўртинчидан, кўз мuloқотини фақат марказдагилар билан ўрнатиб, четдагиларга эътибор қаратмадим. Бешинчидан, маърузанинг охирги қисмини мужмал ва зерикарли якунладим. Хўш, энди хатоларимни англадим. Кейинги маърузага шундай тайёрланайки, ҳамма қойил қолсин!”

Бир нарсани тушунинг: маъруза омадсиз чиқса, сизни ҳеч ким ўқса тутмайди, ишдан бўшатмайди. Ҳаёт биргина омадсизлик билан тўхтаб қолмайди. Ер ўз ўқи атрофида айланаверади. Одамлар залдан чиқиб ўз ишини давом эттираверади. Кўпчилик сизнинг омадсиз маъruzangизни эсламайди ҳам, ҳатто улар учун бунинг ҳеч қанақа аҳамияти йўқ. Ана шу нарсани вақтида тушуниб, ҳис қилсангиз, барча тундлигингиз осон тарқалади, яна илгарига интила бошлайсиз.

10-маслаҳат. Ўзингизни чўчитманг.

Одамлар лиқ тўла залга кирдингиз ва уларнинг орасидан нимадандир норози, кайфияти йўқ, зериккан ё бефарқ

одам ёки бир нечта шу каби тингловчиларга кўзингиз тушди. Булардан ташқари залда сизга яхши муносабатда бўлган жуда кўп одамлар ҳам бор. Аммо, дикқатингизни фақат ўша норозилар ўзига жалб қилиб, қўрқув ошиб бораверади.

Аслида, уларнинг дилхиралиги боиси сиз эмас, аксинча, ўзининг бирор муаммоси бордир (касалдир, чарчагандир, ҳожатхонага чиқмоқчиидир...). Ҳатто тажрибали нотиқлар ҳам норози қиёфадаги тингловчини кўришса, ўзларини йўқотиб қўйишади.

Залда норози одамлар бўлса, нима қилиш керак?

11-маслаҳат. “Тарафдорлар”ни топиб олинг.

Залга киришингиз билан чехрасидан сизга самимий муносабатда бўлган одамларни топиб олинг. Аввало, шу кишилар билан кўз мулоқотини ўрнатинг ва улардан ижобий қувват олинг. Аввал бир одам билан, 5-10 сониядан кейин иккинчи одам билан, яна 5-10 сониядан сўнг учинчи одам билан кўз мулоқотини ўрнатиб бораверинг. Айрим пайтлар норози одамлар билан ҳам алоқа ўрнатиб туринг, уларни бутунлай назардан четда қолдирманг. Фақат улар сизни қўрқитмасин ва бутунлай дикқатингизни ўзига тортмасин ҳам. Ўзингизга бўлган ишонч камаяётганини сеза бошласангиз, яна сизга яхши муносабатда бўлган тингловчиларга эътибор қаратинг.

Агар залдагиларнинг ҳаммаси норози бўлса-чи?

12-маслаҳат. Агар ҳамма норозидек туюлса...

Биринчидан: пашшадан фил ясаманг. Бундай бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай аудиторияда ҳам ҳеч бўлмаганда бир нечта нейтрал одам бўлади.

Иккинчидан: бу ҳолатга синов ёки ўйиндек қаранг, вахимага тушманг. Ишонинг, бир неча дақиқадан кейин маъруза ҳам, синов ҳам тугайди.

Учинчидан: одамларнинг нимадан норозилигини тушунишга ва уни ечишга ҳаракат қилинг.

13-маслаҳат. “Жанг майдони” билан олдиндан танишинг.

Имкон бўлса, нутқ қиласиган жойингизни олдиндан бо-риб кўринг, у билан танишинг, унга кўникинг. Залга тингловчилардан олдинроқ келинг. Бу залдаги мухитга яхшироқ кўнишишга, мослашишга ва ўзингизга бўлган ишончнинг ортишига ёрдам беради.

14-маслаҳат. Чиқишиларни ўз майдонингиздан бошлиланг.

Имкон бўлса, токи тажрибангиз ошиб, ўзингизга бўлган ишонч ортгунча, ўз майдонингиз (оилангиз, қариндошларингиз, дўстларингиз, курсдошларингиз, маҳалладошларингиз давраси)да чиқишишга ҳаракат қилинг. Чунки улар ҳар доим сизга яхши муносабатда бўлишади, уялтиришмайди, фойдали маслаҳатларни беришади...

15-Маслаҳат. Залга ўз одамларингизни қўйинг ёки уларнинг айримлари билан олдиндан танишинг.


Имкон бўлса, залга ўз одамларингиз (дўстларингиз, қариндошларингиз, курсдошларингиз, танишларингиз)ни жойлаштиринг. Чунки улар маъруза пайти сизга далда бўлиб, сизни ижобий қувват билан таъминлаб туришади. Ёки маъруза бошлиномасдан олдин айрим тингловчилар билан олдиндан танишиб олишга интилинг. Чунки бу янги танишлар нутқ пайтида сизга дўстлардек муносабатда бўлишади ва улардан ижобий қувват олишингиз мумкин.

16-маслаҳат. Камида уч марта машқ қилинг.

Ҳар доим маърузани энг ками уч марта бошидан охири-гача машқ қилиб, такрорлаб олишингиз лозим. Ойна олдида туриб, худди ҳақиқатда мавжуд тингловчиларга мурожаат қилгандек гапиринг. Бунда қоматингизни тўғри тутишга, имо-ишораларга, қўл ва танангиз ҳаракатларига етарли-ча эътибор беринг. Кўпинча, ана шу жараёнда маърузадаги камчиликлар намоён бўлади ва уларни такрорлаш пайтида тузатиб олиш лозим. Бу тингловчилар олдидағи қўрқувнинг йўқолишига катта ёрдам беради.

17-маслаҳат. Ҳаяжонлансангиз, жағингизни қимирлатинг.

Ҳаяжон кучли бўлса, чиқишидан олдин одамлар кўрмайдиган жойда жағингизни орқа-олдинга 20 марта тез-тез



ҳаракатлантиринг. Бу ҳаракатлар натижасида адашган асаб толасининг томирчалари қўзғалиб, марказий асаб тизимиға сигнал юборади. Бу эса норадреналин ажралиб чиқиб, сизни анча тинчланишингизга олиб келади.

18-маслаҳат. Кўлларингизни ҳаракатлантиринг.

Ҳаяжонни босиш учун панжаларингизни қимирлатинг, бармоқларни ҳавода ҳаракатлантиринг, қўлларни букиб-ёйинг. Руҳшуносларнинг таъкидлашларича, қўл панжаларининг гимнастикаси ҳаяжоннинг шол қилувчи самарасини камайтириб, нутқ аппаратининг ишини рағбатлантирас, зеҳнни ўткирлаштириб, чиройли гапиришга ёрдам берар экан.

19-маслаҳат. Чиқишдан олдин яхши ҳаракат қилиб олинг.

Чиқишдан олдин тингловчилар кўрмайдиган томонга ўтиб, тез-тез қадам ташлаб, қўлларни елка бўғинидан ҳаракатлантириб, қонингизни юриштириб олсангиз, кўркувни енгишга катта фойдаси тегади Чунки, ҳар қандай жисмоний фаоллик асабий кучланишни камайтиради. Аммо бу ҳаракатлар ҳансирашга олиб келмасин!

20-маслаҳат. Гавдангизни мағрур тутинг. Секин, чукур ва текис нафас олинг.

Ҳаяжонланганда одам қўрққанидан, худди айб иш қилиб қўйгандек, елкаларини кўтариб, бошини олдинга эгади. Бу ҳолат кўркувни янада оширади. Шунинг учун энгакни кўтаринг, елкаларни туширинг, умуртқа поғонасини тик тутинг. Ташқи кўринишингиз вазмин, ўзига ишонган одамлардек бўлсин. Бу руҳиятингизга ижобий таъсир қилиб, ҳаяжонни камайтиради.

Ҳаяжонланаётган одам тез-тез ва юзаки нафас олади. Вазмин одам эса секин ва чукур нафас олади.

21-маслаҳат. Ҳеч қачон тинчлантирувчи воситалардан фойдаланманг.

Айримлар омма олдидағи кўркувни енгиш учун ичимлик ёки тинчлантирувчи дори воситаларидан фойдаланишади. Асло бундай йўл тутманг. Тинчлантирувчи воситалар

таъсирни сусайтиради, миянинг ишини секинлаштиради. Гапириш тезлигини пасайтиради. Камроқ ҳаяжонлансанак-да, маърузанинг сифатига путур етади.

22-маслаҳат. Ҳамма вақт ёнингизда матнлар бўлсин.

Нотиқнинг энг қўрқинчли туши – матнни эсдан чиқариб, одамларга қараб нима дейишни билмай турибди... Шундай ҳолга тушмаслик учун ҳамма вақт ёнингизда (қўлингизда, минбар ёки стол устида, чўнтағингизда) маъруза матни бўлиши лозим. Шунда:

- “эсимдан чиқиб қолса, нима қиласман?” деган қўрқув йўқолади ва ўзингизга бўлган ишонч ортади;
- мавзудан четга чиқиб кетмайсиз;
- чалғиган бўлсангиз, мавзуга дарҳол қайтасиз;
- қайси қисмдан қайси қисмга ўтиш кераклигини билиб турасиз.

Фақат ёдда сақлайлик: матн бизга мавзу ўйналишини кўрсатиб туради, холос. Аслида у тингловчи учун ўлиkdir. Матнни ўз сўзларимиз билан тўлдириб, бойичиб, унга ҳаёт бағишилаш, тингловчиларнинг қалбига етказиши – биз, нотиқларнинг асосий вазифамизdir! Шу вазифани уддалаш нотиқнинг маҳорат даражаси қанчалик баландлигини кўрсатади. Тезисни бошидан охиригача ўқиб бериш эса – нотиқ маърузага яхши тайёрланмаганигини кўрсатади.

II БОБ

ЧИҚИШГА ТАЙЁРЛАНИШ

Чиқишига тайёрланишнинг усуллари

Чиқишига тайёрланишнинг тўрт хил усули бор:

1. Экспромт – тайёрланмасдан чиқиб сўзлаш.

2. Река тузиб – олдиндан чиқишнинг режаси тузилади. Бунда режанинг ҳар бир бўлагида асосий фикр кўрсатилади.

3. Нутқ матнини ёзиш – бунда матн тўлиқ ёзилиб, чиқиши пайти бошидан охиригача ўқиб берилади.

4. Ёдлаб айтиш – чиқиши матни бошидан охиригача ёдланиб, қоғозсиз айтиб берилади.

Табиийки, бу усуллардан ҳар хил комбинацияда ҳам фойдаланиш мумкин.

Бу усуллардан қайси бири яхши? Бу нотиқнинг тайёргарлигига ва нутқнинг жавобгарлик даражасига боғлиқ. Тажрибали нотиқлар, одатда режали матндан фойдаланадилар. Нутқ пайти улардан тўғри фойдаланиб билиш лозим. Энг яхши вариант эса ёнингизда ёзувлар бўлсин-у, аммо улардан имкон борича камроқ фойдаланинг.

Чиқишини ўйлаш

Бирор масала бўйича чиқишингиз керак. Нимадан бошлиш керак?

Дарҳол бирорвонинг олдига маслаҳатга боришга шошилманг. Аввал чиқиши масаласи бўйича барча нарсаларни ўзингиз яхшилаб ўйлаб олинг.

Шу мавзуу бўйича дарҳол китоб ҳам қидирманг. Олдин ўзингиз биладиган ҳамма фикрларни йиғинг. Шундан кейингина китоб ва интернетдан маълумот излашга киришинг.

Ҳамма вақт йиғган маълумотларингиз гапирадиганингиздан 30-40% кўпроқ бўлсин. Психологик таҳлиллар шуни кўрсатадики, илм заҳираси кўпроқ бўлса, нотиқ ўзини жуда ишончли ҳис қиласар экан.

Режа – конспектни тайёрлаш

Аниқ бир мавзу бүйича конспект қандай тайёрланади?

1. Шу мавзуга алоқаси бўлган барча далилларни бир бошдан ёзиб чиқинг. Бунда уларни классификация қилишга ҳаракат қилманг. Сўнг мавзуга бевосита эмас, билвосита алоқаси бор нарсаларни ҳам эслаб ёзиб чиқинг. Чунки улар кейинроқ керак бўлиши мумкин.

2. Кейин шу рўйхатдагиларни ичидан асосий ва иккинчи даражалиларини ажратинг. Асосийларини тагма-таг ёзиб, уларнинг орасига қўшимча маълумотлар ёзиш учун жой қолдиринг.

3. Бу оралиқларга иккинчи даражали маълумотларни мавзуга қараб ёзиб чиқинг.

4. Мавзуга алоқаси бўлмаган нарсаларни умуман ўчириб ташланг.

5. Яна бир марта ўқиб чиқиб, нима етишмаётганини ўйлаб кўринг. Уларни топиб, режага киритинг.

6. Режани учга бўлинг: 1) кириш қисми; 2) асосий қисм; 3) хулоса қисми. Кириш ва хулоса қисмини чиройли, ёрқин, таъсирчан шаклда сўзма-сўз ёзинг.

7. Асосий қисми ёзаётганда масалаларни рақамлаб чиқинг. Масалан, “Биринчи масаламиз шуки...”, “Энди иккинчи масалага ўтамиз...” ва ҳ. к.

Ҳар бир масалани қувватловчи бир нечта фактлар бўлсин.

Маъруза матнига саволлар эмас, балки аниқ исботлар, далиллар, фикрлар киритилиши керак.

23-маслаҳат. Ҳафта давомида тайёрланинг.

Имкон бўлса, нутққа бир ҳафта олдин (ёки ундан ҳам аввалроқ) тайёрланишни бошланг. Асосий режани тузиб олгач, ҳар куни, ҳар соатда, ҳамма жойда, ҳатто ухлаётганда ҳам мавзу ҳақида ўйлайверинг. Эрталаб уйғонганда, ювинаётганда, соқол олаётганда, овқатланаётганда, машинада кетаётганда, бошқа ишлар билан банд бўлганда ҳам ўйларингиз нутқ ҳақида бўлсин. Дўстларингиз, танишларингиз билан шу мавзуда кўпроқ гаплашишга ҳаракат қилинг. Айрим пайтлар мавзуга мос ажойиб фикр келади ёки бирор

маълумот эсга тушиб қолади ёҳуд бирор гапни эшитиб ёки ўқиб қоласиз. Хотирадан кўтарилимаслиги учун дарҳол уни қўлингизга тушган хоҳлаган қофоз бўлакчасига ёзиб қўйинг. Сўнг бундай бўлакчаларни бирор қутича ёки конверт ичига солиб қўяверинг. Кун давомида уларнинг сони бир нечтага етиши мумкин. Ҳар кечқурун бироз вақт акратиб, уларни тартибга солинг, қўшимчалар қўшинг, ривожлантиринг. Шу қисқа бўлакларни тингловчилар олдида гапиргандек машқ қилинг. Шу жараёнда яна қўшимча фикрлар келаверади, нутқ китобий ёки расмий эмас, балки қалбингиздан чиқаётган фикрлар билан тўлиб бораверади. Натижада, ҳафта давомида, аста-секинлик билан Сизнинг нутқингиз пишиб етилади. Энди ундаги маълумотлар, қайси манбадан олинганилигидан қатъи назар, сизнинг миянгизда таҳлил қилиниб, қалбингиз орқали ўтган бўлади. Бундай нутқ энди нафақат тилдан, балки юракдан ҳам чиқади ва, албатта, тингловчиларнинг қалбигача етиб боради.

Энг қизиғи шундаки, худди шу нутқни, айнан шу сўзлар билан бир кун тайёрланиб айтиб берсангиз, тингловчиларга бир ҳафталик тайёргарликдагидек таъсир қилмайди. Сабаби, бир кунлик тайёрланган маълумотлар нотиқнинг мияси орқалигина ўтади, холос, аммо қалби орқали ўтмаган бўлади!

Конспектдан фойдаланиш

Ҳар хил нотиқлар маъруза матнидан ҳар хил фойдалана-дилар. Техник томондан энг қулайи конспектни бир нечта майдароқ қофозларга ёзиш ҳисобланади. Чунки улар билан залга кириш, кўлда ушлаш осон ва қулай. Аммо, имкон бори-ча уларга камроқ қараш керак. Айримлар қофозлардан фойдаланиш нутққа бўлган қизиқишини 50 % га камайтиришини ҳисобга олиб, улардан умуман фойдаланмасликни маслаҳат берадилар. Бироқ бу ишни бир мавзуда жуда кўп марта нутқ қилган тажрибали нотиқларгина эплай олишлари мумкин. Бошқаларни эса вақти-вақти билан матнга қарашларининг айби йўқ.

34-маслаҳат. Сўз бойлигингизни оширинг.

Күнинча, эндигина нотиқликини бошлаган кишилар нутқ пайтида уларга сўз бойлиги етишмаслигини, керакли сўзларни топа олмай қийналаётганларини ёки улардан чироили жумлалар туза олмасликларини тушуниб етадилар. Натижада, равон нутқ қила олмайдилар ёки маъруза қилган тақдирда ҳам, ишлатадиган сўзларининг захираси жуда гариб, жўн ва фўр бўлади.

Барчамиз ҳаётда жуда кўп сўзларни эшитганмиз ва уларни тушунамиз. Нега уларни нутқ пайтида қўллай олмаймиз?

Биринчидан, кундалик ҳаётимизда кўп сўз ишлатмаймиз. Чунки кўп сўз ишлатишга, яна улардан ҳар хил кетма-кетлиқда фойдаланишга ҳожат ҳам йўқ. Ҳар биримиз кундалик ҳаётимизда ўртача 1000-1500 та сўз ишлатар эканмиз. Лекин дар бир тилнинг лугатида юз минглаб сўзлар бор!

Иккинчидан, сўзлар ва жумлалар захирасини кўпайтириш учун кўпроқ ўкиш, ёзиш ва гапириш керак. Бадиий китобларни кўп ўқишининг, айниқса, фойдаси катта! Улар ўқувчининг дунёқарашини кенгайтиради, унинг сўз захирасини оширади. Бадиий китоб ўқимаган киши ҳамма воқеаларга ўзининг нуқтаи-назаридан баҳо бера олади, холос. Кўп китоб ўқиган киши эса, нечта муаллифнинг китобларини ўқиган бўлса, масалага ўшаларнинг дунёқараши билан ҳам баҳо бера оладиган бўлади.

Керакли сўзларни тез топиш ва улардан фойдаланиш учун ёзишнинг ҳам фойдаси катта. Шунинг учун кўпроқ иншо, баён, хат ёзинг, интернет орқали кўпроқ ёзма муроқот қилинг. Бунда бехато, чироили ва мантиқли ёзиб, янги-янги сўзлардан фойдаланишга ҳаракат қилинг. Эсингиздан чиқарманг, ёзувингиздаги хатолар сизнинг илм даражангизни кўрсатиб туради!

Агар қўлингиздан келса, шеър ёзишга ҳаракат қилинг. Майли, ёзган шеърингизни ўзингиздан бошқа ҳеч ким ўқимасин. Лекин бу машғулот сўз захирангизнинг кескин кўпайишига, нутқингизнинг сифати ошишига олиб келади. Чунки шеър ёзиш пайтида сиз керакли сўзларни қидиришга,

улардан жумлалар тузишга, бу жумлаларни маълум шаклга келтиришга мажбур бўласиз. Аввалига бу машғулот қийин кечади, аммо борган сайин осонлашиб бораверади.

Сўздорки, нишон берур ўликка жондин,

Сўздорки, берур жонга хабар жонондин.

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,

Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

(Алишер Навоий)

25-маслаҳат. Чиқишингизнинг мақсадини аниқлаб олинг.

Маърузангизнинг мақсади нима? Унинг натижасида тингловчилардан нима кутмоқдасиз? Буларни аниқлаб олинг. Масалан:

- тингловчи биз учун овоз берсин;
- бизнинг маҳсулотни сотиб олсин;
- бизнинг хизматлардан фойдалансин;
- маълум бир мансабга сайлашсин;
- биз бераётган фойдали илмни олсин;
- маълум бир ёмон иш ёки йўлдан қайтсин;
- маълум бир яхши ишни қилсин ва ҳ. к.

26-маслаҳат. Маърузангизнинг режасини тузиб олинг.

Маъруза режасини тузатибданда уч гуруҳ саволларга жавоб беринг:

1-гуруҳ саволлар: Залда кимлар бўлади? Улар нимага қизиқади? Уларнинг илмий даражаси қандай? Уларни бир жойга йиғишидан мақсад нима? Улар сиздан нимани кутишяпти? Уларни нима хафа қилади-ю, нима хурсанд қилади? Улар сиз ҳақингизда қандай фикрда? Уларнинг умумий суратини чизишга ҳаракат қилинг.

2-гуруҳ саволлар: Маърузангиздан сўнг улар нима қилишади? Маърузанинг мақсади нима? Уларнинг нима қилишини хоҳлайсиз?

3-гуруҳ саволлар: Шу мақсадга эришиш учун нима қилиш керак? Уларни қайси далиллар билан ишонтириш керак? Бунинг учун қайси гаплардан фойдаланган маъқул? Ва қайси гапларни ишлатиш мумкин эмас?

Бу саволларга жавоб топгач, қўйидаги бир неча талаблар асосида режани тузиб чиқишингиз мумкин. Масалан:

1. Далилларни келтириш.

2. Келтирилган далиллардан хulosса чиқариш.

3. Шу хulosаларга кўра бирор ҳаракатга даъват қилиш.

Яна бир режа тузилиши:

1. Бирор ёмон нарсани тақдим этиш.

2. Бу ёмонликни тузатиш йўлини кўрсатиш.

3. Бу ишда ҳамкорликка чақириш.

Бошқа бир режа тузилиши:

1. Мана бу тузатишими керак бўлган ҳолат.

2. Бу ҳолатни тузатиш учун мана бу ва мана бу ишларни бажаришимиз лозим.

3. Мана бу сабаблар туфайли сизлар бу ишда ёрдам берингиз шарт.

Яна бир бошқача режа:

1. Тингловчиларни қизиқтириш.

2. Уларнинг ишончига кириш.

3. Фактларни келтириб, уларнинг яхши томонларини тушиунистириш.

4. Ишонтирувчи сабабларни келтириб, ҳаракатга даъват қилиш.

27-маслаҳат. Нутқ матнини бошидан охиригача тўлиқ ёзманг.

Айрим нотиқлар маъруза матнини бошидан охиригача ёзадилар. Бу нотўғри. Ёзилган нутқни ёдлаб, қофозга қарамасдан айтиб берса ҳам, барибир ёзма эканлиги билиниб туради. Нутқни бошидан охиригача тўлиқ ёзиш фақатгина масалани қийинлаштиради.

28-маслаҳат. Чиқишингизни шунчаки режангизга қараб машқ қилинг.

Айрим пайтлар қофозда ёзилган нарсаларни ўқиб берингача тўғри келиб қолиши мумкин. Ойнанинг олдида машқ қилаётганда қофоздагиларни тўлиқ ўқимай, фақатгина режангизга қараб-қараб қўйинг. Ҳар бир машқ ўтган сари, қофозларга иложи борича камроқ қараб, тасаввурдаги тингловчиларга кўпроқ назарингизни қаратишга урининг.

29-маслаҳат. Ўз нутқингизни диктофонга ёзиб олинг.

Ўз нутқингизни диктофонга ёки қўл телефонига ёзиб олинг. Нутқни қоғозга қарамай, ўз сўзларингиз билан сўзланг. Нутқингиздаги камчиликларга, ўринсиз сўзларга, ортиқча сукутларга, нафас олишингизга эътибор беринг. Камчиликларни топиб, уларни тузатиш устида ишланг. Нутқингиздаги ўсишни қузатиб бориш учун олдинги ёзувларни ўчириб ташламанг.

30-маслаҳат. Маъруза режасининг ҳар бир пунктини ҳар хил рангдаги алоҳида қаттиқ қоғозларга ёзинг.

Бу усул керак бўлганда уларни топишни, улардан фойдаланишни осонлаштиради.

31-маслаҳат. Сизни қўллаб-қувватлайдиган тингловчилар (қариндошлар, дўстлар) олдида машқ қилинг.

Ўзингиз яхшилаб эслаб қолмоқчи ва тингловчиларга алоҳида таъкидламоқчи бўлган асосий фикрларни қариндошларингиз, дўстларингиз, ҳамкасларингизга имкон бўлганда кўпроқ айтишга ҳаракат қилинг. Натижада, шу масалани ўзингиз ҳам яхши тушуниб оласиз ҳамда маълум бир шаклланган фикрга эга бўласиз.

32-маслаҳат. Маърузадан олдин, албатта, дам олинг.

Чарчаган нотиқ тингловчиларни ўзига тортадиган магнетик қувватга эга бўлмайди, ҳаётий кучи камлиги сезилиб туради. Хотира пасаяди, нутқдаги равонлик йўқолади. Шунинг учун маърузадан олдин жисмонан ёки руҳан қаттиқ чарчатадиган бирор иш қилманг. Чиқишдан 1 – 1, 5 соат олдин кутилмаган, ноодатий ёки янги иш билан шуғулланманг – бу сизнинг дикқатингизни чалғитади. Нутқдан олдин жуда қаттиқ оч қолманг ва шу билан бирга, жуда тўйиб овқатланманг.

III БОБ

ТИНГЛОВЧИЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Сигирни гўшт билан боқиш мумкинми? Йўқ! Чунки у гўшти ёқтирилмайди. У пичанни, хашакни хуш кўради. Демак, унга ўзи яхши кўрадиган нарсаларни бериш керак.

Нотиқ ҳам тингловчиларга қизиқ бўлган мавзуларда гапириши керак. Албатта, мактаб ўқувчиларига улар тушунмайдиган қийин мавзуларда, аёллар жамоасига эркаклар тушунадиган техник атамаларни қўллаб, 3-4 та тингловчи олдида бир неча юз одамга мурожаат қилгандек нутқ қилиш мумкин эмас.

Ҳар бир нотиқ нутқни тайёрлаётганда аудитория ҳақида олдиндан кўпроқ маълумот йиғиши керак. Тингловчиларнинг руҳий портретини тузиб чиқиб, уларни нима қизиқтиришини таҳлил қилиши лозим. Қуйидаги саволларга жавоб излаш керак:

- Нечта одам бўлади?
- Эркакларми ёки аёллар?
- Уларнинг ёши нечада?
- Уларнинг ўзаро муносабатлари қандай?
- Уларнинг социал даражаси, мансаби?
- Уларнинг илмий даражаси қандай?
- Уларга қандай (илмий, оддий, жуда содда) нутқ қилиш керак?
- Қарорни ким қабул қиласи?
- Тингловчилар нотиқдан нимани кутишмоқда?

Нечта одам бўлади?

Албатта, 3-4 та кишининг олдида маъруза қилиш билан 20-30 ёки юзлаб одамларнинг олдида нутқ қилишнинг фарқи жуда катта.

- Илнитирувчи саволлар, мулоқот, диалог каби усуллар учна катта бўлмаган аудитория учун жуда манфаатли бўлсада, катта омма олдида уларнинг фойдаси йўқ, ҳатто заарли бўлиши мумкин.

- Юқори қувват, кенг ва фаол имо-ишоралар, руҳий босим катта омма олдида яхши натижа берса-да, бир нечта одамлар олдида бемаъниликка айланиб қолади.

- Қийин графикали слайдлар, илмий күргазмали жадваллар, схемаларни 15-20 та одам бор залда күрсатиш ва тушунтириш мумкин. Аммо юзлаб одамлар олдида бу иш бефойда бўлиб, уларнинг оз қисмигина тушуниши мумкин, холос.

Эркакларми ёки аёллар?

Агар залда фақат аёллар бўлса – бу бир муҳит. Фақат эркаклар бўлса – бошқачароқ муҳит. Эркак ва аёллар аралаш бўлса – учинчи муҳит.

- Аёлларга маъруза қилганда болалар, муносабатлар, кийим-кечак ва пардоз-андоздан мисоллар келтирсангиз, улар яхшироқ тушунишади.

- Эркакларга эса спорт, техника, автомобиллардан мисоллар келтирсангиз, улар бу маълумотларни қизиқиб, яхши қабул қилишади.

- Аёллар руҳий таъсирга берилувчан бўладилар. Шунинг учун уларга таъсирчан воқеа, ривоят ёки ҳаётӣ мисоллар келтириш фойдалидир.

- Эркаклар эса қўпроқ натижага қизиқадилар. Шунинг учун ҳар бир айтиётган нарсангиз қандай натижага олиб келишини айтиш керак.

Тингловчиларнинг ёши?

Залда кимлар бўлади? Ёш болаларми ёки кексаларми? Талабаларми ёки катталарми? Шуларни билсангиз, уларнинг ёшига ва дунёқарашига мос мисоллар, воқеалар, далиллар танлашингиз мумкин бўлади.

- Янги мультфильмдан мисол келтирсангиз, буни ёшлар курсандлик билан қабул қилишади, аммо бу нафақадагиларга хуш келмайди.

- 30-40 йил олдинги фильмдан мисол келтирсангиз қариялар қалбигача етиб бориши мумкин, бироқ ёшлар буни тушунишмайди.

- Ёши катталарга босиқлик билан, далил-исботлар билан тириш мумкин, лекин бундай маъruzани болалар қабул қилишмайди.
- Ёш болалар учун эса жўшқин маъруза тайёрланиб, унда волеалар ҳар 2-3 дақиқада ўзгариб туриши лозим.

Ижтимоий статус қай даражада?

Тингловчиларнинг ижтимоий даражасини, уларнинг мансабини, корхонадаги ва жамиятдаги ҳурматини ҳисобга олиб маъруза тузиш керак. Агар раҳбарлар даврасида нутқ қилишга тўғри келса, уларга у ёки бу ишни “қилиш керак” тарзида эмас, балки “маълумот учун айтиб ўтиш керак-ки” шаклида тавсия қилиш лозим. Имкон бўлса бир неча вариантларни айтиб, қайси бирини танлашни уларнинг ихтиёрига ташлаш керак.

Раҳбарларга нутқ қилганда уларнинг ҳурматини сақлаб қолишига алоҳида эътибор бериш керак. Уларга ҳар хил гумонли саволлар бериш, ҳазиллашиб, машқларни бажартириш мумкин эмас. Акс ҳолда, улар бошқаларнинг олдида нокулай вазиятга тушиб қолиши мумкин.

Оддий одамлар даврасида эса бемалол ҳар хил ўйинлар, ҳазиллар, машқларни бажарса бўлади ва улар буни жуда яхши қабул қилишади.

Қатнашчилар ўртасидаги муносабатлар қандай?

Қатнашчиларнинг ҳаммасининг даражаси бир хилми (фақат раҳбарлар, фақат ишчилар, фақат олимлар) ёки ҳар килми (раҳбарлар ва ишчилар)? Улар ўртасидаги муносабатлар қандай (дўстона, рақобат, душманлик)?

Шуларни ҳисобга олиб маъруза ўқиши керак.

- Агар раҳбар ва ишчилар бир жойда бўлса, субординацияга риоя қилиш керак. (“Субординация” – хизматда кичикларнинг даражама-даражага катталарга бўйсуниши) Хусусан, савол-жавоблар вақтида савол навбатини мансаби юкорироққа кўпроқ бериш керак.
- Агар йиғилишда икки рақобатчи гурӯҳ қатнашаётган

бўлса, иккала томонни ҳам тенг кўриб, уларга навбат билан мурожаат қилиш ўринли. Савол навбатини ҳам галма-гал, адолат билан бериш керак. Шундай қилиш керакки, иккала томон ҳам ўзини камситилгандек ҳис қиласин.

- Агар қатнашчилар олдиндан бир-бирига душманлик кайфиятида юрган бўлса, маъruzанинг бошида шу нарса ҳақида қисқача гапириб, ушбу адоватни вақтинча унутиш кераклигини айтиб ўтиш керак. Бу вазиятда маърузани ҳеч нарса бўлмагандек бошлаш мумкин эмас. Олди олинмаса, маъруза жанжалга айланиб кетиши мумкин.

Тингловчиларнинг илмий даражаси қандай?

Сиз кўтариб чиқаётган мавзу бўйича тингловчиларнинг илм даражаси қандай? Улар бу масалада ҳаваскорми ёки профессионал?

Агар улар профессионал бўлса, албатта, унда қийин атамалардан, мураккаб жадвал ва диаграммалардан фойдаланиш мумкин. Аммо, ҳаваскорлар олдида бундай мураккаб маълумотлардан фойдаланиш бефойда, улар барибир тушунишмайди. Уларнинг олдида бу қийин атамаларни ишлатмаслик керак ёки улардан фойдалангач, содда тилда уларнинг маъносини тушунтириб бериш лозим. Масалан:

- Бизнинг компания кейтеринг билан шуғулланади, яъни...

- Кўп эркакларда простатит касаллиги учрайди. Простатит – бу...

- Бу ишда капитализациянинг аҳамияти катта, яъни...

- Бу эса дефолтга олиб келиши мумкин. Дефолт – бу...

Бундай атамаларни бир марта тушунтириб берсангиз ки-фоя, кейинги марта ўшанга таяниб давом эттираверасиз.

Агар залда ҳаваскорлар билан профессионаллар бирга ўтиришган бўлса, нотиққа анча қийин бўлади. Чунки, жуда содда тилда гапирса, профессионаллар зерикиб қолади, мураккаброқ атамалардан фойдаланса, ҳаваскорлар тушунишмайди.

Бундай вазиятда шу масалани ҳал қиласиган одамлар-

шинг илм даражасига қарайсиз. Ҳал қилувчи овозга эга кишилар ҳаваскор бўлса, содда тилда гапирасиз. Агар улар профессионал бўлса, мураккаб атамалардан фойдаланаверасиз.

Жамоадаги сўзлашув услуби қай тарзда?

Ушбу жамоада аввалдан қандай сўзлашув услуби одат пулган? Ҳазиллашиш мумкинми ёки жиддий равишда сухбат олиб бориш керакми? Дўстона руҳда бўлса-чи?

- Шулардан келиб чиқиб, слайдларни ҳам жиддий ёки ҳижвий шаклда тайёрлайсиз.
- Жиддий ҳаётий мисолларни келтирасиз ёки кулгили латифаларни танлайсиз.
- Адабиёт ўқитувчилари олдида ҳеч қачон кўча тилида гаплашмайсиз.
- Диндорлар олдида ўткир латифалар айтмайсиз ва ҳ. к.

Қарорни ким қабул қиласи?

Сизнинг масалангиз бўйича қарорни қабул қиласидиган кишилар ҳақида кўпроқ маълумот йиғинг. Улар кимлар? Улар неча киши? Уларнинг бошқа тингловчилардан фарқи нима?

- Уларга кўпроқ эътибор қаратинг.
- Уларнинг саволларига мукаммалроқ жавоб беринг.
- Уларга саволлар билан мурожаат қилинг.
- Агар уларнинг бирор қизиқадиган соҳасини билиб олсангиз, ўша соҳадан мисоллар келтиринг. Масалан, раҳбар автооламга қизиқса, автомобиллардан мисоллар келтиринг. Спортга қизиқса, ўша спорт тури ҳақида маълумотлар айтинг ва ҳ. к.

Тингловчилар нотиқдан нимани кутишмоқда?

Тингловчилар нотиқни танийдими? Уларнинг нотиқقا муносабати қандай? Улар минбарда кимни кутишяпти?

- Агар тингловчилар олдида обрў-эътиборингиз баланд бўлса, кўп гапларингизни исботлаб ўтиришни ҳожати йўқ. Одамлар гапингизга шундоқ ҳам ишонишади.

- Агар сизга муносабат аввалдан яхши бўлмаса, унда ҳар бир гапингизни исботлаш учун икки баравар кўпроқ исбот ва далиллар келтиришингиз керак бўлади. Акс ҳолда, тингловчилар сизга ишонишмайди.
- Агар бошқа нотик (масалан, раҳбар) ўрнига сизни нутқ қилишингизга тўғри келиб қолса, аввал нима сабабдан бирорвинг ўрнига чиқаётганингизнинг сабабини тушунтиришингиз керак бўлади. Сўнг, сизга ишонишлари учун имкон қадар кўпроқ исбот ва далилларни келтириб нутқ қилишингиз лозим.

Нотиқнинг кийими ҳақида...

“Кийимга қараб кутиб олишади, ақлга қараб кузатишади”. Кўпинча, шу мақолни эсдан чиқариб қўямиз. Агар тингловчилар кутганидек кийинмаган бўлсақ, биринчи сонияданоқ ўзимизга салбий муносабатни нақд қилиб қўямиз. Сўнг шу муносабатни ижобий томонга ўзгартириш учун кўп куч ва вақт сарфлашимизга тўғри келади. Демак, ўзимизга ортиқча муаммо пайдо қиласлик учун, вазиятга мос кийинишимиз лозим.

- Агар расмий йиғинга костюм ва галстукда бориш керак бўлса, хеч қачон у ерга жинси шим ва майкада борманг.
- Агар норасмий йиғилиш бўлса, у ерга костюм ва галстукда бориш мумкин эмас.
- Агар бирор узрли сабаб туфайли вазиятга мос кийина олмасангиз (масалан, вокзалда чемоданингизни йўқотиб кўйдингиз), бошидан 2-3 жумла билан ғайриоддий кийинишингизнинг сабабини тушунтиринг.
- Нотиқ учун нутқ – юксак масъулият, ўзига хос имтиҳон. Бу имтиҳонга алоҳида муносабат ва алоҳида тайёргарлик талаб этилади. Нутқ учун маҳсус олиб қўйилган чиройли, дазмолланган кийимларингиз бўлиши лозим. Нутқ куни киядиган кийимларингиз оддий кунлардагидан фарқ қиласин. Шунда тингловчиларнинг ҳам сизга нисбатан муносабати, иззат-хурмати ўзгача бўлади.
- Кийинища модага бино қўйиб, ҳаддан ошмаслик

миссадга мувофиқ. Ортиқча тақинчоқлар тақмаслик лошим, чунки улар тингловчиларни чалғитади. Аёл нотиқнинг кийими баданига ёпишиб турмасин, акс ҳолда одамлар унга фиқат сексуал объектта қарагандек назар ташлаб, нутқига тутибор беришмайди.

- Нотиқнинг кийими ёшига мос бўлсин. Ёши катта нотиқнинг ёшларга тақлид қилиб кийиниши ёки тескариси тингловчиларнинг ғашига тегади.

Тингловчилар залга нима учун келишди?

Тингловчилар бу ерга нима сабабдан келди? Уларнинг мавзуга муносабати қандай?

Балки, улар раҳбариятнинг буйруғи ёки бирор бошқа сабаб туфайли мажбур келишгандир. Бундай вазиятда нутқнинг бошидаёқ ушбу маъруза уларга қандай манфаатлар келтириши мумкинлигини тушунтириш лозим. Имкон бўлса, бундай тингловчиларга илм бермагандай илм беринг. Ҳар хил қизиқарли ривоятлар, ҳаётий воқеалар, латифалардан унумли фойдаланиб, маълумотларни (илмни) етказинг.

Агар мавзу тингловчилар учун жуда зарур бўлса, унда илмий далиллар, исботлар, жадваллардан кўпроқ фойдаланишингиз мумкин. Зарур эканми, демак, қулоқ солишади, ўрганишади.

Тингловчилар ҳақидаги қўйидаги маълумотлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин:

- Тингловчиларнинг динга муносабати?
- Тингловчиларнинг сиёсий қарашлари?
- Тингловчиларнинг миллати?
- Тингловчиларнинг бошқа миллатларга муносабати?
- Тингловчиларнинг даромади?

Бу саволларга жавоб топиш учун 5-10 дақиқа етарли бўлади. Уларнинг айримлари мавзу учун аҳамиятсиздек кўринса-да, аслида маъруза натижасига катта таъсир қилиши мумкин.

IV БОБ

МАЪРУЗАНИНГ ТУЗИЛИШИНИ ШАКЛАНТИРИШ

Режа шакли қандай бўлиши керак?

Режамиз шакли қуидагилардан иборат бўлиши керак:

1. Кириш қисми (маърузанинг тахминан 20 фоизини ташкил этиши керак);
2. Асосий қисм (60 фоиз);
3. Кульминация (асосий қисмнинг охирида);
4. Холоса (охирги, хайрлашув) қисми (20 фоиз).

33-маслаҳат. *Маърузанинг кириши қисмига алоҳида эътибор беринг.*

Маърузани қандай бошлаб, унга қандай руҳият бағишиласангиз, охиригача шундай давом этади. Кириш қисми тингловчилар билан кўз алоқасини ўрнатиш, уларни қиздириш, асосий қисмга тайёrlаш учун керак.

34-маслаҳат. *Кириши қисмida маърузанинг мавзуси ва давомийлигини эълон қилинг.*

Кириш қисмida, агар тингловчилар маълумотга эга бўлмасалар, маърузангиз нима ҳақида ва қанча давом этишини, албатта, эълон қилинг. Агар одатий – доимо маълум бир вақтда тугайдиган маъруза бўлса, унда мавзу эълон қилинади, аммо қачон тугашини айтиш шарт эмас.

35-маслаҳат. *Асосий қисмда муаммо ҳақида гапиринг.*

Ҳаммамиз ҳам радио орқали ноxуш хабар айтилса, зудлик билан бориб уни баландлатамиз. Агар ютуқлар ҳақида гапирилса, унча эътибор бермаймиз. Бунга сабаб, мияда безовталашиб марказлари роҳатланиш марказларига нисбатан анча кўп. Шундан фойдаланган кўлгина телеканаллар ҳам кўпроқ зўравонлик ва ҳалокатлар тўғрисида маълумотлар беришади. Бу уларнинг аудиториясининг ошишига сабаб бўлади.

Айтайлик, мавзу гиёхвандлик ҳақида. Киришдан сўнг, асосий қисмда 60 фоиз вақт давомида шу муаммонинг келиб

чөнши, ҳозирги кундаги ахвол, унинг даҳшатли оқибатлари ва шунга доир мисолларни келтирасиз. Берилған ташвишли матъумотлардан таъсирланган тингловчилар етилгач, энди кульминацион қисмга ўтамиз.

36-маслаҳат. Кульминацион қисмни чўзманг.

Бунда гиёхвандликка қарши қурашиш учун қанақа чоралар кўриш кераклигини санаб ўтамиз. Кульминацион қисмда ҳамма нарса аниқ, қисқа, лўнда бўлиши лозим. Уни чўзини керак эмас. Масалани ҳал қилишнинг аниқ чоралари-ни потиқнинг ўзи санаб ўтган маъқул.

37-маслаҳат. Ҳеч қачон маърузага тайёр эмаслигингизни ёки ҳаяжонланаётганингизни эълон қилманг.

Агар ҳаяжонланаётганингизни, кўрқаётганингизни ёки тайёр эмаслигингизга икрор бўлсангиз, тингловчилар маърузанинг охиригача сизни паст назар билан кузатади. Сиздаги ҳаяжон ва қўрқув аломатларини қидириб, хаётий міракатларингизни эътибордан қочирмайди. Ҳеч кимнинг сизга раҳми келмайди, маъруза омадсиз чиқади. Агар тан олмасангиз, кўпчилик уни сезмаган ҳам бўларди. Аммо айтиб, ҳаммага ошкор қилиб қўясиз.

38-маслаҳат. Маърузанинг сўнгига алоҳида эътибор беринг.

Нутқингизнинг охирига ҳам алоҳида эътибор бе-ринг – у юқоридагиларни мустаҳкамлади. Маърузани муваффақиятли адо этиб, охирида: “Шу билан маърузам якунига етди”, деб чиқиб кетсангиз, бу сиз ҳақингиздаги яхши таассуротни ўчиради.

39-маслаҳат. Эслаб қолинг: маърузанинг боши ва охир икълга эмас, балки ҳиссиётлар билан боғлиқдир.

Тугаш қисми асосий қисм билан боғланган, юқори ва кўтаринки руҳда бўлиши керак. Тугаш қисмига шундай руҳият бериш керакки, у гаплар тингловчининг қалбигача етиб борсин, беихтиёр чапак чалгиси келсин. Агар маърузанинг бошидаги гаплар билан охиридаги гаплар бир занжирга бирлашса, бу тингловчилар томонидан жуда ижобий қабул қилинади.

40-маслаҳат. Маърузанинг бошловчи ва тугатувчи жумлаларини ёдлаб олинг.

Маърузанинг бошидаги ва охиридаги 3-4 та жумлани яхшилаб ёдлаб, унга имо-ишораларни, нутқ оҳангини кўшиб қайта-қайта машқ қилиш мақсадга мувофиқ. Шунда ўзимизга бўлган ишонч ортади, агар қайдларимиз бўлмаса, матн эсдан чиққан тақдирда ҳам, қаердан бошлаб, нима билан тугатишни биламиз.

Нима учун биринчи жумлаларни ёдлаш керак?

Айрим нотиқлар минбарга чиқаётганда мавзу нималигини биладилар-у, аммо маърузани қайси жумлалар билан бошлаш кераклигини тасаввур ҳам қила олмайдилар. Натижада, маързуза зерикарли, бўш, сўлғин бошланади. Агар бошидаги жумлаларни олдиндан тайёрлаб, ёдлаб, уларга кучли қувват бера олса, маързуза охиригача шу руҳда давом этади.

41-маслаҳат. Саволларга жавобни асосий қисмнинг охирида берган маъқул.

Агар тингловчилардан саволлар тушган бўлса, уларга маърузанинг асосий қисмининг охирида, якуний қисмдан олдин жавоб бериш керак.

42-маслаҳат. Маърузани чўзмасдан, сизга ажратилган вақтда тугатинг.

Акс ҳолда, тингловчиларнинг асабийлашиб, сизга нисбатан салбий муносабатда бўлишига сабабчи бўласиз. Ўз фикрларини қисқа, лўнда ва аниқ ифодалай олиш – нотик маҳоратининг аломати. А. П. Чехов: “Қисқалик – истеъдоднинг синглиси”, деганда тамоман ҳақ эди.

43-маслаҳат. Маърузани бошлишдан олдин, унинг режасига жиддий ўзгартиришлар киритманг.

Ҳафта давомида маърузага тайёрландингиз, нимадан кейин нимани айтишни яхши биласиз. Аммо, маърузани бошлишдан олдин жуда қизиқарли маълумотни топиб олдингиз. Унга тайёрланишга эса улгурмаяпсиз ёки эсингиздан чиқариб қўйиш эҳтимоли бор. Нима қилиш керак?

Энг хавфсиз йўли – бу маълумотдан фойдаланманг, режангизга ўзгартириш киритманг. Акс ҳолда, ҳаммаси чалкашиб кетиб, маъруzanгиз омадсиз чиқиши мумкин.

В БОБ АУДИТОРИЯНИ ТАЙЁРЛАШ

Аудиторияни тайёрлашда қуийдагиларга эътибор беринг

44-маслаҳат. Аудиторияда тоза ҳаво ва ёқимли фон бўлсин.

Агар зарур бўлса, деразани очиб хонани шамоллатинг.

Имкон бўлса, ёқимли фон бўлсин. Чиқиш учун энг яхши фон – орқа томонда қорамтир-кўк духоба (бахмал) парда. Чунда тингловчиларнинг дикқати фақат нотиққа қаратилган бўлади. Агар орқада ҳар хил рангли пардалар ёки гуллар бўлса, бунақа фонда чиқиш тавсия этилмайди. Чунки улар тингловчиларни чалғитади ва қўзғатувчи таъсир кўрсатади.

45-маслаҳат. Тингловчиларни олдида туриңг.

Сиз тингловчиларнинг рўпарасида, якка ҳолда чиқиб нутқ қилишингиз лозим. Ҳеч қачон уларнинг орасида туриб гапирманг. Имкон бўлса ўтирмасдан, минбарни орқасига яширинмасдан, одамларнинг олдига бутун гавдангизни кўрсатиб, тик турган ҳолда нутқ қилинг. Тингловчилар нотиқни тўлиқ кўриб туришни хоҳлайдилар.

46-маслаҳат. Тингловчиларни шундай жойлаштирингки, улар сизни кўриб турсин. Сиз ҳам уларни кўриб туришингиз керак.

Ҳаммага яхши кўринадиган жойда туриңг. Имкон бўлса, минбар, сахна, баландликдан фойдаланманг. Аудиториядан сунъий баландликда туриш билан нотиқ ўзининг устунлигини кўрсатгандек бўлади. Баландда туриб эса дилкаш сухбат куриб бўлмайди. Шунинг учун тингловчилар сони 75 тадан кам бўлса, улар билан бир хил сатҳда туриб гаплашиш керак.

47-маслаҳат. Орқа томонингизда халақит берадиган ҳеч нарса бўлмасин.

Агар бемалол, хотиржам маъруза қилмоқчи бўлсангиз, орқа томонингиздаги эшик ва деразаларни ёпинг (орқа томондан ҳеч қандай хавф йўқлигига амин бўлиш учун), пардаларни туширинг (дараҳтдаги қуш ҳам дикқатни

чалғитмасин), ортиқча нарсалар бўлса олинг. Орқангизда жиҳозлар ва бошқа нарсалар бўлмасин ёки улар камроқ бўлсин. Имкон бўлса, улардан узокроқда туриб нутқ қилинг. Ён томонингизда ҳам жиҳозлар бўлмасин.

Одатда, нотиқнинг орқа томонида географик карта, ҳар хил жадвал ва диаграммалар осилган бўлади. Уларни фақат керак бўлган пайтдагина осиб, фойдаланиб бўлгач, дарҳол пастга олиб қўйиш керак. Акс ҳолда, улар тингловчиларнинг дикқатини чалғитиб туради.

Нотиққа ён томони билан ёки орқасини қилиб турган кишилар ҳам бўлмасин.

48-маслаҳат. Президиум нотиқнинг орқасида қолмасин.

Агар залда президиум бўлиши кўзда тутилган бўлса, унда у нотиқнинг минбари билан бир чизиқда ёки олдинроқда бўлиши керак. Шундай турингки, назарингизни чети билан уларни кўриб туриш имкони бўлсин. Акс ҳолда, онг ости даржасида улардан хавфсираб турасиз.

49-маслаҳат. Тингловчиларни олдинги сафларда, ёнма-ён ва зич жойлаштиринг.

Ёнма-ён, зич ўтирган тингловчиларга латифа айтиб берсангиз, улар қотиб-қотиб кулиши мумкин. Аммо худди шу латифани, худди шу одамларга катта залда, улар тарқоқ ҳолда ўтирганларида айтиб берсангиз, уларнинг кўпчилиги бор-йўғи кулимсираб қўйиши мумкин, холос. Нега?

Алоҳида ўтирган пайтда ҳар бир шахс ўзининг индивидуаллигини сақлаб қолади, ҳар бир масалага ўз нуқтаи назари билан қарайди. Бир жойда йиғилганда эса, энди у омманинг бир қисмига айланади: омма кулса – кулади, йиғласа – йиғлайди, нотўғри гапни омма тўғри деса – тўғри дейди, тўғри гапни омма нотўғри деса – нотўғри дейди. Чунки, омма ичиди мустақил фикрлаш қобилиятини йўқотади. Бу ҳолатда унга таъсир қилиш осон бўлади. Кўп одамлар омма билан бирга бирор нотўғри иш қилиб, оммадан ажралгач, нима учун шундай қилганларини ўzlари ҳам тушунтириб бера олмайдилар.

Шунинг учун, агар тингловчилар сони кам бўлишини олдиндан билсангиз, уларни катта залда эмас,-балки кичикроқ

хонада йиғинг. Агар бунинг иложи бўлмаса, уларни биринчи қаторларда ёнма-ён, зич жойлаштиринг. Маъruzani бошлилашдан олдин тарқоқ тингловчиларни олдинги сафларга солжиб, зичроқ жойлашишларини илтимос қилинг ва то бу шини амалга оширмагунларича кутиб туринг.

Агар тингловчилар сони кам, минбар эса узоқроқда жойлашган бўлса, у ҳолда минбарни тарқ қилиб, одамларга яқинроқ келиб нутқ қилинг. Нутқни расмий эмас, балки сувбат тарзида ўтказинг.

50-маслаҳат. Мебелларни қулай жойлаштиринг.

Хонада мебелларни шундай жойлаштирингки, маъруза пайти ҳеч нарсага урилмасдан ҳаракатланишга имкон бўлсин.

51-маслаҳат. Маърузага алоқаси бўлмаган барча нарса да кишишларни хонадан ташқарига чиқаринг.

Маърузага алоқаси бўлмаган ва тингловчиларнинг дикқатини чалғитадиган ҳеч нарса, ҳатто стол устида графинда сув ва стакан ҳам бўлмасин. Агар залда фаррош, электрик ёки бирор бошқа техник ишчилар бўлса, уларнинг ҳам чиқиб туришларини илтимос қилинг. Акс ҳолда, тингловчилар сизни эшитмай, уларни томоша қилишади.

52-маслаҳат. Экран ва доска чап томонда бўлсин.

Нарса ва ускуналарни шундай жойлаштирингки, натижада, экран ёки кўргазма тахтаси нотиқнинг чап томонида бўлсин.

53-маслаҳат. Кириши эшигини кўриб туринг.

Залда минбарни шундай жойлаштирингки, у ердан кириш эшигини бемалол кўриб туринг.

54-маслаҳат. Кечикканлар халақит бермасин.

Одамларни залдаги курсиларга шундай жойлаштирингки, кечикиб келганлар уларга халақит бермасин. Ўтирганлар фақат нотиқни кўрсин-у, эшиқдан кечикиб келаётганларни кўрмасин.

55-Маслаҳат. Ёруғликни тўғри танланг.

Залдаги ёруғликни шундай танлангки, одамларга нотиқ ҳам, кўргазма тахтаси ҳам, экран ҳам яхши кўринисин. Имкон бўлса залнинг энг ёруг жойида туринг.

56-Маслаҳат. Норозилигинизни кўрсатманг.

Нутқни бошлилашдан олдин ҳеч қачон одамларнинг камлиги,

уларнинг кечикаётганлиги ёки бирор бошқа сабабдан норозилигингизни кўрсатманг. Аудиториянинг ҳаммасига нисбатан асло танбеҳ берманг, койимант, танқидий фикр билдираманг.

57-маслаҳат. “Қонхўр объект”лардан эҳтиёт бўлинг.

Тингловчиларнинг диққатини чалғитадиган одамлар ва нарсалардан эҳтиёт бўлинг. Уларни шартли равишида диққатни ўзига жалб қилувчи “қонхўр объект”лар деб атаемиз. Бу қонхўрлар ҳамма вақт нотиқдан кучли бўлади. Тингловчилар ҳам диққатини нотиққа қаратишга ҳар қанча ҳаракат қиласин, барибир бунга ожизлик қиласин.

Бир ривоятда айтилишича, фаришталарнинг шахмат йўйнашини узоқ вақт кузатиб турган маймун, шунчалик яхши йўйнашни ўрганибди-ки, одамларнинг ҳаммаси унга ютқаза бошлабди. Фақат бир олимгина инсон онги маймунницидан устун эканлигини исботлаш учун “қонхўр объект”дан фойдаланибди. У маймунлар шафтолини жуда яхши кўришини билгани учун, ўйинни бошлашдан олдин стол устига товоқда бир неча яхши пишган шафтолини келтириб қўйибди. Ўйин давомида маймуннинг диққати фақат шафтолиларга чалғиб, охири ютқазиб қўйибди ва уни қатл этишибди.

Ҳаётий воқеа. Маъруза пайти хона исиб кетгач, тингловчилардан бири ўрнидан туриб, деворга ўрнатилган вентиляторлардан бирини ёқмоқчи бўлди. Лекин у ишламади. Бир неча дақиқа давомида уни ёқишига уринаверди. Буни кузатиб турган тингловчиларнинг барчаси ундан кўзини узолмай қолди. Шу вақт оралиғида нотиққа ҳеч ким қарамади ва қулоқ ҳам солмади. Мен мутахассис сифатида бу “қонхўр объект” эканлигини тушуниб, нотиққа диққат этишга ҳаракат қилдим, аммо барибир уddeлай олмадим. Қимиirlab турган объектдан кўзни узишнинг деярли иложи йўқ экан. Бир неча дақиқали уринишлар бесамар кетгач, “уста” жойига ўтиреди. Шундан кейингина тингловчилар яна нотиққа қарадилар. Шу вақт оралиғида нотиқнинг айтган ҳамма гаплари ҳавога учиб кетди, уларни ҳеч ким эшитмади.

Бундан бир неча йил олдин бутун дунё телеканаллари орқали намойиш қилинган воқеа ҳам бу мавзуга яққол мисол бўлади. Жорж Буш Америка халқининг дунё цивилизацияси олдидағи

Имияти тұғрисида жүшқин маъруза қиласады. Бу пайтда унинг ортасида турған сарық күйлакли семиз болакай эснай бошлады. Үшундай эснадики, оғзи йиртилиб кетишига оз қолди.

Бүш эса нима учун шундай жиқдий нутқ пайтида одамлар күп аттанини түшүнмас әди. Бу ерда бола – “қонхүр объект” әди.

Ша бошқа бир йиғилишда нотиқ яхши нутқ қилаётган үди. Шунда президиумда үтирганлардан икки киши үзаро шиманидир гаплаша бошлади. Уларнинг пичирлашаётган овози ҳеч кимга халақит бермаса ҳам, аммо бошлари ва құллары қимирлаб, ҳаммани чалғитарди. Тингловчиларнинг туғи нотиқда эмас, балки “қонхүр”ларда әди.

“Қонхүр объект”ларга имкон берманг. Тингловчиларни улардан ҳимоя қилинг. Нутққа алоқаси бўлмаган ҳамма нарсанни олиб ташланг. Танангиз ва қўлингиз билан қиласадиган тартибсиз имо-ишораларни йўқотинг. Чунки улар ҳам тингловчиларни чалғитиб, асабига тегади. Керак бўлмаган пайтда проектор чироғини дарҳол ўчиринг. Залда одамларни усдан бу ёққа юришига йўл қўйманг.

Агар бирор кўзда тутилмаган вазият содир бўлса, “қўпорувчиликни қонунлаштириш” усулидан фойдаланинг.

“Қўпорувчиликни қонунлаштириш” усули

Фараз қилинг, сиз маърузага яхши тайёрланиб, нутқни чиройли бошладингиз. Маълум вақт ўтгач, тўсатдан:

- очик деразадан хонага қуш учеб кирди;
- қаердандир мушукнинг миёвлаган овози кела бошлади;
- очик эшик ёки дераза олдидан спортчи қизлар тўдаси шошмасдан, шовқин билан ўтиб кета бошлади;
- чироқ ўчиб қолди;
- микрофон ишламай қолди;
- норози тингловчи үтирган жойидан бақириб қолди ва ҳ. к.

Хуллас, ҳар қандай вазият юзага келиб қолиши мумкин ва бу қўпорувчиликларни олдиндан билиб бўлмайди.

Айрим ҳолларда қўпорувчиликка ўзимиз сабабчи бўламиш: микрофонни олдиндан текширмаймиз, тингловчиларнинг жаҳлини чиқарамиз...

Юқоридагига ўшаш күзда тутилмаган ҳоллар юзага келганды, “қўпорувчиликни қонунлаштириш” усулидан фойдаланамиз. Агар қўпорувчиликни қонунлаштирасак, у ўз кучи ва таъсирини йўқотади, оддий ҳол бўлиб қолади.

Ҳаётий мисол. Император Николай II тушлиқдан сўнг чекишни яхши кўрарди. Аммо қонун подшонинг оила аъзолари иштирокида чекишни таъқиқларди. Ўз аъёнлари олдида хотини ёки фарзандларидан рухсат сўраш нокулай эди. Шунда у бу қоидабузарликни қонунлаштириб қўйди ва у энди бошқалар кўзи олдида қонун бузиш эмас эди.

Ҳар сафар овқатланиб бўлгач, император баланд овозда: “Жаноблар, чекиш мумкин”, деб эълон қиласарди. Аслида бу буйруқ фақатгина унинг ўзига тегишли эди. Бошқа ҳеч ким, албатта, чекишга ботина олмас эди. Шундан сўнг, у бемалол чека бошларди. Натижада, бўрилар ҳам тўқ, қўйлар ҳам омон.

Агар нутқ пайтида “қўпорувчилик” содир бўлса, уни тингловчилар билан хотиржам муҳокама қилинг. Энг асосийси – ўзингизни ҳеч нарса бўлмагандек тутманг. Агар камчиликни ҳаммага эълон қилсангиз, унга камроқ эътибор берадиган бўлишади. “Конхўр обьект”га бошқалар эътибор бермаслиги учун, ҳамманинг дикқатини унга бир марта қаратинг. Агар ёрдам бермаса, худди режангизда олдиндан бордек танаффус эълон қилинг. Бунда “қўпорувчи”нинг ўзидан ҳам фойдаланишингиз мумкин.

Юқоридаги мисолларда келтирилган вазиятларда нима қилиш мумкин?

- Хонага очиқ деразадан қуш учуб кирди. Ҳамма қушга қараб, нотиқقا эътибор бермай қўйди. Тўхтаб, қушнинг чиқиб кетишини озгина кутдингиз. Қуш чиқиб кетиш йўлини тоға олмади. Тингловчиларга:

- Биродарлар, бу қуш маъруза тинглашга келганга ўхшамайди. Илтимос, биттамиз туриб, унга озор бермай чиқиб кетишига ёрдам берайлик.

Жараён чўзилаверса, танаффус эълон қилишга мажбур бўласиз:

- Бу қуш билан капитуляция шартномасини тузиб олгунга қадар, беш дақиқали танаффус эълон қиласиз.

VI БОБ

ЧИҚИШНИНГ БОШЛАНИШИ

58-маслаҳат. Минбарга чиқаётганда ўзингизга туттибор беринг.

Нотик ғарнинг минбарга чиқяпти. Бунда ҳамма нарса: кийиниши, юнимининг тозалиги, дазмолланганлиги, ўзига ярашганлиги, орасталиги, ўзини тутиши, қадам ташлаши, шошилмай, салобат ва ўзига ишонч билан юриши, одамларга назар ташлаши ва бошқалар мухим аҳамиятга эга.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, нотикнинг омадли чиқиши 60 фоиз ташқи кўринишига, 30 фоиз нутқига ва бор йўғи 10 фоиз нимани гапиришига боғлиқ экан!

59-маслаҳат. Дарров гапиришни бошламанг.

Нутқ сўзлаш олдидан яхши кайфиятда бўлишингиз, юнингиз ва кўзингизда хурсандлик ва мулойимлик акс этиб туриши, чехрангиз очик бўлиши лозим. Шундагина тингловчиларга ёқишингиз, уларни жалб қила олишингиз мумкин. Чиқиш биланоқ дарров гапиришни бошламанг. Тингловчичарга қараб бир неча сониялик сукут сақлаб, уларнинг тинчланишини кутинг, одамларнинг назарини бир жойга жамлаб, улар билан кўз алоқасини ўрнатинг. Бу ҳақида кейинги саҳифаларимизда батафсил маълумотларни берамиз. Ундан кейин саломлашинг.

60-маслаҳат. Шошимасдан.

Кўпинча бошловчи нотиклар жуда тез гапиришади. Тингловчиларнинг кўзига нотик тинмай вайсаётган, ўзига ишонмайдиган ва тезроқ тугатишга ҳаракат қилаётган кишига ўхшаб кўринади. Қолаверса, тез гапираётган одамнинг талаффузида аниқлик пасаяди, унинг гапларини тушуниш қийин бўлади.

Масаланинг бошқа томони ҳам бор: Инсон мияси ҳар бир қабул қилинган маълумотни таҳлил қилиб, кейин уни хотирасига жойлаб қўяди. Бунга эса вақт керак. Агар секин га-

пирадиган бўлсак, мия ҳам эшишига, ҳам таҳлил қилишга, ҳам хотирасига жойлашга улгуради. Агар тез гапирадиган бўлсак, эшишига улгуради-ю, аммо таҳлил қилиб хотирага жойлаштиришга улгурмайди. Натижада 90 фоиз маълумот бир қулогимииздан кириб, иккинчисидан чиқиб кетади! Шунинг учун ҳам нотиқларга тез-тез сукут қилиб туриш тавсия қилинади. Айниқса, зарур гап ёки хулоса олдида ҳам, уни айтгандан кейин ҳам бироз сукут сақлаш керак. Бу унинг яхши тушуниб, хотирада мустаҳкам сақланишига ёрдам беради. Шунинг учун:

- секинроқ гапиришга ҳаракат қилинг;
- гаплар орасидаги паузаларни кўпайтиринг;
- нутқ суръатини ўзгартириб туринг (гоҳ тез, гоҳ секин).

61-маслаҳат. Соддароқ тилда гапиринг.

Куйидаги қоидани эслаб қолинг:

Омманинг илм савияси уни ташкил этган субъектларнинг илм савиясидан ҳамма вакт пастроқ бўлади.

Яъни, залдаги тингловчига яkkама-якка ўтирган ҳолда шу гапларни айтсангиз тушунади. Аммо омма олдида шу гапларни сўзма-сўз такрорласангиз ҳам тушуниши қийин кечади. Шунинг учун омма олдида улар тушунадиган содда тилда, содда жумлалардан фойдаланиб гапириш керак. Айрим нотиқлар тингловчиларни қойил қолдириш мақсадида қийин атамалар, мураккаб жумлалар, омма тушунмайдиган маълумотлардан фойдаланишади. Натижада, маърузанинг фойдали иш коэффициенти пасайиб кетади, одамлар керакли маълумотни олмайди. Яхши нотиқ залдаги илм даражаси энг тор одам ҳам тушунадиган даражада содда тилда гапириши, маълумотларни “чайнаб” бериши керак.

62-маслаҳат. Аввал аудиторияни қиздиринг.

Саломлашгандан сўнг дарҳол асосий мавзуга ўтмай, аввал аудиторияни қиздириш керак. Қиздирилмаган жамоага тўсатдан асосий мавзуни ташлаш, кўпинча, зерикарли, уйқуни келтирадиган, омадсиз маърузага сабаб бўлади.

Қиздириш учун олдиндан тайёрланган зуваладан фойдаланамиз. Қиздиришдан мақсад:

- диққатни ўзига жалб қилиш;
- тингловчилар билан алоқа ўрнатиш;
- аудиторияни руҳан тайёрлаш.

Қуйида бир нечта зувалаларни мисол тариқасида келтиримиз.

Масалан, *нотиқлик санъати ҳақидаги мавзуни* бошлашдан аввал:

Тарихий воқеа:

“Ассалому алайкум! Бугунги маъruzани қўйидаги воқеа билан бошламоқчи эдим. Бундан 25 аср олдин буюк файласуф Аристотелнинг олдига ўта сергап бир ёш йигитни шогирдликка олиб келишди. Анча сұхбатлашгандан кейин ёш йигит устозидан ўқиш учун қаинча ҳақ олишини сўради.

– Сендан бошқаларга нисбатан икки баробар кўп ҳақ оламан, – деди устоз.

– Нега? – ҳайрон қолиб сўради шогирд.

– Чунки сен билан икки баробар кўп ишлашим керак: сени гапиришга ўргатищдан олдин, аввал жим туриб эшишишни ўргатишим керак, – деди устоз. Бу воқеа бизга ибрат бўлишидан ташқари, нотиқлик санъати бундан 2500 йил олдин ҳам мавжуд бўлганлигини кўрсатади...”

Бўлган воқеа:

“Эсимда, бундан ўн йилча олдин, биринчи марта менга сўз бериб қолишиди. Ҳаяжондан оёқ-қўлларим қалтираб, тилим айланмай қолганди. Шундан сўнг, албатта, омманинг олдида гапиришни ўрганаман, деб ўз олдимга мақсад қўйган эдим...”

Бирор газета ёки китобдан иқтибос:

“Утган ҳафта “Тадбиркор” газетасида нотиқлик санъати тўғрисида мақола чоп этилган эди. Унда, кишининг жамиятда маълум бир мавқега кўтарилишида омма олдида гапира билиш қобилияти нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги ёзилган. Жумладан, унда таъкидланишича...”

Күтилмаган савол:

“Дунёдаги энг яхши нарса нима, биласизми? Дунёдаги энг ёмон нарса-чи?.. Тил!.. Энг яхши нарса ҳам, энг ёмон нарса ҳам тил...”

Ноанъанавий бошлиш:

Маъруза мавзусига алоқаси бўлмаган нарса билан бошлиш.

“Мен бугун маърузамизга автомобилда келганларга мурожаат қилмоқчи эдим. Машинани энди ҳайдашни ўрганаётган даврингизни эсланг. Кийналганларингиз, чорраҳаларда машина ўчиб қолгани ёдингиздами? Эҳтимол, машина ҳайдашни маърузачилик санъатига нима алоқаси бор, деб ўйлаётган бўлсангиз керак? Униси ҳам, буnisи ҳам – ўгит. Машина ҳайдашни аста-секин ўрганганингиздек, гапириш санъатини ҳам ўрганишингиз мумкин...”

Қизиқтирувчи таъриф:

“Овози паст, нафас олиши қийин, елкасини қимирлатиб туришга одатланган одамни тасаввур қилинг. Тўғри гапира олмайди, озгина дудуқланади. Кучли нотиқ учун яхши мисол эмас, албатта. Лекин, дунёдаги энг кучли нотиқ хисобланган Демосфен, нотиқлик санъатини ўрганмасдан аввал, айнан шундай бўлган...”

Қизиқарли даили:

“Рұхшунослар шуни аниқладиларки, омма олдида гапиришдан қўрқиши, ўлимдан қўрқишдан кейин иккинчи ўринда турар экан...”

Лол қолдирувчи сон:

“Арнольд Шварценеггернинг “Терминатор-2” фильми даги олган ҳақини шу фильмда айтган сўзларининг сонига бўлсақ, ҳар бир айтган сўзи учун 32000 (31645) доллар олганини кўрамиз. Албатта, нотиқлик санъатини ўрганиб, ҳар бир сўзимиз учун бунча ҳақ олишимизга кафолат бера олмайман-у, лекин...”

Оригинал матн парчаси:

“Бугунги маъruzani буюк файласуф Скилефнинг қўйидаги гаплари билан бошламоқчиман:

“Чиройли гапириш пул, ҳокимият ва машҳурлиқдан кимматроқдир. Чунки уларнинг барчасига, кўпинча, чиройли гапириш билан эришилади”.

Гапириладиган мавзуни ўйнаш:

“Бугун биз нотиклик санъати ҳақида гапирмоқчимиз. Мен “санъат” деган сўзга алоҳида эътибор қаратишингизни сураган бўлардим. Чунки...”

Мақтov:

“Бу ерда ўз устида ишлайдиган, ривожланишни кохлайдиган, изланувчан кишиларни кўриш мен учун жуда қувонарлидир. Бу одамларнинг ҳаётдаги мақсадлари жуда буюк. Улар илмни қадрлайдилар...”

Ҳазил-аския:

“Ассалому алайкум! Маърузамизни черковга келган бир одам ҳақидаги воқеа билан бошламоқчиман. Беш дақиқалик маърузадан таъсирланган бу киши черковга 10 доллар ҳадя қилишни ният қилибди. Лекин яна беш дақиқа эшитгач, 10 доллар эмас, балки 5 доллар беришга қарор қилибди. Маъруза яна беш дақиқага чўзилгач, умуман пул бермайдиган булибди. Яна 10 дақиқа ўтгач, бориб черков қутисини очиб, ичидан 5 доллар олиб: “Шунча узун маъruzани чидаб эшитганим учун бу менга мукофот пули бўлсин”, дебди. Шундан куолоса қилиб, маърузамни чўзмасдан, ўн дақиқада тугатишга ҳаракат қиласман...”

63-маслаҳат. Имкон бўлганда, тингловчиларни мақтанг.

Аудиторияга ёқиш учун, уни ўз томонингизга оғдириб олиш учун, унга аввал ёқиш керак, унга ёқадиган мақтовли гапларни айтиш керак. Лекин мақтовни ҳаддан оширса, тингловчилар устидан кулаётгандек туюлиши мумкин. Мақтov лаганбардорликка ўхшамаслиги, қисқа, самимий, ҳаққоний бўлиши керак. Мақтovда бор нарса ёки сифатни озгина бўрттириб, бироз безаш керак. Бу иш қуйидаги усуллар билан қилинади.

1. Устунлик даражаси билан (“Сизлар энг зўр..., энг ажойиб..., энг яхши..., энг чиройли..., энг заковатли...”).

2. Солишириш билан (“Сизлардаги ... бошқаларда йўқ, бошқаларнидан устун.., баланд.., чиройли...”).

3. Нутқ оҳанги билан.

4. Юқоридаги уччала усулни ҳам бирга ишлатиш билан. Тингловчиларни қай жиҳатини мақташ мумкин?

Мисол учун: тажрибасини, ёшлигини, ёши улуғлигини, ташқи кўринишини, жинсини, кечикмасдан келганлигини, изланувчанлигини, қизиқувчанлигини, қизиқиши доирасини ва ҳ. к.

Масалан:

– Маърузамизга барвақт келганингиз – бу сизларни илмга чанқоқ эканлигингизни, илм учун вақтингизни аямаслигингизни, мақтовга арзигулик инсонлар эканлигингизни кўрсатади. Сиздек илмни қадрловчи инсонлар билан фахрланса арзийди. Бунақа жамоа олдида гапириш – мен учун баҳт!

Бунақа мақтовлардан кейин тингловчилар сизни маърузанинг охиригача жон қулоги билан эшитади, ҳар бир айтган гапингизни ижобий қабул қиласи.

64-маслаҳат. Агар тингловчилар кеч қолаётган бўлишиса...

Сиз нутқقا яхши тайёрланиб келгансиз, аммо, тингловчилар кеч қолмоқда. Нима қилиш керак?

Умумий қоида йўқ. Бунда вазиятга қараб йўл тутасиз.

Куйидаги вазиятларда вақтида бошлаши керак.

- *Агар маърузаларингиз доимий ёки бир нечта бўлса ва уларнинг бошланиши вақти ҳаммага маълум бўлса.* Масалан, маъруза ҳар душанба ёки жумъа куни соат 13:00 да бошладиган бўлса, унда кечиктирмай, ўз вақтида бошлашингиз керак бўлади. Доимо вақтида бошлашингизни билган тингловчилар кейинги маърузага кечикмай келишга ҳаракат қиласидилар. Агар тингловчилар келишини кутиб кечроқ бошласангиз, улар бунга кўнишиб, кейингиларига янада кечроқ келадиган бўлишади.

- *Агар асосий (ҳал қилувчи) кишилар келишган бўлса.* Бунда уларни олдинроққа ўтишларини илтимос қиласиз. Акс ҳолда

кечикиб келадиганлар уларга халақит беришади.

- Агар вақтингиз кам бўлса. Нутқ учун сизга 15 ёки 20 дақиқа вақт ажратилган бўлса ва сиздан кейин бошқа нотиқ чиқиши керак бўлса, бунда кечиктирмай дарҳол бошлайсиз.

Куйидаги вазиятларда кечиктириб бошлиши мумкин.

- Кечикиши одат бўлиб қолган бўлса. Агар тингловчилар доимо 5-10 дақиқа кечикишга одатланган бўлсалар, кечроқ бошлиш мумкин. Бунда ташкилотчилардан бири келган тингловчиларга маъруза 10 дақиқа кечроқ бошланишини ўлон қилиши керак. Нотиқнинг ўзи эълон қиласиган бўлса, одамлар ундан норози бўлишлари мумкин.

- Келиши керак бўлган одамларнинг жуда кўп қисми ҳали келмаган бўлса. Агар 90-100 киши келиши керак бўлган таддирга 10 та одам келган бўлса, унда уларнинг 30-40 фоизи келгунича кутиш керак. Бу пайтда олдин келганлар китоб ўқиб туриши ёки нотиқ билан савол-жавоб қилиб туриши мумкин.

Муроса йўли: Вақтида бошлайсиз, аммо иккинчи даражали нарсалар ҳақида гапириб турасиз. Масалан:

- Тайёрлаб келинган зуваладан (ҳаётий воқеа, ривоят, латифа ва ҳ. к.) бошланг. Уни айтатуриб, келган тингловчилар билан мулоқот ўрнатасиз ва шу билан кечикаётганларни кутасиз.

- Агар тарқатиладиган илмий материаллар бўлса, шу фурсатдан фойдаланиб, уларни тингловчиларга танишиб олишлари учун тарқатиб чиқиши керак. Бунда кеч қолганлар ҳам бемалол маърузанинг асосий қисмига қўшилиб кетадилар.

- Савол-жавоблардан бошланг. Бунда асосий омма келгунча тингловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бериб туришингиз мумкин.

- Маърузанинг асосий қисмини кейинроқقا қолдириб, унча зарур бўлмаган бандларини айтиб туришингиз мумкин.

- Олдинги маърузада қуйидаги қизиқ савол тушган эди, деб ҳамма учун қизиқ ва фойдали бирор мавзуда гапираверишингиз мумкин.

Кечикканлар ҳам мавзуга етиб олишилари учун қўлланиладиган усуллар:

- Биринчи 5-10 дақиқада айтган гапларингизга хulosса ясанг. Масалан:

- “Хозиргача айтганларимизга хulosса ясайдиган бўлсак...”;

- “Демак, олдинги айтганларимиздан хulosса шуки...”

Натижада кечикканлар ҳам нутқ мавзусини тушуниб оладилар.

- Маъruzанинг охирида кечикканлар учун кенг ва мукаммал хulosса ясанг:

- “Бугунги маъruzamizdan хulosса шуки...”;

- “Маъruzamizни якунлар эканмиз, қўйидагиларни яна бир марта такрорлаб ўтишни лозим топдик...”

- Тарқатиладиган илмий материалларни кечикканларга ҳам берib чиқинг.

Кеч қолувчилар якка-якка бўлса, эътибор бермай давом эттираверинг. Агар бир гурӯҳ одамлар кечикиб келса, улар жойлашиб олгунча кутиб туринг. Шу орада пауза катта бўлмаслиги учун, асабийлашганингизни асло кўрсатмасдан, дўстона кайфиятда уларга жой кўрсатинг ёки ҳазиллашинг. Масалан, кулиб туриб: “Сизларни кутмасдан бошлаб юборганимиз учун узр”, дейишингиз мумкин.

VII БОБ

ДИҚҚАТНИ ҖАЛБ ҚИЛИШ ВА УШЛАБ ТУРИШ КҮЗ БИЛАН МУЛОҚОТ

Хар бир нотиқ уни тингловчилар диққат билан тинглашни, ухламасдан, чалғимасдан, гапирмасдан эшитишини хоҳлайди. Буни амалга ошириш учун нима қилиш керак?

Аввало, нотиқ билан тингловчи ўртасида кўз билан алоқа ўрнатиш керак. Шуни уддаласа, нотиқ маърузанинг бошидан охиригача тингловчиларни назорат остида сақлаб турла олади. Мухими, залдаги **ҳар бир тингловчи билан** кўз алоқаси ўрнатилсин. Лекин маърузачида бор-йўғи иккита кўз! Тингловчилар эса юзлаб ёки минглаб бўлса-чи?

Инсон ҳаётда 90 фоиз маълумотни кўзлари орқали, қолган 10 фоизни эса эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш ва бошқа сезги аъзолари орқали олади. Ана шундан тингловчи билан кўз алоқаси ўрнатишнинг аҳамияти қанчалик катта эканлигини билса бўлади. Тингловчи сизни кўриб турса, гапларингиз билан бирга кўзларингиздан ҳам кўп нарсани билиб олади.

Кўз билан мулоқот амалда қандай ўрнатилади?

Кийидаги тавсияларни яхшилаб тушуниб, ўрганиб олинг ва кейинги чиқишингиздаёқ амалда қўллашни бошланг. Бу тавсияларимиз бошида қийиндек туюлиши мумкин, лекин уни ҳар қандай нотиқ бемалол, қийналмасдан амалга ошира олади.

Минбарга чиққач дарров маърузани бошламасдан, зални бир чеккасидан иккинчи чеккасига қараб секин, шошилмасдан, диққат билан назар солиб чиқамиз. Бунда кўзларимиздан меҳр ва чехрамиздан сезилар-сезилмас табассум барқ уриб туриши керак. Деярли ҳар бир одамнинг юзидан назар билан сирғаниб ўтамиз. Тингловчиларнинг бирортаси бизга кулиб, очиқ чехра билан қараб турган бўлса, гарчи у одамни танимасак ҳам, кўзимиз билан зўрга сезиладиган даражада: “Салом, Сиз ҳам шу ердамисиз? Сизни кўрганимдан хурсандман”,

деган маънони билдириб қўямиз. Шундай қилиб, ўз қўзимиз билан ҳар бир тингловчи кўзи ўртасида кўринмас ипчаларни тортиб чиқамиз. Кейин маърузани охиригача шу ипчаларни бўшатмасдан, таранг тортиб турамиз. Ана шу услубда ҳар бир киши билан алоқа ўрнатгандан кейингина маърузани бошласа бўлади. Яна бир бор таъкидлаб ўтамиз, бу шунчаки залдагиларга кўз югуртириш эмас, балки ҳар бир тингловчи билан кўз алоқасини ўрнатишдир.

Бу унча катта бўлмаган аудиториялар учундир.

Агар зал жуда катта бўлса-чи? Ёки қўзимизга чироқ нурлари тушиб, одамларни яхши кўра олмаётган бўлсак-чи?

Унда уларни яхши кўрмайтганимизни сездирмасдан, худди яққол кўраётгандек ясама ҳаракат (имитация) қилишимиз керак. Шунда тингловчи нотиқ менга қараб гапиряпти, мени кўряпти, деган тушунча билан ҳушёрроқ ўтиради. Акс ҳолда, бефарқ бўлиши, чалғиши ёки ухлаб қолиши мумкин.

Бутун зал билан кўз алоқасини ўрнатишга ҳаракат қилманг. Бунинг иложи йўқ. Кўз алоқасини залда ўтирган ҳар бир тингловчи билан алоҳида-алоҳида ўрнатинг.

Кўпинча, ўқувчилардан бу жуда кўп вақтни олади-ку, деган эътирозни эшитамиз. Йўқ, кўп вақтни олмайди. Чунки ҳар бир тингловчига сониянинг юздан бир бўлагини сарфлаймиз.

Аввал кўз мулоқотини бизга шундоқ ҳам қараб турган кишилар билан ўрнатамиз. Сўнг токи нотиқ гапини бошламагунча ўз иши билан овора бўлиб турадиган кишилар бизга қарашларини кутиб, улар билан ҳам кўз мулоқотини ўрнатамиз. Энди улар анча вақтгача кўзларини пастга қаратмайдилар.

Кейин нотиқقا умуман қарамайдиган одамларни бошларини кўтаришларини кутамиз ва улар билан ҳам кўз мулоқотини ўрнатамиз. Залда ўтирганларнинг барчасини биз томонга қарашини кутамиз. Маърузанинг омадли чиқиши учун бу жуда зарурдир.

Тасаввур қилинг, бизнинг қўзимиз билан тингловчилар кўзи орасида кўринмас симлар тортилган бўлиб, биз бераётган маълумотни одамлар шу симлар орқали оляпти. Агар сим узилса, маълумот ҳам етиб бормайди. Аслида ҳам шун-

шай бўлади. Шу сабабдан биз яккама-якка суҳбатда зарур ташни айтмоқчи бўлсак, суҳбатдошдан кўзимизга қараб туришини талаб қиласиз ва унинг кўзларидан тушунган-тушунмаганигини билиб оламиз.

Шундай қилиб, кўз мулоқоти – нафақат тингловчилар билан алоқа ўрнатиш ва уларга маълумот етказиши усули, балки яна:

- тингловчи биз бераётган маълумотларни тушунган ёки тушунмаганигини билиши усули (тушунмаган бўлса, яна биринки марта тақрорлаш керакдир);

- одамларнинг чарчаганигини билиши усули (чарчаган бўлса танаффус қилиш керакдир. Агар танаффус қилишнинг иложи бўлмаса, қисқа ва қизиқарли ривоят айтилса, чарчоқ тезда тарқалиб кетади);

- тингловчиларга шу мавзу қизиқ ёки қизиқ эмаслигини билиши усули (ушбу мавзу тингловчиларга қизиқ бўлмаса, балки бошқасига ўтиш керакдир).

КЎЗ МУЛОҚОТИДА НОТИҚНИНГ ЖИДДИЙ ХАТОСИ

Кўп нотиқлар энг охирги қатордагиларни ва яна ўнг ва чап томондаги чекка қатор тингловчиларни эътибордан четда қолдирадилар. Айнан шу сабабдан ўша тингловчилардан ноҳуш саволлар тушади, ўшалар гаплашиб ўтиради, китоб ўқийди, ёзади, йўталади, кулади, бошқаларга халақит беради ёки ухлайди. Нега?

Сабаби, биз нотиқлар уларга етарли даражада эътибор қаратмаймиз, улар билан кўз мулоқотини ўрнатмаймиз. Тажрибасиз нотиқнинг кўриш сектори 30-35 даражани, тажрибали нотиқники эса 40-45 даражани ташкил этади. Шундай қилиб, биз фақатгина залнинг марказий қисмини кўз билан қамраб оламиз ва шулар билангина мулоқотга тиришамиз. Айнан шулар бизни тинглашади, бошларини кимирлатиб бизни маъқуллаб туришади.

Чеккадагилар билан мулоқот ўрнатиш учун нима қилиш керак?

Заллар ҳар хил бўлади. Шунинг учун барча тингловчилар билан кўз мулоқотини ўрнатишга имкон берадиган кулагай

жойни танлаш керак. Зарур бўлса, минбарни қулай жойга кўчириш керак.

Қоида: Ўнг ва чап томондаги биринчи қатор чекка тингловчиларга нисбатан шундай турингки, орангизда текис учбурчак пайдо бўлсин. Айнан текис учбурчак! Мана шу жой нотиқ учун идеал ҳисобланади. Шу жойдан маърузани **бошлиши** керак. Айрим залларда минбар бўлмай, юриб туриб, одамларга гоҳ яқинлашиб, гоҳ узоқлашиб маъруза қилишга тўғри келиши мумкин. Шу ҳолларда ҳам маърузани **бошлиши нуқтаси** ўша учбурчакнинг учи бўлиши керак.

Залнинг қайси қисмида одамлар гапираётганини, ухлаётганини, бошқа ишлар билан машғул бўлаётганини сезсан, шу жойларга тез-тез кўз билан алоҳида эътибор қаратиб турамиз. Шундай қилсак улар бизни диққат билан тинглашади. Аввал ўнг чеккадаги биринчи қаторларга қараб бир неча жумлаларни айтамиз. Кейин бирор савол билан мурожаат қилиб (масалан, жумла тугагач, “шу гаплар тўғрими?” деб) қўл ҳаракатимиз билан охирги қатордагилардан жавоб кутаётганимизни кўрсатамиз. Кейин чап томондагиларга қараб бир неча жумла айтамиз. Шу усул билан кўз мулоқотини ўрнатгач, маъруза охиригача шу хавфли қаторлар билан алоқани узмай турамиз.

Айтайлик, охирги қатордагилардан бир нечтаси ўзаро пи-чирилашиб, бошқаларга халақит беряпти. Биз уларга қарасак ҳам, улар бизга эътибор бермаяпти. Нима қилиш керак?

Ҳар хил усуллар бор. Масалан, ўшаларга қараб туриб, тўсатдан гапиришдан тўхтаймиз. Сезиларли сукут бўлгач, қоидабузарлар ҳам нима учун нотиқжим бўлиб қолдӣ, деб биз томонга қарайди. Бизнинг назаримиз уларга қаратилганини сезгач, анчагача халақит бермай, бизни эшишиб ўтиришади.

Ёки жумлани тугатгач, “тўғрими охирги қатордагилар?” деб улар томонга мурожаат қиласиз.

Тингловчи бизнинг кўзларимизда бефарқликни эмас, балки уларга нисбатан қизиқиш борлигини сезиши, ҳис қилиши керак. Биз нотиқларнинг вазифамиз қофоздаги маълумотларни ўқиб бериш эмас, балки уларни содда тилда, яхшилаб тушунтириб, маъноларини очиб, тингловчининг қалбига етказишдир.

Катта залларда омма билан фойдали кўз мuloқотини ўрнатиш учун, ва шу билан бирга залнинг у четидан бу чегита кўз билан чопиб юрмаслик учун, **зални худди тарвузни юсгандек бўлакларга бўлиши керак.**

Ёки зални худди **шаҳмат доскасиdek катакларга бўламиз.** Фақат 64 бўлакка эмас, балки тўқиз бўлакка (зал 100-400 кишинлик бўлса) ёки ўн олти бўлакка (зал 500-2000 кишилик бўлса) бўламиз. Натижада, бир неча кичик залларга эга бўламиз шундай уларнинг ҳар бири билан кўз алоқасини ўрнатиш бизга қийинчиллик туғдирмайди. Фақат бунда бутун бошли қисмга қараб гапирамиз. Шунда ушбу бўлакдаги одамларнинг ҳар бири, нотиқ менга қараб гапиряпти, деб ўйлади. Бир бўлак билан бир неча сония гаплашиб, кейин тўсатдан бошқа бўлакка қараб гапира бошлаймиз. Бўлакларни ўнгдан чапга ёки чапдан ўнгта қараб бир бошдан ўтиш керак эмас. Акс ҳолда, одамлар бунга кўнишиб, зални тўлиқ айланиб келгунимизча бепардо бўлишади. Агар бўлакларни битта-иккита ташлаб ўтиб, койин яна тўсатдан қайтсан, тингловчилар бизни қачон уларнинг бўлагига қайтишимизни билмай, доимо огоҳ ва сергак туришга мажбур бўлишади. Катта залдаги тингловчиларнинг ҳиммаси биздан кўзини узмай туришади.

Кучли нотиқдан фарқли равищда, кучсиз нотиқлар ерга, осмонга, қўлларидағи қоғозларига қарашади-ю, фақатгина тингловчиларнинг кўзига қарашмайди.

Агар бирор қисмга узокроқ вақт қарамай кўйсанқ, ўша жойда “ўлик минтақа” пайдо бўлади. Бу минтақадаги тингловчилар қувват билан таъминловчи озуқасиз қолишади. Натижада, уларнинг тонуси сусаяди, дикқат билан эшитиш, қабул қилиш, тушуниш қобилиятлари пасаяди, уларни уйқу олита бошлайди.

“Эркатой” тингловчиларимиз бўлмасин, яъни фақат маълум бир кишиларга қараб гапирмаслик керак. Аслида, бу бечоралар бизнинг қарашларимиздан қаёққа қочишни билмаётган бўлиши мумкин.

Назардан четда қолган кишилар ҳам бўлмасин. У бечоралар маъruzанинг бошидан охиригача бизнинг биргина на-

заримизни тутиш учун ҳаракат қилиб, бу орзуларига эриш масалар, бу бизнинг нотиқ сифатида қатта камчиликка йўл кўйганимизни кўрсатади.

Демак, маъруза пайти диққатимизни адолат билан, ҳаммага тенг тақсимлашимиз керак. Вақт бўйича ҳам тенг тақсимлашимиз керак. Масалан, маърузанинг биринчи қисмида фақат ўнг томондагиларга қараб, иккинчи қисмида фақат чап томонга қарасак, бу ҳам нотўғри бўлади. Бунда одамлар маърузанинг бир қисмини тинглаб, иккинчи қисмида қатнашмагандек бўлишади.

Агар нотиқ тажрибали бўлса, унинг маърузасидан кейин ҳар бир тингловчидаги, бугун воиз кўпроқ менга қараб гапирди-я, деган яхши таассурот қолади.

65-маслаҳат. Агар залда бошлиқ бўлса...

Агар залда бошлиқ, ҳурматли устоз ёки бошқа бирор алоҳида эътиборга сазовор кишилар бўлса, уларга, ҳолатга қараб, бошқаларга нисбатан озгина кўпроқ эътибор қаратасиз. Фақат бу ишни хушомадсиз амалга ошириш керак.

Кўз мuloқоти бир одам билан неча сония давом этиши керак?

Жавоблар ҳар хил: бир сониядан беш сониягача. Ўртacha икки-уч сония.

Умумий қоида: Мулокот ўрнатилгунча қараймиз.

Алоқа нима?

Киноя сифатида – бу нотиқ билан тингловчи ўртасида пайдо бўладиган учқун бўлиб, бу учқун уларни бир-бирига яқинроқ, меҳрлироқ қиласи.

Алоқа пайдо бўлганлигини қандай билиш мумкин?

Куйидаги аломатлар алоқа пайдо бўлганлигини билдиради: бошини қимирлатиб қўйиш, озгина табассум, танасини олдинга озгина ҳаракатлантириш, мимикасини ўзгариши ва х. к. Буларнинг барчасига эътиборли бўлинг.

Одамлар ҳар хил. Кимгадир бир назарнинг ўзи кифоя. Кимгадир эса кўпроқ қараб туриш керак. Шунинг учун бизнинг қарашимизга тингловчи қандай жавоб берганига эъти-

бор беришимиш керак. Ришта пайдо бўлдими, демак кейинги тингловчига ўтишимиз керак.

Тингловчига қандай қарашиб керак?

Фақат кўз билан қарасагу бош қайрилмаса! Бу, албатта, ноглийи. Хунук чиқади. Ёки фақат бош ҳаракатланса-ю, танамиз қимирламаса. Бу ҳам унчалик чиройли чиқмайди. Афсуски, ширим тажрибасиз нотиқлар айнан шундай қилишади: тингловчиларга фақат бошлари билан қайрилиб қарашади-ю, ташлари эса “қоққан қозик”дек қимирламай тураверади. Яхши нотиқ қайси томонга қайрилса, бутун танаси билан қайрилади, түкрагидаги юраги билан қарайди. Юракдан юракка эса алоқа үрнатиш, меҳр узатиш осон. Ўзимизни тингловчини ўрнига қўйсак, буни тушуниш осон бўлади. Бирор нотиқ танаси бошқа томонга қараб туриб, фақатгина боши билан биз томонга қараб гапирса яхшими, ёки бутун танаси билан биз томонга қараб мурожаат қиласами?

Алоқа таъсирини кучайтириш усуслари

Хар бир назаримизнинг таъсирини уч-тўрт баравар кучайтириши, янада таъсирчанлигини ошириши мумкинми?

Бунинг учун қуйидаги усуслардан фойдаланган маъқул:

Имо-ишора + назар

Агар сиз тингловчига назар солиб, яна у томонга қараб қўл ёки бош билан бирор имо-ишора ҳам қиласангиз, бу алоқа таъсирини бир неча марта кучайтиради.

Яқинлашиш + назар

Минбар бўлмаган залларда тингловчининг яқинига келиб қарасангиз, бу қарашнинг таъсири жуда кучли бўлади. Икки метр масофадан қарашиб 8-10 метр масофадан қарашибга нисбатан анча кучли таъсир қиласи.

Савол + назар

Залдагиларга савол бераб, шу пайтнинг ўзида уларнинг бирига қараймиз. Бу қарашимизни ва саволдан кейинги паузани тингловчи узоқ вақт эсидан чиқармайди. Фақат ҳаддан ошмаслигимиз керак. Чунки бу усул тингловчини сиздан қўрқадиган қилиб қўйиши мумкин.

VIII БОБ

ҚОҒОЗГА ҚАРАБ НУТҚ ҮҚИШ

Албатта, энг яхши йўл – қофозга қарамай нутқ сўзлаш. Лекин, кўпинча, маърузага қофоз билан чиқишга тўғри келади. Ёзилган қофоз – бу тош девор бўлиб, у нотиқ билан тингловчи ўртасида тўсиқ бўлади. Чунки нотиқ диққатининг катта қисмини қофозга сарфлашга мажбур бўлади.

Қоғозга қараб нутқ үқиши қоидалари

Кўз мулоқоти

Ҳаётда фақат қоғозга қараб маъруза қиласиган, қоғозга “ёпишиб” олган нотиқлар оз бўлса-да учраб туради. Бу иш катта хатодир. Агар биз тингловчини кўрмасак, тингловчи ҳам бизни кўрмайди. Агар биз айтган гапларимизни назаримиз билан қувватлантириб турмасак, улар тингловчининг қалбигача етиб бормайди. Шунинг учун кўпроқ тингловчиларга қарайлик. Паузаларни узокроқ сақлайлик. Чунки бу пайтда одамларга назар солиш билан бирга, ўзимиз ҳам қоғозга қараб олишга улгурамиз. Пауза учун тингловчилар ҳам биздан миннатдор бўлишади. Пауза одамларни бизни яхшироқ тушунишига ёрдам беради. Қоғозга эмас, тингловчига қараб гапирсак, одамлар ҳам биздан кўпроқ миннатдор бўлишади. Шунинг учун қоидани эслаб қолинг: *гапирганда – қарааш*, яъни гапираётганда ҳамма вақт тингловчиларга қарап керак. Қоғозга қараганда эса жим туриб ўқиисиз.

Нутқ суръати (тезлиги)

Одатда, қоғозга қараб гапирадиган киши қоғозсиз гапирадиган нотиқдан 1, 5 – 2 баравар тез гапира бошлайди. Жумлалар ичидаги маъновий паузалар йўқолади. Нотиқ матндаги барча нуқта, вергул ва бошқа белгиларни кўриб туради. Унинг хаёлида тингловчиларга ҳам ҳамма нарса шундай тушунарлидек туюлади.

Нутқ оҳангиги (интонация)

Қоғоздан ўқиганда нутқ оҳангига йўқолади. Натижада, маъруза зерикарли, қуруқ, монотон бўлиб қолади. Шунинг учун матнни нутқ оҳангига эътибор бериб, ифодали ўқиши керак.

Ана шу нарсаларни эсдан чиқармаган ҳолда, *с-е-к-и-и-р-о-қ* гапиришимиз керак! Сүзлар орасидаги сокинликни құлашимиш керак. Нутқ охангини күпайтириш керак. Гапиришимизга хиссиётларимиз қўшилсин.

Имо-ишора ва ҳаракатлар

Одатда, қоғоз билан гапирганда бир қўлимиз банд бўлади. Нутқ давомида, симметрия қоидасига амал қилиш учун қоғозларни бир қўлимиздан иккинчисига олишимиз мумкин. Бунда нутқимизга ҳаёт баҳш этиш учун имо-ишораларни, иккинчи қўлимиз ва танамизнинг ҳаракатларини қўшишимиз керак бўлади. Агар биз “қоқсан қозик”дек қимирламай, ҳаракатсиз нутқ ўқийдиган бўлсақ, тингловчиларнинг назари залдаги ёки деразадан ташқаридағи бирорта ҳаракатланаётган обьектга қараб кетаверади.

Агар биз ҳаракатланиб гапирсак, ва бу ҳаракатларимиз нутқимизга мос келса, тингловчилар бизни яхшироқ тушушишади, қўзларини биздан узмай ўтиришади.

Китобимизнинг кейинги сахифаларида имо-ишоралар ҳақида батафсил гаплашамиз.

Жумла ва паузаларнинг узунлиги.

Матнни ўқиётганда паузалар жуда ҳам кўп ва тез-тез ишлатилмасин. Масалан: “Хурматли (пауза) дўстлар (пауза). Ҳозир (пауза) мен сизларга (пауза) қуйидаги (пауза) воқеани (пауза) айтиб бермоқчиман (пауза)...”. Шу билан бирга жуда узун жумладан кейин биттагина пауза бўлса, у ҳам албатта, камлик қиласи. Шунинг учун ҳамма нарса меъёрида бўлишига ҳаракат қилиш керак.

Ўзимизнинг сўзларимиз билан сўзлайллик.

Қофздаги матнни сўзма-сўз ўқиб берган афзал. Матнни ўзимизнинг сўзларимиз билан қайта айтиб беришга ҳаракат қилишимиз зарур. Қофздаги битта жумлага ўзимизнинг 2-3 та жумламизни қўшишимиз керак. Шунда бизнинг нутқимиз силгандан эмас, балки оғзаки – тирик, тўлдирилган, табиий бўлади. Шунда ўз-ўзидан хиссиётлар ҳам пайдо бўлади. Чунки бу жумлалар энди ўзимизники, қалбдан чиқсан!

Матндан четга чиқишдан, ўз фикримизни эркин изҳор қилишдан, ўз мисолларимизни келтиришдан қўрқмайлик.

Ундан күра қоғоздан ўқилган матнинг тингловчининг қалб торларига тегмасдан, бир қулоғидан кириб, иккинчисидан чиқиб кетишидан кўрқайлик. Нутқимиз қоғоздагидек бехато, аммо ўлик бўлганидан кўра, озгина хатолар билан бўлса ҳам, тирик бўлсин!

Агар бирор бир ҳикояга оид матнни ўқиб бераётган бўлсак, унда уни шарҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бу пайдада телевизион сухандон каби тингловчиларни муҳокамага кўшиш мумкин. Масалан:

“Мана Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидан бир парча келтирамиз. Кулоқ солинг, унда нима дейиляпти...”

Бу усул билан биз тингловчини ўқиши жараёнига қўшиб юборяпмиз, уни иштирокчилардан бирига айлантиряпмиз.

Матнни “тирилтириши учун” риторик саволлар беринг.

Матндан тингловчи зерикласлиги учун залдагиларга ёки аниқ бирор кишига риторик саволлар бериб туриш керак. Саволни эшитгач, барча унга хаёлан жавоб беради, натижада уларнинг дикқати бир жойга жамланади. (Риторик саволлар ҳақида кейинги сахифаларимизда батафсил маълумот берилади)

Агар рақамларни ўқиб беришга тўғри келса-чи?

Агар нотик тингловчиларга зериктирувчи қуруқ рақамларни ўқиб беришга мажбур бўлса, уларнинг дикқатини шунга қаратиши керак:

“ – Айтганларимни тасдиқловчи қуйидаги бир неча рақамларни келтирмоқчиман...” (Куруқ огоҳлантириш);

“ – Албатта, рақамларжонли сұхбатдан кўра зерикарли, аммо улар моҳиятта етишишга ёрдам беради...” (Ҳазиломуз огоҳлантириш);

“ – Ҳозир тайёрлаб қўйилган бир нечта рақамларни келтирмоқчиман...” (Тўғридан-тўғри огоҳлантириш).

Кўштироқ ичидаги сўзларни ўқиши қоидаси

Агар тайёрланган ёзма нутқда қўштироқ ичидаги сўзлар бўлса, уларни оғзаки ўқишда “қўштироқ ичидаги”, “ўзларича”, “деб номланадиган” каби сўзлар ёрдамида ифодалаймиз. Масалан:

- Ушбу қўштироқ ичидаги “ҳақиқатгўйлар”, аслида... ;
- Юқорида санаб ўтилган ўзларича “зўравонлар”... ;
- “Тадбиркор” деб номланадиган бундай кимсалар...

IX БОБ

ДИҚҚАТНИ САҚЛАБ ТУРИШ УСУЛЛАРИ

Тингловчи дикқатини тез-тез янги маълумот билан алмаштириб туриңг.

Хар сафар маълумотни алмаштирган пайтимизда тингловчи дикқатини қайтадан бир жойга жамлайди. Бир мавтуда энг кўпи 20 дақиқа гапириш мумкин. Бундан орттириб бўлмайди. Энг яххиси эса ҳар 5-10 дақиқада мавзуни алмаштиргандек, янги нарсага дикқатни жалб қилиш керак. Айнан шу сабабдан мактаб дарси 45 дақиқа: 2 дақиқа саломлашиш ва тайёргарлик, 20 дақиқа олдинги дарс ва уйга вазифани сураш, 20 дақиқа кейинги дарсни тушунтириш, 3 дақиқа уйга вазифа бериш ва хайрлашиш. Яъни, дарс 4 бўлакдан иборат бўлиб, энг катта бўлими ҳам 20 дақиқадан ошмайди. Чунки ундан ошса мия чарчайди, маълумотни қабул қилмайди.

Бу иш амалда қандай бўлади?

Айтайлик, нотиқ ўз мавзуси бўйича 40 дақиқа гапириши керак. Лекин бунча узоқ вақт тингловчининг дикқатини сақлаб туриш жуда қийин. Тахминан 10 дақиқа мавзу бўйича гапириб, тингловчиларнинг юзида чарчашиб ёки бефарқлик аломатларини сеза бошласа, олдиндан тайёрлаб келган шу мавзуга мос бирор воқеани айтиб беради: “Азиз биродарлар! Энди қуйидаги ҳаётий воқеага дикқатларингизни қаратмоқчиман...” Чарчаган ва бефарқлар ҳам ўрнидан қўзғалиб, дикқатини нотиқка жамлайди. 4-5 дақиқа давомида ҳаётий воқеани айтиб бергач, яна мавзуга қайтади: “Энди яна мавзумизни давом эттирамиз...” 8-10 дақиқалардан кейин яна чарчоқ аломатларини сезгач, олдиндан мавзуга мос қилиб тайёрлаб келинган ривоятни бошлиайди: “Энди қуйидаги ажойиб ривоятга эътибор беринглар...”

Ривоятни ёш боладан бошлаб то қарияларгача ҳамма яхши кўради! Ривоятни эшитиб уйқуси келганлар ҳам уйғонади, уни қизиқиб тинглайди. Фақат сийқаси чиқиб кетган, ҳамма биладиган ривоятни эмас, янгироқ ва қизиқроғини топиш

керак. Агар ривоят мавзуга мос бўлса, унда мавзуни тушуниш, уни қабул қилиш янада осон кечади. Ривоятдан кейин: “Энди мавзумизнинг давомига қулоқ тутайлик...”

Энг қийини охирги 5-7 дақиқа. Энди мавзуни бутунлай бошқасига алмаштирмаса, тингловчининг диққатини сақлаб қолиб бўлмайди. Лекин қандай қилиб? Ахир мавзу эълон қилинган-ку? Одамларга сездирмай, худди мажбур бўлгандек: “АЗИЗ БИРОДАРЛАР! Мавзу якунланяпти. Биламан, ҳаммамиз ҳам бироз чарчаб қолдик. Олдинги маърузамизда қуйидаги қизиқ савол тушган эди. Лекин, вақт танқислиги сабаб жавоб беришга улгурмаган эдик. Ҳозир шу саволга жавоб бермоқчиман...”, деб тингловчиларга фойдаси тегадиган ва уларни зериктирмайдиган хоҳлаган мавзуда 5-7 дақиқа гапиришимиз мумкин. Чарчаган тингловчилар ҳам энди сизни яна диққат билан тинглай бошлайдилар.

66-маслаҳат. Бошқача усул! Тўғридан тўғри мавзуни алмаштирамиз:

“АЗИЗЛАР! Кўриб турибман, айримлар чарчаб қоляпти. Шу сабабдан мияга дам бериш учун қуйидаги нарсани (ривоятни, ҳикояни, воқеани, саволга жавобни...) сизларга айтиб бермоқчиман...” Бу жумлалардан кейин тингловчиларга хоҳлаган мавзудаги қизиқ ва манфаати тегадиган нарсаларни айтиб бериш мумкин. Маъруза 40-45 дақиқа давом этадиган бўлса, бу усулни ҳар 10-12 дақиқада икки ёки уч марта ҳам қўллаш мумкин. Натижада, маърузанинг бошидан охиригача тингловчилар ухламай, зерикмай, чарчамай бизни тинглашади, манфаатли илм олишади.

67-маслаҳат. Яна бир усул! Йиғиб қўйған саволларга жавоб берамиз.

Бу усул маърузанинг охирги 5-10 дақиқаси учун бўлиб, йил давомида одамлардан тушган қизиқарли ва фойдали саволларни қоғозчаларга ёзиб юрамиз ва уларга тингловчилардан тушган савол сифатида улгурганимизча жавоб берамиз. Бу ҳам тингловчининг диққатини сақлашда яхши самара беради. Шу ишларни қилмасак, ҳар қанча яхши нотик бўлмайлик, маърузанинг охирги қисмида чарчаган,

зериқкан, ухлаётган одамларга кўзимиз тушади. Бунга сабаб нотиқнинг ёмон маърузаси эмас, балки бир мавзуда 20 дақиқадан ортиқ гапирганимиздир. Бу нарсага эътибор бериб, юқорида айтилган усулларни ҳар бир маърузамиизда қўллашга ҳаракат қилишимиз лозим.

68-маслаҳат. Маъruzani bosқичларга бўлиб, тингловчи хотирасига маҳкамлаб қўйинг.

Маърузангизни ҳар бир босқичидан кейин, берилган мәтъумотларни тингловчи хотирасига маҳкамлаб қўйинг. Қандай қилиб? Масалан:

- “Ҳаммаси тушунарлими?” деб савол беринг;
- “Шундай қилиб...” деб бошлаб, зарур жойларни яна бир марта такроран айтиб беринг;
- каттароқ пауза қилинг;
- шу пайтгача айтганларингизга қисқача хуроса ясанг ва ҳ. к.

Шундай қилсангиз, тингловчи шу қисмлар учун ўзига хуроса ясад, уни хотирасида мустаҳкамлаб қўяди. Чиқишингиз бир узун чарчатувчи маъруза эмас, балки бир неча қисқа бўлаклардан иборат бўлади.

Диққатни сақлашнинг бошқа усуллари

Жалб қилиши усули.

Одам эшитган нарсасининг 90 фоизини, кўрган нарсасининг 60 фоизини, ўзи қилган ишининг 10 фоизини эсидан чиқарап экан.

Ишонмайсизми? Ўйлаб кўринг, қайси бирини яхшироқ эслаб қоласиз: қўшнингиз Эшматни калтаклашганини кимдандир эшитганингизними, ёнингизда Эшматни калтаклашганиними ёки ўзингизни калтаклашганиними? Демак, жараёнга ўзингиз қанча яқин қатнашган бўлсангиз, шунчалик хотирангизда яхши қолар экан.

Болалар саҳна кўринишини эсланг: Ялмоғиз кампир томошабин-болалардан қорқиз қаёққа кетганини сўрайди. Болалар ҳаммаси жўр бўлиб: “У ёққа!!!” деб, тескари томонни кўрсатишади (Жамоа бўлиб ёлгон гапириш дарсини шу ерда олишади). Ялмогиз эса тушуммагандек: “Бу ёққами?” деб,

түғри томонни күрсатади. Болалар эса сакраб туриб: “Йўқ, у ёқقا!!!”деб яна тескари томонни күрсатишади. Бир неча мартадан кейин болалар, ҳатто терлаб кетишади. Бу томошабинларни жалб қилиш усули ҳисобланади.

Нотиқ ҳам тингловчиларга нисбатан шунга ўхшаш усулларни қўллаши мумкин. Масалан:

- залдагиларга савол беради;
- хато қилсан мени тузатинглар деб, “билмасдан” хато қиласди;
- бугунги мавзу кимга қизиқ бўлса, қўлини кўтаришини сўраб, ўзи ҳам уларга ибрат бўлиб қўлини кўтаради;
- нотиққа қараб яқинроқ силжишларини сўрайди;
- овозим яхши эшитиляптими, гапларим тушунарлими? деб сўраб, жавобини кутади;
- ҳали чарчаб қолмадингларми, уйқу келмаяптими? деб сўрайди ва ҳ. к.

Шундай қилиб, тингловчилар маъруза жараёнига жалб қилинади. Улар бизни “ўзимизнинг одам”дека қабул қиласдиган бўлишади, ўzlари сезмаган ҳолда бизга меҳр кўйишади. Бу эса ҳар бир нотиқнинг орзуси бўлса керак.

Фақат савол бераётганда эҳтиёт бўлиб, ўзимиз жавоб бера оладиган нарсалар ҳақида сўраш керак. Масалан, “Кўчадаги йўлга асфальт қоплаётган машинанинг овози халақит бермаяптими?” деб сўраганимиздан кейин, одамлар: “Халақит беряпти”, дейишса, у машинанинг ишини тўхтатиш барибир қўлимиздан келмайди! Натижада нокулай аҳволга тушиб қоламиз. Ёки, тингловчиларга маърузамиз мавзуси қизиқ эмаслигини сезиб турган бўлсакда, “Мавзумиз қизиқми?” деб сўрашимиз ноўрин. Чунки одамлар: “Йўқ, қизиқ эмас, бошқа мавзуга ўтинг”, деб талаб қилиб қолишлари мумкин. Бунда ҳам жуда нокулай бўлиб қолади.

Бу усул анча оддий кўринса-да, жуда яхши фойда беради. Кейинги маърузамизда қўллаб кўриб, бунга ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

Жалб қилишнинг манипулятив усули

Жалб қилишнинг бу усулида биз тингловчилардан бирор ишда **ёрдам беришни** сўраймиз:

- илтимос, деразани очинг (ёпинг);
- илтимос, чирокни ёқинг (ӯчиринг);
- илтимос, кечикканларни ичкарига киритинг;
- илтимос, қўшнингизни тинчлантириб қўйинг;
- илтимос, ўн дақиқа ўтгач, менга эслатинг ва ҳ. к.

Бу ерда бир кишидан илтимос қилаётган бўлсак ҳам, жамоа ўзини бир тану бир жондек ҳис қиласди ва “нотиққа биз ёрдам бердик” деган хиссиёт билан ўтиради.

Аввалига оддийгина нарсалар илтимос қилиниб, сўнг қийинроқ нарсаларни илтимос қилса бўлади. Шунингдек, савол берганда ҳам, қийин саволларни бермай, оддийгина “ҳа” ёки “йўқ” ёхуд бош қимиirlатиб қўйишни талаб қиласдиган саволларни бериш керак. Масалан: “Тўғрими?”, “Тушунардими?”, “Давом этамизми?”, “Шундай эмасми?”, “Розимиз?”, “Чарчамадингизларми?” ва ҳ. к.

Кескин фарқли таъсирлаш усули

Агар нотиқ кескин фарқли таъсирлаш усулидан фойдаланса, тингловчи ундан бошқа ҳеч кимни кўрмайди, ундан кўзини уза олмайди. Бу усулдан амалда қуйидагича фойдаланилади:

Паст овозда гапираётган нотиқ, бирданига бир неча жумлаларни деярли бақириб айтиб юборади. Кейин эса деярли пичирлаб гапира бошлайди. Сўнг тўхтаб қолади. Каттароқ пауздан кейин секин, шошилмай гапира бошлайди. Сўнгра бирданига тезлашиб кетади. Яна секин ва паст гапира бошлайди...

Талабалик даврини эсланг: маъруза пайтида ўқитувчи бир хил овозда, бир маромда, суръатда, баландликда, ҳаракатланмасдан гапира бошласа, бир неча дақиқадан кейин ҳаммани уйқу босади. Биз ҳам тингловчиларимиз ухлаб қолишини хоҳламасак, гоҳ тез, гоҳ секин, гоҳ баланд, гоҳ паст, гоҳ бақириб, гоҳ пичирлаб, гоҳ ҳаракатланиб, гоҳ тўхтаб, нутқ оҳангига эътибор бериб ғапирайлик. Шунда залдаги бутун диққат бизга қаратилган бўлади.

69-маслаҳат. “Илинтирувчи” усуллардан фойдаланинг.

Тингловчилар дикқатини илинтириб, сўнг уни нутқ охиригача ушлаб туришни хоҳлайсизми? Улар сизга ром бўлиб, кўзини узмасдан туришини-чи? Ундай бўлса, қуидаги “илинтирувчи” усуллардан фойдаланинг. Бу усулларнинг вазифаси нималардан иборат? Улар:

1. Нутқингизнинг хоҳлаган қисмида тингловчилар билан мулоқот ўрнатиш, уларга мурожаат қилиб туриб, “ўзларининг одам” и бўлиб олиш.

2. Маъruzaga диққат қилмаётган ёки “мураккаб” тингловчиларнинг диққатини жалб қилиш, хаёли бошқа жойда бўлган кишини бир савол билан жойига қайтариш.

3. Ҳар бир саволдан кейин, албатта, бир неча сониялик сукут бўлади. Бу нотиқнинг ўзига ҳам дам олиш, фикрларини бир жойга жамлаш имконини беради.

Бу усуллар ҳақида китобимизнинг бошқа қисмларида ҳам тўхтаб ўтилган.

1. Бутун залга риторик саволлар берши. Бу саволлар тингловчилардан жавобни талаб қилмайди ёки бир бўғинли (“ҳа” ёки “йўқ”) жавобини талаб қиласди. Масалан:

- “Хозир ҳаммамиз ривожланган техника тараққиёти даврида яшаяпмиз, тўғрими?”;
- “Охирги пайларда қулайликлар жуда кўпайиб кетди, шу фикримга қўшиласизларми?”;
- “Орамизда савдо-сотиқ билан шуғулланадиганлар ҳам борми?

- “Орқа қатордагилар, сизларга яхши эшитиляптими?” ва ҳ. к.

Бу усул нима учун иш беради? Инсон саволни эшитганда (гарчи савол айнан унинг ўзига берилмаган бўлса-да) хаёлан унга жавоб беради. Саволни эшитдими, жавоб бериш учун дикқатини ихтиёrsиз нотиқка қаратишга мажбур бўлади, фикрлари чалғиб кетган бўлса, яна бир жойга жамланади.

2. Аниқ бир одамга риторик савол берши. Бунда аниқ бир тингловчига қараб (имкон бўлса, исмини тилга олиб) мурожаат қилинади. Масалан:

- “Наимжон, сиз Россиядаги олийгоҳни тугатгансиз, шундайми?”;

- “Мана, сиз, бундан олдин бирор мусобақада қатнашганмисиз?”;

- “Чекка қатордаги кўк кўйлакли йигит, сизга жадвал яхши кўриняптими?” ва ҳ. к.

3. Бўлаётган воқеа-ҳодисани шарҳлаш, изоҳлаш. Бу усул оддийлиги ва таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Бу усул тингловчиларни ҳозир ва шу ерда бўлаётган воқеа-ҳодисага маърузага алоқаси бор ҳар қандай нарсани боғлашдан иборат. Бунда тингловчилар ўзларини шу воқеаларга алоқадордек ҳис қилиб турадилар. Масалан:

- “Мен бугунги маърузанинг сизлар учун қизиқлигини қарашларингиздан сезяпман. Келинг, унинг муҳокамасини давом эттирайлик...”;

- “Биз ўтирган мана шу бино собиқ Иттифоқ даврида...”;

- “Деразадан кўриниб турган мана шу дарахт юз йилдан ошиқ вақтдан бери...”;

- “Мен айтган фикрни кимлардир маъқуллаб, кимлардир рад этаёттганини кўриб турибман...”;

- “Сизларнинг чехраларингиздаги табассумни кўриб шундай хulosага келдимки,...”;

- “Мана шу, биз турган ердан олдин дарёнинг ирмоғи оқиб ўтган экан...”;

- “Шу гапни айтганимдан сўнг кўпчилигиниз бош қимирлатиб маъқулладингиз...” ва ҳ. к.

4. Нотиқнинг “эсидан чиқиб қолиши”.

Агар нотиқ нутқи давомида ниманидир унутса (ёки ўзини ёдидан кўтарилгандек тутса), тингловчиларнинг ҳаммаси унга ёрдам бермоқчи, ўша нарсани эсига туширмоқчи бўладилар. Ва агар ёрдам бера олсалар, ўзларини яхши иш килгандек ҳис этадилар. Инсон ҳеч қачон ўзи ёрдам берган кишисига салбий муносабатда бўла олмайди. Ана шу руҳий ҳолатдан ақлли нотиқ уддабуронлик билан фойдаланиши мумкин. У кўпчилик биладиган бирор нарсани гўёки “эсдан чиқариб”, тингловчилардан “ёрдам сўрайди”. Тингловчилар дарҳол ёрдам бериб, ундан сўнг бутун вужудлари билан

маърузанинг давомини тинглайдилар, нотиқни қўллаб-кувватлайдилар. Масалан:

– “Олма билан боғлиқ энг машҳур ихтирони ҳамма билади. Дараҳт тагидан ўтаётганда олма тушгач, у ..., ким эди-я?..., ҳалиги.... Ҳа, раҳмат! Ньютон...” (Аудиториядагилар хурсанд – улар нотиққа ёрдам беришди!);

– “Кимё фанидан ҳаммамизга таниш “кимёвий элементлар жадвали”ни тузган машҳур олим..., ҳалиги..., э-э.... Катта раҳмат! Менделеев...”;

– “Дунёнинг кўп жойларини босиб олган мўғул босқинчиларининг қўмондони ..., ҳалиги... Ҳа-ҳа! Катта раҳмат! Чингизхон...”;

– “Шўролар келишидан олдин, охирги Бухоро амири..., ҳалиги..., э-э... Раҳмат сизга! Амир Олимхон...” ва ҳ. к.

70-маслаҳат. Қўйидагиларга эътибор беринг:

1. Саволга жавобни ўзингиз тарғиб қилинг: агар тингловчилар бошларини қимиirlатиб жавоб беришларини хоҳласангиз, ўзингиз улардан олдинроқ бош қимиirlатинг. Агар қўл кўтаришларини хоҳласангиз, ўзингиз олдинроқ қўл кўтaring.

2. Саволларни имкон борича юмшоқроқ, дўстона руҳиятда беринг, акс ҳолда, бу усуllар иш бермайди.

3. Кескинликни ифода қилувчи сўзлардан камроқ фойдаланинг. Имкон борича уларнинг ўрнига юмшоқроқ сўзларни ишлатинг. Масалан:

- “ҳамма вақт” ўрнига – “кўпинча”;
- “ҳамма жойда” ўрнига – “кўп жойларда”;
- “қилиши шарт” ўрнига – “қилиши лозим”;
- “ҳамма” ўрнига – “кўпчилик”;
- “ҳеч қачон” ўрнига – “бирор дафъа”;
- “ҳар бир одам қилиши керак” ўрнига – “одамлар қилишлари лозим”;
- “доим учрайди” ўрнига – “учраб туради”;
- “бундайларни орамиздан йўқотиш керак” ўрнига – “бундайларни сафимизга яқинлаштирумаслика ҳаракат қилишимиз лозим”.

4. Саволларни шундай берингки, уларга тингловчилар “йүк” ўрнига “ҳа” деб жавоб қайтаришсін. Масалан, “Сиз гуноҳ ишларни яхши күрасизми?”, деган саволга “йүк” деган жавобни олғандан кўра, “Сиз гуноҳ ишларни ёмон күрасиз-а?” деган савол бериб, “ҳа” деган жавобни олган яхшироқ. Чунки, руҳшуносларнинг таъкидлашларича, “йүк” сұзи кейинги фикрларни ҳам инкор қилишга чорлайды. “Ҳа” сұзи эса, кейинги гапларни ҳам тасдиқлашга ундейди.

Х БОБ

НУТҚНИНГ ҚУВВАТИ

Икки хил нотиқни кўз олдимизга келтирайлик: бири-нинг қилаётган нутқидан ҳамманинг уйқуси келяпти. Иккинчиси эса футбол майдонидаги ишқибозларга шунағанги қайноқ нутқ сўзлаяптики, одамлар унинг ортидан эргашиб кетишга тайёр туришибди. Улар бир-биридан нимаси билан фарқланади? Нима учун тингловчилар биринчисини “қачон тугатар экан?” деб зерикиб кутишяпти-ю, иккинчисининг нутқидан сўнг ўз футбол клублари учун, ҳатто жангга ҳам тайёр туришибди?

Ҳамма гап **нутқнинг қувватида!** Нутқ пайтида қонимизда қанча кўп адреналин айланса, нутқнинг қуввати шунчалик кучли бўлади. Нутқ нотиқнинг қалбидан чиқса, унинг ўзини ҳам ҳаяжонлантирса, гаплари тингловчиларнинг юрагигача етиб боришини хоҳласа, айтиётган гаплари ўзининг ҳам дил торларини ўйнатиб чиқса, ҳатто кўзига ёш келадиган даражада бўлса, бундай нутқ ҳаммани сехрлаб қўяди! Бундай нутқни ҳаяжонсиз тинглаб бўлмайди! Бундай нутқ, албатта, тингловчиларнинг қалбигача етиб боради!

Айрим пайлар нотиқ хотиржам туриб маъруза қиласди, аммо ичимиздаги олтинчи ҳиссиёт билан уни қалбдан нутқ сўзлаётганини, айтиётганларига ўзи бепарво эмаслигини, гаплари кўзга кўринмас қувват билан чиқаётганини ҳис қилиб турамиз.

Нутқ қуввати маърузага омад келтирувчи, нотиқни тезда халқ орасида машҳур қилувчи, тингловчилар сонини кўпайтирувчи омил ҳисобланади.

Талаффузимизда нуқсон бўлиши мумкин, маърузамизнинг сифати пастроқ бўлиши мумкин, хатоларимиз борлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас, аммо нутқимизнинг қуввати кучли бўлса, нотиқ сифатида ғолибмиз! Кўпчилик бизни эшитиш учун келади! Кейинги маърузамизни кутади!

Нутқ қувватини бошқариш

Нутқ қуввати 0 дан 20 даражагача оралиқдаги шкалада үлчанади.

0 – бу чукур, тинч уйқу.

5-6 – гипноз ҳолати. Бунда нотик ўтириб паст, секин, хотиржам ҳолда гапириб, деярли ухлатади.

10 – маъруза пайти ҳаммага “алла” айтадиган нотик.

12-16 – яхши нотикнинг иш ҳолати ҳисобланиб, шу оралиқда маъруза қилиш тавсия қилинади.

20 – нотикнинг оғзидан кўпик сачратиб, бақир-чақир қилиши.

Имо-ишораларнинг баландлиги ва амплитудаси:

10 даража – қўллар бутунлай пастга осилган;

11-12 даража – қўллар қориннинг пастигача кўтарилилган;

13-14 даража – қўллар қориннинг юқори қисмигача кўтарилилган;

15-16 даража – қўллар кўкрак қисмигача кўтарилилган;

17-18 даража – қўллар кўз соҳасигача кўтарилилган;

19-20 даража – қўллар юқорига кўтарилилган (“Орқамдан, олға!”).

Нутқ қувватига таъсир қилувчи кўрсаткичлар

Ҳаракатлар

Нотик бир жойда турмасдан, ҳаракатланишини бошлиши билан – нутқ қуввати 1-2 даражага кучаяди. Агар саҳнада югурга бошласа (рок концертларни эсланг), қувват 3-4-5 даражага кучайиб кетади.

Тингловчиларга яқинроқ бўлиш

Агар нотик 20 даражада бақир-чақир қилиб нутқ сўзласа-ю, тингловчилар ундан камида 10 метр узоқроқда ўтирган бўлса, одамларгача бор-йўғи 12-14 даражага қувват етиб келади, холос. 6-8 даражага қувват эса, орадаги 10 метр масофада йўқолиб кетади. Тингловчига ҳар бир қадам яқинлашиш, нутқ қувватини 1 даражага кучайтиради, узоқлашиш эса 1 даражага сусайтиради. Шу сабабдан, нутқ қувватини ошириш

учун иложи борича тингловчиларга яқинроқ бўлиш талаб этилади.

Имо-ишораларнинг кенглиги ва фаоллиги

Ленин ва Гитлерни эсланг. Улар тана, қўл билан кенг ва фаол имо-ишоралар қилиб оламонни қўзғаб юбора билганлар. Чунки бу ҳаракатлар нутқ қуввати даражасини ошириб юборади. Бу имо-ишораларнинг камлиги, секинлиги, кичиклиги эса биздан чиқаётган нутқ қуввати даражасини пасайтиради.

Баланд товуш кучи

Одатда овоз қанча баланд бўлса, унинг қуввати шунча кучли бўлади. Қанча паст бўлса, шунча кучсиз бўлади. Аммо, саҳнада ҳаракатланиб, одамларга яқинлашиб, имо-ишораларни кучайтириб, ҳатто пицирлаб ҳам 17-18 даражадаги нутқ қувватига эришиш мумкин.

Нутқ оҳангининг бойлиги

Нутқимизда ҳис-ҳаяжон қанча кўп бўлса, нутқ қуввати шунча кучли бўлади. Буни энг асосий кўрсаткичлардан бири десак ҳам бўлади. Чунки паст овозда, имо-ишорасиз, аммо қаттиқ ҳаяжон билан гапирсак, тингловчиларнинг юрагини тез уришга мажбур қила оламиз. Нутқ оҳангини тўғри ишлатиб тингловчининг қалбини эритиш ҳам мумкин, музлатиш ҳам мумкин. Бутун зални кулдириб турган асқиячининг бирдан нутқ оҳангини ўзгартириб, унга ҳис-ҳаяжонларни қўшиб, паст овозда бўлса ҳам тингловчиларни йиғлатишига сабаб шудир.

71-маслаҳат. Ўз овозингизни четдан эшигининг.

Ўз овозингизни четдан эшитиб машқ қилинг. Бунинг учун овозингизни диктофонга, телефонга, ёки камерага муҳрлаб, кейин эътибор билан эшигининг. Нутқ оҳангига, тезлигига, қувватига, баланд-пастлигига, ҳар хиллигига ва х. к. Бу машқ ўзингизга билинмайдиган кўплаб хатоларни топиш ва тузатиш имконини беради.

Тингловчиларга қараб гапириши.

Агар биз тингловчиларга эмас, балки ерга ёки шифтга қараб гапирадиган бўлсак, ҳар қанча юқори нутқ қуввати билан гапирмайлик, бу қувват мўлжалга етиб бормайди.

Шунинг учун тингловчиларнинг кўзига қараб гапириш керак. Бунда биз шахсий алоқа ҳисобига қувватни тингловчига кучлироқ етказамиз.

Бир хилликдан қочинг.

Бу кўрсаткич олдинги барча кўрсаткичларга тегишли-дир. Агар овоз доимо баланд бўлса, тезда унга қўнишиади ва у энди таъсир қилмай қўяди. Кенг ва фаол имо-ишоралар доимо бир хил шаклда бўлса, асабга тегади. Ҳис-ҳаяжон доимо бир хил кўринишда бўлса, тингловчи ундан безикади ва ҳ. к. Шунинг учун бир хилликдан қочинг, нутқ қуввати кўрсаткичларини доимо ўзгартириб туриңг.

Бошқа машхур нотиқларнинг нутқларини олиб эшитинг ва уларнинг нутқ қувватига ўргангандан ҳар бир кўрсаткич бўйича алоҳида баҳо беринг. Бу нотиқ сифатида ўсишингиз учун катта ёрдам беради.

Қачон қайси қувватдан фойдаланиш керак?

Юқори қувват

Агар тингловчини бирор нарсага кўндириш, ишонтириш, илҳомлантириш, қалбидағи “оловни ёқиши”, бирор нарсанни асослаш, ҳиссиётларни етқазиши, асқия айтиш, ҳаётий воқеани айтиш, минбардан туриб нимагадир даъват қилиш керак бўлса, бунда юқори нутқ қувватидан фойдаланамиз. Бу пайтда кўтаринки руҳият билан, тез-тез, баланд овозда, ҳис-ҳаяжон билан, имо-ишоралар билан, нутқ оҳангини чиройли қилиб гапириш керак бўлади.

Ўртacha қувват

Аҳборотга оид, мантикий, илмий маъruzаларда маълумотларни тингловчиларга етқазиши учун ўртача қувватдан фойдаланамиз. Масалалар, фикрлаш учун илмий ҳақиқатлар, сонлар шошилмасдан, ўртача тезлик ва қувват билан етказилиши керак. Агар булар юқори қувват билан етказилса, ҳис-ҳаяжон ва имо-ишоралар олдинги ўринга ўтиб, айрим далиллар эътибордан четда қолиб кетиши мумкин. Чунки бунда тингловчи илмий далилларга эмас, кўпроқ нотиқнинг ҳиссиётларига эътибор беради.

Паст қувват

Одамларни медитатив ҳолатга туширишда, умумий гипноз сеансларида, тингловчи ўзининг ички дунёсига қулоқ солиб кўриши тавсия қилинган ҳолларда, уйқудан олдин болаларга эртак айтиб беришда нутқнинг паст қувватидан фойдаланилади. Бунда тинч, секин, паст овозда, ҳаракатланмасдан, имо-ишораларсиз бир хил тонда гапирилади.

Тингловчиларнинг ҳолатига қараб мослашиш

Фараз қилинг, одамлар залда ухляяпти. Сизнинг мақсадингиз эса уларни душманларга қарши жангга олиб чиқиши... Нима қилиш керак?

Айрим тажрибасиз нотиқлар тингловчиларнинг ярим уйқу ҳолатига эътибор бермай, бирданига юқори қувват билан нутқни бошлаб юборади. Буни ухлаб ётган одамнинг ёнига секингина келиб, бирданига қулоғига бақирганга ўхшатса бўлади. Албатта, бунда уйқудан қўрқиб уйғонган одам хурсанд бўлмайди.

Тажрибали нотиқ эса, одамларнинг ҳолатини ҳисобга олиб, аввалига шошмасдан, вазминлик билан нутқни бошлаб, аста-секин унинг қувватини керакли даражагача кўтариб олади.

Худди шунингдек, ҳаддан ташқари қўзғалган, бақирчақир қилиб турган одамларга бирданига оғир, ғамгин ёки илмий мавзуни гапириб бўлмайди. Бунда аввал уларга мослашиб, 3-5 дақиқа юқори қувватда, тез-тез ва баланд гапириб, сўнгра нутқнинг қувватини пасайтириб бориб, тинч ва вазминлик билан давом эттириш керак бўлади.

Дикқатни жалб қилиш

Тингловчилар нутқингизга нисбатан бефарқ бўла бошлаганини сезсангиз, унинг қувватини бирданига 3-4 даражага кўтариш. Одамлар сергаклангач, яна керакли даражагача пасайтиринг.

Ташаббусни құлға олиш

Фараз қилинг, ишхонага кириб келдингиз. У ерда иккى кинши сиз яхши биладиган мавзуда қизишиб баҳслашыпти. Сиз ҳам бу баҳсга қүшилмоқчисиз, аммо сизни эшитиш мәяпти. Нега? Чунки уларнинг нутқ қуввати сизнидан айча баланд. Демак, бу баҳсга аралашиш учун сиз ҳам нутқ қувватингизни камида ўшаларнинг даражасига, ёки ундан ҳам юқорироққа күтаришингиз керак.

Яна бир ҳолат: Шовқин-суронли даврада сизга сўз беришди. Сизни эшитишлари учун, камида бир неча сонияга нутқ қувватингизни даврадагилар қувватидан юқорироққа күтаришингиз керак. Шундан сўнг, ҳамманинг диққат марказига айлангач, гапни давом эттиришингиз мумкин.

Яна бир ҳолат: Нутқ қилаётган пайтингизда тингловчилардан бири хаяжон билан, баланд овозда савол бера бошлади. Лекин савол чўзиляпти... Уни тўхтатиш керак. Лекин наст овозда уни тўхтата олмайсиз. Тўхтатиш учун нутқ қувватингизни савол берувчининг қувватидан юқорироққа күтаришингиз лозим...

XI БОБ

НАЗАР ВА ИМО-ИШОРАЛАР

Инсоннинг ўзини тутиши, назари ва имо-ишоралари-га қараб унинг ички дунёси ҳақида кўп нарсаларни билиб олиш ва шунга қараб у билан муомала қилиш мумкин. Қуйида санаб ўтадиганларимизни яхшилаб тушуниб олсангиз, тингловчи, нотик ёки сухбатдошингизнинг феълини, руҳий ҳолатини, кайфиятини, сизга ёки атрофдагиларга бўлган муносабатини билиб олиш имконига эга бўласиз.

- *Бошини баланд қўтариб туриши* – ўзига бўлган ишонч, тўлиқ очиқлик, атрофдагиларга эътибор.
- *Бошини намойишкорона, таъкидлаб қўтариши* – сухбатдошидан ўзини баланд тутиш, ундан ўзини узоқлигини намойиш этиш.
- *Бошини орқага ташлаш* – баҳсга ёки жанжалга чақирув.
- *Бошини ён томонга эгига туриши* – фаолликдан воз кечиши, сухбатдошга нисбатан тўлиқ очиқлик, унинг айтганини маъкуллаш, ҳатто унга бўйсуниш.
- *Бошининг пастга осилиб туриши* – бўшлик, иродасизлик аломати.
- *Кўзлар тўлиқ очиқ* – умумий тийраклик (живость), хиссиётларга юқори берилувчанлик.
- *Бироз туширилган кўзлар* – бефарқлик, такаббурлик, зерикиш ёки чарchoқ аломати.
- *Қисилган кўзлар* – диққат билан кузатиш.
- *Қисилган кўзлар билан ён томондан назар солиши* – айёрлик, маккорлик.
- *Сухбатдош юзига тўғри ва очиқ қараши* – ишонч, қизиқиш, очиқлик, ҳамкорликка тайёрлик.
- *Ён томондан кўзларнинг чети билан нигоҳ* – ишончсизлик, сухбатдошга ишонмаслик.
- *Боши эгилган ҳолда пастдан юқорига қараши* – тажовузкор ҳаракатга тайёрлик.

- Тананинг орқа қисми букилган ҳолда пастдан юқорига қараш – бўйсинувчанлик, қарамлик, хизматга тайёрлик.
- Бошини орқага ташлаб, юқоридан пастга назар – ўзини китта тутиш, манманлик, кибр, паст назар билан қараш, қуқмронликни излаш.
- Назарни олиб қочиш – ўзига ишонмаслик, камтарлик, куръатсизлик, эҳтимол, айборлик ҳисси.
- Оғизни икки бурчаги пастга тортилган – ҳаётга салбий муносабат, хафалик, ёмон кайфият.
- Оғизнинг икки бурчаги юқорига кўтарилиган – ҳаётга ижобий муносабат, хурсандлик, яхши кайфият.
- Қалин лаблар – ҳаётий ҳиссиётлар кучли.
- Майин, кесилгандек ўткир лаблар – ақл идроки кучли.
- Тананинг икки томонига бўши осилган қўллар – тушкунлик, ирода сустлиги, курашга тайёр эмаслик.
- Кўкрак устида букилган қўллар – ҳимояланиш, қисман изоляция, ниманидир кутиш.
- Юқорига очилган панжа – тушунтириш, ишонтириш, очиқ намойиш қилиш, бериш.
- Бир ёки иккала қўл чўнтақда – қийинчилик ёки ишончсизликни яширишга ҳаракат қилиш, бемалолликни йўқотиш.
- Қўлларни мушт қилиш – диққатни бир жойга йиғиш, ҳаяжонни бошқариш.
- Қўлларни ишқалаш – хурсанд қиладиган, ёқимли нарсанни эслаш, ўйлаш.
- Қўлларни ёрдамида юзнинг ҳаммасини ёки бир қисмини ёпиш – ўзининг ҳолатини яширишга ҳаракат қилиш, қийин ҳолат ёки ўйланиб қолиш.
- Пешонани артиши – бирор масала устида фикрни жамлаш.
- Кўрсаткич бармоқ қаттиқ тикланган – бутун диққати ички ҳолатига қаратилган.
- Букилмаган кўрсаткич бармоқ лабларнинг четига тегяпти – ишончсизлик, сабаб қидирш, ёрдам кутиш.
- Бармоқ оғзига тиқилган – соддалик, тушунмовчилик, бепарволик, паришонхотирлик, эътиборсизлик.

• *Бармоқ кўзларнинг ёки қулоқнинг четига тегиб туриши* – бироз ноқулайлик, журъатсизлик, ишонтиришга ҳаракат.

• *Кўрсаткич ва бош бармоқнинг учлари бир-бираига тегиб, қолганлари кўтарилиб туриши* – ҳар бир майдадага ҳам юқори даражада диққат қилиш.

• *Кўллар белга тираган* – ўзининг устунлигини, кучлилигини кўрсатиш, қарши чиқиш, курашга чақириш, чираниш, мақтаниш, ном чиқариш учун мардлик кўрсатиш. Кўпинча уялиш ёки ожизликни яшириш.

• *Кўллар билан бирор нарса (масалан, стол, стул суюнчиғи, минбар)га суюниши* – ўзига руҳий мадад қидириш, ишончсизлик, ожизлик.

• *Лунжини ушлаб туриши* – чуқур ўйга ботганлик.

• *Бош олдинга эгилган* – диққат билан эшитиш. Агар тингловчиларнинг кўпчилигини боши олдинга эгилмаган бўлса, демак, уларга мавзу қизиқ эмас.

• *Иягининг остини қашиб туриш* – “келинг, ўйлаб кўрайлик”, бирор қарорга келиш.

• *Кўзойнакнинг бандини оғзига солиши, уни артиши* – ўйлаб олиш учун пауза, ҳолатдан чиқиш учун йўл қидириш.

• *У ёқдан бу ёққа юриши* – оғир муаммони ҳал қилиш, қийин қарорга келиш.

• *Зерикиши белгилари* – оёғи билан полни тиқиллатиш, ручкани чиқиллатиш, бошни панжа орасига олиш, қофозга кераксиз нарсаларни чизиб ўтириш, бўш назар: “Мен сизга қарайпман, лекин эшитмаяпман”.

• *Гавда ёки оёғи билан эшикка қараб туриши* – гапни якунламоқчи, чиқиб кетмоқчи.

• *Тез-тез нафас олиши, ғўлдираш, “уф” ёки “үҳ” тортиши* – асаб бузилиши, тажовуз олди ҳолати. Буни сезганда, дарҳол баҳсни, сухбатни тўхтатиш ёки бошқа мавзуга ўтиш керак.

• *Кўллар орқага боғланган*, энгак кўтарилган – кўпинча ҳарбий бошликлар, ДАН ходимлари, катта раҳбарлар ўзларини шундай тутишади. Ўзининг устунлигини, мавзеи баландлигини кўрсатишга ҳаракат.

- *Йұталиб қүйиш, томоғини қириш* – бу ишончсизлик, халотирланиш аломати ҳисобланади.
- *Күлөғини орқасига тегиб туриш* – сұхбатни яқунламоқчи, алммо сұхбатдошининг гапини бўлишдан ўзини тийиб турибди.
- *Гавдани бўши тутиш, олдинга эгилиб туриш* – итоаткорлик, бўйсуниш, ўзини паст тутиш, тавозе, хушомадгўйлик, лаганбардорлик.
- *Елкалар юқори кўтаришган, тананинг орқа қисми олдинга ўзигина эгилган, энгак ичкарига тортилган* – бардавом қўркув, ўзига ишонмаслик, асабийлашиш, ожизлик.
- *Олдинга тушиб турувчи елкалар* – ожизлик, руҳий тушкунлик, ўзини нуқсонли ҳис қилиш.
- *Елкалар бемалол туширилган* – ўзига ишонч, бемалолник, ҳолатни бошқара олиш.
- *Елкалар орқага кетган* – ўзида кучни сезиш, қўрқмасдан ҳаракат қилиш, фаоллик, айrim ҳолларда ўзига ҳаддан зиёд ишониб юбориш.
- *Қўкракни олдинга чиқариб юриши* – фаоллик, ўзининг керакли инсон эканлигини ҳис қилиш.
- *Қўкрак қафаси ичкарига тортилган* – итоаткорлик, бенарволик, сустлик, руҳан эзилганлик.
- *Нотиқнинг классик туриши* – ўзига ишонган, кучли, хотиржам, босик, ҳар қандай ҳолатга мослаша оладиган.
- *Нотиқнинг ҳаракатланмасдан кескин қотиб туриши* – ҳолатга мослаша олмайдиган, ўзига ишонмайдиган, қайсар, ўжар.
- *Нотиқ гавдасининг аниқ бир ҳолатда турмасдан, оғирликни бир оёқдан иккинчисига ташлаб туриши* – қаттиққўллик ва тартибининг йўқлиги, қўрқоқлик, ишончсизлик.
- *Оёқларни кенг ёйиб туриш* – ўзини баланд баҳолаш, кўп парсани хоҳлаш, ўзини кўрсатиш.

Одамнинг ҳар бир имо-ишораси – тилдаги сўздек. Имо-ишораларни ўқиб, биз одамлар билан тескари мулоқот ўрнатамиш. Бу бизга керакли натижага эришишимиз учун қилаётган амалимизни тўхтатиш, давом эттириш ёки ўзгартириш ҳақида огохлантиради.

Нутқ пайтида қўлларимиз билан қиласиган имо-ишораларимиз тингловчиларга гапларимизни тушунишга ёрдам беради ёки халақит беради. Имо-ишоралар тингловчига бизнинг нотиқлигимиз ҳақида кўп нарсаларни айтиб беради. Нутқнинг омадли чиқишида улар катта ҳисса қўшади.

Имо-ишораларнинг йўқлиги, яъни қўлларнинг доимо пастга осилиб туриши ёки минбарни ушлаб туриши ҳам ўзига хос имо-ишора бўлиб, бу ҳам биз ҳақимизда тингловчиларга маълум бир маълумотларни беради.

ИМО-ИШОРАЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

Имо-ишораларингизда мутаносиблик бўлсин.

Агар нотиқ нутқ пайтида фақатгина бир қўли билан имо-ишора қилса, бу ғайритабиий кўринади. Шунинг учун иккала қўлни ҳам баробар ишлатиш керак. Ёки уларни навбат билан ишлатганда ҳам teng микдорда ишлатишга ҳаракат қилиш керак. 7-8 та ҳаракатни ўнг қўл-у 2-3 тасини чап қўл қилмасин.

Имо-ишораларни кенг қилинг.

Агар сиз бир метр наридаги одамга гапираётган бўлсангиз, албатта, унда кенг имо-ишораларнинг ҳожати йўқ. Лекин 50-100-500 одам сифадиган залда бўлсангиз, қўл билан қилинадиган кичик имо-ишоралар биринчи қатордагилардан бошқа ҳеч кимга кўринмайди. Шунинг учун бу жойларда қўрқмасдан қўл билан кенг имо-ишоралар қилаверинг.

Кенг имо-ишоралар нотиқ ҳақида тингловчиларга ўзига ишонган, раҳнамо, кичик имо-ишоралар эса ўзига ишонмайдиган, ожиз шахс сифатида маълумот беради.

Қисилиб ҳаракат қилишнинг яна бир тури – тирсакларнинг белга ёпишиб туриши. Яъни, қўлларнинг елкадан тирсаккача бўлган қисми ишламайди. Натижада ҳаракатлар эркин бўлмайди. Шунинг учун қўлларни елкадан бошлаб ҳаракатлантиринг.

Ҳаракатларни мукаммал қилинг.

Кўз олдингизга келтиринг: Нотикнинг қўллари икки ёнига осилган. Фақат панжа бўғинидан пастигина ҳаракатланади. Энди ҳаракат билак ва елкаларга ўтади, деб ўйлайсиз, кутасиз! Бироқ, ҳаракат чала қолиб, панжа бўғинидан юқорига утмайди. Ёки ҳаракат бошланиб, ярмигача келади, аммо афуски, қаердадир ўрталарда сўнади. Натижада, тугалланмаган, чала имо-ишоралар пайдо бўлади. Бу нарса четдан хунук кўринади.

Хулоса шуки, қўл билан бирор ҳаракатни бошладингизми, уни охиригача етказинг, мукаммал бажаринг! Чала ҳаракат қилманг!

Очиқ ҳаракатлар қилинг.

Тез-тез учраб турадиган ҳолат: Нотик имо-ишоралар қиляпти, аммо ҳамма вақт панжаларининг орқа томонини тингловчиларга қаратган ҳолда, яъни, фақат *ёпиқ ҳаракатлар* қиляпти. Нега? Мабодо панжасининг ичida бирор нарсанни яширмаяптими?

Тавсия: Фақат ёпиқ ҳаракатлар қилмасдан, камида 50 фоиз ҳаракатларингизни очиқ қилинг. Яъни, панжаларингизнинг ички томонини ҳам тингловчилар кўрсин. Шунда табиий кўринади, асабга тегмайди.

Беҳуда имо-ишоралардан қутулинг.

Айрим пайтлар ҳеч қандай маънога эга бўлмаган имо-ишоралар тез-тез такрорланаверади. Буларни “текинхўр имо-ишоралар” деб атайдилар. Масалан, тез-тез бурунни, энсанни ёки энгакни қашиб туриш, кўзойнакни қайта-қайта тузатиш, қўлида бирор нарсани айлантириб туриш, бармоқлари билан минбар ёки столни дўмбира қилиш, ҳар замонда сочни тахлаб туриш ва ҳ. к. Агар шунга ўхаша бирорта ҳаракатни ўзингизда сезсангиз, тезда уни йўқотинг. Маърузангизни маъносиз, ортиқча ҳаракатлар билан тўлдириб, тингловчиларнинг фикрини бузманг, асабига тегманг.

Имо-ишораларингиз матнга мос тушсин.

Агар имо-ишораларингиз гапираётган гапларингизга мос тушса, жуда яхши. Чунки бу нарса маълумотни тушишни, қабул қилишни осонлаштиради. Лекин маҳсус машқларсиз бунақа имо-ишораларни ўрганиш анча қийин бўлади. Куйидаги ўйин ва машқлар бу тажрибани оширишга катта ёрдам беради:

Тимсоҳ ўйини. Бу ўйин талабалар ўртасида машхур бўлиб, “гапиравчи имо-ишоралар”ни яхши ривожлантиради. Охирги йилларда бу ўйин телевидение орқали бериб борилаётган “Имкон шоу” кўрсатувида машхур бўлиб кетди.

Ўйинда 1та кўрсатувчи ва 4-5 та топувчи қатнашади. Кўрсатувчининг вазифаси – фақатгина имо-ишоралар ёрдамида топшириқдаги бир сўзни кўрсатиши. Топувчилар эса бу пантомиманинг жавобини топишлари керак.

Бу ўйинда кўрсатувчи икки хил имо-ишораларни ўзида ривожлантиради:

1. “Кўрсатувчи имо-ишоралар” – булар ёрдамида сўзни кўрсатади.

2. “Коммуникацион имо-ишоралар” – булар ёрдамида нотик бошқаларнинг диққатини ўзига қаратади, одамларни илҳомлантиради, нотўғри талқинларни инкор қиласади, тўғри йўналишдаги фикрларни маъқуллайди. Аудитория билан сўзсиз муомала қиласади.

Бундан ташқари кўрсатувчида аудиторияни эшлиш тажрибаси пайдо бўлади.

Ўйин шарти бўйича ким сўзни топса, ўша кўрсатувчи бўлади.

Ойна. Болалар қандай ўрганишади? Улар катталар нима қиласа, шуни тақлид қилишади. Бу ўрганишнинг энг тез ва самарали усулидир.

Ўзингизга ёқадиган, имо-ишоралари ёрқин, тирик, яхши нотиқнинг видео ёзувини топиб олинг. Телевизорни ёқинг ва унинг қарама-қаршисида туриб ҳамма нарсада: гавданинг туриш вазияти, имо-ишоралар, нутқ оҳангиги,

овоз, нутқ ва бошқаларда унга тақлид қилинг. Аввалинга кеч қоласиз, улгурмайсиз. Аммо бир қанча вақтдан кейин бемалол уни такрорлайдиган, улгурадиган бўласиз. Бу машқни ҳар сафар 30 дақиқадан кам қилмаслик керак. Иложи бўлса 4-5 та кучли нотиқларнинг видеоёзувларини топиб, уларнинг ҳар биридан яхши томонларини олиш керак. Акс ҳолда бир нотиқнинг нусхаси бўлиб қолиш мумкин. Улардан олган ўғитларга ўзингизнинг шахсий тажрибангизни қўшсангиз, ҳеч кимга ўхшамаган ноёб нотиққа айланасиз!

Ойна билан суҳбат. Ойна олдида туриング. Ўз аксингизга қараб: "Сен ажойибсан!" деб айтинг. Энди шу жумлани қўйидаги қиёфаларга кирган ҳолда нутқ оҳанги, имо-ишоралар, ҳаракатлар ва хиссиётларни қўшиб айтинг:

- бахтли;
- камтар;
- жаҳлдор;
- ҳазилкаш;
- хотиржам;
- қўрқоқ;
- шошқалоқ.

Энди жумлани қўйидагиларга алмаштириб яна юқоридаги қиёфаларга киринг:

- мен ишдан келяпман;
- сен мени ўзингга ром қилдинг;
- ассалому алайкум! Яхшимисиз?
- кечирасиз, кутубхонага қандай борса бўлади?
- мабодо ёрдам керак эмасми?
- кечирасиз, мен сизни танимадим.

Машқ пайтида қиёфаларга шундай киришингки, ҳақиқий актёрлар ҳам қойил қолсин. Бу машқлар нотиқлик маҳоратингизни жуда юқори даражага кўтарилишига ёрдам беради.

Тартибсиз имо-ишоралар

Айрим ҳолларда имо-ишоралар ўта тартибсиз қилинаверади ва уларнинг гапирилаётган нутқقا умуман алоқаси бўлмайди. Одатда бу тингловчиларнинг озигина жаҳлини чиқаради. Уларга нотиқ саросимага тушаётган, ортиқча ҳаракатлар қилаётган, нима қилишни билмаётган-дек туюлади.

Тартибсиз имо-ишоралардан қандай қутилиш керак?

Ойна олдида машқ қилаётган пайтингизда иккала қўлингизга ҳам биттадан катта китоб олинг. Кўлда бундай оғир нарсалар бўлса, улар билан тартибсиз имо-ишоралар қилиш анча қийин кечади. Бир неча машқлардан кейин бу ёмон одат ўз-ўзидан йўқолиб кетади. Келажакда ҳам доимо ўз-ўзингизни назорат қилиб, бунақа тартибсиз имо-ишоралар пайдо бўлишига йўл қўйманг.

Айрим нотиқларда кўл бармоқларини навбат билан ҳаракатга келтириш (бармоқлари билан дўмбира чалиш) одати бор. Бу одатдан қутилиш учун бош ва кўрсаткич бармоқларнинг юмшоғини бир-бирига теккизиб, овал ҳалқа ҳосил қиласиз ва машқнинг охиригача шу ҳолатда гапирамиз. Бу усул анча оддий бўлса ҳам, жуда яхши фойда беради! Имо-ишораларни яхшилашдан ташқари, нотиқнинг ўзига бўлган ишончини ҳам оширади.

Имо-ишораларнинг номувофиқлиги

Имо-ишораларнинг номувофиқлиги маъruzaga жуда катта зарар келтириши мумкин. Куйидаги ҳолларни кўз олдингизга келтиринг:

- “Ассалому алайкум, ҳурматли онахонлар ва отахонлар”
- нотиқ “онахонлар” деганда эркаклар томонини, “отахонлар” деганда аёллар томонини кўрсатса...

- “Сизларни кўрганимдан хурсандман”, деб туриб мажбуран қийналиб кулса...

- “Ушбу мусобақаларда бизнинг спортчиларимиз қўшни мамлакат спортчиларидан анча устун эканликларини намо-

ён қилдилар” – нотиқ “анча устун” деганда бош ва кўрсаткич бармоқлари орасида 1 сантиметрлик орани кўрсатса...

– Завод мажлисида дангаса, ишга кеч қоладиган ишчилар муҳокама қилинганди. Цех бошлиғи: “Бунақа дангасалар доимо ишга кеч қолиб келадилар. Бу муттаҳамларни ишдан ҳайдаш керак!” – ва “дангаса” ва “муттаҳам” деган сўзларни айтаётганда завод директорини кўрсаткич бармоғи билан кўрсатса...

– “Шунинг учун мактабимизга озигина молиявий ёрдам керак”, деб қўлларини икки томонга кенг ёйса...

– “Бу соҳада олимларимиз олдинга катта қадам ташлашди”, деб туриб орқага қадам ташласа...

– “Кўрсаткичларимиз йил сайин ўсиб бормоқда” – “ўсиб бормоқда” деганда кўли юқоридан (чапдан) – пастга (ўнгга) ҳаракат қилса... Тасаввур қилдингизми?

Психологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тингловчи ёшитаётган сўзларига нисбатан, кўраётган новербал (оғзаки айтилмаган) нарсаларга (имо-ишоралар, гавданинг туриш вазияти, нутқ оҳанги, ва х. к.)га кўпроқ ишонар экан. Шунга мувофиқ, қаҷонки имо-ишоралар бир нарсани, сўзлар маъноси эса бошқа нарсани гапирса, тингловчидаги тушунмовчилик, ва бунинг натижасида нотиқнинг сўзларига нисбатан ишонч камаяди.

Хулоса шуки, имо-ишораларда эҳтиёт бўлинг. Имкон борича ойна олдида машқ қилиб, ўзингизнинг имо-ишораларнингизга, уларнинг нутқ матнига тўғри келишига эътибор беринг. Маслаҳат:

Гапирмай турган пайтда имо-ишораларни таҳлил қилиш осон. Яъни, ойнага қараб машқ қилаётган пайтда, сўзларни ичингизда айтиб, ташқарида эса худди ҳақиқий маъruzадагидек имо-ишоралар қиласиз. Ана шунда танангиз нима деганини тушуниш янада осон бўлади.

Яна бир тадқиқот натижаси: тингловчилар имо-ишоралар билан қилингандаги маъruzанинг 80 фоизини эслаб қолар эканлар! Имо-ишорасиз маъruzанинг эса бор-йўғи 40 фоизини хотирада қолар экан.

72-маслаҳат. Имо-ишораларингиз табиий бўлсин.

Юқорида имо-ишоралар ҳақида жуда кўп маълумот ва кўрсатмалар берилди. Уларни билиш, албатта, фойдадан холи эмас. Аммо, бир нарсани эсдан чиқармаслик керакки, ҳар бир инсон ўзига хос бўлиб, бир нотикқа ярашган имо-ишора, иккинчисига ярашмайди, тингловчиларнинг ғашини келтиради. Шунинг учун, имо-ишораларингиз ички ҳиссиётларингиздан, ақлингиздан, қалбингиздан табиий ҳолатда, ўз-ўзидан, ихтиёрий равишда, bemalol чиқиши керак. Уларни қандайdir мажбурий қолипга солиш керак эмас. Имо-ишораларингиз китобий эмас, балки шахсан ўзингизники бўлиши, сизни нотик сифатида бошқалардан ажратиб туриши лозим. Улар сизнинг ички дунёнгизни на-моён қилишда ёрдам бериши керак.

XII БОБ

ПАУЗА

Пауза – керакли пайтда нутқни тұхтатиши, сукут сақлаш. Пауза – нотиқнинг ажойиб қуроли бўлиб, у ифодали ва аҳамиятли бўлиши керак. Шунчаки, сабабсиз, мақсадсиз пауза қилиш мумкин эмас. У, албатта, бирор мақсадга хизмат қилиши керак. Пауза нутқни тушунишни осонлаштиради. Маълумот паузалар билан, шошилмасдан берилса, тингловчи уни жиддий ва аҳамиятли маълумот сифатида қабул қиласи, ихтиёrsиз унга бўйсунгиси келади. Пауза нутқнинг оҳангини ва суръатини яратади.

Тиниш белгилари (нуқта, вергул, ундов, сўроқ белгилари ва х. к.) ёзма нутқнинг асосий қисмлари ҳисобланади. Масалан, улар гап тугаганини ёки унинг сўроқ гап эканлигини кўрсатади. Қолаверса, улар гап бўлаклари орасида мазманий боғланиш борлигини ҳам билдиради. Матнни қофозда ўқиётганда биз бу белгиларни кўриб турамиз. Бошқаларга ўқиб бераётганда эса, уларни нутқ оҳангига ёрдамида билдиришимиз керак бўлади.

Агар нотиқ тиниш белгилари бор жойларда пауза қилмаса, тингловчиларга у матннинг маъносини тушуниш қийин бўлади. Ёки маъно бутунлай ўзгариб кетиши мумкин. Айримлар эса керак бўлмаган жойларда ҳам ихтиёrsиз пауза қиласидар. Натижада нутқлари тушунарсиз ва ифодасиз бўлади. Паузалардан моҳирона фойдаланиш эса, нутқни безайди, уни пурмаъно қиласи.

Нотиқнинг пауза қила олиш қобилияти жуда юқори баҳоланиб, бу унинг шошқалоқ эмаслигини, ўзига ишончи юқорилигини, вазиятни хотиржамлик билан бошқараётганини кўрсатади.

Пауза туфайли биз тингловчиларга маълумотни бўлакларга тақсимлаб, маълум бир мўлжалланган миқдорда улашамиз. Чақалоққа бўтқани қошиқчада мўлжалланган

миқдордан оширмай берамиз. Оғзидаги бүтқаны еб бўлгунча кутиб, кейин иккинчи қошиқчани оғзига соламиз. Агар шошилиб кейинги қошиқдаги бүтқанни унинг оғзига солсак, бола ё тиқилади, ёки бўтқа оғзидан тўклилиб кетади. Тингловчиларга берилаётган маълумотлар ҳам худди шунга ўхшайди. Шошилиб, тез ва қўп берсак, тингловчи уларни “ҳазм” қилишга улгурмайди. Аммо секин, шошилмасдан, паузалар ёрдамида бўлакларга бўлиб-бўлиб берсак, тингловчи уларни тушунишга ва эслаб қолишга улгуради.

73-маслаҳат. Паузалардан қўрқманг.

Кўпчилигимиз паузадан қўрқамиз. Бунга мактаб давридан қолган қарашларимиз сабабдир. Мактабда ўқитувчи бизга савол берганда тўхтамасдан, тез, “шариллатиб” жавоб берсак, демак, биз яхши тайёрланган ҳисобланар эдик. Агар ўйлаб, паузалар билан, секин жавоб берсак, демак, дарсга яхши тайёр эмас, деган холосага келинар эди. Ана шу нарса онгимизга сингиб қолган бўлиб, уни ўзгартириш осон эмас. Паузадан қуидаги сабаблар туфайли ҳам қўрқадилар:

- “Маърузага яхши тайёр эмас экан”, деган фикрга боришиларидан;
- “Ўзига ишонмас экан”, деган холоса чиқаришларидан;
- маълумотларнинг ҳаммасини беришга улгурга олмасликдан;
- пауза пайтидан фойдаланиб, бошқалар гапга аралашиб кетишидан ва х. к.

Паузанинг мақсадига кўра турлари

Паузанинг мақсадига қараб қуидаги турлари фарқланади:

1. Қотиб қолувчи пауза – бирор нарсани билмай қолганда, эсдан чиқарганда, нима дейишни билмай қолганда пайдо бўладиган ихтиёrsиз пауза. Нотиқ бунда кўпинча “ммм...” ёки “ааа...” ёхуд “эээ...” деб орадаги бўшлиқни тўлдирмоқчи бўлади.

2. Тингловчиларнинг дикқатини ўзига қаратиш учун. Бу паузани нотиқ минбарга энди чиққан пайтда қўлласа, жуда

жихи бүлади. Қолаверса, маъруза пайтида ҳам вақти-вақти билан тұхтаб, ҳамманинг диққати нотиққа қаратылғанини назорат қилиш учун пауза қилиб туриш керак. Бу иш қандай әмалга оширилади?

Тингловчилар йиғилған залда шовқин. Бир неча нотиқ ҳаяжон билан ўз навбатини кутиб турибди. Бириңчи нотиқ чиқди. Одамлар эса ўз ишлари билан банд: телефонда гаплашиш ёки хабар ёзиш, ўзаро сұхбат, китоб ёки газета үқиш... Нотиқ нима қилишни билмай ўз нутқини бошлади. Шовқинда уни әшитишлари учун жуда баланд гапиришга мажбур бўляпти. Залда эса кимдир уни әшитяпти, бошқалар эса ўз ишлари билан банд. Шовқин тинмади. Нотиқ ўз нутқини тугатиб, жойига бориб ўтирди.

Сўнг иккинчи нотиқ чиқди. У минбар ёнида туриб, ҳаммага талабчан назар билан қарай бошлади. Шовқин тинди. Айрим жойлардан пичирлаш овози келяпти. Сўнг у ҳам тинди. Ҳамма жой сув қуйғандек жим бўлиб қолди. Тингловчилар нотиққа: “Хўш? Нима?” дегандек қараб, кутиб туришибди. Ҳатто телефонига хабар ёзаётганлар ҳам бошини кўтарди. Шундан кейингина талабчан нотиқ юзида: “Ассалому алайкум! Сизларни кўрганимдан хурсандман！”, деган табассум пайдо бўлди ва у ўз нутқини бошлади.

Бириңчи нотиқ бажармаган қайси ишни иккинчиси бажарди?

Пауза! У пауза қилди. Бу пауза зарур эди. У тингловчиларнинг диққатини бир жойга йиғиши учун, тартиб учун керак әди. Ушбу паузасиз нутқни бошламаслик лозим эди.

Энди ҳаммаёқ жимжит. Бу жимжитликни тингловчи бузишга уялади, бу – маданиятдан эмас. Маданиятсиз деган номни олишни эса ҳеч ким хоҳламайди.

Бир неча дақиқалик нутқдан сўнг яна кимлардир пичирлаша бошлади. Буни сезган нотиқ яна бирдан жимиб қолиб, шовқин келаётган томонга қараб қотиб қолди. Жимлик чўзилляпти. *Бу – тинчлантирувчи, тартибга нақирувчи пауза.* Унинг афзаллиги шундаки, бировга гапириш, хафа қилиш, бошқаларни олдида уялтириш шарт эмас.

Тўполончилар ўз-ўзидан жимиб қоладилар. Залда тартиб ўрнатилди. Бундан ташқари, бошқаларнинг ҳам диққати яна нотиққа қаратилди. Бу нарсага пауза ва назар билан эришилди.

Зарур бўлса бу жараёнга ёрдамчи сўзларни ҳам қўшиш мумкин. Масалан:

- “АЗИЗ ДЎСТЛАР, ДИҚҚАТ ҚИЛИНГ!...”;
- “ХУРМАТЛИ ҲАМКАСБЛАР, ДИҚҚАТНИ ЖАМЛАЙМИЗ...”;
- “ҚАДРЛИ ЖАМОАОДШЛАР! ЭНДИ ҲАММАМИЗ ДИҚҚАТИМИЗНИ МАҶРУЗАМИЗНИНГ ДАВОМИГА ҚАРАТАМИЗ...” ва х. к.

Бу жумлалардан бирортасини ишлатгач, яна бир марта пауза қилиб, назаримизни залдагиларга қаратамизда, сўнг нутқни давом эттирамиз.

74-маслаҳат. Минбарга чиққач, барча тингловчиларнинг назари сизга йўлланмагунча, маърузани бошлиманг.

Бу нарсани ўзингиз учун қоида қилиб олинг. Бундай бошлиаш жуда фойдали бўлиб, четдан чиройли кўринади.

3. Ўзига бўлган ишончни кўрсатиши учун. Паузалардан фойдаланиб, шошилмасдан гапирадиган киши, четдан жуда савлатли, ўзига ишонган нотиқ сифатида таассурот қолдиради. Қолаверса, пауза ҳаяжонни енгишга ҳам яхши ёрдам беради. Нотиқ паузадан қанча кўп фойдаланса, бу унинг нотиқлик даражасининг шунча юқорилигини кўрсатади.

4. Маълумотнинг зарурлигини таъкидлаши учун.

Ҳар бир муҳим маълумотни айтишдан олдин ҳам ва айтиб бўлгандан кейин ҳам кичикроқ пауза қилинса, бу ўша маълумотнинг даражасини кўтаради. Тингловчилар уни алоҳида эътибор билан қабул қилишади. Муҳим маълумотни беришдан олдин, масалан, “Хозир эса мана бунга эътибор беринг...”, деб, каттароқ пауза қилинса, шу пайтгача эътибор қилмай турган тингловчилар ҳам энди қулоқ солишади.

Муҳим хабарни айтиб бўлгач, пауза қилсак нима бўлади?

– Нотиқнинг охирги сўзлари тингловчилар қулоги остида жаранглаб туради. Бу пайтда улар унинг маъносини англаб, хотирага жойлашга улгурадилар.

5. Тингловчи маълумотни ўзлаштириб олишига вақт берши учун.

Овқатни тез-тез, чайнамасдан, шошилиб кўп ейиш мумкин. Аммо бу ошқозон касаллигига олиб келади. Шунинг учун уни шошмасдан, яхшилаб чайнаб ейиш керак. Нутқ ҳам шунга ўхшаш: уни тез ва кўп ҳажмда бериш мумкин. Аммо тингловчи унинг маъносини чақиб, хотирасига жойлашга унгурмайди. Агар уни шошмасдан, паузаларни кўпроқ ишлатиб, яхши тушунтириб берсак, тингловчи уни тушуниб, хотирасига сақлашга ҳам улгуради. Ана шу жараёнга паузалар орқали эришилади.

Тингловчиларга бирор ифодали қиёфани таърифлаб бердингиз. Энди улар уни кўз олдига келтириши учун бир неча сонияли пауза керак.

6. Маъruzанинг бир қисми тугаб, иккинчи қисми бошлиғанини билдириши учун.

Агар маъruzанинг бир қисмини тугатиб, янги қисмiga бирданига ўтиб кетилса, тингловчилар нотиқ нима учун тұсатдан бир мавзудан иккинчисига ўтиб кетганини тушуна олмай қийналадилар. Аммо орада каттароқ пауза қилинса, бу нотиққа янги мавзуга ўтиш хуқуқини беради. Бу нарса тингловчиларга ҳам озгина ўйлаб олиш имконини беради, уларга мавзуя янги йұналишга ўтаётганини кўрсатади, ва уларни шунга тайёрланишига ёрдам беради. Бу пайтда, паузадан ташқари нутқ оҳангини ҳам кескин ўзгартириш керак бўлади. Бурилишда тормозни босиб, тезликни камайтириш қанчалик зарур бўлса, янги фикрга ўтаётганда пауза қилиш ҳам шунчалик зарурдир.

7. Тингловчиларга мулоҳаза қилиши ва саволларга жавоб берши имконини берадиган пауза.

Нутқ давомида тингловчиларга савол билан мурожаат қилиб, сўнг уларга мулоҳаза қилиб олишлари учун пауза қилиб вақт бермасак, бу савол билан мақсадимизга эриша олмаймиз. Агар нутқимизнинг режасида тингловчилар билан савол-жавоб кўзда тутилмаган бўлса ҳам, уларга (овоз чиқармасдан, ичида) мулоҳаза қилиб олишга имкон бериш керак.

8. Дам олиш ва ўйлаб олиш учун вақт.

Бу пауза нотиққа ҳам, тингловчиларга ҳам зарурдир. Тўхтовсиз гапириш ва дам олмасдан эшитиш иккала томон учун ҳам оғир иш бўлиб, вақти-вақти билан қилинадиган катта паузалар уларга дам олиш ва ўйлаб кўриш имконини беради. Шундай қилинмаса, тингловчилар тез чарчаб, нотиқни тушунмай қолишиади.

75-маслаҳат. Мураккаб маълумот берилаётганда...

Тушуниш қийин бўлган мураккаб маълумот берилаётганда, ҳар бир сўздан кейин пауза қилинг. Ҳар бир сўзга ургу беринг. Жуда секин гапиринг. Нутқ оҳангини кучайтиринг. Сўнгра шу маълумотни яна 2-3 марта бошқа сўзлар билан қайтариш.

9. Пауза нотиққа ўзига хос қиёфа (имиидж)га эга бўлиши имконини беради.

Бу қиёфа сизни бошқа нотиқлардан ажратиб туради, сизга ўзига хос савлат баҳш этади.

10. Маъруза якунланганини билдириши, тингловчиларнинг миннатдорчиликларини, олқишиларини қабул қилиши ва уларга ҳурмат кўрсатиши учун.

Агар тингловчилар сизнинг хизматингиздан рози бўлса ва бунингчун сизни олқишилай бошлашса, уни қабул қилмасдан кетиб қолиш – яхшиликни билмаслик деб баҳоланади. Кўпинча нотиқ олқишиларни қабул қилмай сахнадан қочиб кетади ёки тез жойига бориб ўтиради. Натижада тингловчиларда қуйидаги таассуротлар қолиши мумкин:

- нотиқ тингловчиларни ҳурмат қилмас экан;
- нотиқ ўзига ишонмас экан;
- нотиқ ёмон маъруза қилдимикан?;
- нотиқ олқишиларни қабул қилиш одобини билмас экан.

Шунинг учун, сахнани олқишилардан кейин ёки унинг авжи ўтгандан кейин тарк этиш керак.

76-маслаҳат. Яна билиб қўйинг:

- бошқаларга кўшилиб ўзингизни олқишиламанг;
- олқишиш учун тингловчиларга ўз миннатдорчилигингишни изҳор қилинг;

- паузани чўзиб юборманг;
- саҳнадан жуда тез қочиб кетманг;
- маърузани тугатиб, тез чиқиб кетмасдан пауза сақлаб турсангиз, олқиши бўлмаган тақдирда ҳам, тингловчилар қандай таассурот билан қолаётганини билиш имконига эга бўласиз.

77-маслаҳат. Паузаларнинг ўрнини паразит сўзлар билан тўлдирманг.

Пауза нотиққа саволнинг жавобини ўйлаб олишга, фикрларини бир жойга йиғишга, сўз ёки жумлани эслашга фурсат беради. Тажрибасиз нотиқлар мана шу пайтдаги пауза ўрнини “хўйӯш”, “эээээ”, “ааааа”, “ҳмммм” каби паразит сўзлар билан тўлдирмоқчи бўладилар. Бу пайтда қўрқмасдан пауза қилиш керак. Пауза пайти янги фикр туғилади. Фақат паузани ҳаддан ташқари чўзмаслик керак. Тажрибалар шуни курсатадики, 3-4 сониягача бўлган паузаларни тингловчилар жуда яхши қабул қилишади.

78-маслаҳат. Паузани ўрганиши учун машқ.

Китобдан бир бет матнни олиб овоз чиқариб ўқинг. Бунда матнни маъносига эътибор бермасдан, ҳар бир сўздан кейин (жумладан эмас!) кичкина пауза қилинг. Бир неча машқлардан кейин нутқингиз бир текис ва аниқ бўлиб, пауза ва ургулар “ўз жойига тушади”.

79-маслаҳат. Матнга қўшимча белгилар қўйиб чиқинг.

Нутқа тайёргарлик даврида қофоздаги матнга қўшимча белгилар қўйиб чиқинг:

- кичкина пауза қилиш керак бўлган жойга битта вертикал чизиқча қўйинг;
- каттароқ пауза жойига иккита вертикал чизиқ қўйинг;
- матнни тез ўқимаслик учун ҳар бир хат боши (абзац)дан олдин: “С!” ёки “Секинроқ!” деб белги қўйинг;
- кўз мулоқотини эслатиб туриш учун ҳар икки хат бошидан кейин: “КМ!” деб белги қўйинг;
- зарур гапларнинг тагини, 2-3 марта такрорлаш учун, қизил ранг билан белгиланг;
- агар бирор жумлани доимо ўқишига қийналиб, ўша

жойда кераксиз пауза пайдо қиладиган бўлсангиз, қўшиб ўқилиши керак бўлган ушбу сўзларни қалам билан бирластиринг. Сўнг шу жумлани тил равон бўлгунча бир неча ўн марта такрорланг. Кўп нотиқлар шу усулдан фойдаланадилар.

80-Маслаҳат. Паузалар ҳақида маълумотларга эга бўлдингиз, энди уларни амалиётда қўллашини бошланг!

Амалиёт, амалиёт, амалиёт. Ҳар бир ўрганган нарсангизни амалда қўллашга тиришинг. Уларнинг бирортасини аҳамиятсиз санаманг. Фақат шундагина буюк нотиққа айланнишингиз мумкин.

XIII БОБ

ГАВДАНИ ТУТИШ

81-маслаҳат. Танангиз ҳолати турғун бўлсин.

Оёқларни чалиштирунг, уларни бир жойга, ёнма-ён кўйманг. Танангизнинг ҳолати турғун, мустаҳкам бўлиши учун оёқларни елка кенглигига ёйинг. Нотиқ оёқларини жуда кенг қўйиб турса, бу четдан манманликка, агар оёқларини бир-бирига жуда яқин қўйса, ўзига ишонмайдиган кишига үхшайди.

Оёқ учлари 30-35 даражада бурчак остида озгина ташқарига букилган ҳолда турсин. Ундан ошса Чарли Чаплин юришига ўхшаб қолади. Ундан кам бўлса, ўзига ишонмайдиган нотиқдек таассурот қолдиради.

Бир оёқ иккинчисидан ярим товон олдинроқда жойлашсин.

82-маслаҳат. Тик турганда тиззалар букилмасин.

Тик туриб маъруза қилаётган пайтингизда тиззаларингизни тик ва бир оз бўшроқ тутинг. Улардан бири ёки иккаласи букилмаслигига эътибор беринг. Агар тизза букилган бўлса, кўркувдан ерга кириб кетаётган нотиққа ўхшаб қоласиз. Агар ҳарбийлардек жуда таранг турсангиз, бу ҳам нотабиий кўринади.

83-маслаҳат. Умуртқа поғонангиз тик бўлсин.

Умуртқа поғонасини тик тутинг, юзингизга довюраклик тусини бериш учун энгакни озгина кўтарибоқ туринг.

84-маслаҳат. Танангизнинг оғирлик марказини сал олдинроққа силжитинг.

Яъни, тингловчилар томонга қараб озгина эгилироқ, улар томонга ён босгандек, яқинлашгандек туринг. Бу туриш - хаётда фаол ўринда турган, ўзига ишонган, айтганида турадиган, олдинга қадам ташлашга тайёр одамнинг туриши.

Лекин, асло улардан узоқлашгандек, орқа томонга эгилироқ ўтирунг. Оғирлик марказини орқага ташлаш - чекинишга тайёр, ўзига ишонмаган, бўйсинувчан одам-

нинг туриши. Тингловчининг онг остига шунаقا сигнал боради. Улар эса нотиқнинг етакчи, фаол бўлишини истайдилар.

Фақат шу тавсия қилинган ҳолатда ҳайкалдек қотиб қолмаслик керак. Бу гавданинг асосий туриш вазияти бўлиб, нутқ пайтида уни доимо ўзгартириб туриш туриш тавсия этилади.

85-маслаҳат. Елкаларингизни тўғрилаб, бўш тутинг.

Тасаввур қилинг, елкангиздаги оғир пўстинни орқага ирғитиб ташлайпсиз. Натижада, елкаларингиз тўғриланади. Энди уларни шу ҳолда бўш тутинг.

86-маслаҳат. Ҳар тарафлама қулай ҳолатни топинг.

Юқоридаги кўрсатмалар бўйича гавданинг туриш вазиятини топгач, ўзингиз учун қулай ҳолатни топинг. Кўрсатмалардагидан 2-3 см. ўзгарса ҳам майли, фақат шу туриш ўзингиз учун қулай бўлса бўлди.

87-маслаҳат. Имо-ишора қилаётган пайтда қўлларингизни белдан баланд чизиқда сақланг. Қўл панжаларини яширманг.

Имо-ишора пайтида қўл панжаларингизни яширмасдан, уларни иккала томонини ҳам тингловчиларга кўрсатинг. Бу нотиққа бўлган ишончни оширади.

XIV БОБ

САҲНАДА ҲАРАКАТЛАНИБ НУТҚ ҚИЛИШ

88-маслаҳат. Агар имкон бўлса, бир жойда турмасдан, саҳнада ҳаракатланиб юриб нутқ сўзланг.

Ҳаракатланаётган инсон ҳаракатсиз обьектга нисбатан диққатни етти марта кўпроқ жалб этиши исботланган. Нотиқ ҳам тингловчиларнинг диққат марказида бўлиши керак. Бунинг учун эса, имкон бор жойларда ҳаракатланиб шутқ қилиш лозим.

Ҳаракатланиб нутқ қилишнинг мақсадлари

Ҳаракатланиб нутқ қилишнинг мақсадлари қуйидагилардир:

- *тингловчилар диққатини ўзига жалб қилиши;*
- *ҳаяжонни йўқотиши.* Ҳаяжондан оёклар қалтираб турган пайтда ҳаракатланишин бошласангиз, ҳаяжон тезда йўқолади;

- *нутқ қувватини ошириши.* Агар нотиқ чарчаса ёки тингловчилар ухлай бошласа, саҳнада ҳаракатланиш билан нутқ қуввати ошади;

- *фойдали жойни эгаллаш.* Айтайлик, биздан олдин яхши нотиқ нутқ сўзлади. Энди биз ҳам тезда унинг жойини эгаллашимиз керак. Агар жонга тегадиган нотиқ чиққан бўлса, унда биз саҳнанинг бошқа томонига ўтиб нутқ қилишимиз керак;

- “*мураккаб*” тингловчиларнинг диққатини жалб қилиши учун. Эсланг, талабалар маъруза пайтида шовқинни бошласа, маърузачи улар томон ҳаракатланса бўлди, қоидабузарлар дарҳол тинчланиб қоладилар. Нутқ пайтида ҳам бирор тингловчи бошқаларга халақит бериб ўтирган бўлса, нотиқ унга яқинлашиб келса, у жим бўлиб қолади;

- *чиқшишимизнинг бир қисмидан иккинчи қисмига ўтаётганимизни билдириши учун.* Бунда бир жойдан иккин-

чи жойга силжиб, тингловчиларга янги қисмга ўтганимизни билдирамиз.

Саҳнада қандай ҳаракатланиш керак?

1. Қоида: 20 фоизга 80 фоиз. Яъни, 80 фоиз вакт бир жойда туриб, 20 фоиз вакт саҳнада ҳаракатланиш керак. Шуни тушуниш керакки, юришдан мақсад тингловчиларнинг дикқатини жалб қилиш, ҳаяжонни йўқотиш, зарарли тингловчиларни тинчлантириш... Агар бу нарсалар керак бўлмаса, сизни шундоқ ҳам диққат билан тинглашаётган бўлишса, унда 95% вакт бир жойда туриб, фақатгина 5% вакт юришингиз мумкин.

2. Ҳамма вакт тингловчиларга юзингиз билан қараб туринг. Ҳеч қачон уларга ён томонингиз ёки орқангиз билан ҳаракатланманг. Зарур бўлса, 45 даражада бурчак остида, кўз мулоқотини сақлаган ҳолда ҳаракат қилинг.

3. Ҳар хил тезлик ва йўналишда ҳаракат қилинг. Доим бир жойдан иккинчи жойга, бир хил тезлиқда ҳаракат қилсангиз, тезда тингловчиларни ухлатиб қўясиз.

4. Саҳнада ўзингиз учун бир нечта асосий нуқталарни белгилаб олинг ва ҳар сафар шу жойга борганда нотиқнинг асосий қадни ростлаш вазиятида туриб олинг. Сўнг шу вазиятда 10 сониядан то 2 дақиқагача туриб гапиринг. Акс ҳолда, бекарор кишига ёки рақста тушгандек ҳаракатлар қилаётганга ўхшаб қоласиз.

5. Ҳеч қачон гапираётган пайтда орқага қадам ташламанг. Бу айтаётган гапига ўзи ҳам ишонмайдиган нотиққа ўхшайди. Фақат пауза пайтида орқага қадам ташлаш мумкин. Агар зарур гап бўлса, уни олдинга қадам ташлаб турган пайтда айтинг.

6. Оёқларингизни чалиштирунганг. Юрсангиз – чиройли юринг. Акс ҳолда, четдан хунук кўриниши мумкин.

7. Залда ўтирганларга кўп яқин келманг ва ҳеч қачон уларга тегманг.

XV БОБ

АСОСИЙ ФИКРНИ ТАКРОРЛАШ

Аеввал бир фикр айтмоқчи эканингизни айтинг. Кейин уни айтинг. Сўнг айтганингизни такрорланг.

Икки марта такрорланган фикр яхши эсда қолади.

Бир нарсани 4 марта такрорласа – эслаб қолувчилар сони икки бараварга ошар экан.

Киши олмосни қўлига олиб, шошилмасдан айлантириб томоша қилгандек, тингловчи ҳам нутқни шундай эши-тиш имконига эга бўлиши керак. Бунинг учун эса нотик ўз нутқини ҳар хил кўринишларда такрорлаши керак. Эсдан чиқарманг, нотик маърузага неча кун тайёрланган, меҳнат қилган, бу маълумотларни ўзи таҳлил қилиб, уни етка-виш йўлларини қидирган. Тингловчи эса бу маълумотларни бир неча дақиқа ичида қабул қилиши керак. Албатта, бу осон эмас! Бу қийин ишда унга ёрдам бериш керак. Қандай қилиб? – Асосий фикрни ҳар хил шакл ва мисолларда қайта-қайта такрорлаш билан.

Такрорлаш – берилган маълумотни эслаб қолиш учун жуда нарур! Нотиқлик санъатида қўлланиладиган такрорлаш усули мавзунинг асосий ғоясини хотирада мустаҳкамлаб, уни яхшироқ тушуниш имконини беради. У нутқнинг ишончилигини оширади, янги маълумотни худди танишдек тақдим қиласди. Агар тингловчилар маълумотларни яхшироқ эслаб қолишларини истасангиз, уни кўпроқ такрорланг.

Ҳар бир чиқишдан олдин нотик ўз маъruzасининг асосий фикрларини, ғояларини қофозга ёзиб олиши лозим. Уларнинг сони 2-3 тадан ошмаслиги ва тингловчилар нутқдан сўнг бу фикрларни, албатта, эслаб қолишлари керак. Гоҳида тажрибасиз нотиқнинг маъruzасидан чиқиб кетаётган тингловчилардан бугунги мавзу ҳақида сўрасангиз, уларнинг кўпчилиги ҳатто эслай олмайди. Бунга сабаб асосий ғоянинг күн марта такрорланмаганлигидир.

Кўпинча тингловчи бор-йўғи бир неча сонияга чалғиганда (масалан, уйи ҳақида, чала қолган иши ҳақида, бирор муаммо ҳақида ўйлаб қолганда), асосий ғоя эълон қилинади. Энди шу ғояни тушунмаса, қолган масалаларни ҳам тушуна олмайди. Шунинг учун асосий ғоя (фикрлар)ни бир неча марта такрорлаш керак. Ҳатто ҳеч ким чалғитмаган бўлса ҳам, қайта-қайта такрорланган фикрни чуқурроқ тушуниш ва яхшироқ эслаб қолиш мумкин бўлади. Катта михни тахтага уриш учун уста болға билан бир неча зарбаларни бериши керак. Чунки, мақсадга эришиш учун бир зарба камлик қилади. Худди шунга ўхшаб, тингловчи асосий ғояни яхши тушуниши ва хотирасида мустахкам сақлаши учун ҳам, нотик уни бир неча марта турли шаклларда такрорлаши лозим. Агар доим бир хил сўзлар билан такрорласа, албатта, бу қулоққа ёқмайди. Аммо, ҳар хил сўзлар билан турли шаклларда такрорласа, буни тингловчилар сезмайдилар, такрорлаш деб ҳисобламайдилар. Масалан:

“Агар бир нарсани ўзингиз тушунмасангиз, уни бошқаларга ҳам тушунтира олмайсиз. У нарсани ўзингиз қанчалик ойдинроқ тасаввур қила олсангиз, бошқаларга ҳам шунчалик тушунарлироқ тарзда баён қила оласиз. Шунинг учун масалани аввал ўзингиз яхшилаб тушуниб олишингиз керак, ундан сўнг уни бошқаларга етказишингиз мумкин бўлади. Демак, бу гаплардан хулоса шуки, токи бир нарсани ўзимиз тушуниб олмас эканмиз, уни бошқаларга етказишга уриниб ўтирмасак ҳам бўлар экан. Ўзимиз тушунмаган нарсани бошқаларга тушунтиришга ҳаракат қилиш – бу вақтни бекорга сарфлаш!”

Бу жойда 40 сония давомида битта асосий ғоя кетма-кет беш марта турли шаклларда такрорланяпти! Аммо уни шу тарзда етказсангиз, тингловчи уларнинг такрор эканлигини сезишига улгурмайди. Бироқ мавзу унга янада тушунарлироқ бўлганини ҳис қилади.

Яна бир мисол. “Сайловчиларимизга ҳамма далилларни айтишимиз керак. Уларга тўлиқ ҳисобот бериш – бизнинг бурчимиз. Сайловчилар ҳамма нарсани билишлари шарт. Уларга ҳақиқатни айтишимиз лозим”.

Асосий ғояни неча марта тақрорлаш мүмкін? Тажрибалар шуны күрсатдикі, түрт дақықали нүтқ давомида асосий ғояни 10-15-20 мартағача қайташ мүмкін экан! Бу жуда күпдек күриниши мүмкін. Аммо амалда тақрорлашлар сони 4 дақықада 30 тадан ошсагина, унинг күплиги сезилиб қолар экан. 10-20 мартағдан кейин эса, эксперталар яна 5-6 марта айтса ҳам бұларди, деган фикрни билдирганлар.

Тақрорлашнинг турли усуллари

Тақрорлашнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

- **Сұзма-сұз тақрор**

Тақрорнинг бу тури нисбатан кам ишлатилиб, асосан бирор матндан парча келтирилганды ёки айнан бир жумлага ургу берганды ёхуд ундөв гапларда құлланилади. Масалан:

– Биз ғалаба қозонишимиз керак! Биз ғалаба қозонамиз!
Биз, албатта, ғалаба қозонамиз!

- **Сұзларни иккилантириш**

Бу ҳам сұзма-сұз тақрорга мисол бўла олади. Бунда иккилантириш ғояни янада кучайтириб, тингловчилар томонидан исботланган ҳақиқатдек қабул қилинишига сабаб бўлади. Масалан:

– Ҳеч қачон, ҳеч қачон Ватанимизни душманларга бериб қўймаймиз!

– Албатта, албатта, Ватанимизни ҳимоя қиласиз!

– Улар узок-узоклардан секин-секин қайта бошладилар.

Одамга бир неча марта тақрорлаб айтилган сұз бир марта айтилган сұздан кучлироқ таъсир қиласиди. Масалан, “Мен сени, албатта, жазолайман, жазолайман, жазолайман!” деган жумла, “Мен сени қаттиқ жазолайман!” дегандан кучлироқ таъсир қиласиди.

Бундан ташқари, сұзма-сұз тақрорга яқин яна бир усул бўлиб, унинг номи “анафора” дейилади.

- **Анафора усули**

“Анафора” (грекча “юқорига күтарилиш” деган маънени) – билдиради. Асосий фикрни янада ёрқинроқ ва күринарлироқ

қилишнинг энг осон йўлларидан бири бўлиб, бунда асосий ғоя (фикр) бир нечта тахминан тенг бўлакларга бўлинади ва уларнинг ҳар бири асосий ғоя билан боғланган ҳолда тақорорланади.

Қайси бирининг таъсири кучлироқ эканлигини солиштиринг: Нотиқлик санъатини ўрганмоқчи бўлсангиз кўпроқ китоб ўқинг, устозлардан дарс олинг, мустақил машқ қилинг, қийинчиликлар олдида чекинманг.

Нотиқлик санъатини ўрганмоқчи бўлсангиз – кўпроқ китоб ўқинг. Нотиқлик санъатини ўрганмоқчи бўлсангиз – устозлардан дарс олинг. Нотиқлик санъатини ўрганмоқчи бўлсангиз – кўпроқ мустақил машқ қилинг. Нотиқлик санъатини ўрганмоқчи бўлсангиз – қийинчиликлар олдида чекинманг. Фақат шундагина нотиқлик санъатининг юқори чўққиларига чиқа оласиз!

Фақатгина шу мисолнинг ўзида асосий фикр 30 сония давомида 5 марта тақорорланяпти! Бу усул тингловчиларга жуда кучли таъсир қиласи. Лекин уни ишлатишда ҳаддан ошиш мумкин эмас. Уни фақатгина кульминацион пайтда, нутқни юқори кувват билан тугатаётганда қўлласа, чиройли чиқади. Яна бир мисол:

Анафора – гапларингизнинг таъсирчанлигини оширади. *Анафора* – фикрингизни силлиқ қиласи. *Анафора* – нутққа руҳий кувват беради. *Анафора* – нотиқлик санъатида ёнингиздаги дўст бўлади!

Ривоятдан парча. Қари ота кўзларида ёш билан:

– Бундан ўттиз йил олдин, *айнан* мана шу дарахтнинг остига отамни эшак аравада олиб келувдим. *Айнан* шу йўлақдан отамни дарё бўйига олиб тушувдим. *Айнан* шу тошнинг устидан отамни сувга итариб юборувдим! Фарзандларим, қайтар дунё экан! Сизлар ҳам мени *айнан* шу дарахт остидан, *айнан* шу йўлақдан, *айнан* шу тошнинг устига олиб келдингизлар! Аллоҳнинг адолатли жазосига розиман! Ўлимга тайёрман! Лекин билиб қўйинглар. Орадан ўттиз йил ўтар-ўтмас, сизларнинг фарзандларингиз ҳам, албатта, албатта, *айнан* мана шу дарахтнинг остига олиб келиб,

айнан мана шу йўлакдан қирғоққа тушириб, айнан мана шу тошнинг устидан сувга итариб юборади! Қайтар дунё экан! Қайтар дунё бу! Қайтар дунё бу!

Ўрнида ишлатилган кўп мартали ҳар хил такрор усуллари ривоятнинг таъсирчанлигини қанчалик оширганига эътибор беринг.

- **Эпифора усули**

Эпифора (грекча “келтириш, қўшиш”) – анафорага зид усул бўлиб, унда *сўзлар жумланинг бошида эмас, балки охирда тақрорланади*. Масалан:

– Тинимсиз ўз устида ишлаш – мана бу нотиқнинг асосий вазифаси. Маърузаларга олдиндан пухта тайёрланиш – мана бу нотиқнинг асосий вазифаси. Тингловчиларга манфаатли илмни етказиш – мана бу нотиқнинг асосий вазифаси.

– Охирги йилларда қишлоар ҳам олдингидек эмас. Қорлар ҳам олдингидек эмас. Совуқлар ҳам олдингидек эмас.

– Немисларда ҳамма жой тоза – кўчалар ҳам тоза, ишхоналар ҳам тоза, уйлар ҳам тоза, ҳатто ҳожатхоналар – ўшалар ҳам тоза.

- **Амплификация усули**

Амплификация (лотинча – “кенгайтириш”) – нутқ шаклларининг ёки алоҳида сўзларнинг тақрорланиши. Бунда солиштиришлар ва синоним сўзлардан кўп фойдаланилади. Натижада ўша фикр янада чуқурроқ тушунилади, кўпроқ далиллар келтирилади. Масалан:

– Бизлар қўшниларимиз билан яхши, дўстона, ишончили ва мустаҳкам муносабатларни ўрнатмоқдамиз;

– Дўст дегани мана шундай ишончили, содик, вафодор, мушкулингни енгил қиласиган, оғир кунингда ярайдиган бўлса;

– Нотиқлик санътини ўргангач, биз маърузаларга яхши тайёрланадиган, тингловчилар олдида ўзимизни тўғри тута оладиган, уларни зериктирмайдиган, ўзимизга қаратадиган, уларга манфаатли илмни чиройли кўринишида бера оладиган бўламиз.

- **Антитетеза усули**

Антитетеза (қадимги грек. “қарама-қарши туриш”) – бир жумланинг ичида иккита зид маъно ёки қарама-қарши образ, тушунча ёнма-ён қўйилади. Масалан:

- Эрни эр қиласиган ҳам, қаро ер қиласиган ҳам хотин;
- Бойнинг семириши – камбағалнинг ориқлаши;
- Илм – кун, саводсизлик – тун;
- Гўёки сув ва олов;
- Тирик мурда;
- Иссиқ қор;
- Ўзи шоҳ, ўзи гадо.

- **Санаб ўтувчи қатор**

Бу усулда бир гурух сўзлар вергул орқали келади ёки уларни “биринчидан”, “иккинчидан” ва ҳ. к. деб санаб ўтилади. Бунда саноқ сони қанча кўп бўлса, тингловчиларга шунчалик кучли таъсир қиласи. Аудитория учтадан ортигини “кўп” деб қабул қиласи. Шунинг учун саноғингиз сони учтадан кам бўлмаслигига ҳаракат қилинг.

- **Шакли ўзгарган такрор**

Ушбу усул асосий ғояни такрорлашда қўлланилиб, бунда ўша жумланинг ўзи бошқа сўзлар билан айтилади. Натижада, такрорнинг маъноси тингловчиларга бошқача кўринишда тақдим этилиб, асосий ғоя янада бойроқ ва ёрқинроқ кўринади. Тингловчилар қанча талабчан бўлса, шунча кўп шаклларда такрорлаш керак. Масалан:

- бошқача айтганда, нотиқлик санъати...
- айтиб ўтганимиздек, нотиқлик санъати...
- демак, ҳаммамиз тушундикки, нотиқлик санъати...
- бошқача сўзлар билан айтадиган бўлсак, нотиқлик санъати...
- такрорлайман, нотиқлик санъати...
- яна бир марта такрорламасам бўлмайди, нотиқлик санъати...
- хулоса қилиб айтадиган бўлсак, нотиқлик санъати... ва ҳ. к. .

Яна бир мисол:

- ҳеч қачон жиноят кўчасига қадам қўймаслик керак...

- демак, асло жиноят кўчасига қадам қўймаслик лозим...
- шунинг учун зинҳор жиноят кўчасига қадам қўймаслик мухим...
- ҳар қандай шароитда ҳам жиноят кўчасига қадам қўймаслик зарур...
- мажбур бўлганда ҳам жиноят кўчасига қадам қўймаслик йўлини топиш керак... ва ҳ. к.

Яна бир мисол:

- Ушбу китобда ҳам такрорлаш усулидан кўп марта фойдаланилгани гувоҳи бўласиз;
- Китобни ўқир экансиз, унда такрорлаш усули қайта-қайта кўлланганини кўрасиз;
- Китобимизни ўқиб чиққан ҳар бир ўқувчи, унда такрорлаш усули тез-тез ишлатилганига ишонч ҳосил қиласди;
- Китоб билан танишар экансиз, унда такрорлаш усулига қайта-қайта мурожаат қилинганига шоҳид бўласиз.

- **Кенгайтирилган такрор**

Бу усулда айтилган фикрга янги сўзлар қўшилиб, тоя янада ривожлантирилади, унга қўшимча изоҳлар бериб тўлдирилади. Фақат бу усулда ҳам ҳаддан ошмаслик керак, акс ҳолда тингловчилар ундан безикиб қолиши мумкин. Масалан:

- Ватан сотқинини ўз уйидагилари ҳам ёмон кўради. Кўшнилари ҳам ёмон кўради. Бутун шаҳар ёмон кўради. Бутун мамлакат қарғайди!
- Бизнинг маҳалламиз, бизнинг туманимиз, бизнинг вилоятимиз, ҳатто бутун мамлакатимиз бу хабардан хурсанд бўлди;
- Биз, уруш даврини кўрмаганлар, ундаги очлик ва азоб-уқубатларни бошидан ўтказмаганлар, унинг қийинчиликларини ҳис қилмаганлар...
- Кўшнинг тинч – сен тинч, кўшнинг хурсанд – сен хурсанд, қўшнинг хафа – сен хафа...
- Шартларимнинг ҳаммасини бажарасан. Кейин, шундан кейин, фақатгина шундан кейин сени кечираман!

- **Қисман тақрорлаш ва умумлаштириш**

Бу усул олдин айтиб ўтилганларга қисқача хulosса ясаш, тингловчига йўналиш бериш учун ёки янги қисмга ўтиш олдидан қўлланилади. Бу умумлаштирувчи тақрор бўлиб, бир неча қисқа ва лўнда жумлалардан ташкил топиши керак. Ушбу усулдан ўргатувчи, дарс берувчи маъruzаларда фойдаланиш яхшидир. Масалан:

- хulosса қиладиган бўлсак, нотиқлик санъати...
- фикримизга якун ясайдиган бўлсак, нотиқлик санъати...
- хulosса шуки, нотиқлик санъати...
- хуллас, нотиқлик санъати...
- маъruzанинг шу қисмини якунлар эканман, нотиқлик санъати...
- хulosса ўрнида шуни айтмоқчиманки, нотиқлик санъати...

Тақрорлашни шундай моҳирона қилиш керакки, тингловчи уни ҳозир туғилган янги фикрдек қабул қўлсин. Агар у ҳаддан зиёд кўпайиб кетса, ҳафсалани пир қиласди, уйқуни келтиради.

XVI БОБ

САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШ.

Савол-жавоб – бу тингловчи билан нотиқ ўртасидаги ўйин бўлиб, унда ҳеч ким ютқазмаслиги ва жабрланмаслиги керак. Айрим пайтлар тингловчи сизнинг шаънингизга тегиш учун савол бераётганга, хужум қилаётганга ўхшайди. Бунақа пайтда унга боплаб жавоб қайтармоқчи ҳам бўласиз. Тўхтанг! Яхши нотиқ ҳеч қачон бундай қилмайди! У ўзини босиб, жаҳл билан эмас, балки ақл билан иш тутади.

89-маслаҳат. Саволларга олдиндан тайёрланинг.

Маърузага тайёрланаётганда тахминан қанақа саволлар тушиши мумкинлигини яхшилаб ўйланг ва уларга олдиндан тайёрланинг. Шундай қилсангиз, тушадиган саволларнинг ярмидан кўпини топишингиз мумкин. Демак, уларга қандай жавоб беришни, бу пайтда қандай имо-ишоралардан фойдаланишни, қандай далиллар, исботлар, қизиқарли фактлар, ҳазиллардан фойдаланишни машқ қилинг. Бу тингловчиларда сиз ва маъруза ҳақида ижобий таассурот қолдиришга ёрдам беради.

90-маслаҳат. Сиз ҳамма саволларга жавоб беришга мажбур эмассиз.

Эслаб қолинг: сиз тингловчилардан тушган ҳамма саволларга жавоб беришга мажбур эмассиз. Ҳеч ким дунёдаги ҳамма нарсани, ҳатто ўз соҳасидаги барча илмни ҳам мукаммал била олмайди! Амалда бунга эришиб бўлмайди. Сиз саволга жавоб беришни лойиқ кўрмаслигингиз ёки унинг жавобини билмаслигингиз мумкин.

91-маслаҳат. Тўғридан-тўғри жавоб беришни хоҳламаслигингизни айтманг.

Агар тўғридан-тўғри саволга жавоб беришни хоҳламаслигингизни айтсангиз, тингловчилар буни салбий қабул қилиши мумкин. Яхиси: “Бу савол бўйича менда ҳозир маълумот йўқ” ёки “Бу саволга текширилмаган маълумотни

бермоқчи эмасман”, деб ҳолатдан чиқиш керак. Агар савол берувчи қўярда-қўймай қайта-қайта саволини бераверса, синовдан ўтган эски усулни қўллайсиз: сўровчининг саволини ва телефон рақамини ёзib оласиз ва 24 соат ичидага унга жавобни етказишингизни айтасиз. Бу усул четдан жуда чиройли қўринади, қолаверса, сизни тингловчилар саволлари га эътиборли эканлигинизни намойиш этади. 24 соат ичидага жавоб бериш эса, сизнинг шахсий ишингиз бўлиб, хоҳиш бўлмаса, бу ишни қиласлигиниз ҳам мумкин.

92-маслаҳат. Агар тингловчи сиз айтган маълумотни нотўғри деса...

Агар тингловчи сизнинг фикрингизга қўшилмаса, сиз айтган маълумотларни нотўғри деса, уни диққат билан эшигинг. Саволини тугатмагунча, кўзингизни ундан узманг (кўз контакти), хатти-ҳаракат ва бошингизни қимирлатиш билан унинг гаплари сиз учун аҳамиятли эканлигини намойиш қилиб туринг. Ундан сўнг жавоб беришга ўтинг. Ҳеч қачон ҳақоратомуз шаклда эътиroz билдираманг, акс ҳолда, ғала-ғовур бошланиб кетиши мумкин. Эҳтимол, у тингловчи қасддан шунга интилаётган бўлиши мумкин. Шунинг учун жуда эҳтиёт бўлинг. Фитнали савол ёки эътиrozлардан хижолат бўлаётганингизни асло сездирманг.

Жавобни: “Ўткир саволингиз учун раҳмат” ёки “Сиз айттаётган муаммо, албатта, мавжуд”, деб бошлаш керак. Кейин эса: “Сиз берган саволга жавоб бериш учун қуидагиларни айтиб ўтишим керак”, дейсиз-у, ўзингиз билган нарсаларни санаб ўтасиз. Қўпгина сиёсатчилар шу усульдан жуда унумли фойдаланишади.

Қалтис саволни тингловчи нима учун беради?

Аслида, қалтис савол берувчи кишига сизнинг жавобингиз муҳим эмас. Унинг мақсади сизнинг обрўйингизни тўкиб, шунинг ҳисобидан ўзиникини кўтариш. Бу нарсани сўровчини ўзи ҳам ўйламайди, билмайди. Бу фикр онг ости даражасида кечади. Унга эътибор етишмайди. У “одамлар мени ноҳақ тан олишмайди, хурмат қилишмайди. Аслида, мен нотиқка нисба-

тан кўпроқ ҳурматга лойиқман”, деган ҳиссиёт билан яшайди. Бунақа шахс одамлар олдида ҳурмат қозониш учун бошқа бир кишини ҳурматсиз қилишга, унинг обрў-эътиборини ер билан яксон қилишга тайёр бўлади. Савол бераётган пайтда ҳам у ўзининг билимдонлигини, кўрқаслигини кўз-кўз қилмоқчи бўлади. Агар баҳсга киришсангиз, у янада авжига чиқади ва ўзини тўхта олмайди. Бу каби шахс билан баҳслашиш бефойда. Яхшиси, бунақа ҳурматталаб шахсни ўз томонингизга оғдириб олинг. Масалан:

– “Азизтингловчилар. Мана бусавол берувчи дўстимизнинг илм доираси кенглигига эътибор беринг...”

– “Бундай ажойиб саволни сизга ўхшаган илмли кишидан ёшлиши мени хурсанд қилди...”

– “Кўриб турибман, сиз бу мавзуни жуда чукур тушунар экансиз. Сиздек тингловчилар олдида нутқ сўзлаш мен учун шараф. Сиздан ўрнак олса арзиди...”

93-маслаҳат. Қалтис саволга қарши яна бир усул...

Қалтис саволни эшитгач, савол берувчининг қандай шахслигини тушундингиз. Энди унга жавоб бераб ўтирасдан, авзойингизни бузмасдан, хотиржам ҳолда кейинги саволга ўтасиз. Масалан: “Тушунарли, кейинги саволга ўтамиз” ёки “Бўлдими? Раҳмат. Кейинги саволга ўтамиз”.

94-маслаҳат. Агар қийин саволлар тушишини таҳмин қилаётган бўлсангиз, ўзингиз тингловчиларга “ўткир” саволлар берши мумкинлигини айтинг.

Бу усул тескарисидан юришга асосланган. Агар кўчадаги лўли болакай олдингиздан кетишини хоҳласангиз, унга қатъи ва баланд овозда: “Тўхта! Қани, бу ёқقا кел-чи!” деб айтишингиз лозим. Шунда бола ихтиёrsиз қочиб кетади. Бу пайтда ҳаракат кучи тескари ҳаракат кучига teng бўлиб қолади.

Агар залда сизга қалтис савол бериши мумкин бўлган кишилар борлигини билсангиз ёки шунақа саволлар тушишини пайқасангиз, шу усульдан фойдаланиб уларнинг олдини олишингиз мумкин бўлади. Масалан: “Энди эса саволларга ўтамиз. Илтимос, иложи борича жиддийроқ саволлар-

ни беринг” ёки “Навбат саволларга. Қалтисроқ саволларни берсангиз хурсанд бўламан”. Бу гаплардан кейин ҳар бир қалтис, ўткир савол берувчи шахс энди сизга қарши эмас, балки сизнинг айтганингизни бажараётган бўлади. Кўпинча, шундан сўнг қалтис савол тайёрлаб қўйган шахсларда уни бериш хоҳиши йўқолади. Чунки улар сизга бўйсенишни хоҳламайди.

95-маслаҳат. Агар қалтис савол сизни нокулай ҳолга солиб қўйса...

Агар тингловидан тушган савол жуда қалтис бўлиб, сизни руҳий ҳолатингизни мувозанатдан чиқариб, уялтириб, боши берк кўчага тиқиб қўйса, нима қилиш керак? Савол бе-рувчининг мақсади айнан шу бўлса-чи? Бунда ҳолатингизни қанча яширишга ҳаракат қилсангиз, четдан шунча кулгили кўринасиз. Бу пайтда энг кучли йўл – нокулай ҳолатингизни тан олиш. Фақат: “Мен уялиб қолдим” ёки “Ўзимни йўқотиб қўйдим”, деб айтманг. Шу ҳолатга тушиб қолишингизга сўровчи айбдор эканлигини билдиринг:

- “Биласизми, тан олишим керак, сиз мени хижолатга солиб қўйдингиз...”
- “Қойил! Сиз мени боши берк кўчага тиқиб қўйдингиз...”;
- “Тан оламан, сиз билан муҳокама олиб бориш қийин экан – мени деярли караҳт қилдингиз...”
- “Тан бердим. Саволингиз мени шу ҳолатга туширади, деб сира ўйламаган эдим...”
- “Жуда қийин ва қалтис савол! Зўр ўйинчи экансиз. 1:0, сизни фойдангизга!”

Бугаплардан уялманг. Сиз ҳақиқатда рўй берган воқеликни салгина бўрттириб тан оляпсиз, холос. Мағлубиятни тан олганингизни тингловчилар “мардлик” деб қабул қилишади.

96-маслаҳат. Агар баҳслашишга тўғри келиб қолса...

Аудитория ўзини ягона танадек ҳис қилади. Уларнинг биттаси билан баҳслашсангиз, уларнинг ҳаммаси биз билан баҳслашяпти, бизга қарши чиқяпти, деб ҳисоблайди. Аммо, айрим ҳолларда бу қоида ишламаслиги ҳам мумкин. Масалан, сиз кўтарган масала бўйича тингловчилар-

нинг кўпчилиги сиз тарафда. Улар сизни маъқуллаб туришибди. Лекин шунда бир шахс сизга қарши саволлар билан чиқа бошлади. Залдагиларнинг кўпчилиги унинг фикрига қаршилигини, сиз томонга ён босаётганини сезиб турибсиз. Ана шу пайтда савол берувчи билан озигина баҳслашиб, унинг ноҳақлигини исботлашингиз мумкин бўлади. Бу пайтда сиз аудиторияга қарши эмас, балки кўпчиликни ташкил қилган тарафдорларингиз томонига ўтган ҳисобланасиз. Шунда одамлар ўтирган жойидан сизни қўллаб-қувватлаб, сўровчига норози қарай бошлайдилар. Лекин, иложи борича маъruzаларни баҳсгача олиб бормаслик лозим.

97-маслаҳат. Фикрингизни тугатиб, кейин саволга навбат беринг.

Айрим пайтлар нотиқ гапириб турганда кимдир қўл кўтаради. Шунда нотиқ бошлаган гапини чала қолдириб: “Эшитаман. Саволингиз борми?” дейди. Бу билан ўзининг гаплари аҳамиятсиз эканлигини, унинг нутқини хоҳлаган пайтда тўхтатишингиз мумкинлигини намойиш қилгандек бўлади.

Шуни ҳисобга олиб, агар бирор киши савол бермоқчи бўлса, аввал фикрингизни охиригача тугатинг, ундан сўнг саволга навбат беринг.

98-маслаҳат. Қўл кўтарганларни эътиборсиз қолдирманг.

Айрим ҳолларда нотиқ маъruzага берилиб кетиб, саволларга вақт ажратмайди. Бу унчалик тўғри иш эмас. Агар тингловчи сиздан бир нарсани сўрамоқчи бўлса-ю, бунга имкон топа олмаса, маъruzани охиригача сизга қулоқ солмайди. Савол бериш ҳаракатида бошқаларни ҳам чалғитиб ўтиради.

Энг ёмони, бир нечта қўллар кўтарилиган бўлишига қарамай, нотиқ уларга эътибор бермаслигидир. Энди бошқа тингловчилар ҳам нотиққа қулоқ солмай, кўтарилиган қўлларга қараб, бу қарама-қаршилик нима билан тугашини кута бошлайдилар.

Бу пайтда савол берувчиларга уларни кўриб турганингиз-

ни (масалан, бош қимирлатиб, назар билан ёки қўл ҳаракати билан) секингина билдиринг. Сўнг имкон бўлиши биланоқ уларга сўз беринг.

Сиз имо қилгач, улар қўлларини тушириб, тартиби бузмай ўтиришади. Кейин, албатта, уларга сўз беришни унуманг. Акс ҳолда, ваъдага вафо қилмайдиган нотик сифатида хурматингизни йўқотасиз.

99-маслаҳат. Тингловчилар савол беришини бошласа, савол навбатини кимга беришини ўзингиз бошқаринг.

Агар бирданига бир неча киши савол беришини бошласа, тезда бунинг олдини олинг. Дарҳол ўз қоидангизни жорий қилинг: “Кўриб турганингиздек, савол беришини хоҳловчилар сони кўп. Лекин, илтимос, навбат билан биттадан савол берамиз. Учинчи қаторда қўл кўтариб турган тингловчи, марҳамат, саволингизни беринг..”

Асосийси, ўзингиз жорий қилган қоидани бузишга йўл қўйманг. Қўл кўтариб турган тингловчи қолиб кетиб, ўтирган жойидан бақириб берилган саволга жавоб берманг. Агар қоида бузилса, ғала-ғовур бошланиб кетади. Дарҳол қоидани эслатинг: “Навбат билан, қўл кўтариб, биттадан савол берамиз...” Одатда, шу гап икки марта такрорланса, етарли бўлади.

Берилган савол юзасидан кимга қараб жавоб бериш керак?

100-маслаҳат. Ҳаммага қараб жавоб беринг.

Албатта, бу қандай савол ва кимдан тушганлигига боғлиқ...

Агар нотик залдагиларни унутиб, фақат савол берган кишига қараб жавоб берадиган бўлса, унда қолган тингловчиларнинг диққати чалфийди.

Умумий кўрсатма: савол берган одамга жавобнинг боши ва охирида кўпроқ қарайсиз ва бу диққатнинг 30 фоизидан ошмаслиги керак. Жавобнинг 70 фоизини тингловчиларга қараб гапирасиз.

101 маслаҳат. Қисқа жавоб беринг.

Саволларга қисқа ва лўнда жавоб беринг. Жавобингиз маърузага айланиб кетмасин. Энг яхши вариант – бир жумла билан жавоб бериш. Жавобларни чўзишингиз тингловчиларнинг иштиёқини, яна савол бериш хоҳишини сўндиради.

102-маслаҳат. Тушунарсиз саволни аниқлаштириб олинг.

Айрим пайтлар кимдир ҳаяжонланиб ёки нутқи йўклигидан сизга тушунарсиз савол бериб қолиши мумкин. Шунда қуийдаги вариантлардан бирини танлашингиз мумкин:

- саволни қайтадан такрорлашини сўрайсиз;
- саволни қандай тушунган бўлсангиз, шундайлигича ўз сўзларингиз билан такрорлаб сўрайсиз;
- “Ўйлаб олишимга бир оз вақт беринг”, дейсиз-да, шу пайтда бошқа саволларга жавоб бераверасиз. Эҳтимолки, шу пайтда тушунарсиз савол бошқаларнинг ҳам эсидан чиқиб кетади.

103-маслаҳат. Паст овозда берилган саволни бошқалар эшитиши учун ўзингиз тақрорланг.

Агар савол паст овозда ёки ноаниқ берилган бўлса, уни ҳамма эшитиши учун яна бир марта тақрорлаш кепрак. Чунки тингловчи саволни эшитмаса, жавобга ҳам эътибор бермайди. Кўпинча савол берувчи сизга юзланиб тургани билан бошқа тингловчиларга орқасини қилиб турди. Шунинг учун сизни диққат билан тинглашларини хоҳласангиз, саволни бошқаларга қараб яна бир марта тақрорланг.

104-маслаҳат. Савол учун ҳеч кимни жазоламанг.

Ҳар қандай қалтис савол берилишга қарамай, назарингиз билан сўровчига миннатдорчилик билдириб қўйинг. Савол сизни ноқулай ҳолатга қолдирганини сездирманг, бирор хил гап билан сўровчининг шахсиятига тегманг.

105-маслаҳат. Сўровчи жавобингиздан қониққанига ишонч ҳосил қилинг.

Жавоб бераётганда вақти-вақти билан сўровчининг ҳам кўзларига қараб қўйинг. Жавоб бергач, сўровчининг

кўзларига савол назари билан қаранг. Ёки қўйидаги саволлар билан жавобингиздан қониқиш ҳосил қилганига ишонч ҳосил қилинг:

- жавобимдан қониқдингизми?;
- жавобим тушунарли бўлдими?;
- саволингизга тўлик жавоб бердимми?
- жавобим мукаммал бўлдими? ва ҳ. к.

106-маслаҳат. Тушган саволларни мақтаб қўйинг.

Агар савол тушганда мақтаб қўйсангиз, бу тингловчиларнинг фаоллигини оширади, саволларнинг ёғилиб келишига сабаб бўлади. Фақат ҳамма ишлатадиган, сийқаси чиққан “яхши савол”, деган жумлани ишлатманг. Одатда, бу жумлани нотик савол ҳақида бошқа фикр билдира олмаганди ишлатади. Шу боис тингловчиларда нотик самимий эмас экан, деган фикр пайдо бўлиши мумкин. Сиз қўйидаги варианtlарни қўллашингиз мумкин:

- сиз жуда муҳим савол беряпсиз...
- қойил қолдирувчи савол бердингиз...
- хаёлга келмаган, ноодатий савол...
- бу каби ўткир саволни менга ҳали ҳеч ким бермаган эди...

- қойил қолдирадиган қалтис савол бердингиз...
- о, кутилмаган қизиқарли савол тушди...
- сизнинг саволингиз мақтовга арзигулик...
- қандай ёқимли ва чиройли савол...
- қўрқмасдан берилган, кучли савол...
- анчадан бери шу саволни кутаётган эдим... ва ҳ. к.

107-маслаҳат. Саволни охиригача эшигинг.

Агар саволнинг маъноси биринчи сўзларданоқ сизга тушунарли бўлса ҳам, жавобини олдиндан билсангиз ҳам, ҳеч қачон савол берувчининг гапини бўлманг, шоширманг, тўхтатманг. Бу ишингиз нафақат сўровчига, балки тингловчиларнинг барчасига ҳақоратдек, хурматсизликдек туюлади. Шунинг учун саволни охиригача эшитиб, жавобини ҳам ўйлаб олиб, кейин жавоб беришни бошланг. Агар саволни чўзиб юбораётган бўлса, сўровчининг хурматини

жойига қўйган ҳолда, имо-ишора ёки хатти-ҳаракат билан ёхуд: “Хўш...”, “Шундай қилиб...” каби сўзлар билан асосий мақсадга ўтишни таклиф қилиш мумкин.

108-маслаҳат. Ҳеч қачон жавоб беришни “йўқ” ёки “сиз ноҳақсиз” каби сўзлар билан бошламанг.

Ҳар қандай нохуш савол тушганда ҳам, жавобни ҳеч қачон “йўқ”, “сиз ноҳақсиз”, “бу тухмат” ёки “нотўғри” каби сўзлар билан бошламанг. Саволда сизни айблашаётган бўлишса ҳам, жавобни “ҳа” деган сўз билан бошланг. Фақат бунда сиз айбловнинг шаклигагина рози бўласиз, аммо моҳиятини инкор қиласиз. Бунда қуидаги 3 хил жавоб андозасидан фойдаланишингиз мумкин:

1. Ҳа, лекин аввал таҳлил қилайлик-чи...
2. Тўғри ва бу нарса яхши ҳамдир...
3. Ҳа, ундан ҳам баттар...

Биринчи андозага мисол:

Савол: Сизнинг шогирдингизни илмсизликда айблашяпти, шунга нима дейсиз?

Жавоб: Ҳа, бу гап менинг ҳам қулогимга чалинди. Лекин, келинг, ҳар хил гап-сўзларга кўр-кўронга ишонавермасдан, ишнинг натижасига қараб баҳо берайлик. Ўша шогирдимнинг маърузаларига қатнашаётган тингловчилар сони кун сайин кўпайиб боряпти. Агар у ростдан ҳам илмсиз бўлса, неча юзлаб одамлар айнан уни тинглашга бораради?

Иккинчи андозага мисол:

Савол: Нега ёшингиз катта бўлишига қарамасдан бу лавозимга ўз номзодингизни қўйяпсиз?

Жавоб: Тўғри, ёшим катта. Лекин бу қайтага яхши-ку. Демак, менинг ҳаётий тажриbam кўп, нима иш бажарсан ҳам ўйлаб амалга ошираман. Етти ўлчаб бир кесаман. Ёшларга ўхшаб шошма-шошарлик билан қарор чиқармайман.

Учинчи андозага мисол:

Савол: Сизни жуда қаттиқўл раҳбар деб танқид қилишади, шу ростми?

Жавоб: Ҳа, тўғри. Ҳали сизга ҳаммасини айтишмабди. Мен ишга кеч қолганларнинг оёқ-қўлини боғлаб, устунга осиб

қўйман, ишга келмаганинг қўлини чопаман, режани бажармаганинг қонини ичаман. Ҳа, мен шунаقا қаттиққўлман!

Ҳамма кулиб юборди. Кулги тўхтагач: “Келинглар, энди жиддий масалаларга ўтайлик...”.

109-маслаҳат. Агар савол тушмаса, ўзингиз бошлианг.

“Саволлар бўлса марҳамат...” Сиз кутиб турибсиз, лекин ҳеч ким савол бермаяпти. Саволлар бўлмаса, тугатамиз, дейишга шошилманг. Бу, албатта, чиройли тугатиш хисобланмайди.

Одатда, тингловчилар учун биринчи саволни бериш қийин ҳисобланади. Уларни рағбатлантириш учун қўйидаги усувлардан фойдаланиш мумкин:

- чин кўнгилдан, қўллаб-қувватловчи табассум билан: “Марҳамат, биринчи савол, хў-ў-ўш...”;

- тингловчилардан бирортаси озгина қимиirlаганини сезсангиз, дарҳол унга сўз беринг. Одатда, бунақалар саволни беришга иккиланиб ўтирган бўлади;

- маъruzадан олдин танишларингизнинг бирортасидан маълум бир саволни беришни илтимос қилинг. Бу савол-жавобларнинг бошланиб кетишига ёрдам беради;

- барибир савол тушмаса, ўзингиз савол бериб, ўзингиз жавоб беринг: “Кўпинча савол беришади...” ёки “Маърузадан олдин менга қўйидаги қизиқ саволни бериб қолишиди...”

Жавоб беришни бошлашингиз билан, тингловчилардан саволлар оқиб кела бошлайди.

110-маслаҳат. Билмайдиган савол тушса, “билмайман” деб жавоб беринг.

Тингловчилар саволларига жавоб бериш – бу имтиҳон эмас. Сиз ҳамма илмларни билишга мажбур эмассиз. Дунёда ҳамма нарсани биладиган инсон йўқ. Ҳатто ўз соҳаси бўйича ҳам ҳамма нарсани мукаммал биладиган мутахассис йўқ. Қолаверса, биладиган нарсангиз ҳам эсингиздан чиқиб қолган бўлиши мумкин. Ўзингизни ҳамма нарсани биладиган соҳта олим қилиб кўрсатиб, имтиҳондаги талабадек гапни қуруқ олиб қочмасдан, саволга жавоб бера олмайдиган бўлсангиз – “билмайман” деб жавоб беринг. Самимият тин-

гловчилар учун чуқур билимга эга бўлишдан юқори туради:
“Билмайман”, деб билишнинг ўзи мардликдир!

111-маслаҳат. Кераксиз саволларни бера бошлиашса...

Маърузангиз ўртасида бир гуруҳ тингловчилар ўзига
диққатни тортиш учун керакли ёки кераксиз саволлар би-
лан мурожаат қилиб, сизга халақит бера бошлади... Бунаقا
шайтда нотиқ устунликни қўлдан бермаслиги керак. Бу
ҳолатда: “Фаоллигингиз учун раҳмат. Режа бўйича савол-
жавоблар маърузанинг охирида қилинади. Ҳозир эса мав-
зуни давом эттирамиз”, дейсиз-да, бир неча дақиқагача
улар томонга қарамайсиз, улар билан кўз мулоқотини
ўрнатмайсиз. Кейинроқ улар тинчланиб қолишгач, яна
қайтадан кўз мулоқотини ўрнатишингиз мумкин бўлади.

XVII БОБ

“ЗАРАРЛИ” АУДИТОРИЯ

Тасаввур қилинг, сиз корхона бошлиғисиз ва мажлисда ишчиларингизга ноҳуш хабар (масалан, қисқартириш туфайли кўпчилик ишдан кетиши, маош камайгани, иш соати узайтирилгани, байрам кунлари ҳам ишлаш кераклигини ёки бошқа)ни етказишингиз лозим. Ишчилар ҳам бундан хабар топиб, сизга қарши олдиндан созланган. Нима қилиш керак?

Ҳар бир нотик шунга ўхшаш ҳолатларга тайёр бўлиши керак. Айрим пайтлар омма олдиндан нотиққа ёмон муносабатда бўлади. Ёки нотиққа ишонмайди ёхуд унга қарши ичидан қайнаб турган бўлади.

Кўпинча, аудиториядагиларнинг барчаси эмас, балки бир қисми тажовузкор кайфиятда бўлади. Қолганлари эса нотиққа нисбатан нейтрал ёки ижобий муносабатда бўлади. Айрим пайтлар фақатгина битта тингловчи фитначилик билан шуғулланади, гап қўшади, ўзини ёмон тутади, маърузага халақит бериб, залда салбий муҳит пайдо қиласди.

Бундай тажовузкорликларнинг олдини олиш, уларга жавоб бериш ёки уни йўқотишнинг бир неча усувлари бор. Агар нотик тайёргарликдан ўтган бўлса, бу усувлар яхши ёрдам беради. Аммо у қўркув ёки жаҳлдан қалтираб турган бўлса, маҳмадона тингловчини жеркиб жойига ўтқазмоқчи бўлса, ёхуд нима қилишни билмай зўрга ҳазиллашмоқчи бўлса, бу албатта, четдан хунук кўринади. Бундай нотиқни зарарли аудитория аяб ўтирмайди. Шунинг учун нотик, аввало, ўзининг руҳий ҳолатини ўнглаб олиши зарур. Қандай қилиб? Масалан, ўзини “яхши хўжайин”дек тутишга руҳан созлаб олиши лозим.

“Яхши хўжайин”

Гоҳида ўзига нисбатан тажовузни ёки ёмон муносабатни кўргач, нотиқ аччиқланиб, жаҳли чиқа бошлайди. Бунда у залдаги ўз тарафдорларини ҳам йўқотиб қўйиши мумкин. Бундай пайтда нотиқнинг **асосий вазифаси** – жаҳли чиққанини, ҳаяжонланаётганини ёки **ғазабланганини ҳеч кимга сездирмасдан**, ўзини ҳар қандай нохуш муносабатга нисбатан ҳам хотиржам, нейтрал ва ишонч билан тутиш бўлади. Бу пайтда у ўзини “яхши хўжайин” ролига руҳан созлаб олиши зарур. Яъни, ичидан ўзини аудиториянинг хўжайинидек ҳис қилиши керак. Хўжайин бўлганда ҳам ўзига ишонган, кучли, меҳрибон, ҳар қандай ёмон тингловчини кечиралигиган, ундан хафа бўлмайдиган хўжайин бўлиши лозим. Агар йиғилганлар нотиқдаги кўркувни, ишончсизликни, поқулайликни, айбдорлик ҳиссини, ҳаяжонни сезса, бу улар учун “хужумни бошлайверса бўлади”, деган белги сифатида қабул қилинади. Агар дайди итлар тўдасини кўриб қоча бошласангиз, тўда сизни ғажиб ташлаш мақсадида орқангиздан жон-жаҳди билан югурга бошлайди. Тажовузкор тингловчилар ҳам нотиқни обрўсизлантириш ҳисобига обрў қозониш учун уни аяб ўтирмайди. Уларга бу имкониятни бермаслик учун ўзингизни “ўзига ишонган яхши хўжайин”дек тутинг.

Залдагиларнинг ижтимоий мақоми сизни кўрқитмасин. Улар тенгдошли, касбдошли, бошлиқларми, олий даражали кишиларми, бунинг фарқи йўқ. Минбарга чиққанингизнинг ўзи, ҳамма вақт ва ҳамма ҳолатда ҳам сизга минбар хўжайини бўлиш хуқуқини беради.

Тўпланганларга ўзингизнинг ижтимоий мақомингиз уларницидан пастроқ эканлигига ҳатто шама қилсангиз ҳам бўлди, улар сизни еб ташлашга ҳам тайёр кайфиятга ўтишади. Шунинг учун ҳеч қаҷон:

- “Сиздек одамлар олдида нутқ сўзлаш менга қийин...”
- “Сизларни кўриб мени ҳаяжон босяпти...”
- “Шундай салобатли жамоа олдида мендек oddий...”
- “Албатта, менинг илмим сизларницидек кўп эмас...”
- “Тўғри, мен сизлардек катта тажрибага эга эмасман...”

— “Сиздек олимлар олдида каминаи камтарин...” каби жумлаларни ҳеч қачон ишлатманг, ўзингизни пастга урманг. Тўпланганлар ожизликни кечиришмайди. Хаёлида бўлса ҳам: “Шундоқ экан, саҳнага чиқиб нима қиласдинг?..”, “Ундоқ бўлса, нима қиласан бизнинг қимматли вақтимизни олиб?..”, “Демак, нотиқ ожиз, ҳеч нарсага ярамас экан...”, каби холосаларга боришади.

Одамлар ҳар қандай нохуш хабарни етказаётган бўлса-да, етказувчи кучли, ўзига ишонган инсон эканлигини сезишлари керак. Агар тингловчилар нотиқни хурмат қилсалар, унинг ҳар қандай нохуш хабарини ҳам таслимият билан қабул қиладилар: “Нима ҳам қила олардик, демак, тақдир экан, маошимизни камайтиришяпти, ишдан бўшатишияпти – ҳақлари бор, зарур экан – дам олиш кунлари ҳам энди ишлаймиз ва ҳ. к. “Хўжайин”нинг хурматидан одамлар ҳар қандай ноқулайликларга ҳам чидашга рози бўладилар.

Тарихдаги диктаторларни эсланг. Гитлер буюк нотиқ ва ҳақиқий хўжайин бўлганлигидан ўз халқини бутун дунёга қарши жангга олиб чиқа олган. У дохий эди – фақат одамзотнинг ёвузликка хизмат қилган даҳоси эди. Ленин, Троцкий ва бошқа буюк сиёsatчилар ҳам омманинг хўжайини бўла олганлар ва бундан унумли фойдаланганлар.

“Ҳиссиётсиз жавоб” усули

Ҳиссиётсиз жавоб – бу ҳар қандай қийин ва ноқулай вазиятда қолганда ёки ёмон, илмоқли савол тушгандағазабланмаслик, асабийлашмаслик, ўзини йўқотмаслик, ҳаяжонланмаслик, қўрқмаслик, пинагини бузмасдан, хотиржам, ишонч билан туриши. Бунда ҳатто кичик ҳаракатлар ҳам: кўзини четга олиб қочиш, юзини қийшайтириш, ўқинч билан жағларини қисишиш, лабини тишлиш, чуқур нафас олиш, бошини сарак-сарак қилиб қимирлатиш, лабини буриш, истеҳзоли кулиш ҳам мумкин эмас! Агар шуларнинг бирор тасини тўпланганлар кўриб ёки сезиб қолса, сизнинг ожизлигингизга ва гап кўтаролмаслигингишга йўйади. Ожизларни эса хурмат қилишмайди.

Бу усул ҳар қандай қийин ҳолатларда ҳам ўз қадр-кимматини сақлаб қолиш имконини беради. Аслида бу саҳна хўжайинининг ташқи кўринишидир. Бу усулнинг моҳияти шундаки, ёмон ҳолатга тушиб қолсангиз ҳам, тажовузкор тингловчилар сизни “ғажиб ташламоқчи” бўлса ҳам, *пинагингизни бузмасдан, хотиржам ўтираверасиз*. Гўплангандардан бирортасининг сизга тажовуз қила бошлашини камондан ўқ отаётган кишига ўхшатиш мумкин. Бунда отувчи ўқи мўлжалга тегишини хоҳлайди. Сиз ҳиссиётсиз жавоб усулини қўллаб, пинагингизни бузмасдан, хотиржам ўтираверсангиз, четдан унинг отган ўқи мўлжалга тегмагандек кўринади. Натижада, отувчи ҳам, у отган ўқ ҳам бефойда ва қадрсиз бўлиб қолади. Бошқача жавобни кутган тажовузкор эса, нима бўлганини тушунмай, ўзи ноқулай ҳолатда қолади.

Фильмлардаги ҳамма олийжаноблар ҳам ҳиссиётсиз жавоб усулини қўллайдилар. Агар улар ҳам оддий одамлардек йиғласа, кулса, ҳайрон қолса, хафа ёки хурсанд бўлса – унда уларнинг қаҳрамонлиги қолмайди. Улар энди оддий инсон бўлиб қолади. Шунинг учун Рембо, Терминатор, Жеймс Бонд, Штирлиц – булар ҳаётнинг барча ҳолатларида ҳам пинагини бузмайдиган, хотиржам қаҳрамон бўлиб, улар ҳатто қуролини қўлига олиб ўқ отаётганда ҳам, ҳеч қандай ҳиссиётсиз бу ишни амалга оширади.

Арнольд Шварценеггер Калифорния штатининг губернаторлигига сайланётган пайтда “ҳиссиётсиз жавоб” усулини ажойиб тарзда намоён қилди. У сайловчилар олдига чиқиши учун одамлар орасидан ўтиб бораётган вақтда, тажовузкор одамлардан бири унинг орқасидан тухум отди. Тухум унинг пиджагини булғади. Қўриқчилар дарҳол уни тозаламоқчи бўлдилар. У эса ҳеч нарса бўлмагандек, булғанган пиджагини бир ҳаракат билан ечди-да, йўлида одамлар билан кулиб, қўл беришиб кетаверди. Бирорта ҳаракатидан, имоишорасидан унинг ҳолати ўзгаргани сезилмади. Саҳнага чиққандан сўнг: “Менга тухум таклиф қилдингиз, унинг ёнига бекон қани?” деб ҳазиллашди. Ҳамма кулиб юборди ва

Ўртадан ноқулайлик күтарили. Албатта, у тухум отган кишига ўз мушти билан жавоб қайтариши мумкин эди, лекин у фитнага берилмади, ўзини хотиржам тутди. Натижада, халқ орасида ҳурмати янада ошди ва тез орада губернатор бўлди.

Энди тескари мисолни ҳам келтирайлик. Россиядаги машхур бир арбоб катта залда чиқиши қилаётган пайтда, тингловчилардан икки киши унга помидор отиб, пиджагини булғади. Кўриқчилар тезда бу икки “террорчи”ни тутиб, қўлинни орқага қайиргандан сўнг, ушбу арбоб уларни оёғи билан тепа бошлади... Ҳиссиётларини бошқара олмади. Натижада, ўзининг ижтимоий мақомини пасайтириди, ҳурматини йўқотди. Чунки бундай иш буюк инсонларга ярашмайди.

Бу мисоллардан холоса шуки, агар қадр-қимматингизни йўқотишини хоҳламасангиз, ҳеч қачон ҳиссиётларга берилиб, тингловчилар билан тортишманг. Ҳиссиётсиз жавоб усулини яхшилаб ўзлаштириб олинг. Тажовузга нисбатан биринчи жавобингиз ҳамма вақт шу усул бўлиши лозим. Ундан сўнг бошқа усуллардан ҳам фойдаланишингиз мумкин бўлади. Куйида шу усуллардан бир нечтасини кўриб чиқамиз.

Инкор усули

Бу усулни ҳар бир нотик яхшилаб ўзлаштириб олиши лозим. Тажовузкор тингловчининг саволини, фикрини, эътиrozини тўғридан-тўғри ва бефаҳмларча инкор қилиш мумкин эмас. Айниқса, у ўз фикрини, чиройли ва ёрқин баён этса, унга:

- йўқ;
- билмайман;
- ёлғон;
- бундай эмас;
- нотўғри, каби жавоблар бериш четдан ачинарли ва хунук кўринади.

Савол-жавоб пайтида бошқа тингловчилар энди томошабинга айланиб, ким чиройли, таъсирчан, яхшироқ гапираётганига баҳо бера бошлайдилар. Тажовузкор тингловчи фикрларини нотикдан ёрқинроқ, ифодалироқ, ўткирроқ

баён қылса-ю, нотиқ унга ўша даражада жавоб берә олмаса, ёки “йўқ” ёхуд “нотўғри” деб қўя қолса, унда савол берувчи голиб чиққан ҳисобланади. Бундай ҳолда тингловчиларни ким ҳақлиги эмас, балки ким зўрлиги қизиқтиради.

Эътибор берган бўлсангиз, телевизион муҳокамаларда томошабинлар бир томоннинг чиройли нутқидан сўнг қарсак чалиб, уни қўллаб-қувватлайдилар. Лекин орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас, муҳолиф томон ундан чиройлироқ жавоб берса, энди унга қарсак чала бошлайдилар. Ба бу ҳол кўрсатув охиригача бир неча марта такрорланади. Нега? Наҳотки, одамлар ўз фикрини шунчалик тез ўзгартирса?

Гап шундаки, одамларнинг фикри арғимchoққа ўхшайди. Ким чиройлироқ далилларни келтириб, ёрқинроқ гапирса, дарҳол ўша томонга ўтадилар. Ҳатто, айрим ҳолларда далил билан, аммо камроқ гапирган одам томон эмас, далилсиз бўлса ҳам, кўпроқ гапирган томонга ён босадилар. Кўпинча, бундай муҳокамаларда ҳақ томон эмас, балки чиройли ва ёрқин гапирган томон ютиб чиқади. Демак, нотиқ ҳам кам гап билан ёки “йўқ”, “ёлғон”, нотўғри” каби инкор сўзлар билан ютиб чиқа олмайди. Бундай пайтларда жавобни билмаснгиз ҳам, жим турмасдан, нимадир дейиш керак. Бу пайтларда жим туриш ёки узоқ пауза тингловчилар томонидан ўзини йўқотиб қўйиш ва билмаслик деб қабул қилинади. Бу пайтда вақтдан ютиш учун:

- илтимос, саволингизни яна бир марта қайтaring;
- кечирасиз, саволингизни аникроқ ифода қилинг;
- азизлар, саволни ҳамма эшитдими ёки яна бир такрорлайликми?
- биродарлар, савол ҳаммага тушунарли бўлдими ёки яна бир қайтарсингларми?
- саволингиз учун сизга миннатдорчилик изҳор қиласиз...
- кутилмаган ва ажойиб қийин савол, тўғрими биродарлар? каби жумлалардан фойдаланишингиз мумкин. Бу оралиқда пайдо бўладиган бир неча сония вақтда эса мия бирор жавоб топишга улгуради. Ишонаверинг, бундай асабий ҳолатларда инсон мияси жуда тез ишлаб, жавобини бил-

майдиган савол тушганда ҳам, бу қийин ҳолатдан чиқиб кетиш йўлини топади!

Агар инкор қилишга мажбур бўлсангиз, унда тўғридан-тўғри, пешонасига қараб “йўқ” демасдан, аввал сўзни олинг, ҳолатни тушунтиринг, кейин аниқ далиллар ва ишончли нутқ билан инкор қилинг.

Ҳамдардлик билдириш усули

Айрим пайтлар тажовузнинг олдини олиш мумкин. Масалан, ишчиларингизнинг бир нечтасини ишдан бўшатишга тўғри келса, уларга ўз ҳамдардлигингизни билдиринг:

- “Бу хабарни эшлитиш сизлар учун қанчалик оғирлигини тушунаман, лекин афсуски...”;

- “Бу ноҳуш ҳолатдан чиқишининг бошқа йўлларини кўп изладик, аммо баҳтга қарши...”;

- “Бу хабарни сиз азизларга етказиш менга ҳам жуда оғир. Чунки ҳаммангиз менга қадрдон бўлиб қолган эдингизлар. Лекин минг афсуски, ушбу қарорга келишдан ўзга илож қолмади ...”;

- “Мен доим ўз қўл остиндагиларга зарар етказмайдиган чораларни излаганман, лекин афсуслар бўлсинки...”.

Яъни, сиз одамларга чин қалдан ачинаётганингизни билдирангиз, бу ноҳуш қарор улар томонидан анча юмшоқлик билан қабул қилинади. Сиз тўғрингизда: “Ишчилари ҳақида қайғурадиган меҳрибон хўжайин, фақатгина иложсиз ҳолат шу қарорни тақозо қилган”, деган холосага келишади.

Сабабни ечиб бўлмайдиган муаммолар томонига кўчиринг. Масалан: касодга учраш хавфи, рақобатчиларнинг ҳаракатлари, янги қарор, ер қимирлаши, сув тошқини ва ҳ. к. ташқи омиллар. Натижада, ноҳушлик манбаи сиз бўлмай қоласиз ва уларнинг ғазаби сизга қаратилмаган бўлади.

Айкидо усули

Айкидо – япон жанг санъати бўлиб, у хужум қилувчининг қувватини ўзига қарши йўналтиришга асосланган.

Одатда залдагиларнинг кўпчилиги нотиққа нейтрал ёки ижобий муносабатда бўлиб, фақат битта ёки бир нечта кишиларгина тажовузга мойил бўлади. Агар тажовуз бошланса, айкидо усулидан фойдаланиб, залдаги ҳужумчининг қувватини бошқа тингловчиларга қараб йўналтириб юборасиз. Энди зарба сизга эмас, балки тингловчиларга қаратилган бўлади.

Масалан, аввалига залда носоғлом мухитни яратадётган мухолиф томонга сўз берасиз. У (ёки улар)нинг саволлари га юмшоқлик билан шошилмасдан жавоб берасиз. Бунда вақтни озгина чўзишга ҳаракат қилинг. Агар тинчланмасдан зарарли саволларни беришда давом этаверса, яна вақтни чўзиб жавоб берасиз. Охир-оқибат, бу нарса вақти бекорга сарфланаётган бошқа тингловчиларнинг асабига тега бошлайди. Шуни сезган заҳотингиз у заараркунандаларни тўплангандарга “ғажиб ташлаш учун” бериб юборасиз. Бу қуидагича қилинади. Залдагиларга савол билан мурожаат қиласиз: “Келинглар овозга қўямиз: ким шу одамга (ёки одамларга) қайтиб сўз бермаслик тарафдори?” Ишонаверинг, жуда кўпчилик сиз тарафда бўлиб, унга (ёки уларга) қарши овоз беришади.

Яна бир вариант: сизга нисбатан яхши муносабатда бўлган тингловчилардан ёрдам сўрайсиз. Масалан, ўзингиз билмайдиган ёки жавоб бериш ноқулай бўлган савол тушганда тингловчиларга маъноли қараб турасиз-да, кейин барчага мурожаат қиласиз: “Ким шу саволга жавоб бера олади?” Агар ўтирганлар сони ўнтадан кўп бўлса, албатта, кимdir жавоб беришни бошлайди. Энди баҳс ёки можаро давом этса ҳам, у кимлар ўртасида бўлади? Тўғри, сизга ҳужум қилаётганлар ва сизни ҳимоячиларнинг ўртасида бўлади. Сиз эса четда “оппоққина” бўлиб тураверасиз. Сиз ўзингиз учун хавфли бўлган дақиқаларда диққатдан четга қочиб, ҳужумни бошқа томонга йўналтириб, бошқаларни қўли билан уни бартаганда.

раф этасиз. Эсда тутиңг, залда фақат душманлар әмас, балки күплаб сизнинг тарафдорларингиз ҳам бор. Зарур бўлганда, айнан ўшаларга мурожаат (ёки шикоят) қилиш мумкин.

Агар тингловчилар сони ўнтадан кам ёки тўпланганлар жуда суст бўлса, саволни ҳаммага бериш бефойда. Бунда саволни аниқ бир кишига йўналтирасиз:

– Мана, сиз шу саволга қандай жавоб берган бўлардингиз? Ёки сиз-чи?

Билмайдиган саволингизни ҳатто савол берган кишининг ўзига ҳам йўналтиришингиз мумкин. Ҳа, ҳа, айнан ўзига! Бунда ўзингизни билгафондек тутиб, гўёки: “Мен-ку била-ман, қани, сен ўзингни кўрсат-чи, шу саволга ўзинг нима деб жавоб берган бўлардинг?” деган маънода мурожаат қиласиз. Кўпчилик олдида уялганидан, унинг ўзи нималардир деб жавоб бера бошлайди. Хужумчининг жавобини эшишиб, миннатдорчилик билдириб, унинг гапларига бирор хил холоса ясад, гапни ўзингиз тугатасиз (эслаб қолинг: ким гапни тугатса, ўша ғолиб чиқсан бўлади!).

Гапиришдан маҳрум қилиш ёки залдан чиқариш

Агар тажовузкорлар тинчланавермаса ёки тўпланганлар ўртасида жанжал чиқиш хавфи пайдо бўлса, бунинг кескин олдини олиш керак. Акс ҳолда вазият назорат остидан чиқиб кетиши мумкин. Гоҳида хужумчиларнинг мақсади жанжал чиқариш бўлиб, бунда улар ниятига эришади. Бунинг олдини олиш учун сиз тажовузкорларни кескинлик билан жойига муҳрлаб қўйишингиз керак. Бунга сизнинг ҳаққингиз бор, чунки сиз саҳнанинг хўжайинисиз. Бундай пайтда “мақсадни очиб бериш” усулидан фойдаланасиз (бу усул ҳақида кейинроқ айтиб ўтамиш) ёки тажовузкорни гапириш ҳуқуқидан маҳрум қиласиз. Агар сизда шундай ҳуқуқ бўлса, уни залдан чиқариб юборишингиз ҳам мумкин. Бу пайтда юмшоқлик ёрдам бермайди. Гапни кўпайтирмай, қисқа ва аниқ қарорни кескин оҳаңгда эълон қилинг:

– Бўлди, бас! Халақит берадиган бўлсангиз, сизни гапи-

риш ҳуқуқидан маҳрум этамиш. Тинчланинг, энди маърузани давом эттирамиз!;

– Тинчланинглар! Бу кишига энди сўз берилмайди. Жим турмайдиган бўлсангиз залдан чиқиб кетинг! Маърузани давом эттирамиз.

Сўнг пауза қилмасдан, мухолиф томонга гапиришга имкон бермасдан, дарҳол маърузанинг қолган қисмидан давом эттираверинг. Фақат асабийлашганингизни асло кўрсатманг. Бу пайтда тингловчилар асабларини бошқара олмаётган нотиқни әмас, балки ҳамма нарсани ўз назорати остида ушлаб турган хотиржам ва қаттиқўл хўжайнини кўришлари керак.

“Мақсадни очиб бериш” усули

Бу қаттиқ усул бўлиб, ундан бошқа юмшоқроқ усуллар фойда бермагандагина, эҳтиёт бўлиб фойдаланиш керак. Шунда ҳам назоратни қўл остингизда ушлаб турганингизга, жанжал чиқмаслигига ва ўзингизга кўплаб тажовузлар қайтмаслигига ишонсангиз, кейин қўлланг. Қаттиқ салбий савол, одатда ташки кўринишидан оддий саволга ўхшайди. Масалан:

- охирги пайтлар маъruzalarга тайёрланмасдан, фақатгина қайдларни ўқиб берётганингиз ростми?;
 - маърузага тайёргарлик кўрмай, тайёр матнни ўқиб бериш мумкин эмаслигини биласизми?;
 - ҳозирги пайтларда ҳам маъruzalarга яхши тайёрланмасдан келяпсизми?;
 - маърузани билим бериш учун әмас, балки фақатгина мансабдан кетмаслик учун қилаётганингиз ростми?
 - хотинингизни ҳозир ҳам уряпсизми?;
 - эрталаблар ароқ ичишни ташлаганмисиз?;
 - ҳозирги пайтларда ҳам мижозларни алдаяпсизми?;
- Аммо, бу саволга қандай (“ҳа” ёки “йўқ”) жавоб беришингиздан қатъи назар, барибир нотиқ аҳмоқона вазиятда қолади! Масалан, “хотинингизни ҳозир ҳам уряпсизми?” деган саволга “йўқ” деб жавоб берса, демак, олдин урган, ҳозир эса уришни бас қилган, бўлиб чиқади. “Ҳа” деса, ҳозир

ҳам ураётган бўлади. Ёки: “Охирги пайтларда маърузаларга тайёргарлик кўрмасдан, фақатгина қайдларни ўқиб беряётганингиз ростми?”, деган саволга “ҳа” деб жавоб берса, демак, дангасалик қилиб маърузага тайёрланмаганини бўйнига олади. Агар “йўқ” деб жавоб берса, унда олдин шу ишни қилиб юрганини тан олган бўлади. Шунга ўхшаш саволлар тушса нима қилиш керак?

Бундай саволларга ҳеч қачон ва ҳеч қандай жавоб йўлламаслик керак. Чунки уларни “ҳа” деб тасдиқласангиз ҳам, ёки “йўқ” деб инкор қилсангиз ҳам, барибир қопқонга тушасиз. Бундай манипулятив саволларга “мақсадни очиб бериш” усули ёрдамида жавоб бериш мумкин. У қанақа усул?

Залдан туриб савол берувчи кишининг саволига жавоб олишдан ташқари, кўпинча яна бир бошқа яширин мақсади бўлади. Аксарият ҳолларда айнан ана шу яширин мақсад асосий бўлиб, саволга жавоб олиш эса унга бир парда бўлиб хизмат қиласи. Бунақа саволларни берувчининг мақсади:

- бошқаларни қойил қолдириш;
- ўзини бошқаларга кўз-кўз қилиш;
- бошқаларнинг эътиборини ўзига қаратиш;
- нотиқни ерга уриш, устидан кулиш;
- нотиқнинг обрўсими тўкиш ҳисобидан ўзиникини кўтариш ва ҳ. к.

Буфеълўзини-ўзияхшикўрадиганаксаринсонлардабўлиб, уни ҳамманинг олдида эълон қилсангиз хато қилмайсиз. Лекин, шу билан бирга, бу олийжаноб иш бўлмаганлиги учун, бирор киши ўзини кўрсатмоқчи бўлаётганингини бошқалар сезишини хоҳламайди. Ўткир ҳазиллар қилиб юрадиган кишидан: “Нега бундай қиласан?”, деб сўрасангиз, у бирор сабаб ўйлаб топади. Масалан: “Одамларни кулдириш учун” ёки “Бошқаларга яхши кайфият улашиш учун”, дейди. Лекин ҳеч қачон: “Ҳаммани қойил қолдириш учун, мени мақташлари учун, менга қарсак чалишлари учун, мени бошқалар тан олиши учун”, демайди, бу сабабларни яширади.

Усул шундан иборатки, *тажовузкор савол берувчининг мақсадини ҳаммага ошкор қиласиз*. Масалан:

– “Раҳмат! Бу савол билан ўзингизнинг ўткир ақлингизни ҳаммага намойиш қилмоқчи бўляпсиз. Буни ҳаммамиз кўрдик. Сиздан миннатдормиз! Энди эса маъruzamizni давом эттирамиз...”;

– “Бу саволингиз билан ҳаммани қойил қолдирмоқчи бўляпсиз. Раҳмат, қойил қолдик! Энди кейинги саволга ўтамиш...”;

– “Раҳмат! Саволингизга қараганда ҳамманинг олқишига сазовор бўлмоқчисиз. Қарсак чалиб қўйинглар! Кейинги масалага ўтамиш...”;

– “Ёнингиздагиларга ўзингизни кўрсатмоқчи бўляпсиз шекилли. Менимча улар тан беришди! Энди эса мавзудан чалғимайлик. Давом эттирамиз...”;

– “Сиз менинг ҳисобимдан ўз обрўингизни кўтармоқчисиз. Буни ҳаммамиз тушундик, раҳмат! Энди кейинги масалага ўтамиш...”;

– “Сиз ҳамманинг диққатини ўзингизга қаратмоқчи бўляпсиз. Яхши, буни уddeладингиз! Энди маъruzанинг давомига халақит берманг...”;

– “Сиз менга халақит бермоқчи бўляпсиз. Лекин, бошқа тингловчиларнинг ҳурматини жойига қўйишни унутманг! Давом этамиш...”.

Шу жумлалардан бирортасини айтгандан сўнг, хотиржамлик билан, асабийлашганингизни сездирмасдан нутқни давом эттираверасиз. Тўхтамайсиз, баҳстга киришмайсиз, жавобини кутмайсиз ва унга гапиришга ҳам имкон бермай, маъruzani баландроқ овозда давом эттираверасиз. Эслаб қолинг, тингловчилар кўзи олдида охирги гапирган ютиб чиқади. Одатда, битта шу жумланинг ўзи етарли бўлади. Бошқа ҳеч нарса керак эмас. Иккинчи марта рақибингиз яна шу қурол билан сизга ташланмайди. Чунки, такроран савол берадиган бўлса, тингловчилар: “Ҳа, яна ўзини кўрсатишни бошлайти, яна бошқаларнинг диққатини ўзига қаратмоқчи бўляпти, яна халақит беришни бошлайти...” деган каби хуносаларга келади. Шу сабаб, ақли бор бирор киши қайтиб саволни ёки баҳсни давом эттирмайди.

Албатта, бу жуда қаттиқ усул. Ҳаммага унинг асл мақсадини очиб бериш – бу барчанинг олдида уни уялтириш. Лекин нотиқ сифатида маълум даражада бу ишни қилишга мақомингиз ва ваколатингиз бор. Мухолиф томон очикойдин устингиздан кулмоқчи, сизни уялтироқчи бўлганда, ўзингизни ҳимоя қилиш учун шу қаттиқ усулни қўллашга ҳаққингиз бор. Лекин, имкон борича ишни шунгача олиб борманг. Ёки шу усулни қўллаётганда, савол берувчининг айбига нисбатан, ҳаддан ошиб кетманг. Акс ҳолда, унинг қалбида битмас яра қолдиришингиз мумкин. Қолаверса, ҳаддан ошсангиз “бизниklарни уришяпти” қоидаси ишга тушиб кетиш хавфи пайдо бўлади.

Бизниklарни уришяпти

Аудиторияга ёки унинг айрим вакиллариغا қарши қаттиқ усулларни, хусусан, “мақсадни очиб бериш” ёки сўздан маҳрум қилиш ёхуд залдан чиқариб юбориш усулларини қўллаётганда, айниқса, эҳтиёт бўлиш керак. Тўпланғанлар ҳамма вақт ўзларини бир тану бир жон, деб ҳис қиласидилар. Ҳатто залдаги бир тингловчи заарли ноҳуш савол берса-ю, уни дарҳол ўз жойига қўйиб қўйсак, залдагиларнинг қолган қисми ҳам нотиққа нисбатан тажовузкорликка ўтиши мумкин. Нега? Чунки у “бизниklарни урди”, хафа қилди, ерга урмоқчи бўлди. Демак, у “бизга қарши экан”, “ҳамма қўзғолсин, бизниklарни уришяпти!” Тингловчилар билан алоқада икки томон бор: бир томонда – нотиқ, иккинчи томонда – бир тану бир жон бўлган жамоа. Саҳнада – “У”, залдагилар – “Бизлар”. “Бизлар”дан биттасини хафа қилишингиз, уларнинг ҳаммасини хафа қилган билан баробар. Шунинг учун қаттиқ қарама-қаршиликнинг олдини олиш учун барча чораларни кўринг. Иложсиз қолганда эса, эҳтиёткорликни эсдан чиқармай, тингловчиларнинг кўпроғи сиз томонда эканлигига ишонч ҳосил қилгач, қаттиқ усулларни қўлланг.

Залдаги юқумли мұхит

Нотиқ залда вужудға келтирадиган руҳий мұхит юқумли бўлиб, у тезда ҳаммага юқади. Агар нотиқ тингловчиларнинг ҳаммасини ёки уларнинг бир қисмини хайрихоҳлик руҳида созлаб билса, яъни ишончига кирса, яхши ҳазил билан кайфиятини кўтарса, залда пайдо бўлган бу ижобий мұхит занжир таъсири тарзида бошқаларга ҳам юқади. Агар бошидан салбий мұхит яратилса, бу ҳам тезда бошқаларга юқиб, ҳатто бошида нейтрал бўлган тингловчилар ҳам тажавузкорга айланиши мумкин.

Агар сиз бошидан жамоани қиздириб, ижобий мұхитни пайдо қила олсангиз, кейинги айтадиганларингизни барчасини тингловчилар хурсандлик билан қабул қиласидилар. Борди-ю жамоани қиздирмасдан, бошидан мураккаб ва ноҳуш маълумотлар билан юклай бошласангиз, уни қаршилигига ва қабул қиласлигига сабаб бўлишингиз мумкин. Шунинг учун одамларни аввал тайёрлаб, ўзингизга нисбатан созлаб, яхши хўжайнинг үрнашиб олишингиз керак. Бу нарса саҳнага чиқаётганингиздан, ўзингизни тутишингиздан, биринчи сўзларингиздан сезилиб туриши керак. Булар жуда зарур аҳамиятга эга бўлиб, кейинги мұхитни белгилаб беради.

Битта калла яхши, иккитаси ундан-да ёмон!

Жамоада одам қанча кўп бўлса, мұхит шунча юқумли бўлади. Кичик жамоага нисбатан катта жамоа таъсирга берилувчанроқ ва ақл даражаси пастроқ бўлади. Ҳар бир инсоннинг ўзига хослиги омма ичидаги йўқолиб кетади. Буни митинглар мисолида кўриш мумкин. Митингда омма фақат оддий жумлаларни, широрларни, содда нарсаларни тушуна олади. “Доно сўзлар”дан, мураккаб жумлалардан фойдаланиш эса қатъян ман этилади. Чунки омма уни тушунмайди, тушунмагандан кейин эса уни ўзидан итариб ташламоқчи бўлади, унга нисбатан тажовузни бошлайди. Битта калла яхши, иккитаси ундан-да яхши, деган мақол бу ерда ишламайди. Омма орасида каллалар сони қанча кўп бўлса, унинг ақл даражаси шунча пастлашиб бораверади.

Бир кишига тушунтириш мүмкін бўлган қийинроқ масалани кўпчиликка тушунтириб бўлмайди. Шу сабабдан омма қанча кўп бўлса, унга шунчалик содда тилда оддий нарсаларни гапириш керак.

Салбий кутишни эълон қилиш усули

Бу усул шундан иборатки, *одамлар ўйлаб ва кутуб турган салбий маълумотни олдиндан эълон қиласиз*. Масалан:

- “Тушунаман, маош камайиши туфайли сизлар мендан норози бўляпсизлар, лекин...”;
- “Биламан, ишдан қисқартирилаётгани учун айримлар мендан хафа, аммо...”;
- “Тўғри, байрам кунлари ишлаш ўзимга ҳам маъқул эмас, бироқ...”;
- “Билиб турибман, сизлар мени корхонани яхши бошқара олмаслиқда айбламоқчи бўляпсизлар, лекин...”;
- “Кимларгадир менинг нутқим ёқмаётганлигини сезиб турибман, аммо...”

Одамларнинг хаёлидаги фикрни олдиндан эълон қилиб, нотик тўпланганлар орасидаги салбий муҳитни анча тарқатади. Ўзига бўлган ишончни, кучни, одамларнинг фикрларини билишини, унга нима айб қўйилаётганидан хабардор эканлигини кўрсатади. Олдиндан ўзи эълон қилгач, одамлар энди иккинчи марта яна шу мавзуни кўтариб ўтирумайдилар.

Куйидаги ҳаётний воқеани мисол келтирамиз. Цехдаги ишлар яхши юришмаяпти. Цех бошлиги лавозимига ўзларининг одамини қўймоқчи бўлган бир неча киши мажлис йиғиб, бу лавозимга ўзларининг одамларини қўймоқчи. Бундан хабар топган цех бошлиги мажлисни ўзи очиб: “Азиз дўстлар! Нима сабабдан бу ерга йиғилганимизни яхши тушуниб турибман. Келинглар, кимнидир гуноҳкор қилиб, ҳамма айбни унинг бўйнига ташлаб, вақтимизни бекорга сарфлаш билан шуғулланмайлик-да, унинг ўrniga цехимиз ишларини яхшилаш учун аниқ чора-тадбирларни кўрайлик. Чунки цех ишининг юришиб кетиши фақатгина бир кишига

эмас, балки ҳамманинг жон-жаҳд билан юракдан ишлашига боғлиқ”, деди.

Мухолиф томон тайёрлаб келган режани цех бошлиғи олдиндан ўзи айтди-қўйди. Энди яна шу гапни қайтадан қўзғаш нокулай, четдан хунук кўринади. Агар гапни бошласалар, демак, айнан шулар вақтни бекорга сарфловчилар бўлиб чиқади. Бу ерда цех бошлиғи кутилаётган салбий гапни олдиндан эълон қилиб, рақибларини куролсизлантириб қўйди.

Ҳазил

Ўрнига туширилган омадли ҳазил ҳамма вақт муҳитни юмшатади. Аммо ҳазил ўткир қурол бўлиб, ундан эҳтиётлик билан фойдаланган маъқул. Агар уни душманга қарши ишлатсангиз, у ҳам ўзини ҳимоя қила бошлайди ёки ҳазил билан қарши хужумга ўтиши мумкин. Шунинг учун ҳазилни бир одамга нисбатан эмас, балки вазиятга қараб умумий қўллаш керак.

Энди бир нечта ҳаётий мисолларни келтирамиз. Катта институтга янги раҳбар овозга қўйиш йўли билан сайланадиган бўлди. Бир нечта номзодлар қатори ёши улуғ олимнинг ҳам номзоди қўйилди. Шунда сайловчилар орасидан бир киши унинг ёши катталигига шама қилиб, соғлиги ҳақида сўради. Шунда олим: “Биласизми, хотиним шикоят қилаётгани йўқ”, деб ҳазиломуз жавоб берди. Ҳамма кулиб юборди ва уни раҳбар қилиб сайлашди. Тўғри ва жойида ишлатилган ҳазил ўз самарасини берди.

Қаттиқ ҳазилга мисол. Узоқ вақт Грузияда яшаган Маяковский муҳлислар билан учрашувда деди:

– Мен руслар орасида ўзимни русдек, грузинлар орасида ўзимни грузиндек хис қиласман.

Шунда залдан бир заҳарханда овоз сўради:

– Аҳмоқлар орасида-чи?

Шоир ўша қуролни ўзи билан жавоб берди:

– Аҳмоқлар орасида эса биринчи марта турибман.

Жуда қаттиқ жавоб! Лекин тажовузкор ўзи бошлади ва ўз

қуролидан ўзи жароҳатланди. Бу бошқаларга ҳам дарс бўлди. Демак, бу нотиқ билан ёмон ҳазил қилиб бўлмас экан, у билан гапирганда эҳтиёт бўлиш керак экан.

Яна бир мисол. Олийгоҳда маъруза пайтида бир серғайрат талаба профессорнинг эсида қолиш учун бўлар-бўлмас жуда кўп ва оддий саволларни бера бошлади. Навбатдаги саволга жавоб бергандан сўнг профессор сўради:

– Ҳамма айтганларимни тушундингизми? Агар *Сиз* тушунган бўлсангиз, демак, ҳамма тушунибди!

Талабалар жавобнинг маъносини илғаб, кулиб юборишиди. Серғайрат талаба эса шундан сўнг тинчиб қолди.

Албатта, бундай ўткир ҳазиломуз жавоблар ҳамма вақт ҳам топилавермайди. Лекин буни изланиш, ўқиш ва машқлар билан ривожлантириш мумкин. Айниқса, талабалар бир хонада тўпланиб, навбат билан чиқиш қиласалар ва бунда ўтирганлар кескин саволлар берса, бунинг фойдаси катта. Чунки бунда нотиқ ўзини ҳақиқий аудитория олдида қандай тутишни, ҳазилларни кўллашни машқ қилиб олади. Машқда қийин бўлса – жангда осон бўлади.

Тўлдириш ва бўрттириш усули

Бу усул шундан иборатки, сиз эътироҳни ёки танқидни инкор қилмай, уни янада тўлдирасиз, аниқлик киритасиз. Гўёки, ҳа, тўғри, лекин сиз ҳали ҳаммасини билмайсиз, дегандек. Буни шунчалик бўрттирасизки, ҳатто у бемаъниликка ўхшаб қолади. Натижада, сизга қарши йўналтирилган эътироҳ ёки айблов қадрсиз бўлиб қолади. Масалан, сизни: “Маърузага яхши тайёрланмай келяпсиз”, деб айблашяпти. Сиз эса буни инкор қилмай, тасдиқлаб туриб тўлдирасиз, бўрттирасиз: “Ҳа, тўғри айтдингиз. Мен маърузага ҳам тайёрланмаганман. Богчага ҳам бормаганман. Мактабда ҳам футбол ўйнаб дарсларга кечикиб борганман. Олийгоҳда ҳам дарслардан қочиб, кинога борганман. Ҳатто уйланганда ҳам, ҳаётга тайёр бўлмай уйланганман! Сиз жуда ҳақсиз.” Натижада айблов ўз баҳосини йўқотади, жавоб эса қулгига ўтиб кетади.

Ёки: “Сизни шундай ёмон маъруза қилишингиз жамоанинг камайиб кетишига олиб келмайдими?”, деган саволга жавоб:

– Жуда тўғри айтдингиз! Жамоа камайиб кетади. Одамлар кўч-кўронини кўтариб бошқа шаҳарларга ёки вилоятларга, ҳатто бошқа мамлакатларга кўчиб кетишади. Айримлар ўз жонига қасд қилишади. Бошқалар қўлларига кетмон ва панчшаха олиб, мени излаб кўчаларга чиқишади. Менинг ёмон маъруза қилишим мана шундай оқибатларга олиб келади...

Давоми кулгига ўтиб кетиб, айловнинг баҳоси тушиб кетади. Кулги тўхтагач: “Келинглар, энди жиддий саволларга ўтайлик”, дейсиз.

Бу усул ҳамма вақт ҳам иш бермайди. У залда кимлар ўтирганига, йиғилишнинг жиддийлигига, залдаги вазиятга боғлиқ. Агар лойик топсангиз, бу усулни қўллашингиз мумкин.

Заҳарни ечиш усули

Бу усул тушган заҳарли саволга бошқача қарашиб ва енгилроқ баҳо беришга асосланган. Яъни, заҳарли савол беришганда, сиз ундаги заҳарни сезмагандек жавоб берасиз. Мисоллар келтирамиз.

Савол: “Хозир ҳам наҳорда ароқ ичяпсизми?”

Ерга урадиган, устингиздан куладиган савол. Сиз эса буни сезмагандек жавоб берасиз: “Наҳорда нима ичишимни билмоқчисиз, шекилли. Ҳар куни эрталаб сут ёки қаҳва ичаман. Яхши овқатланаман. Раҳмат. Марҳамат, кейинги савол”.

Савол: “Хотинингизни ҳозир ҳам уряпсизми?”

Жавоб: “Менимча, сиз хотинимга бўлган муносабатимни билмоқчисиз, шекилли. Хотинимни жуда ҳурмат қиласман. Уни ҳеч қаҷон хафа қилмаганман. Ахир у фарзандларимнинг онаси! Кейинги саволга ўтамиз”.

Савол: “Мижозларингизни ҳозир ҳам алдаяпсизми?”

Жавоб: “Сизни mijozlarimizga bўлган муносабатимиз қизиқтиряптими? Биз mijozlarimizни жуда ҳурмат

қиласиз. Уларни ҳеч қачон алдамаганмиз ва ҳаққига хиёнат қилмаганмиз. Чунки ҳалоллик бизда биринчи ўринда турди. Раҳмат. Кейинги саволга ўтамиз”.

Яна бир марта эслатиб ўтамиз: савол ҳар қанча нохуш бўлмасин, аввало “ҳиссиётсиз жавоб” усулини қўллайсиз (олдинги саҳифаларимизга қаранг). Акс ҳолда санаб ўтилган усувларнинг бирортаси натижা бермайди.

“Заарли” савол берувчини нейтраллаш

Айрим пайтлар нотиқнинг асабига тегиши, уни уялтириши, бошқаларга ўзини илмли эканлигини кўз-кўз қилиши, бошқаларга “зааркунанда” шахслар учрайди. Улар маърузанинг хоҳлаган қисмида нотиқнит ўхтатиб савол бераверадилар. Саволга жавоб бермай ўтиб кетмоқчи бўлсангиз, саволни яна қайтадан, баландрок овозда сўрайдилар. Агар сиз уларга танбех берсангиз, тартибга чақирсангиз, халакит бермаслигини ёки залдан чиқиб кетишини талаб қилсангиз, баҳслашсангиз, буни аудиториядагилар ўзларига (“бизникларга”) берилган зарба, деб қабул қилиши мумкин. Бу нарса нотиқ билан аудитория ўртасидаги қарама-қаршиликка олиб келади.

Бундай “заарли” тингловчидан қандай қутилиш мумкин? Бунда қуидаги усулдан фойдаланасиз:

Маъruzani бошлашдан олдин аудитория билан иш тартибини келишиб оласиз. Масалан: “Азиз биродарлар! Ҳаммамиз олдиндан келишиб олайлик. Саволлар фақат маърузанинг охирида, кўл кўтариб берилади. Илтимос, шунга амал қилайлик”. Кўпинча бундай таклифга ҳеч ким қаршилик қилмайди. Тамом, энди сиз аудитория билан биргасиз, бу тартиб-қоида ҳамма учун. Ким уни бузса, жамоа рози бўлган қоидага қарши чиққан бўлади. Одатда, бу гаплардан кейин ҳеч ким навбатдан ташқари савол бермайди. Фараз қилинг, ўша шахсда ўзини кўрсатиш хоҳиши шунчалик кучлики, шу келишувдан кейин ҳам барibir ўтирган жойидан савол бера бошлади. Бу пайтда дарҳол тартибни эслатасиз: “Азиз дўстлар! Бошида келишганимиздек, савол-

лар маърузанинг охирида кўл кўтариб берилади. Ҳозир эса, мавзуни давом эттирамиз...”. Бу пайтда қоидани бузаётган шахс сизга эмас, балки ҳаммага қарши чиқаётган бўлади. Одатда, агар у яна гап қўшадиган бўлса, бошқа тингловчиларнинг ўзлари дарҳол унга дакки бериб, жим ўтиришини талаб қилишади.

Агар “зараарли” тингловчи вақтини пойлаб, маърузанинг охирида кўл кўтарса, бошқа кўл кўтарғанларга навбат берасиз-у, уни инкор қиласиз. Шунда ҳам ўжарлик қилиб, саволига жавоб беришни талаб қиладиган даражага борса ва қалтис саволлар берадиган бўлса, кейинги маърузада бошқача йўл тутасиз. Марузанинг бошида: “Ким савол бермоқчи бўлса, фақат ёзма равища берсин. Оғзаки саволларга жавоб бермаймиз”, деб олдиндан жамоа билан келишиб оласиз. Шу йўл билан “зааркунанда”ни заарсизлантирасиз.

“Бефарқ-заарли” тингловчи

“Заарли” аудитория (савол берувчилар) билан “бефарқ-заарли” тингловчиларнинг фарқи шундаки, аввалгилари нотиқни уялтиришга, обрўсини тўкишга, ўзларини кўрсатишга ҳаракат қиладилар. “Бефарқ-заарли” тингловчиларда эса бундай ният бўлмайди. Куйида уларни “заарли” тингловчилар деб атайверамиз.

“Заарли” тингловчи ким? Ўртacha заарли тингловчи белгилари:

- хўмрайиб, норози қараш билан ўтиради;
- намойишкорона эснайди;
- зерикаётганлигини очикдан-очиқ кўрсатмоқчи бўлади;
- тез-тез соатига қарайди;
- қўлидаги қофозларни шитирлатади;
- телефон орқали хабарлар ёзиб ўтиради;
- қўшниси билан пичирлашиб гаплашади ва ҳ. к.

Бундайларни кўрганда кўп нотиқларнинг руҳланиб кўтарилаётган қанотлари пастга туша бошлади. Кўллари совиб, оёқлари қалтирай бошлади. Саросимага туша бош-

лайдилар. Уларнинг диққатини фақат шу заарли тингловчи ўзига тортиб, ундан кўзларини уза олмай қоладилар.

Агар нотик ишлаб чиқарилган малака ва тез жавоб реакциясига эга бўлса, бундай тингловчи билан ишлаш қийин кечмайди. Ўрганамиз:

1. Ўзингизни тутиб олинг, руҳингизни чўктирманг.

Хаяжонланаётган, саросимага тушган ёки ғамгин нотиқнинг ҳолати дарҳол залдагиларга узатилади. Сизнинг қувватингизни ўша заарли тингловчи тортиб ола бошлийди. Шунинг учун, руҳий қувватни яна тўлдириб олиш мақсадида, залдаги сизга яхши муносабатда бўлган тингловчиларга қаранг. Улардаги ижобий қувватдан тўйиб олиб, сўнг янги куч-қувват билан қўрқмай нутқни давом эттираверинг.

Агар нотаниш аудиторияга биринчи марта чиқишига тўғри келаётган бўлса, ҳар эҳтимолга қарши, ижобий қувват ва мадад олиб туриш учун ўз яқинларингиздан бир нечтасини у ерга таклиф қилинг.

Эсингиздан чиқарманг: “Заарали” тингловчи – бу сизнинг айбингиз эмас! Унинг ўзини бундай тутиши сабабини излаб қўринг:

- эснаяпти – уйқуга тўймагандир;
- хўмрайиб турибди – боши, тиши ёки бошқа жойи оғриётгандир;
- кайфияти йўқ – шахсий муаммоси бордир;
- соатга қарайпти – кечикаётгандир;
- қофозларни шитирлатяпти – шошилинч хужжатларни кўздан кечираётгандир;
- телефонда хабар ёзяпти – зарур хабарни шошилинч юборишга мажбур бўлаётгандир;
- пичирлашяпти – нутқингизнинг тушунмай қолган жойини қўшнисидан сўраётгандир;
- зерикяпти – бу айтилаётган мавзуни умуман тушунмайдиган одамдир ва х. к.

2. Сизни қўлловчи тингловчиларни эсдан чиқарманг.

Ҳар қандай аудиторияда ҳам нотиқни қўллаб-қувватловчи тингловчилар бўлади. Ана шу тарафдорларни эътибордан

четда қолдирмаслик керак. Айрим нотиклар заарли тингловчини күргач, бутун диққатини унга қаратади. Натижада бошқалар эсдан чиқиб кетади. Эътибор кам бўлгач, улар ҳам бепарво бўлиб қолади. Хатто, айримлари заарли тингловчига ҳам айланиши мумкин.

3. Заарали тингловчини жалб қилинг.

Сизни қўллаб-кувватловчи тингловчиларга эътибор қаратиб, улардан ижобий қувват олгандан сўнг, энди заарали тингловчи билан кам-кам ишлашни бошлайсиз:

- бошқаларга нисбатан унга кўпроқ назар ташлаб гапирасиз;
- имо-ишораларни ҳам айнан унга қаратасиз;
- унга қараб бир неча марта яқинлашасиз, аммо тегмайсиз.

4. Заарали тингловчига риторик савол билан мурожаат қилинг.

Риторик савол билан бутун залга мурожаат қилсангиз ҳам бўлади. Чунки ундан сўнг заарали тингловчи ҳам бошқаларга қўшилиб ихтиёrsиз жим бўлиб қолади. Агар саволни айнан унинг ўзига қараб берсангиз, таъсири янада кучли бўлади.

5. Нутқ қилиши услубини ўзгартириб тулинг.

Заарали тингловчиларга таъсир қилиш учун нутқ услубингизни тез-тез ўзгартириб тулинг:

- кутилмагандага баланд-паст овозларда гапиринг;
- тўсатдан тез-секин маромда гапиринг;
- нутқингиз руҳий хиссиётларга бой бўлсин;
- нутқни паузалар билан ифодали қилинг.

6. Заарали тингловчининг исмини айтинг.

Кишининг исмини айтиб мурожаат қилиш – энг яхши самара берадиган усуллардан бири. Бунда ушбу тингловчи дарҳол тинчланиб, диққат билан қулоқ сола бошлайди. Масалан:

- “Сулаймон Баротовичга ўхшаш эътиборли тингловчи-ларимиз...”;
- “Мана, масалан Сулаймон Баротовични оладиган бўлсак...”;

- “Бугунги мавзуда кўтарилиган масала юзасидан Сулаймон Баротович олдин ҳам ҳақли мурожаат қилган эдилар...” ва х. к.

7. Бўлаётган ишларни шарҳланг.

Залнинг ўзида бўлаётган ишларни шарҳлаш заарли тингловчиларга жуда кучли таъсир қилади. Бир неча мисоллар келтирамиз:

– Телефон ишлатиб ўтирган тингловчига нисбатан ҳазиломуз кулиб туриб: “Мана олтинчи қатордаги дўстимиз интернетдан бугунги мавзуга мос маълумотларни қидиряпти. Қизиқарли нарса топсангиз, бизларга ҳам айтинг...”;

– Маъруза пайти китоб ўқиб ўтирган тингловчига нисбатан ҳазиломуз кулиб: “Қаранг, ўнг томондаги синчков биродаримиз менинг гапларимнинг тўғрилигини китобдан текшириб боряпти. Хато топдингизми?...”;

– Гаплашиб бошқаларга халақит бераётган тингловчиларга нисбатан табассум билан: “Ана, охирги қатордагилар мавзуни қизғин муҳокама қилишга ўтишди. Демак, бу муаммо уларни қизиқтириб қўйган. Илтимос йигитлар, биз билан ҳам фикрларингизни бўлишсангизлар...”;

– Ухлаб қолаётган тингловчиларга нисбатан ҳазиллашиб: “Сизларга алла айтиш учун маъruzaga бир ҳафта тайёрландик. Мехнатларимиз бесамар кетмабди. Мана чеккадагилар ухлашни бошлайтилар...”

Одатда, бундай ҳазиллардан кейин барча тингловчилар бир кулиб, кайфиятларини кўтариб, чарчоқларини чиқариб оладилар. Заарали тингловчилар эса, маърузанинг охиригача қоидани бузмай тинч ўтирадилар.

8. Имкон топсангиз, заарали тингловчини мақтаб қўйинг.

Заарали тингловчини ўз томонингизга оғдиришнинг энг яхши йўли – уни бирор нарса учун мақташ, унга хурмат кўрсатиш, яхши муносабатда бўлиш. Лекин бу иш лаганбардорликка ўхшаб кетмасин. Одатда заарали тингловчилар ўз ҳаракатлари билан бошқаларнинг диққатини ўзларига қаратмоқчи бўладилар. Шундай экан, улар хоҳлаган нарсани беринг ва ўз тарафдорингизга айлантиринг.

XVIII БОБ

СЎЗ ЖАНГИ УСУЛЛАРИ

Сўз жанги ва тажовузкор саволларга жавоб беришининг баъзи усулларини олдин айтиб ўтган эдик. Энди яна бир неча янги усулларни санаб ўтмоқчимиз.

“Бумеранг” усули

Бу усулда бизни нимада айблашаётган бўлса, ўша нарсани олиб айловчини ўзига қайтарамиз. Ҳаётий мисол.

Революциядан олдин К. И. Чуковский “Сигнал” журналининг муҳаррири эди. Журнал сонларининг бирида имзосиз ҳажвий расм босиб чиқарилди. Шунда прокурор Камишанский таҳририятни император Николай II ни мазах қилишда айблаб, судга берди.

Айлов нутқини прокурорнинг ўзи ўқиди. У қайсиdir адабиётчи разиллар ўз журналлари саҳифасида императорга шама қилиб ҳажвий расм чиқарганларини ғазаб билан эълон қилди.

Адвокат Груденберг химоя номидан чиқди:

“Тасаввур қилинг, мен уйим деворига, айтайлик, эшакнинг расмини чизяпман. Шунда ёнимдан ўтиб кетаётган киши, бу прокурор Камишанскийнинг расми, деб айтса... . Айтинг-чи, жаноб суд маслаҳатчилари, бунда прокурорни ким ҳақоратлаяпти? Менни ёки мен чизган эшакни прокурорга ўхшатаётган кишими? “Сигнал” журналида чала туғилган овсарнинг расми чизилган. Прокурор Камишанский эса, бу император ҳазратлари, деб тасдиқламоқчи бўляпти. Агар у яна бир марта шу гапини такрорласа, биз уни император ҳазратларини ҳақоратлашда айблаб, судга берамиз”.

Яна бир мисол:

- “Биз билан бирга ичишни хоҳламаяпсанми, демак, бизни хурмат қилмас экансан!”

Бу ерда ичмаган одамни ҳурмат қилмаслиқда айблашяпти. Бумеранг усулидан фойдаланиб, уларнинг ўзини ҳурматсизлиқда айблаймиз:

- “Менимча, хоҳламаган ишимни қилдирмоқчи бўлиб, сизлар мени ҳурмат қилмаяпсизлар. Келинглар, бир-биримизнинг ҳурматимизни жойига қўяйлик!”

Яна бир мисол:

- “Ишхонанинг телефонидан иш пайтида шахсий муаммоларингни ҳал қилишга уялмайсанми?” Бу ерда бизни инсофсиз ва уятсиз кишига чиқариб қўйишмоқчи.

Бумеранг усулидаги жавоб:

- “Ўзингиз иш пайтида ишламасдан, бошқаларнинг кўнғироқларини билдирамай пойлашга уялмайсизми?”

Яна бир мисол:

- “20 кундан бери мендан бир марта ҳам хабар олмадинг-а? Демак, сен дўстлигимизни умуман қадрламас экансан-да!”

Бумеранг усулида жавоб:

- “Менга қара, агар сен дўстлигимизни озгина бўлса-да қадрласанг, мен билан бунақа оҳангда гаплашма!”

Эсдан чиқарманг, “bumerang” анча қаттиқ усул бўлиб, ундан эҳтиёт бўлиб фойдаланиш керак. Агар имкон бўлса, бошқа юмшокроқ усувлардан фойдаланинг.

Метафора усули

Компьютерлар анча ривожланган замонда инсон унга куйидаги фалсафий савол билан мурожаат қилди: “Ҳақиқат нима? Қалб нима?”

Компьютер озгина ўйлаб, чироқлари ёниб-ўчиб, қофозга жавобни ёзиб чиқара бошлади: “Бу савол менга бир воқеани эслатди...”

Мана шу ҳазил мисолида метафора усули кўрсатиб берилган.

“Метафора” (қад. грек. “кўчириш”, “кўчма маъно”) – бир номни бошқа синфдаги обьект номи билан тавсиф қилиш, кўчма маънода ишлатиш.

Усулнинг моҳияти шундан иборатки, қўйшиластган алоғозга ўхаш нарсани ҳайвонот ёки ўсимликлар дунесидан, фан ёки илоҳиётдан ёхуд хоҳлаган бошқа соҳадан топиб солиштирасиз-да, шу йўл билан уни инкор қиласиз. Кўпинча, киноя тарзида ишлатилади. Масалан:

- “Биз билан бирга ичишни хоҳламайсанми, демак, бизни ҳурмат қилмас экансан!”

Метафора усулида жавоб:

- “Сизлар ҳали: “Уради – демак яхши кўради” ҳам дерсизлар. Ҳурмат билан ичкиликни бир-бирига аралаштирунг!”

Ёки яна бир жавоб:

- “Мен боғдан келсам, сизлар тоғдан келасизлар. Ҳурмат қилиш билан ичкилик ичишнинг нима алоқаси бор?”

Ишга олувчи сухбат чоғида ёш иш қидирувчини рад этмоқда:

- “Биласизми, бизга камида 15 йиллик меҳнат тажрибасига эга ишчи керак”.

Метафора усулида жавоблар:

- “Ёш ниҳолни янги жойга кўчириб ўтқазсангиз, у тезда тутиб кетади. Қари дараҳт эса, кўпинча куриб қолади”;

- “Спортда яхши натижаларни қарилар эмас, асосан ёшлар кўрсатади!”

Инфляция сабаб ишчиларнинг маошини кўтариш кераклиги талаб қилинганда раҳбар: “Ҳозирги шароитда бунинг иложи йўқ”, деди. Унга метафора усулида жавоб:

- “Сиз машина ҳайдаяпсиз. Бензин қиммат бўлганлигига қарамай, барибир уни бакка куйяпсиз. Акс ҳолда машинангиз юрмайди. Ишчиларга яхши маош – машинага яхши бензиндек гап!”

“Бошқача тушунча” усули

Бу усулда айбловнинг (ёки фикрнинг) биринчи ёки иккинчи қисмiga бошқача тушунча берасиз. Масалан: “Биз билан ичишни хоҳламайсанми, демак, бизни ҳурмат қилмас экансан!” Бунда ҳурмат билан ичиш тенглаштириляпти. Бу усулда сиз улардан бирини бошқа тушунчага алмаштирасиз:

- “Мен учун эса, бошқа кишининг хоҳиш-истакларини эътиборга олиш, уни мажбурламаслик ҳурмат деганидир”;
- “Менимча эса, кимларнингдир бирга ўтириб ичиши – бу уларнинг бир-бирини ҳурмат қилиши эмас, балки ичкиликка муккасидан кета бошлаган кишиларнинг йиғилишидир”.

Бу ерда сиз ҳурмат тушунчасини **ичкиликка муккасидан кетганларнинг йиғилиши** тушунчасига алмаштиряпсиз.

- “Бир ўқитувчимиз айтганидек, ҳақиқий мутахассис – бу ўз ишини севиб, уни юрақдан бажарадиган кишидир. 15 йиллик **тажрибаға** эга бўлса-ю, ўз ишини севмаса...”

Бу усулда сиз **тажриба** тушунчасини **ишга бўлган муҳаббат** тушунчасига алмаштиряпсиз.

“Бошқача тушунча” усулида биз одамларга олдинги тушунча ўрнига янгисини тақдим этиб, уларнинг қайси бири тўғри эканлиги ҳақида ўйлаб олишга, шу масалага бошқача назар билан қарашга, унга янгила баҳо беришга имкон берамиз.

Солиштириш усули

Хитойликларда бир топишмоқ бор. Қоғозга 4 сантиметрли чизиқ чизилади. Қандай қилиб чизиққа тегмасдан уни қисқартириш мумкин?

(Топишмоқ жавобини мавзу охирида топасиз)

Айрим ҳолларда киши бир камчиликни ушлаб олиб, пашшадан фил ясай бошлайди. Шунда солиштириш усулидан фойдаланиб, унинг фикрини ўзгартиришга тўғри келади.

16 кг. лик тошни оғир деб турган одамнинг олдига 32 кг. лик тошни қўйиб, қайси бири оғирлигини сўрасангиз, солиштиргандан сўнг таъкидлаб турган гапи нотўғри эканлигини тушуниб етади.

Яшаш қийинлигига шикоят қилаётган одамга уруш йилларидаги даҳшатли очлик ва азобларни эслатсангиз, солиштиришдан сўнг бекорга нолиётганига ўзи ҳам ишонч ҳосил қиласди.

Ўзбекистондаги 40 даражали иссиқдан шикоят қилаётган одамга, дунёдаги энг катта чўл – Саҳрои Кабирда одамлар 60 даражага яқин иссиқда ҳам яшаётганини эслатсангиз, бу солиштириш натижаси ўлароқ, нолишдан тўхтайди.

Топишмоқ жавоби: 4 сантиметрлик чизиқ устидан бін тиметрлик иккінчи чизиқни чизасиз. Шунда солиширилсе, биринчи чизиқ қисқароқ күринади.

Вазнни күпайтириш ёки камайтириш усули

Реал ҳаётда 1 кг. лик тош эталондаги ўз вазнига тенг бўлади. Аммо ички хиссиётлар оламида моҳирона сўз ўйини билан уни күпайтириш ёки камайтириш мумкин. Мисоллар:

- Таксига 5000 сўм пулни тежаш учун совуқда қалтираб турган одамга, агар касал бўлиб қолса, дори-дармонга 50000 сўм пули сарфланишини айтсангиз, 5000 сўм кўзига кичик кўриниб қолади.

- “Бизнинг ширкатимиз корхонангизни замонавий ёнғиннинголдини олиш ва огоҳлантириш асбоблари билан таъминлашни таклиф этади. Арзимаган бир миллион сўм эвазига ушбу асбобларни ўрнатсангиз, неча юз миллион сўмлик молмулкингизни ёнғиндан асрраган бўласиз. Қолаверса, ўзингиз ва ишчиларингизнинг ҳаётини хавфдан асраб қоласиз...”

Бу гаплардан сўнг бир миллион сўм раҳбарнинг кўзига анчагина кичик бўлиб кўринади.

“Ижобий синоним” усули

Вақти-вақти билан ҳар бир киши одамлардан, кўпинча яқинларидан ўз томонига қараб отилган “захарланган ўқ” – айблов, босим ёки ҳақоратни қабул қиласиди:

- Бунча дангасасан?!
- Намунча очкўз бўлмасанг?!
- Товуқмия экансан-ку!
- Инсофинг йўқ экан!
- Жуда шошқалоқ экансан!

Шунақа ўқ учиб келаётган пайтда унга нима деб жавоб беришни билиш керак. Акс ҳолда шармандали “дангаса”, “очкўз”, “нодон”, “инсофсиз” ёки “шошқалоқ” деган ном олишга тўғри келади.

Қандай жавоб бериш керак?

Икки хил усул мавжуд: биринчиси – “Ижобий синоним”, иккинчиси – “Мос келувчи ҳолат”.

Ижобий синоним усулида айбловчининг сўзига мос келадиган бошқа синоним сўз топиб алмаштирасиз ва унга ўзингизга керакли руҳий ранг берасиз. Масалан:

- Дангаса – ўз кучини бекорга сарфламайдиган.
- Очкўз – иқтисодни ўйлайдиган.
- Нодон – ноанъянавий ўйлайдиган.
- Жонга тегадиган – айтганини қилдирадиган.
- Шошқалоқ – тез чора кўрадиган.
- Тепса-тебранмас – етти ўлчаб, бир кесадиган.
- Бетга чопар – ҳақиқатни юзига айтадиган.
- Кўрқоқ – андишли.

Бу жуфтликларни ўзига хос “ҳақоратловчи-мақтовчи луғат” десак ҳам бўлади. Уни тўлдириб, керак пайтларда ҳақоратни мақтовга айлантириш учун фойдаланса бўлади.

Бундан кейин ушбу усулни қўллаб, бир сўзни алмаштириш йўли билан айбловни мақтовга айлантиrinting:

- Дангаса деманг, шунчаки мен ўз кучимни бекордан-бекорга сарфлайвермайман.
- Мен очкўз эмасман, фақат иқтисод қилиш кераклигини тушунадиган одамман.
- Мени нодонликда айбламанг, мен бор-йўғи бошқачароқ ўйлайман, холос.
- Мен жонга тегадиган эмас, балки айтганини қилдирадиган одамман.
- Мен шошқалоқ эмас, тез чора кўришни яхши кўрадиган кишиларданман.
- Тепса-тебранмас деманг, мен етти ўлчаб, бир кесадиган инсонман.
- Бетга чопар эмас, ҳақиқатни юзига айтишдан кўркмайдиган одамман.
- Кўрқоқлардан эмасман, фақат андиша қиласман, холос.

Куйидаги латифада ижобий синоним усули қўлланилган:

Тулки шернинг ҳузурига келиб, эшакка тавсифнома ёзib беришини сўради. У узоқ ўйлаб ўтирмай: “Тўнка ва қайсар”, деб ёзди.

– Бундай ёзманг, ахир бу тавсифнома унинг мансабини кўтариш учун керак, – эътиroz билдириди тулки.

– Нима деб ёзай?

– “Ўз фикрида турғун ва орқага чекинмайдиган, қатъий”, деб ёзинг.

“Мос келувчи ҳолат” усули

Бу усулда сизга қўйилаётган айбловга нисбатан шундай мос ҳолат топасизки, натижада айблов мақтовга айлансин. Масалан:

- “Сен жуда ўзига ишонмайдиган одамсан-да!” – “Аммо, бунинг яхши томони шундаки, мен ҳеч қачон шошма-шошарлик билан аҳмоқона қарорлар қабул қилмайман”.

- “Сен ўжарсан!” – “Аммо, ана шу ўжарлигим мукофоти ўлароқ, бошлаган ҳар бир яхши ишимни охирига етказмай қўймайман. Бу ўжарлигимга бошқалар ҳатто ҳавас қиласидилар!”

- “Хотин, сен чиройли эмассан!” – “Бунинг учун сиз мендан миннатдор бўлишингиз керак, чунки бошқа эркаклар гап ташлаб, илинтиришга ҳаракат қилиб юрмайдилар”.

- “Хотин, ойна олдида пардоз-андоз қилишга намунча кўп вақт сарфламасанг?!?” – “Овқатингизни пишириб, кирингизни юваётганимда шоширмай, энди пардозимга шоширасизми?!?”

Бу усулнинг формуласи қуидагича: “Аммо, мана бу ҳолатларда бу нарса жуда қўл келади...”

“Ижобий синоним” ва “мос келувчи ҳолат” усуллари ни қўллаётганда шундай қилингки, сизга қўйилаётган айбловлар мақтовга ўхшаб кетсин. Яна ўзингизни вазмин ва хотиржам туting, асабийлашганингизни ҳеч ким сезмасин.

XIX БОБ

ОҒЗАКИ ИМПРОВИЗАЦИЯ (ТАЙЁРГАРЛИКСИЗ ГАПИРИШ)

Тажрибали нотиқни тинглар экансан, унинг нутки қанчалик осон ва эркин қуилиб келаётганига қойил қоласан. Сўзлари ўз-ўзидан туғилиб, чиройли фикр ва қиёфаларга айланяётганини кўрасан. Худди унга ўхшаб сўзларни айлантириб ўйнатгинг келади.

Оғзаки импровизация (ОИ) – бу ҳар қандай мавзуда ва ҳар қандай жамоа олдида ўз-ўзидан, ҳеч қандай тайёргарликсиз, тутилмасдан осонлик билан гапира билиши маҳорати. Агар санъат ҳақида гапириб беришни сўрашса, санъат ҳақида гапирасиз. Сўнг сиёsat ҳақида савол беришса, сиёsatдан гапирасиз, яна бошқа мавзуларга ўтилса, улар ҳақида ҳам бемалол гапираверасиз.

Ҳар қандай нотиқ, ҳатто жуда яхши тайёрланган бўлса ҳам, нутқ пайти тутилиб қолиши, адашиб кетиши, фикр занжирини йўқотиб қўйиши мумкин. Фақат тажрибали нотиқларнигина бундай ноқулай ҳолатга тушганини кўрмаганмиз. Чунки улар ОИдан фойдаланиб, шунаقا вазиятлардан сездирмай чиқиб кетадилар.

Цирк артистлари дор устида хавфли ҳунарларини кўрсатаётган вақтларида белларига эҳтиёт қилувчи ип боғлайдилар. Агар тўсатдан дордан узилиб тушиб кетадиган бўлсалар, ўша ип уларнинг ҳаётини сақлаб қолади. Нотиқликда ҳам худди шундай. Чиқишнинг асосий режаси бор. Нотиқ унга тайёрланади, йўналишига амал қилади. Агар бирданига “узилиб тушса”, ОИ унга ўша эҳтиёт ип вазифасини бажаради, қийин дақиқаларда кутқариб қолади.

ОИ – қуруқ гап эмас, оғзаки бўрон эмас. ОИ – бир санъат бўлиб, уни ҳар бир киши ўрганиши мумкин. Унинг ёрдамида тингловчиларга сездирмасдан, бир мавзудан бошқа мавзуга ўтиб кетиш мумкин. У нотиқликнинг барча соҳаларида ва кундалик турмушда доимо қўлланади.

Оғзаки импровизациянинг асосий вазифалари

1. Саволларга жавоб беришни осонлаштиради. Мавзуга яхши тайёрлангансиз. Бирданига сизга кутмаган савол тушиб қолди. Агар ОИни билмасангиз, саволлар ҳамма вақт сиз учун оғир имтиҳон бўлади. Кўпинча: “Агар мен билмайдиган савол тушиб қолса, нима қиламан, уялиб қоламан, одамларни кўзига қандай қарайман?” деб қўрқамиз. Бироқ, ушбу усулларни билсак, савол тушгач, биринчи сонияларни ОИ билан тўлдириб, бу пайт ичида саволнинг жавобини ўйлаб олишга улгуррамиз. Тингловчиларда эса: “Нотиқ ҳар қандай саволга тўхтамай жавоб берар экан”, деган таассурот қолади. Бунда ОИ қандай қутқаради?

ОИ бу ерда жавобни ўйлаб олиш учун керак бўлган сукунти тўлдиради.

Биринчи вариант. Ҳали саволга жавоб топмай туриб, ўзингиз биладиган шунга чегарадош мавзуда гапира бошлайсиз. Шу вақт ичида саволга жавобни топсангиз, сездирмай, равон савол мавзусига ўтиб кетасиз. Масалан: Кимёвий элементлар даврий системасини ким яратган? Жавоб Д.И.Менделеев эканлигини мактаб давридан яхши биласиз, аммо ҳозир эсингизга тушмай турибди. Саволга чегарадош мавзудан гапни бошлайсиз:

– Биласизми, бу саволингиз менга мактаб даврларини эслатди. Кимё фанидан жавоб берәётган ўқувчига дастлаб шу савол бериларди. (Жавоб эсингизга тушди!) Мен ҳам сизга худди мактабдагидек Кимёвий элементлар даврий системасини Д. И. Менделеев яратган, деб жавоб бераман.

Агар шу жойда ОИнинг ушбу усулини қўлламаганингиздами, бир неча сониялик обрўйингизга путур етказадиган пауза пайдо бўлар эди. Энди эса сиз ҳолатдан чиройли чиқиб кетиш билан бирга, маъруза пайти ўзингизни жуда bemalol тутадиган яхши нотиқ таассуротини ҳам қолдирмоқдасиз.

Иккинчи вариант. Саволга жавоб беришни бошлайсизда, сўнг қизиқарли далилларни ва фойдали илмларни сездирмасдан равон ҳолда кўшиб юборасиз. Бу сизга ҳам осон, тингловчиларга ҳам қизиқ. Масалан, Савол:

– Амир Темур Бухорони неча ёшида ва нима сабабдан забт этган?

Саволнинг жавобини биласиз, аммо ҳозир эслай олмаяпиз. Шунинг учун, ОИнинг иккинчи усулидан фойдаланиб, Амир Темур ҳақидаги қизиқарли далилларни келтира бошлайсиз:

– Амир Темур ҳақидаги ушбу саволингизга жавоб беришдан олдин қуидаги қизиқ далилларни айтиб ўтмоқчи эдим. Амир Темур ёшлигидан жуда иқтидорли бўлиб, 14 ёшида Қуръони каримни тўлиқ ёдлаган ва “ҳофизи Қуръон” номини олган. У иккала қўлида ҳам бир хил ёза билган ва қилич ушлаб жанг қила олган. Хотираси шунчалик кучли бўлганки, ҳозиргина эшитган шеърни ўша заҳотиёқ қайтадан айтиб бера олган. У ўта маҳоратли чавандоз бўлиб, югуриб кетаётган учта отнинг унисидан бунисига бемалол сакраб ўтаверган. (Жавоб эсингизга тушди!) Ана шундай иқтидорли саркарда 22 ёшида Бухорони забт этган. Нима сабабдан? – Бухоро амирининг бир гуруҳ жангчилари Амир Темурнинг чўлдан қайтаётган олти нафар аскарини ўлдирадилар. Шунда у Бухоро амирига хат ёзиб, ўлдирилган аскарлари учун хун пули тўлашни ёки айбдор аскарларни унга топширишни талаб қиласди. Бухоро амири бунга рози бўлмагач, Бухорога келиб, бир кечадаёқ уни забт этади.

2. Матнни ёдламасдан, эркин етказиши.

Айрим нотиклар нутқ матнини ёдлаб олиб, ундан четга чиқмай гапира бошлайдилар. Агар матн эсдан чиқиб қолса – тамом: “Давомида нима эди-я? Э-э...”

Шунинг учун, яхши нотик бўлмоқчи бўлган киши, бу усулда тайёрланмаслиги керак. Фақатгина қайдларга суюниб, матнни ўз сўзлари билан гапиравериши лозим.

Бунда *ОИ матнни ёдлашдан озод қиласди.*

3. Қотиб қолувчи сукунларни йўқотии ва оғзаки сўзлар оқимиини очиши.

Айрим пайлар нотик фикр йўналишини йўқотиб қўяди, қотиб қолувчи сукун яқинлашаётганини сезади. Кўзлари ҳар томонга югурга бошлайди. Қуидаги сўзлар дарҳол етиб ке-

лади: “Ҳм-м, биласизларми...”, “Э-э-э, хўйёш...”, “А-а-а...”. Ҳатто тингловчилар ҳам нотик билан бирга ўзларини ноқулай ҳис қила бошлайдилар. Бу ҳол нотиқнинг обрўсига путур етказади. Чунки айнан мана шу ноқулай ҳолат тингловчиларнинг хотирасида қолади.

Бу пайтда *ОИ* қотиб қолувчи сукутлардан қутулишига, нутқингизнинг узлуксиз давом этишига, эркин, енгил ва равон оғзаки нутқ очилишига ёрдам беради.

4. Юқори қувват.

Ҳеч бир нотик қўлидаги қоғозга қараб туриб юқори қувватли нутқ қила олмайди. Агар нутқингиз самимий, эркин, қизиқарли ва юқори қувватли бўлишини хоҳласангиз, *ОИ* сизнинг асосий қуролингиз бўлади.

Демак, *ОИ* юқори қувватли нутқ қилишига имкон беради.

5. Қўрқувни камайтириши.

ОИ усулларини билишингиз қўрқувни камайтиради. Чунки ҳар қандай қийин вазиятда ҳам шу усуллардан фойдаланиб, ҳолатдан чиқиб кетишингизга ишонасиз.

Демак, *ОИ* қўрқувни йўқотади.

6. Зериккан аудиторияни қўллаб-қувватлаши.

Тажрибали нотик доимо зериккан, чарчаган тингловчиларни қўллаб-қувватлаши керак. Улар чарчай бошлаганини сезиши билан аудиториянинг ҳолатини ўзгартириши керак: мавзуга мос ривоят, ҳаётий воқеа, ҳазил, қизиқарли маълумотни *ОИ* ёрдамида айтиб бериш керак.

Бу жойда *ОИ* нотиқта тингловчиларни бир силкитиб, дам олишига имкон беради.

Оғзаки импровизацияни ўрганиш усуллари

Куйидаги усуллар ёрдамида *ОИ*ни ўрганиш мумкин.

Ассоциация усули

Ассоциация – (лотинча *association* – улаш, боғлаш, бирлаштириши) руҳий жараёнлар (сезиш, тасаввур қилиш, фикр, ҳиссиёт, ҳаракатлар) ўртасидаги алоқа бўлиб, бунда уларнинг бирини тасаввур қилиш бошқасини пайдо бўлишига олиб

келади. Масалан, “ўрик” деб айтинг. Шунда тингловчиларнинг хаёлига биринчи навбатда ўрик билан боғлиқ қандай фикрлар, хотиралар, қиёфалар келади? Иккинчи, учинчи, тўртинчи навбатда-чи?

Кимдир катта, сап-сариқ пишган ўрикни кўз олдига келтиради. Яна у билан боғлиқ нарсаларни ўйлайверса, ўрикдан пиширилган мураббони, сўнг ўрик шарбатини, сўнг ўрик компотини, сўнг ўрик дараҳтини, сўнг катта ўрикзорни, сўнг ўрик сотувчини, сўнг ўрикни яхши кўрадиган дўстини, сўнг “Ўрикзор” ресторанини, сўнг “Ўрикзор” бозорини ва х. к. ўрик билан боғлиқ нарсаларни эслайверади, кўз олдига келтираверади. Ана шу асосий мавзу – “ўрик” билан унга алоқадор нарсаларни боғлашини “ассоциация” дейилади. Ассоциация ОИ усуллари ичida биринчи ва асосий ўринда туради.

Асосий мавзу ҳакида нутқ қиляпсиз. Тўсатдан керакли атамани эсдан чиқариб кўйдингиз. Тўхтаб эслайдиган бўлсангиз, кераксиз қотиб қолувчи сукут пайдо бўлади. Вазиятдан чиқиб кетиш учун, эсингизга тушган мавзуга яқин хоҳлаган бир нарсани баён қила бошлайсиз. Атама эсга тушгунча уни ривожлантираверасиз.

Четдан буни дараҳт ва унинг шохларига ўхшатиш мумкин. Бунда дараҳт – асосий мавзу, шохлар – ассоциация пайти сиз гапириб бераётган мавзуга яқин нарсалар. Гёё сиз дараҳтнинг асосий танасидан бир шохига ўтиб меваларини терасиз, сўнг асосий танага қайтасиз. Кейин иккинчи шохга ўтиб меваларни териб, яна орқага қайтасиз. Бу усулнинг яхшилиги шундаки, сизни нокулай ҳолатдан қутқариш билан бирга, тингловчиларга мавзуга яқин қўшимча маълумотларни ҳам беради. Бу шаклда нутқ қилиш, фақат шу мавзуни ўзи ҳақида гапиргандан кўра қизикроқ ва фойдалироқдир.

Масалан, турналарнинг фақатгина суратини кўриб, учшини билмайдиган ёш бола сиздан: “Турна ҳам учадими?” деб сўради. Унга: “Ҳа, учади”, деб жавоб берганингиз яхшими, ёки: “Ҳа, турна ҳам худди қарға, чумчук, укки, зағизғон, мусича, лайлак, қалдирғоч каби күш бўлиб, уларнинг барчаси қанотлари ҳаракати ёрдамида узоқ масофаларга ҳам уча-

олади”, деб жавоб берганингиз яхшироқми? Албатта, иккинчи вариантда бола кўпроқ, қизикроқ, мукаммалроқ жавоб олади.

Демак, ОИ асосий мавзуни янада кенгроқ, мукаммалроқ, қизикроқ очиб беришга ҳам ёрдам берар экан. Бу усулни амалда кўрамиз:

Наврўз байрамининг тарихи ҳақида нутқ қила бошладингиз. Шунда тарихий сана ёки шахс номини эсдан чиқариб кўйдингиз. Уни эслашга озгина вақт керак. Шунда сукут қилиб ўтирмасдан, Наврўз ҳақида хаёлингизга келган биринчи фикр (масалан, Наврўз + баҳор)ни бошлаб юборасиз:

– “Наврўз деганда ҳаммамиз хурсандлик билан баҳорни эслаймиз. Табиат энди уйғона бошлаган, дараҳтлар гуллаётган, майсалар униб чиқаётган ажойиб давр... ” . (Ҳали эсимизга келмади.) Давом эттирамиз (Наврўз + сумалак + ҳалим):

– “Наврўз байрамида ҳар бир қишлоқ, маҳалла ва гузарларда дошқозонларда сумалак ва ҳалимлар пиширилади. Бу баҳорий таомларсиз кўпчилигимиз Наврўзни тасаввур қила олмаймиз... ” . (Яна эслай олмадик.) Давом эттирамиз (Наврўз + шодиёна байрам):

– “Мустақиллик йилларида Наврўз шодиёналари бутун Республикамизда катта байрам сифатида нишонланиб келмоқда... ” . (Ва, ниҳоят, эсладик!) Энди уни охирги жумлага боғлаб кетасиз:

– “Мана шу биз нишонлаб келаётган байрам ҳақида машҳур мутафаккир олим Абу Райҳон Беруний шундай ёзади: «Эрон олимларининг баъзиси шу кунни «Наврўз» деб аташининг боиси шундаки, Жамшид (қадимги Эрон шоҳларидан бири) подшоҳ бўлгач, мажусийлар динини янгилади. Ўшандан бўён шу янгиланиш эълон қилинган кун «Наврўз – Янги кун» деб аталади.

Бироқ, баҳор байрами Жамшид шоҳдан ҳам олдин нишонланганлиги ҳақида Умар Хайёмнинг «Наврўзнома» асарида қайд этилган.

Дарҳақиқат, Наврўз – жуда кўхна замонлардан бўён яшаб

келаётган анъанадир. У 2500 йиллик тарихга эга. Ҳозирга келиб Наврўзни - баҳор, дәхқончилик байрами сифатида кенг нишонлаймиз”.

Шундай қилиб, ОИнинг биринчи усули бизга қийин вазиятдан чиқиб кетишга имкон берди.

112-маслаҳат. Қуидагиларга ётибор беринг:

- имкон борича ассоциация асосий мавзуга яқинроқ бўлсин. Агар ундан жуда узоқ бўлса, тингловчиларнинг ғашига тегиши мумкин;
- бир мавзудан иккинчисига жуда тез ўтманг;
- ассоциация жуда қўпол ва тажовузкор бўлмасин;
- келтирилаётган ассоциация жуда оддий ва содда бўлмасин.

Акс ҳолда тингловчилар зерикиб қолади. Ассоциация қанча ўзига хос ажойиб ва қизиқарли бўлса, шунча яхши.

Охирги сўзга қараб янги мавзуга ўтиш усули

Айрим пайтлар ҳеч қандай ассоциация хаёлга келмайди. Аммо, жимиб қолиш мумкин эмас, гапириш керак. Ёки сиз гапираётган мавзу ўзингизга ҳам, тингловчиларга ҳам зерикарли туюлмоқда. Шунинг учун сездирмасдан мавзуни ўзгартиromoқчисиз. Ана шу пайтда “охирги сўзга қараб янги мавзуга ўтиш” усулидан фойдаланасиз. Усулнинг моҳияти шундан иборатки, охирги жумлангизда ишлатган сўзларни олиб, уларни янги йўналиш сифатида очиб бераверасиз. Масалан, “ўрик” мавзусига боғлайдиган бўлсак:

- Ўрик юрак касалликларида яхши ёрдам беришини эшитганмисиз? (БОШҚА МАВЗУГА ЎТИШ). Чет элларда ўрикни юракка қувват берувчи восита сифатида дориҳоналарда сотишар экан (ЯНГИ МАВЗУ). Бизда эса бу даво воситаси шундоққина боғларимизда ўсиб, бозорларимизда тўлиб-тошиб ётиби (БОШҚА МАВЗУГА ЎТИШ). Бошқа мамлакатдаги кишилар бундай боғларни фақатгина орзу қилишлари мумкин (ЯНГИ МАВЗУ):

Яна бир мисол:

- Кишлогингиз тарихи ҳақида нутқ қиляпсиз. Шунда бир муҳим сана эсингиздан чиқиб қолди. Ассоциация

усулидан фойдаланаман десангиз, хаёлга ҳеч нарса келиб маяпти. Шунда жимиб қолмаслик учун охирги жумлангиздаги сўнгги сўзларни оласиз: “Бу бизнинг кўп индии тарихга эга қишлоқ!” Охирги сўзни олиб, янги мавзуга ўтиб кетасиз: “**Қишлоқ!** Қишлоқ деган сўзнинг асл маъноси – “қишлийдиган жой” деганидир. Аввалги замонларда одамлар ёзда узоқ-узоқдаги далаларга кетиб дәхқончилик қилганлар. Қишида эса, совуқ ва очарчиликдан эсон-омон чиқиши учун “қишлийдиган жой”ларига қайтиб келишган. Бора-бора қишлоқларда одамлар кўпайиб, улар шу жойда турғун яшаб, бу ерлар **шахарларга айланган**. (Ҳали ҳам эслай олмадингиз.) Охирги жумлангиздаги “шахарга айланган” сўзларини олиб давом эттирасиз: “**Шахарга айланган, дедик.** Ҳозирги кунда қайси шахар дунёning энг катта шахрига айланган? Аҳолиси сони кўплигига қараб, дунёдаги энг катта шахар Япония пойтахти –Токио шахри ҳисобланади. Унинг аҳолисининг сони ўттиз етти миллион кишини ташкил этади. Тасаввур қиляпсизми, битта шахар аҳолиси бутун бошли **мамлакатимиз аҳолисидан ҳам кўп экан**. (Муҳим сана ҳали ҳам эсингизга тушмади.) Охирги жумлангиздаги “**мамлакатимиз аҳолиси**” деган сўзларни олиб, янги мавзуни давом эттириб кетаверасиз. Шу услубда керакли маълумотни эслагунча ёки фикрингизни жамлагунча тўхтамайсиз.

Бу усул ҳозир ўрганиш даврида қўпол ва қўзга ташланадигандек туюлиши мумкин. Аммо уни ўз вақтида, эҳтиёткорлик билан 1-2 та сўз доирасида ишлатилса, умуман сезилмай, равон ўтиб кетади. Машҳур нотик ва сиёсатчиларнинг чиқишиларини диққат билан кузатсангиз, уларнинг кўпчилиги шу усульдан фойдаланишига гувоҳ бўласиз.

Тингловчиларга риторик саволлар бериш усули

Нутқ пайти фикрингизни тўсатдан йўқотиб қўйдингиз. Энди фикрни бир жойга жамлаш учун вақт керак. Бунинг энг осон йўли – тингловчиларга жавоб талаб қилмайдиган риторик саволлар бериш. Саволни берамиз, сўнг сукут пайтида кейинги гапларимизни режалаштириб оламиз.

Саволлар бизга керакли сонияларни бериши билан бирга, тингловчиларнинг диққатини ҳам жалб қиласди, улар билан мулоқот ўрнатиш имконини беради. Чунки инсон саволни эшитганда, хаёлан бўлса-да, унга жавоб беради. Шундай саволларни бериш керакки, улар жавоб беришни талаб қиласин ёки фақатгина “ҳа” ёки “йўқ” деган жавоблар билан кифоялансан. Акс ҳолда, кимдир ўрнидан туриб, саволингизга узундан-узоқ жавоб бериб, сизни четга суриб қўйиши мумкин.

Энди охирги бир нечта мисолларимизни 3-усул асосида қўллаймиз:

- Ўрик юрак касалликларида яхши ёрдам берини эшитганмисиз? (БОШҚА МАВЗУГА ЎТИШ). Чет элларда ўрикни юракка қувват берувчи восита сифатида дорихоналарда сотишлариничи? (ЯНГИ МАВЗУ). Бизда эса бу даво воситаси шундоққина боғларимизда ўсиб, бозорларимизда тўлиб-тошиб ётибди, тўғрими? (БОШҚА МАВЗУГА ЎТИШ). Менимча, бошқа мамлакатдаги кишилар бундай боғларни орзу ҳам қила олишмаса керак? (ЯНГИ МАВЗУ).

- “Бу бизнинг кўп йиллик тарихга эга қишлоқ, шундай эмасми?” “Қишлоқ! “Қишлоқ” деган сўз – “қишлийдиган жой” деган маънони билдиришини биласизми? Аввалги замонларда одамлар ёзда узок-узоқдаги далаларга кетиб дехқончилик қилганлари-ю қишда эса, совуқ ва очарчиликдан эсон-омон чиқиши учун “қишлийдиган жой”ларига қайтиб келганларини-чи? Бора-бора қишлоқларда одамлар кўпайиб, улар шу жойда турғун яшаб, бу ерлар шаҳарларга айлангани барчамиз учун қизиқ бўлса керак?” “Шахарга айланған, дедик. Ҳозирги кунда қайси шаҳар дунёning энг катта шаҳрига айланған? Аҳолиси сони кўплигига қараб, дунёдаги энг катта шаҳар Япония пойтахти – Токио шаҳри хисобланади. Унинг аҳолиси сони ўттиз етти миллион кишини ташкил этишини ким билади? Тасаввур қиляпсизми, битта шаҳар аҳолиси бутун бошли мамлакатимиз аҳолисидан ҳам кўп экан! Қойилмисизлар?”

- Эътибор беринг, бу саволларнинг бирортаси тингловидан жавоб талаб қилмайди ёки бош қимирилатиб қўйиш билан кифояланади. Аммо нотиқнинг савол-жавоб усули доимо уни хушёр ушлаб туради. Яна бир холоса шуки, деярли ҳар қандай нутқ матнини риторик савол шаклига айлантириш мумкин экан, шундай эмасми?..

Оғзаки импровизацияни ўрганиш учун машқлар.

Бу машқларни якка ҳолда ҳам қилса бўлади. Аммо, яхши натижаларга тезроқ эришиш ва зерикмаслик учун кўпчилик бўлиб қилинса яхши бўлади.

113-маслаҳат. Берилган мавзуга тайёргарликсиз гапириши.

Бирор китобни олиб, унинг истаган бетини очасиз. Биринчи учраган сўз сиз учун мавзу бўлади. Сўнг ўша заҳотиёқ, ҳеч қандай тайёргарликсиз шу мавзуни ёрита бошлайсиз. У билан боғлиқ ҳар қандай фикрлар, қизиқарли далиллар, воқеалар хаёлингизга келса, тўхтамай гапираверасиз.

Машқнинг шарти: 2 дақиқа давомида сукутларсиз, мимика ва имо-ишоралар ёрдамида, нутқ оҳанги ва қуввати билан ҳақиқий тингловчилар олдида гапиргандек қизиқарли қилиб нутқ қилиш.

Агар бу машқни 2-3 киши бирга қилса қувнокроқ ва фойдалироқ бўлади. Бу бир-бирининг камчиликларини таҳдил қилиш имконини беради.

114-маслаҳат. Чексиз мавзуларда тайёргарликсиз гапириши.

Яна тасодифий бир сўзни мавзу қилиб оласиз. У ҳақида 5-6 та жумла гапириб, охирги жумладаги сўздан янги мавзуга ўтасиз. Яна 5-6 та жумладан сўнг охирги сўздан бошқа мавзуга ўтиб кетасиз. Бу машқда асосий мавзуга қайтиш керак эмас. Шундай қилиб чексиз мавзуларда гапиравериш мумкин. Сиз мактаб ҳақидаги мавзудан коинотга, ундан мушукчага, ундан йўл ҳаракати қоидаларига ва ҳ. к. чексиз мавзуларга ўтаверишингиз мумкин. Фақат қайси мавзуда гапиришингиздан қатъи назар, уларнинг барчаси жиддий,

мазмунли, қизиқарли, хужжатларга асосланган бўлишига ҳаракат қилинг. Бунда хотирангиздаги маълумотлардан тўлиқ фойдаланинг.

115-маслаҳат. Охирги сўзга қараб тайёргарликсиз гапирии.

Бу машқ учун яна бир киши керак бўлади. Бунда ҳам тасодифий бир сўзни мавзу қилиб оласиз. 5-6 жумла (ёки 20-30 сония) гапиргандан сўнг, шеригингиз тұсатдан қарсак чалади. Қарсак қайси сўзга тўғри келса, ўша сўзни мавзу қилиб олиб, янги йўналишда гапира бошлайсиз. Бунда имкон борича бир мавзудан иккинчисига ўтганингиз тингловчиларга сезилмасин. Охирги сўзни икки марта такрорламаслик учун, уни кириш сўzlари билан қўшиб кетиш керак. Агар ҳар 20-30 сонияда қарсак чалиб турса, мавзуни кенгроқ очиш имкони бўлади. Масалан:

- Бизнинг мамалакатимизда спорт яхши ривожланмоқда. Спортчиларимиз халқаро мусобақаларда олтин (қарсак!) медалларни қўлга киритмоқдалар. Айтганча, мамлакатимизда олтин қазиб олиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Бу ишда кончиларимиз (қарсак!) ўзларини кўрсатмоқдалар. Улар ватанимиздаги турли конлардан темир рудаси, уран, кўмир (қарсак!) қазиб олмоқдалар. Қазиб олинаётган кўмирни четта ҳам экспорт қиляптилар...

116-маслаҳат. Йўналтирувчи саволлар.

Бу жуда фойдали машқ бўлиб, ОИнинг ўнлаб йўналишларини кўрсатиб беради. Танланган мавзуга яна қандай ассоциациялар топиш мумкинлигини осонлик билан кўрсатади. Одатда журналистлар мавзуни кенгроқ очиш учун ушбу йўналтирувчи саволлардан фойдаланишади.

Машқни бошлашдан олдин йўналтирувчи андаза саволларни тузиб оламиз. Масалан:

1. Бу нима?
2. Ундан қандай фойдаланишади?
3. У қандай пайдо бўлди?
4. Уни қандай усулларда тайёрлашади?
5. Унинг қайси тури машҳур?

6. Унинг ривожланиш истиқболлари қандай?
7. Унинг бошқаларга фойдаси борми?
8. Уни нима билан алмаштириш мумкин?
9. Олдин унинг ўрнига нимадан фойдаланишган?
10. Келажакда ундан қандай фойдаланиш мумкин?
11. Унинг ёмон томонлари борми?
12. Унинг энг машхур мисоли?
13. Унинг нархи қанча ва у нималарга боғлиқ?
14. У қайси муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради?
15. У қандай зарар келтириши мумкин?
16. Ундан кўпроқ кимлар фойдаланади?
17. Ундан кимлар фойдаланиши мумкин эмас?
18. У қандай қисмлардан (таркибдан) иборат?
19. У қандай химиявий (физикавий, руҳий, физиологик) хусусиятларга эга?
20. Жамиятда унинг ўрни қандай? ва х. к.

Саволларни ўзингиз давом эттиришингиз мумкин. Бу саволларни ўйин шаклида ўзлаштириш осон кечади. Бунинг учун 5*10 см.лик картон қоғозларга 1 тадан савол ёзиб чиқамиз. Сўнгра бир мавзу танланиб, шерик билан навбатма-навбат саволларга биттадан (то саволлар тугагунча) жавоб бера бошлаймиз.

Тушунарли бўлиши учун шу андоза асосида “радио” мавзусини ривожлантирамиз:

1. Радио нима?
2. Радиодан қандай фойдаланишади?
3. Радио қандай пайдо бўлди?
4. Уни қандай тайёрлашади?
5. Радионинг қайси тури машхур?
6. Радионинг ривожланиш истиқболлари қандай? ва х. к.

Ҳар бир саволнинг жавоби нотиққа ассоциациянинг янги бир йўналишини кўрсатади.

ХХ БОБ

АКТЁРЛИК МАҲОРАТИ

Актёрлик маҳоратини ривожлантирувчи машқлар

Яхши нотик, албатта актёрлик маҳоратига ҳам эга бўлиши керак. Акс ҳолда унинг нутқлари унчалик ёрқин ва таъсирчан бўлмайди. Бу маҳоратни қуидаги машқлар ёрдамида ривожлантириш мумкин.

Диалогизация машиқи

Монолог тингловчи диққатини сўндиради. Нутқа жон бағишлийдиган энг кучли ва оддий усуллардан бири – бу тасаввурдаги сухбатдош билан диалог ўрнаташидир. Бу жараёнда сиз унга саволлар бера бошлайсиз, саволларига жавоб берасиз, унинг гапларини тасдиқлайсиз ёки у билан тортишасиз. Яъни, бир актёр спектаклини яратасиз.

Бу унчалик қийин эмас. Маъруза давомида қуидаги жумлаларни нутқингизга қўшиб кетаверасиз:

- сизлар менга эътиroz билдириб ... деб айтишингиз мумкин, аммо...
 - менга қўпинча савол бериб қолишади...
 - албатта, сизлар менинг фикримга қўшилмаслигингиз мумкин, бироқ...
 - мен сизлар билан баҳсга киришишмоқчи эмасман, лекин...
 - қўпчилик бу таклифга балки қўшилмас, аммо...
 - албатта, кимлардир бу гапни тасдиқлар, бироқ...
 - айрим пайтлар ... каби гаплар қулоғимизга чалиниб қолади, аммо...
 - қўпинча, менга қуидаги учта саволни бериб қолишади ...
 - агар орамизда шу фикрга қўшилмайдиганлар бўлса, уларга айтиб қўйишим керакки...
 - сизларга қайси бири маъқул, ...ми ёки ...ми?
 - агар шу пайтгача бу фикрга қўшилиб юрган бўлсангиз, билиб қўйинг...

- бизлар қайси бирини танлаганимиз яхши, ... ми ёки ... ми?
- баҳслашишни яхши кўрадиганлар ... дейиши мумкин, аммо ...
- буни ўз соғлигига бепарво кишилар ... мумкин, лекин... ва ҳ. к.

Бу усулнинг яна бир яхши томони шундаки, сиз ҳақиқий эмас, хаёлдаги сухбатдош билан баҳслашиб (унга сўз бермай туриб!), камчиликларини бемалол айтасиз, хатоларини тузасиз, уни хафа қилиб қўйишдан қўрқмайсиз. Қолаверса, бу йўл билан ҳақиқий тингловчи билан бўлиши мумкин бўлган нохушликларнинг ҳам олдини оласиз.

Нотиққа тақлид машқи

Ўзингизга маъқул бўлган бир нечта нотиқларнинг видеоёзувларини топиб олинг. Телевизорни ёқиб, унинг рўпарасида туринг. Сўнг нотиқнинг туриши, мимикаси, имо-ишоралари, овози, нутқ оҳангни гапларини тақрорлашга ҳаракат қилинг.

Аввалига улгурмайсиз, тақлид қилишга қийналасиз. Бир неча машқлардан кейин бемалол улгуриб, ўхшатиб тақлид қиласидиган бўласиз. Фақат битта нотиқ билан чегараланиб қолманг, акс ҳолда унинг нусхасига айланниб қоласиз. Нусха эса ҳеч қачон асл бўла олмайди! 4-5 та нотиқларнинг яхши томонларини олиб, кейин ўз услубингизни шакллантиринг. Бошқалардан фарқ қилиб туринг.

Ролни алмаштириш машқи

Ҳар бир нотиқ ўзи ижро этаётган образни ролига кира олиши керак. Ҳар хил рол учун ҳар хил ҳиссиёт, нутқ қуввати, мимика, имо-ишоралар керак. Масалан, ғазабланган отанинг ўз ўғлига: “Мен сени шу ниятда вояга етказгандидим?! Кет бу уйдан, кўзимга кўринма, оқладар!” деган гапларини айтиб бераётган нотиқ қай ҳолда бўлиши керак? Албатта, у бу гапларни ролга кирган ҳолда, ғазаб билан, кўлларини кўзлари баробарида кўтариб, кенг имо-ишоралар билан, баланд овозда, юқори қувват билан айтиши керак. Агар шу

гапларни паст ва ғамгин овозда, ифодасиз, имо-ишорасиз, суст қувват билан айтса, албатта, бу тингловчиларга таъсир қилмайди.

Машқ шарти бүйича, нотикқа бир нечта образлар рўйхати берилади. У 30-40 сония давомида бир образни имо-ишора, мимика, қувват ва ифода билан ижро этиб, кейин бошқасига ўтиши керак. Бир мартада тўхтамасдан рўйхатдаги барча образларга кириши шарт. Масалан:

1. Ҳамма нарсадан нолийдиган киши.
2. Бозордаги чаққон сотувчи.
3. Зерикарли нотик.
4. Маъruzани яхши кайфиятда ва юқори қувватда бошлиётган нотик.
5. Кайфияти бузилган йўл автоинспектори.
6. Тиши оғриган bemor.
7. Дарсда икки олиб, кундалигини яширмоқчи бўлаётган бола.
8. Ғазабланган ота.
9. Ғазабланган отадан боласини ҳимоя қилаётган она.
10. Янги йил байрамидаги телебошловчи.

Агар ёнингизда баҳо бериб турадиган шеригингиз бўлиб, у сизга беш ёки ўн балли система бўйича баҳо бериб турса, бу машқнинг фойдаси янада кўпроқ бўлади. Масалан: “Тиши оғриган bemor роли учун 10 балл, ғазабланган ота роли учун 8 балл, аммо телебошловчи роли учун 3 балл. Телебошловчи ролини қайтадан баландроқ овоз ва темпда, юқорироқ қувватда машқ қилишинг керак...”

Хабарни етказиш машқи

Куйидаги жумлани образга кириб хабар қилинг: “Қайнонам келди”.

- Суҳбатдошга хабарни етказинг.
- Мухим хабарни етказинг.
- Сиз учун аҳамиятсиз хабарни етказинг.
- Суҳбатдошни ҳайрон қолдиринг.
- Суҳбатдошга ҳайрон қолганингизни кўрсатинг.

- Сұхбатдошни хурсанд қилинг.
 - Сұхбатдошга хурсанд бұлғанингизни күрсатинг
 - Сұхбатдошни хафа қилинг.
 - Сұхбатдошга хафа бұлғанингизни күрсатинг.
 - Сұхбатдошни құрқитинг.
 - Сұхбатдошга құрққанингизни күрсатинг.
 - Сұхбатдошни ҳавасини келтириңг.
 - Безор бұлғанингизни күрсатинг.
- Шунга ұхшаش бошқа хабарларни үйлаб топиб, талабалар билан бирга машқ қилинг.

“Қайси ҳиссиёт?” үйини

Картон қоғоз бүлакчаларига турли ҳиссиётларни ёзиб чиқинг: хурсандлық, хафалик, мусибат, құрқув, хавф, ишонч-сизлик, гумон, ҳайронлик, ишонч, афсус ва ҳ. к.

Хар хил хабарларни (масалан, “Үқишиш бошланди”, “Үйин тугади”, “Мен дам олишга кетяпман”) шу ҳиссиётлар ёрдамида етказишга ҳаракат қилинг. Шерікларингиз эса бу қайси ҳиссиёт эканлигини топсынлар.

XXI БОБ

ХОТИРАНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Ҳар кимнинг эслаб қолиши қобилияти ҳар хил бўлади. Кимгадир бир нарсани эслаб қолиш қийин бўлса, кимдир уни осонлик билан эслаб қолади. Кимдир одамларнинг исмини ёки автомобил ёхуд телефон рақамини яхши эслаб қолади-ю, аммо ўзининг бирор нарсасини қаерга қўйганини эслай олмайди. Бошқа бир киши эса уйидаги ҳамма нарсанинг жойини эсида сақлаган ҳолда, қўшнисининг исмини эслай олмайди. Кимдир кўрган нарсасини яхши эсласа, бошқаси эшитган, ушлаган, ҳидлаган, таъмини кўрган нарсасини яхши эслаб қолади. Бунинг сабаби хотиранинг ҳар хил турлари ҳар хил кишиларда турлича ривожланганлиги-дир. Аммо хотиранинг барча инсонлар учун умумий бўлган қонун-қоидалари ҳам бор бўлиб, уларни билган ҳолда ҳар бир инсон ўзининг эслаб қолиш қобилиятини анча ривожлантириши мумкин.

Инсон хотираси масалалари билан шуғулланган психолог Карл Эмиль Сишорнинг таъкидлашича, ўртача қобилиятили одам ўз хотирасининг имкониятларини 10 фоизидан ҳам фойдаланмас экан. Эслаб қолиш қонуниятларини билмаслиги сабаб, 90 фоиз имкониятлар бесамар йўқолиб кетар экан. Бу фикрнинг тўғрилигини *гипермнезия* касаллиги исботлайди. Бу касалликка чалинган киши ўзи хоҳламаса ҳам, жуда кўп воқеа, ҳодиса ва сухбатларни ипидан игнасигача эслаб қолади. Уларга бундан 10 ёки 20 йил олдин 17 сентябрда нима иш қилганини сўрасангиз, соатигача аниқ айтиб бера олади. Аммо, бу хотиранинг кучлилигидан эмас, балки касаллик туфайли бўлиб, бу нарса беморга жуда кўп нокулайликлар келтириб чиқаради. Шунинг учун, камдан-кам учрайдиган бу касалликни орзу қилиб ўтирасаса ҳам бўлади.

Нотиқ ҳам нутқقا тайёрланиш жараёнида унинг зарур қисмларини, ҳар хил далилларни, маълумотларни, матн

парчаларини эслаб қолиши керак бўлади. Айрим ҳолларда маълумот кўплигидан ёки ҳаяжон сабаб бу иш қийинчилик туғдириши мумкин. Эслаб қолиш техникаси ва қонунларини билиш эса бу пайтда аскотади. Дейл Карнегининг таъкидлашича, бу қонун-қоидалар асосан уч нарсага асосланган: *массурот, тақрорлаш ва ассоциация.*

Бирор нарсани эслаб қолишнинг биринчи шарти – ўша нарсага диққатни жалб қилиб, у ҳақида чуқур, ёрқин ва мустаҳкам *таассуротга эга бўлиши.*

Диққат – бу ҳиссиёт аъзоларимизни маълум бир нарсага қаратишимиз. Бу уриниш ўша нарсани қисқа муддатда хотирамизга сақлашга имкон беради. Эслаб қолмоқчи бўлган нарсамизга қанчалик кўпроқ ва узоқроқ диққат қаратсак, уни хотирамизга шунчалик маҳкамроқ муҳрлаймиз.

Исларни эслаб қолиш учун нима қилиш керак?

Ўртacha қобилиятли одамларнинг анчагина қисми бирор билан танишгач, 2-3 дақиқа ўтмасданоқ унинг исмини эсдан чиқаради. Нега? Сабаби илк учрашувдаёқ унинг ўзига ва исмiga эътибор бермайди, диққатини қаратмайди. Бундай кишилар кўпинча хотираси пастилигидан шикоят қилишади. Аслида, эса уларнинг хотираси жойида бўлиб, фақатгина диққат ва эътибор етишмайди.

Агар шундай кишилар сафига қўшилишни хоҳламасангиз, бирор билан танишганда унинг исми ва фамилиясига, унинг маъносига эътибор беринг. Ўзингизнинг шундай исмли танишларингиз бўлса, хаёлингизда уларни бирор хил образда боғлаб қўйинг. Масалан, янги танишнинг исми Зафар бўлса ва сизнинг ҳам Зафар деган танишингиз бўлса, уларнинг иккаласини биргаликда кураш тушаётганини тасаввур қилинг. Энди бу одамнинг исми узоқ вақтгача хотирангиздан кетмайди.

Агар бунаقا танишнингиз бўлмаса, исмини қайтадан сўраб, бошқа бирор нарса билан хотирангизга боғлаб қўйинг. Масалан, унинг исми Ҳалимжон бўлса, унинг чехрасида ҳалим нишираётган ошпазни тасаввур қилинг ва бу образ энди осингиздан чиқмайди.

Агар унинг исми кам учрайдиган бўлса, ўзидан исмининг маъносини сўраб олинг. Албатта, у бу эътибордан хурсанд бўлиб, исмининг маъносини мамнуният билан тушунтириб беради. Сиз эса уни яхшилаб эслаб қоласиз.

Юқоридаги мисолларнинг барчасида сизнинг эслаб қолишингиз сабаби – ўша объектга эътибор, диққат қаратиш, ундан таассурот олиш бўлди.

117-маслаҳат. Имкон қадар овоз чиқариб ўқинг.

Киши ўқиётганда маълумот фақат кўз толалари орқали мияга етиб боради. Овоз чиқариб ўқиганда эса, маълумот ҳам кўз, ҳам қулоқ орқали етиб боради. Натижада, у хотирада мустахкамроқ ўрнашади. Агар имкон бўлса, ўрганилаётган жисмнинг таъмини билиб, ҳидини сезиб, ушлаб кўрса, ундан ҳам яхшироқ бўлади. Аммо, эсдан чиқармаслик керакки, энг кучли хотира – кўзлардан келган маълумот орқали ҳосил бўлади. “Минг марта эшитгандан, бир марта кўрган яхши”, деган мақол бор. Шунинг учун эслаб қолмоқчи бўлган матнни, маълумотни, телефон рақамини ёзib олинг ва ёзувларнингизни диққат билан ўқиб чиқинг. Сўнг кўзингизни юмиб, уларни кўз олдингизга оловли ҳарфлар шаклида келтиринг.

Такрорлаш

Мусулмонлар орасида Куръони каримни ёддан биладиган юз минглаб қорилар бор. Улар 600 бетдан ошиқ ҳажмдаги китобни бирор ҳарфини ҳам хато қилмасдан ўрганадилар. Кўп кишилар буни ҳатто тасаввур ҳам қила олмайдилар. Улар бундай ҳайратли натижаларга қандай эришадилар?

Эслаб қолишинг иккинчи табиий қонуни – *такрорлаш йўли билан!*

Сиз ҳам тўғри такрорлаш йўли билан катта ҳажмдаги матнни ёдлашингиз, эслаб қолишингиз мумкин. Бунинг учун эслаб қолмоқчи бўлган маълумотларни кўпроқ такрорланг. Улардан тез-тез фойдаланиб, амалда қўлланг. Суҳбатингиз давомида янги атамаларга кўпроқ мурожаат қилинг. Янги танишингизни эслаб қолиш учун тез-тез исмини айтиб чақиринг. Нутқда фойдаланмоқчи бўлган масала-

ларни дўстлар даврасида мухокамага қўйинг. Шу усуллар билан маълумотни тез-тез такрорлаб турсангиз, хотирангизда мустаҳкам ўрнашиб қолади.

Қандай такрорлаш фойдали?

Такрорлаш билимнинг онасиdir, дейилган. Такрорлаш механик, кўр-кўrona бўладиган бўлса, албатта, ундан манфаат жуда кам бўлади. Миянинг қабул қилиш хусусиятлари ни ҳисобга олган ҳолда, маълум бир тартиб ва тизим билан такрорлаш эса яхши натижা беради.

Бирор нарсани бир кўриб, сўнг ташлаб қўйсак, у кўпинча эсимиздан чиқиб қолади. Аммо унга вақти-вақти билан қайта мурожаат қилсак, хотирамизга мустаҳкам ўрнашиб қолади. Бироқ, шунчаки кўп такрорлаш эслаб қолишни кафолатлай олмайди.

Қандай қилиб камроқ куч ва вақт сарфлаб, кўпроқ нарсани эслаб қолиш мумкин?

Халқ орасида кенг тарқалган бир маслаҳат бор: “Кечқурун ёдла, тонгда такрорла”. Шу усул тўғрими? Кузатувлар бу усул психологик тўғри асосга эга эканлигини кўрсатди. Айтайлик, сиз бир шеърни ёдладингиз. Уни биринчи марта ёддан айтиб беришингиз биланоқ, хотирада янада “мустаҳкамроқ” қолиши учун дарҳол такрорламанг, камида 20 дақиқа дам олинг. Бу пайтда мияга бошқа янги маълумотларни киритманг, ёдлаган шеърни ҳам такрорламанг. Шу вақт оралиғида мия ёдланган материални қайта ишлаб, хотирага жойлаштириш билан банд бўлади ва бу жараёнга халақит бермаслик керак. Сиз ёдлашдан сўнг ухлайдиган бўлсангиз, уйғонгунча миянинг ишига халақит бермайсиз ва натижада эрталабки такрордан сўнг шеър узоқ вақт эсингиздан чиқмайди.

Компьютернинг хотирасидан фарқли равища инсон хотираси вақт ўтиши билан пасайиб бораверади. Шу сабабдан, маълумот эсдан чиқиб кетмаслиги, хотирада узоқ вақт сақланиши учун, уни вақти-вақти билан такрорлаб туриш керак.

Такрорлаш жараёни қандай давом этиши керак? Бу эс-

лаб қолиниши керак бўлган маълумот турига боғлиқ. Ахир ҳар қандай нарсани тақрорлаш мумкин: сонлар, рақамлар, сўзлар, ҳарфлар, шеърлар, ҳикоялар, кўнгилочар ёки ўқув материаллари ва ҳ. к. Агар сиз шеър ёки сонларни тақрорлаётган бўлсангиз, унда уларни сўзма-сўз ва кетма-кет тақрорлаш керак. Аммо, ўқув материали ёки бадиий китоб бўлса, уни сўзма-сўз эмас, балки ҳар сафар ҳар хил тақрорлашингиз мумкин.

Материални ёдлаш учун маҳсус техника ва усуллар бўлиб, улар эслаб қолишни яхшилайди. Улардан бири *фаол тақрорлаш* бўлса, бошқаси қайта айтиб беришdir.

Фаол тақрорлаш. Бирор маълумотни узоқ вақт хотирада сақлаш учун фаол тақрорлаш усулидан фойдаланиш керак.

Фаол тақрорлаш – ўрганилаётган материалнинг маъноси ни, мағзини, моҳиятини тушуниб, англаб тақрорлаш. Бу жараённи фаоллаштириш учун ўз олдингизга қўшимча мақсад, вазифа ва масалаларни қўйинг: маълумотга алоқадор саволларга жавоб беринг, маълумотни эслаб қолишга ёрдам берадиган ҳаётий мисолларни қидиринг ёки ўйлаб топинг ва ҳ. к.

Қайта айтиб берииш. Маълумотни сўзма-сўз ёдлаш шарт бўлмаса, қайта айтиб бериш энг кўп қўлланиладиган усул саналади. Шу билан бирга у фаол тақрорлашнинг бир элементи хисобланади. Қайта айтиб бериш жараёнида нутқий фикрлаш фаоллашади. Тил билан айтиш материални хотирада яхши сақлаш билан бирга, уни қандай шаклда гапиришни ҳам эслаб қолиш имконини беради.

Агар катта ҳажмдаги материални сўзма-сўз ёдлаш, керак бўлса, уни бир бошдан тақрорлаш фойда бермайди. Бу вазиятда яхши натижага эришиш учун:

- Биринчидан, материални *структуралаш*, яъни бир неча кичик бўлакларга бўлиб чиқиш керак. Масалан, 998936242754 телефон рақамини олайлик. Уни шу шаклда эслаб қолиш жуда қийин. Аммо уни бошқача шаклда, бўлакларга бўлиб ёзиб чиқсан: 99(893)624-27-54, уни эслаб қолиш анча осон бўлади. Структуралашнинг асосий мақсади – материални тушунишни соддалаштириш, уни бир-бирига

алоқадор кичик гурухларга бўлиш. Натижада, уларни ёдлаб қолиш, ёдлаш, тушуниш осон бўлади.

- Иккинчидан, ҳар бир кичик бўлакчани ёдлаб, сўнг уни қайта-қайта тақрорлаш керак. Ҳар хил бўлакларни тақрорлаш орасида паузалар қилиш лозим. Ҳамма кичик бўлакларни ёдлаб бўлгандан кейингина, бутун бошли материални бошидан охиригача тақрорлашга ўтса бўлади;
- Учинчидан, тақрорлаш яхши самара бериши учун, ёдлаган материални қофозга қарамай, фақат ёддан тақрорлашга ҳаракат қилинг. Имконсиз қолган ҳоллардагина қофозга қараб олиб, ўша жойни белгилаб ҳам кўйинг. Тақрорлаш тугагач, шу жойни қайтадан ёдланг. Шунда ҳам аввал бир марта шу бўлакни мустақил эслашга ҳаракат қилиб кўринг.

Тақрорлашнинг тур ва усуллари

Тақрорлаш жараёнининг фойдаси унинг сонига, тезлиги-га, тақрорлашлар орасидаги паузаларга боғлиқ. Шунга кўра у иккига бўлинади:

1. Кўп марта тақрорлаш.
2. Вақтга қараб тақсимланган тақрорлаш.

Кўп марта тақрорлаш. Бу усул диний таълимотларда кенг тарқалган. Масалан, индуизмда мантраларни кўп марта тақрорлаш уларни эслаб қолиш билан бирга, унинг мохиятига етишга, онг остига сингиб қолишига ёрдам беради, деб ҳисобланади. Барча динларда Аллоҳнинг номини ёки сифатларини қайта-қайта тақрорлаш, инсонни Худога яқинлаштиради, унинг қалбини тозалайди, маънан юқори босқичга кўтаради, деб қаралади.

Мусулмонлар ҳам Куръони каримни, хитойликлар ўзларининг жуда катта ҳажмдаги айрим диний ва дунёвий асарларини кўп марта тақрорлаш усули билан ёдлайдилар.

Вақтга қараб тақсимланган тақрорлаш. Кўп йиллик кузатув ва илмий таҳлиллар шуни кўрсатдики, вақтни тўғри тақсимлаб тақрорлаш, кўп марта тақрорлашга нисбатан анча

самарали экан. Бу усул вақт ва кучни тежаб қолиб, маълумотни хотирада мустаҳкамроқ сақлаш имконини берар экан.

Вақтга қараб тақсимланган такрорлашнинг қуийдаги эфектлари аниқланди:

- **Вақтингчалик регресс.** Кузатувлар шуни кўрсатдики, ёдлаш жараёни текис тақсимланмас экан. Бир қисм маълумот яхши ёдлангандан сўнг, хотирада узилиш даврлари бўлиб турад экан. Бу пайтда ёдланган нарса эсдан чиқиб кетиб, маълум вақтдан кейин хотира уни тиклаб олар экан.
- **Хотира сакраилари.** Маълумотни эслаб қолиш ҳамма вақт ҳам бир хил бўлмас экан. Айрим пайтлар яхши, бошқа пайтларда эса ёмонроқ эслаб қолинар экан.
- **Тез старт.** Ёдлаш осон бўлган материални ўрганиш бошида кейингиларига нисбатан анча осон бўлар экан. Кейин эса бу жараён секинлашар, аммо ҳар бир такрорлашдан сўнг, эслаб қолинаётган маълумотлар ҳажми оз-оздан ошиб бораверад экан.
- **Тез финиш.** Олдингидан фарқли равища, ёдлаш қийин бўлган материални ўрганиш аввалига секин кечиб, кейин эса тез бўлади. Бунда биринчи такрорлардан натижка кам бўлиб, материални жуда кўп марта такрорлашга тўғри келар экан.
- **Реминисценция** – бу эффект шундан иборатки, материални бир марта ўқигандан кўрмай, кейинги такрорлашларда янги-янги маъно, эътибордан четда қолган нарсаларни топилиши. Бунда маълум вақтдан кейин такрорлаётганингиз сабабли, мия маълумотга нисбатан бошқачароқ нуқтаи назардан қараб, унинг янги қирраларини кўради. Кетма-кет, кўп марта такрорланса, бу натижада бўлмас эди. Бунга сабаб, такрорлашлар орасидаги вақтларда, ҳатто ухлаб ётган бўлсан ҳам, бизнинг ихтиёrimиздан ташқари ҳолда, мия маълумотни анализ қиласи ва хотирага жойлайди.

Эббингауз усули бўйича такрорлаш

Инсон хотирасида маълумотни ўрнашиши ва эсдан чиқиши ҳар хил тезлиқда бўлади. Агар такрорлаш бўлмаса, ўрганилган материалнинг катта қисми биринчи соатнинг ўзидаёқ эсдан чиқиб кетади. Шу сабабдан маълумот ўзлаштирилиши биланоқ дарҳол такрорлаш керак бўлади. Ундан кейинги соат ва кунларда ҳам бизнинг хотирамиз ўзини ҳар хил тутади.

Немис руҳшуноси Герман Эббингауз (1850-1909 й. й.) узоқ йиллар хотира ишини текшириб, инсонни ёдлаш ва эсдан чиқариши маълум қоидаларга бўйсуниши ва уларни билган ҳолда камроқ куч ва вақт сарфлаб, кўпроқ нарсани ёдлаш ва эсдан чиқармаслик мумкинлигини исботлади.

Эббингауз фикрлаш жараёни аралашмаган “соф” хотирани ўрганишга берилган эди. Бунинг учун иккита ундош ва бир унлидан иборат, ҳеч қандай маъно англатмайдиган сўзлар рўйхати тузилиб (масалан, зом, хош, риг, воб ва ҳ. к.), уларни ёдлаш ва эсдан чиқариш тезлигининг жадвали тузиларди.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, биринчи марта бехато ёдлаб айтгач, такрорлаш тўхтатилса, биринчи соатнинг ўзида 60% маълумот эсдан чиқар экан. 10 соатдан кейин эса ўрганган маълумотнинг 35%и, 6 кундан кейин 20%и, 1 ойдан кейин ҳам 20%и хотирада қолар экан. Шу кўрсаткичлардан хулоса қилиб, ўрганишнинг маълум бир режимини тузиб чиқиши мумкин бўлади.

Маълумотни қачон такрорлаш керак?

Инсон хотираси шундай хусусиятга эгаки, энди ёдланган нарса такрорлаш билан мустаҳкамланмаган бўлса, пайдо бўлган ассоциатив қатор ва алоқалар тахминан бир соатдан кейин узилиб кетар экан. Шунинг учун биринчи такрор материални ёдлаган заҳотиёқ қилиниши керак. Кейинги такрорлашлар бўйича эса, замонавий мутахассисларнинг фикрларига кўра, икки хил машҳур режим бор.

1. Ўқиган нарсани эслаб қолишга икки күн вакт бўлса, қуидаги режимда такрорлаш керак:

- биринчи такрор – ўқигандан сўнг дарҳол;
- иккинчи такрор – биринчи такрордан 20 дақиқа ўтгач;
- учинчи такрор – иккинчи такрордан 8 соат ўтгандан сўнг;
- тўртинчи такрор – учинчи такрордан 24 соат ўтгандан кейин.

2. Агар вакт чегараланмаган ва маълумотни **жуда узок муддатга** эслаб қолмоқчи бўлсангиз, қуидаги режимда такрорлаш керак:

- биринчи такрор – ўқигандан сўнг дарҳол;
- иккинчи такрор – биринчи такрордан 20-30 дақиқа ўтгач;
- учинчи такрор – иккинчи такрордан 24 соат ўтгач;
- тўртинчи такрор – учинчи такрордан 2-3 ҳафта ўтгандан сўнг;
- бешинчи такрор – тўртинчи такрордан 2-3 ой ўтгач.

Албатта, вакт чегаралари ўрганилаётган маълумотга қараб ўзгариб туради. Масалан, сиз **матнда ёзилган ёки нутқий маълумотни** эслаб қолган бўлсангиз:

- биринчи такрор- ўқигандан кейин дарҳол;
- иккинчи такрор- биринчи такрордан 15 дақиқа ўтгандан сўнг;
- учинчи такрор- иккинчи такрордан 8 соат ўтгач (ўша куннинг ўзидаёқ);
- тўртинчи такрор- учинчи такрордан 24 соат ўтгач (кейинги кун) қилиниши лозим.

Агар сиз нутқни эмас, балки **аниқ маълумотни** эслаб қолган бўлсангиз, такрорлаш қуидаги режимда бўлиши лозим:

- биринчи такрор – ўқигандан сўнг дарҳол;
- иккинчи такрор – биринчи такрордан бир соатдан кейин;
- учинчи такрор – иккинчи такрордан уч соатдан сўнг;
- тўртинчи такрор – учинчи такрордан 8 соат ўтгач;
- бешинчи ва кейинги такрорлар – кейинги кун ҳар 3-4 соатда бир марта.

Күп марта такрорлаш тавсияси сизни күркитиб қўймасин. Чунки қоғозга қарамай, хотирадан такрорлаш жуда қизиқ ва осон жараён бўлиб, уни ҳамма жойда: юрганда, ўтирганда, транспортда, овқатланаётганда ва бошқа вазиятларда ҳам амалга оширавериш мумкин. Хаёлда такрорлашни сиз куни бўйи барча қулай шароитда ва тез-тез қилсангиз бўлади.

Юқоридаги маълумотлардан хулоса қилган ҳолда, нутқ қиладиган кун эрталаб ва чиқишдан бир неча дақиқа олдин материалларга яна бир бор кўз югуртириб чиқинг, зарур далилларни такрорланг, хотирангизни янгилаб олинг.

Ассоциация

Ассоциация – инсон хотирасида ўрнашган, намоён бўлган далиллар, воқеалар, ҳодисалар, нарсалар орасидаги алоқалар. Ассоциатив фикрлаш туфайли маълум бир шароитда бирор элементнинг пайдо бўлиши хаёлимизда унга алоқадор бошқа образларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Масалан, “кор” деганда ҳаммамиз қишини эслаймиз, ҳеч биримиз қор билан ёзги хотираларни боғламаймиз. Ёки “дарёда чўмилиш” деганда ҳаммамиз ёз фаслини эслаймиз, бирортамиз қиш ва совуқни ўйламаймиз. “Менинг туғилган куним”, деган жумла маълум бир сон, ой ва йил билан ассоциатив боғланган.

Ассоциациянинг турлари

Ҳар хил жисмлар орасидаги ассоциатив алоқаларни топиш учун бир неча усуллардан фойдаланиш мумкин:

1. Вақт ва маконда ўхшашлик: қиш – ёз, стол-стул.
2. Ўхшашлик: ер шари – копток, нок – лампа.
3. Қарама-қаршилик: яхши-ёмон, ёш-қари, оқ-қора; катта-кичик, узун-калта.
4. Сабаб-оқибат алоқалари: момоқалдироқ – чақмоқ, олов – иссиқлик, совқотиши – касаллик, бадантарбия – соғлик.
5. Умумлаштириш: ҳайвонлар – мушук, сабзавотлар – сабзи, қушлар – укки.
6. Бўйсуниш: ҳайвон – ит; мева – олма.

7. Бутун ва унинг бир қисми: самолёт – унинг қаноти, дақиқа-сониялар.
8. Бир-бирини тўлдириш: тиш пастаси – тиш чўткаси.
9. Бир мавзуга мос ассоциация: спорт – футбол – дарвозабон – гол, шифокор – бемор-касаллик-дори.
10. Фонетик ассоциация – объектларнинг номидаги ўхшашлик: қоч – соч, бой – мой – лой – сой, тур – сур.
11. Сўз ҳосил қилувчи ўзакка қараб ассоциация: кулги – кулмоқ – кулдирувчи, ўқиши – ўқимоқ – ўқитувчи.

Инсоннинг тасаввури қанча кенг бўлса, у турли хил ўзаро алоқаси бўлмаган нарсаларда ҳам бирор ўхшашликни топиб, уларни бир-бирига боғлай олади. Бу эса уни хотирада яхши сақлашга ёрдам беради. Куйидаги машқлар билан бу қобилиятни ривожлантириш мумкин.

1-машқ. Ассоциациялар занжирини тузии.

Хоҳлаган бир сўзни олиб, унга ўхшаш сўзлар занжирини тузинг ва уларни қофозга туширинг. Бунда ассоциатив сўзларни имкон қадар тезроқ ва кўпроқ, улар ўртасидаги алоқаларни эса ноодатий қилиб тузишга ҳаракат қилинг. Масалан:

- Осмон – булат – самолёт – аэропорт – учиш йўлаги – учувчи – йўловчи – касса – билет – навбат ва ҳ. к.
- Магазин – сотувчи – товар – харидор – назорат касса аппарати – чек-солиқчи – жарима ва ҳ. к.
- Курилаётган бино – қурувчи – прораб – цемент – оҳақ – ғишт – кран ва ҳ. к.

2-машқ. Етишмаётган ассоциацияни топии.

Бир-бирига алоқаси бўлмаган иккита сўзни олинг ва шундай ассоциацияларни топингки, улар ўзаро боғлансин. Масалан “овқат” ва “пешин” сўзларини “тушлик” сўзи билан боғлаш мумкин. Куйидаги сўзларга ҳам шу усулда уларни боғловчи сўзларни топинг: қайчи ва китоб, телевизор ва диван, чойнак ва олов, сичқон ва пишлоқ ва ҳ. к.

3-машқ. Мос келувчи ассоциация.

Иккита ҳар хил сўз олиб, шундай ассоциатив сўз топингки, уларнинг иккаласига ҳам мос келсин. Масалан, қуйидаги сўзлар “оқ” ва “енгил” сўзларининг иккаласига ҳам мос ке-

лади: қор-оқ ва енгил, пар-оқ ва енгил, пат-оқ ва енгил. Ёки, “қаттиқ” ва “оғир” сўзларига: тош-қаттиқ ва оғир, темир-қаттиқ ва оғир, ёмон сўз-қаттиқ ва оғир ва х. к.

Янги маълумотни хотирада яхшироқ сақлаш учун у ҳақида кўпроқ ўйлаш керак. Бир хил маълумотни олган икки кишининг қайси бири шу маълумотни кўпроқ ўйласа, таҳлил қиласа, ўша одам уни кўпроқ эслаб қолади.

118-маслаҳат. Далилларни бир-бирига боғланг.

Далилларни бир-бирига боғлаш учун уларнингмоҳиятини тушуниб етиш керак. Ҳар доим янги бир далилга дуч келсангиз, қуидагига ўхшаш саволларга жавоб беринг:

- Нима учун?
- Қандай қилиб бу воқеа содир бўлди?
- Қачон шундай бўлди?
- Бу воқеа қаерда юз берди?
- Бу хабарни ким айтди?
- Мабодо бундай бўлмаса-чи?
- Бошқачароқ бўлиши мумкинми? ва х. к.

Янги танишингизнинг ташқи кўринишига эътибор беринг ва қуидаги саволларга жавоб беринг:

- Сочи ва кўзларининг ранги?
- Гавдасининг тузилиши?
- Бўйининг баландлиги?
- Ўзини тутиши?
- Гапириш услуби?
- Кийиниши?
- Касби? ва х. к.

Шу саволларнинг жавобини, айниқса, касбини бирор ассоциация билан исм-фамилиясига боғлаб қўйинг. Иложи борича ёрқинроқ таассурот олиб, ноодатий ва кулгили шаклда боғлаб қўйинг.

Масалан, *Тошматов – сотувчини* эслаб қолиш керак. Савдо дўкони ичida ҳаридорнинг изидан қўлида катта *тош* билан куваётганини кўз олдингизга аниқ ва кулгили ҳолатда келтириинг. Энди ҳеч қачон унинг фамилияси Тошматов, касби эса сотувчи эканлиги ёдингиздан кўтарилемайди.

Ёки Шерзод исмли такси ҳайдовчиси билан танишиб қолдингиз. Эслаб қолиш учун уни ўз машинаси ичида қўрқиб, қалтираб, ранглари оқарган холда, ҳайвонот боғидан катта шерни олиб кетаётганини кўз олдингизга келтиринг. Энди унинг исми Шерзод эканлиги узоқ вақтгача эсингиздан чиқмайди.

Саналарни эслаб қолиш

Саналарни ўзингиз аниқ биладиган, хотирангизда мустаҳкам ўрнашган саналар билан боғлаб ўрганинг. Масалан, бобонгиз 1939 йил туғилган. Эслаб қолиш учун: “Менинг бобом фашистлар Собиқ иттифоққа хужум қилишидан (1941 й.) икки йил аввал туғилган”.

- Мени туғилишимдан 100 (ёки 101 ёхуд 102) йил олдин Попов (1895 й.) радиони ихтиро қилган.
- Немис-фашист босқинчилари устидан қозонилган (1945 й.) ғалабадан 101 йил олдин (1844 й.) Густав Эрик Паффомонидан хавфсиз гугурт ихтиро қилинган эди.
- Юрий Гагарин 1961 йил космосга биринчи парвоз қилганидан сўнг икки йил ўтгач (1963 й.), Дуглас Энгельбарт биринчи компьютер сичқончасини ихтиро қилди.

Ҳар доим бирор санани эслаб қолмоқчи бўлсангиз, уни ўзингиз биладиган бошқа бир сана билан боғлаб қўйинг. Бу ишга бор-йўғи бир дақиқа сарфласангиз, у сана узоқ йиллар ёдингиздан кўтарилемайди.

Нутқ режасини эслаб қолиш

Нотиқ ўзаро алоқаси бўлмаган ҳар хил ҳудудлар, масалалар ёки мавзуларда гапириши мумкин. Қай биридан кейин қайсини гапириш кетма-кетлигини қандай қилиб эслаб қолиш мумкин? Уларнинг бирортаси эсдан чиқиб қолса-чи?

Бунинг олдини олишни бир неча йўллари бўлиб, айримларини санаб ўтамиз.

1. *Қоғозга ёзилган режага қараб.* Аммо, айрим давраларда қоғозга қараб гапиришнинг имкони бўлмай қолиши мумкин. Қолаверса, тингловчиларга қоғозга қараб гапирадиган

нотиққа нисбатан қоғозсиз гапирадигани күпроқ ёқади. Шуннинг учун, иложи борича қоғозсиз гапиришга ҳаракат қилиш керак.

2. Тингловчиларга кўринмайдиган эслатма ёзиг. Айтайлик, сиз бир-бирига алоқаси бўлмаган “бино”, “уста”, “олма”, “талаба” ва “дараҳт” ҳақида гапиришингиз керак. Буларнинг кетма-кетлигини рақамлаб, каттароқ ҳарфлар билан тагма-таг ёзиб, маъruzадан олдинроқ келиб, тингловчиларга кўринмайдиган, аммо сизга яхши кўринадиган бирор жойга осиб ёки яшириб қўясиз. Шундай жой бўлсинки (масалан, сиз томонга қараб турган устун, девор, минбар, стол), хоҳлаган пайтда қийналмай ва сездирмай назарингиз тушадиган бўлсин.

3. Эслаб қолувчи жумла тузиб. Бу усул учун бир дақиқагина вақт сарфлайсиз, аммо унинг фойдали иш коэффициенти жуда юқори бўлиб, бехато ишлайди. Айтайлик, олдинги мисолдаги “бино”, “уста”, “олма”, “талаба” ва “дараҳт” ҳақида гапиришингиз керак. Буларни бири-бирига боғловчи қандай жумла тузиш мумкин? Масалан, “Бинони таъмирлаётган уста олма еб кетаётган талабани қўлидан олмасини тортиб олиб, дараҳтнинг тепасига чиқиб ея бошлади”. Бунда жумла қанчалик ноодатий ва кулгили бўлса, шунчалик хотирада яхшироқ қолади. Мисолимиздаги уста олмани дараҳт остида еса одатий ҳол бўлар эди. Бироқ, уни дараҳтнинг тепасига чиқиб ейиши ноодатий ва кулгили ҳол бўлгани учун ҳам хотирада мустаҳкам қолади. Ўйлаб топилган жумлани бир неча марта аниқ кўз олдингизга келтирсангиз, нутқ пайтида бирор нарсани адаштирмайсиз ва эсдан чиқармайсиз. Ҳозирги мисолимизни ҳам кўз олдингизга келтиринг, уни бир марта эслаб қолинг. Энди қарамасдан жавоб берингчи, учинчи навбатда нима ҳақида гапириш керак? Иккинчи навбатдачи? Бешинчи? Тўртингчи? Кўрдингизми, бир марта гина эслаб қолган жумлангизни бирор қисмида ҳам адашмадингиз! Бир ҳафта ёки бир ойдан кейин ҳам шу савол берилса, яна адашмасдан жавоб берасиз!

XXII БОБ

ҲАР ХИЛ МАСЛАҲАТЛАР

119-маслаҳат. Ҳеч қаҷон таслим бўлманг, олға интилинг.

Ҳар бир инсон ўз олдига бирор мақсад қўйса ва шу мақсад сари чидам билан, иштиёқ билан, матонат билан ҳаракат қилаверса, қийинчиликларга учраган пайтда ҳам чекинмаса, таслим бўлмаса, у, албатта, ўз мақсадига эришади. Ундан кишининг мақсади бой бўлиш бўлса, бой бўлади, олим бўлиш бўлса, олим бўлади, зўр нотик бўлиш бўлса, албатта зўр нотик бўлади. Агар юрагингизда ўт бўлса, яхши нотик бўламан деган кучли хоҳиш бўлса, ҳар куни ушбу китоб билан камида 30 дақиқа машқ қилсангиз, бир неча ой ўтмасданоқ, албатта, зўр нотик бўлиб етиласиз. Шунинг учун кўпроқ машқ қилинг, ўз устингизда ишланг, қийинчиликлар олдида тўхтаманг, чекинманг, таслим бўлманг. Омад сизга ёр бўлишига, меҳнатларингиз бесамар кетмаслигига, бир кун келиб, албатта, мақсадага эришишингизга ишонинг!

120-маслаҳат. Кўпроқ китоб ўқинг.

*“Нимани ўқиётганингни айт –
мен сенинг кимлигинги айтиб бераман”.*

Гёте

Ўқиганда ҳам сифатли, дунёга машҳур асарларни ўқинг. Бу асарлар бежизга машҳур бўлмаган. Қайси тилда маъруза қиласидиган бўлсангиз, ўша тилдаги асарни ҳар куни эътибор билан 10-15 бет ўқисангиз, бир неча ой ичида чиройли жумлалар туза оладиган нотиққа айланасиз. Танлаган китобингиз нафақат қизик, балки фойдали илм берадиган бўлсин. Ўқиш жараёнида учрайдиган сиз учун янги, жозибадор сўзларни ёзиб олинг ва эслаб қолинг. Сўнг бу сўзлардан ҳар кунги сұхбатларингизда фойдаланишга ҳаракат қилинг. Агар янги сўзни камида уч марта ишлатсангиз, бу сўз энди сизники бўлиб қолади ва нутқ пайтида ундан бемалол фойдаланаверасиз. Ўқиган сари нутқингиз гўзаллашиб бораве-

ради. Гапириш услубингиз ўзгариб бораётганини ўзингиз сезмай қоласиз.

121-маслаҳат. Луғат ва энциклопедиялардан кўпроқ фойдаланинг.

Иш столингизни устида ҳамма вақт луғат ва энциклопедиялар бўлсин ва улардан тез-тез фойдаланиб туринг. Луғатдаги ҳар бир сўзнинг маъносига, унинг синонимларига, келиб чиқиш тарихига эътибор беринг. Бу сўз захирангизни бойитиб, нутқингизни жозибадор бўлишига ёрдам беради. Энциклопедиялар кишининг дунёқарашини кенгайтиради, илмий савиасини оширади, сўз захирасини бойитади.

122-маслаҳат. Таржима билан шуғулланинг.

Агар ўз она тилингиздан бошқа яна бирор тилни билсангиз, ўша тилдаги асарларни таржима қилишга ҳаракат қилинг. Таржима қилганда ҳам чиройли, бехато, адабий бенуқсон қилишга ҳаракат қилинг. Худди шеър ёзгандағи каби таржима қилганда ҳам киши янги-янги сўзларни қидиришга, уларнинг синонимларини топишга, чиройли жумла шаклига келтиришга мажбур бўлади. Бу машаққатли иш аввалига қийин кечса-да, бора-бора тажриба ошган сари енгиллашиб бораверади. Ҳар куни бир бет асарни таржима қилишни одат қилиб олсангиз, бир неча ой ўтмасданоқ қийналмасдан чиройли жумлалар тузга оладиган нотиққа айланасиз.

123-маслаҳат. Дунёқарашингизни фаол кенгайтириб боринг.

Газета ва журналларни ўқинг. Дунё янгиликларини ҳар куни телевидение орқали кузатиб боринг. Дунёда рўй бераётган сиёсий, иқтисодий, маданий, илм-фан, спорт ва бошқа соҳа янгиликларидан доимо боҳабар бўлинг. Бу янгиликлардан бир кун ҳам орқада қолманг. Илмий-оммабоп кўрсатувларни кўринг. Дунёда бўлаётган барча воқеаларга нисбатан ўз нуқтаи назарингизга эга бўлинг. Шу тавсияларни ўзингизга одат қилиб олсангиз, хоҳлаган мавзуда бемалол гаплаша оладиган етук инсонга айланасиз.

124-маслаҳат. Маърузага тайёрланишини кечиктириш, дарҳол бошланг.

Одатда маърузага тайёрланишга ҳеч қўлимиз тегмайди. Уни охирги кунгача орқага суреб юрамиз. Кўпинча бир кун қолганда қоғозларни қўлимизга оламиз. Албатта, бир ҳафта тайёрланган маъруза билан бир кун тайёрланган маърузанинг сифати бир хил бўлмайди.

Тайёргарликни бир неча кун олдин бошланг. Режани бир неча қисмларга бўлиб, ҳар куни бир ёки иккитасига тайёрланинг. Шундай қилсангиз уларни эслаб қолиш осон бўлади.

125-маслаҳат. Ҳамма вақт гапларингиз қалбингиздан чиқсин.

Мавзу билан яхшилаб танишиб чиқинг. Уни ўзингиз ва тингловчилар учун қанчалик аҳамиятли эканлигини таҳлил қилинг, тушунинг, вужудингиз ва қалбингиз билан ҳис қилинг. Ҳеч қачон: “Нотиқлик мени вазифам, шунинг учун уни адо этяпман, холос”, деган тушунча билан нутқ қилманг. Акс ҳолда, ҳар қанча чиройли маъруза қилманг, у тингловчиларнинг қалбигача етиб бормайди. Қачонки нутқ сизни тилингиздан эмас, балки қалбингиздан чиқса, ўшандагина бошқа қалбларгача етиб боради,

126-маслаҳат. Нутқингиз тоза бўлсин.

Нутқнинг тозалиги – унинг адабий тилнинг лисоний меъёрига мувофиқ келиши. Тоза нутқ ҳозирги ўзбек тили талабларига мос келиши, турли тил, ғайритабии тил элементларидан холи бўлиши лозим. Нутқимиз тозалигига нималар халақит беради?

1. Махаллий диалект ва шеваларга хос сўз, ибора, сўз ва сўз бирикмаларининг талаффузи, ургуси.

2. Варваризм.

3. Жаргонлар.

4. Вульгариzm.

5. Нутқимизда ортиқча такрорланадиган “паразит” сўzlар.

Юқорида санаб ўтилганлар бадиий нутқни ҳам, кундаклик нутқни ҳам хира қиласди. Ўз шевасини нутққа ўринсиз олиб кириш нутқни бузади. Айрим нотиқлар тингловчи-

ларнинг ҳаммаси ўзимизнинг одамлар, шунинг учун уларга ўзимизнинг шевамида гапирсам тушунарлироқ бўлади, деб хато ўйлашади. Эсдан чиқармаслик керакки, шева қўшилиши нутқнинг ҳам, нотиқнинг ҳам ҳурматини пасайтириб юборади. Тингловчилар нотиқни адабий тилда гапиришни уddyалай олмайдиган, илм савияси баланд бўлмаган инсон сифатида қабул қила бошлайдилар. Шунинг учун, ҳамма вакт, ҳатто тўй-ҳашам, марака ва маросимларда ҳам сўз берилса, шева қўшмай, адабий тилда гапириш керак.

Бошқа тилларга оид сўзларни нутқда ўринсиз ишлатиш варваризм деб аталади.

Айрим кишилар керакли сўзни қидиришда эринчоқлик қилиши, русча атамаларнинг ўзбекча шаклларини билмаслиги ёки баъзан ўзининг русчани ҳам билишини намойиш қилиш учун ёки ўз нутқини назорат қиласлиги натижасида нутққа варваризм кириб келади:

- Соткага звонить қил (қўл телефонимга қўнғироқ қил).
- Библиотекага бормайман (кутубхонага бормайман).
- Шофёр келди, мен кетдим, пока (ҳайдовчи келди, мен кетдим, хайр).

Варваризм четдан жуда хунук кўриниб, ундан қутилиш учун ўз она тилимизни чукур ўрганишимиз, унга ҳурмат билан қарашимиз, бадиий асарларни кўп ўқишимиз, нотаниш сўзларнинг маъноларига эътибор беришимиз лозим.

Жаргон – (французча) бирор ижтимоий гурухнинг ўзига хос ва ўзигагина тушунарли бўлган, бошқалар тушунмайдиган “ясама” тили.

Айрим гурухларнинг ўз “тили” бўлиб, улар билан бошқалардан ажралишга, ифодаланаётган фикрларини бошқалардан бекитишга ҳаракат қиласлилар. Масалан, ичувчилар ароқни –“новча”, винони – “қизил” деб атайдилар.

Вульгаризм – ахлоқ нормаларига тўғри келмайдиган, кишиларни ҳақоратлашда, сўкишда ишлатиладиган сўзлардан фойдаланиш. Бу сўзларни ишлатиш сўзловчининг қўпол, жоҳил, паст маданиятли киши эканлигини кўрсатади. Айрим пайтлар бадиий адабиётда ҳам ундан фойдаланилади:

— “Бундан кўра, гўнг титганинг яхши эмасми, қари товуқ?” (Ойбек. “Куттуғ қон”).

Паразит сўзлар ҳам тил маданиятига ёт бўлиб, улар асосан сўзлашув нутқида кўп ишлатилади. Бу сўзлар нотиқнинг эътиборсизлиги, ўз нутқини назорат қиласлиги натижасида пайдо бўлиб, бора-бора одатга айланиб қолади. Кўпинча, “хўўш”, “демак”, “э-э-э”, “а-а-а”, “ҳм-м-м” шаклида учрайди.

127-маслаҳат. Тингловчиларни бир жойга йигинг.

Тингловчиларнинг ҳиссиятларини яхши бошқармоқчи бўлсангиз, уларни ҳаммасини бир жойга тўпланг. Мутахассис-руҳшунослар “ҳиссий заҳарланиши” деган фавқулодда ҳодисани кузатганлар:

– оддий сухбат чоғида ҳеч кимни кулдирмаган латифа, одамлар тўпланиб турган жойда айтилса, ҳаммани қаҳқаҳа уришга мажбур қилган;

– ёки ғамгин воқеа кўпчиликни йиглатган;

– ёки нохуш хабар кўпчиликни ғазаблантирган ва ҳ. к.

Шуни ҳисобга олиб, имкон боричат тингловчиларни бир жойга, жипсроқ тўплашга ҳаракат қилинг. Улар катта залда ёйишиб ўтиришганидан кўра, кичикроқ залда қисилиб ўтиришса, маърузанинг таъсири анча кучли бўлади. Шунинг учун:

– agar хоналар 2-3та бўлса, бошқаларини қулфлаб, ҳамманни бир залга йигинг;

– ёки маърузанинг бошида олдинроқ, яқинроқ, жипсроқ жойлашиб олишларини илтимос қилинг. Аввалига ҳеч ким жойидан қимиirlамайди, аммо қатъият ва одоб билан сўрасангиз, ҳамма бараварига силжийди;

– ёки маърузанинг ўртасида, одамлар толиқцанини сезсангиз, шу пайтдан фойдаланиб, кечикканлар олдинроқка силжишларини илтимос қилинг. Бу чарчоқни тарқатишга ҳам ёрдам беради;

– ёки 400 киши сиғадиган залга 200 киши келишини билсангиз, залнинг ярмини бирор нарса ёки белги билан (масалан, ип тортиб, қофозга ёзиб, стулларни олиб, нарса қўйиб) ёпиб, у ерга ўтишни таъқиқлаб қўйиш керак.

128-маслаҳат. Тингловчиларни тинчлантиринг.

Агар аудиторияда гаплар, шивирлашишлар эшитилаётган бўлса, пауза қилинг. Одамлар тинчланишини кутиб, ундан сўнг нутқни давом эттиринг.

129-маслаҳат. Қачон тингласангиз, ўшандагина гапираман...

Маърузани бошламоқчисиз, лекин айримлар сизга бепарво, шовқин қилмоқда. Ёки маърузанинг ўртасида кимдир халақит бера бошлади. Шунда бирданига тўхтаб, ўша томондагиларнинг кўзларига эмас, бошлари устидан қараб, қотиб қоласиз. Залдагилар бутунлай тинчлангунча жим қараб тураверасиз. Қарашингизда ғазаб эмас, балки: “Эй Аллоҳим! Буларнинг қилаётганини ўзлари ҳам билмайдилар. Ўзинг уларни кечир!” деган маъно ўқилиши керак. Шунда ҳар қандай тўполончи аудитория ҳам тинчланиб қолади. Аммо бу усулдан тез-тез эмас, ўта қийин ҳоллардагина фойдаланиш мумкин.

130-маслаҳат. Аввал тингловчининг қалбини очинг.

Сиз бугунги мавзу бўйича гапирадиган қоида, теорема, чақириқ, оят, ҳадис ёки панд-насиҳат тингловчининг қалбигача етиб боришини хоҳлайсизми? Бунинг учун аввал унинг қалбини очиш керак. Кўчадан келаётган одамнинг қалби кўпинча дунёning ташвишлари билан банд, муҳрланган бўлади. Уни очиш учун аввал ларзага солиш керак. Масалан, мавзу панд-насиҳат бўлса, кўзга ёш келтирадиган ривоят ёки ҳаётий воқеани таъсирчан қилиб айтиб бериш керак. Муҳрланган қалб эгасининг кўзига ҳеч қачон ёш келмайди. Ёш келдими, демак қалби очилди. Энди уни ичига хоҳлаган яхши маълумотни киргизиш мумкин. Энди у бу маълумотларни қаршиликсиз қабул қиласи ва у қалбгача етиб боради.

Саҳнада актёрнинг самимий йиғлай олиши ва кула билиши юксак маҳорат аломати бўлганидек, воизнинг тингловчини кўз ёши тўкиш даражасига етказиши ҳам унинг ғоят заковатли нотиқ, улкан сўз устаси эканлигини кўрсатади.

131-маслаҳат. “Сиз” олмошини кўпроқ ишлатинг.

Кўчада, ишхонада, албатта, кишини исмини айтиб чақирсангиз, у одамга хуш ёқади. Лекин залдагиларга бундай қилишнинг иложи йўқ. Шунинг учун уларга:

- “Азиз биродарлар! Бугун *сиз...*”;
- “Шундай қилиб, азиз дўстлар, *сизнинг* рухсатингиз билан...”;
- “Шак-шубҳа йўқки, *сиз* азизлар бу масалани...”;
- “Азиз жамоадошлар! Ҳозир *сизлар...*”;
- “Албатта, менинг *сиздек* азиз тингловчиларим...”;
- “*Сиз* азизлардан тушган қуидаги савол...”;
- “Дўстлар, *сизларга* бу кўрилаётган масала ҳақида...”, деб мурожаат қилиш керак.

132-маслаҳат. Қатнашчиларга З-шахс номидан мурожаат қилманг.

Қатнашчиларга фақат 2-шахс номидан мурожаат қилиш керак. Акс ҳолда, уларни ўзингиздан узоқлаштириб, сиз ва улар бошқа-бошқа томонда эканлигини таъкидлагандек бўласиз. Бу иш амалда қуидагича бўлиши керак:

- “Бу ерда *йиғилганларга* ўз миннатдорчилигимни билдиримоқчиман...”, деган жумла ўрнига “*Сизларга* ўз миннатдорчилигимни билдиримоқчиман...” дейиш керак;
- “Бугунги маъruzamizga қатнашаётган *tinglovchilar* илмга чанқоқ...”, дейиш ўрнига, “Бугунги маъruzamizga қатнашаётган *сиз* азизлар илмга чанқоқ...” деб айтиш керак;
- “*Tinglovchilaridan* тушган саволларга жавоб бериш учун...”, деган жумлани ўрнига “*Сизлардан* тушган саволларга жавоб бериш учун...” жумласини ишлатиш керак ва ҳ. к.

133-маслаҳат. Ҳеч қачон иккиланаётганингизни кўрсатманг.

Ҳаётда ҳам, нутқ пайтида ҳам ҳеч қачон иккиланаётганингизни кўрсатманг. Одамлар иккиланаётган нотиқни эшлишишни, унинг орқасидан эргашишни истамайдилар. Улар ўз мақсадини аниқ биладиган ва уни изҳор қила оладиган раҳнамони хоҳлайдилар.

134-маслаҳат. Омма тушунадиган содда тилда гапиринг.

Руҳий таҳлиллар шуни кўрсатдики, мураккаб, кўпчиликка тушунарсиз атамаларни, сўзларни, жумлаларни ишлатадиган нотиқлар, одатда, омма томонидан ажратиб ташланади ёки яхши қабул қилинмайди. Агар нотиқнинг обрўси жамоа олдида баланд бўлса, яхши қабул қилиниши ҳам мумкин, аммо, барибир бундай нутқнинг кўп қисми тингловчилар учун тушунарсиз бўлиб қолаверади. Шунинг учун оммага яқин тилда гапиринг. Шундай сўз ва жумлалардан фойдаланингки, уларни ҳатто мактаб ёшидаги бола ҳам тушунсин. Айтилганидек: “Буюк нотиқнинг буюклиги уни оддий омма тушунадиган содда тилда гапириб билишида намоён бўлади”.

Китобий ва расмий сўзларни нейтрал ва сўзлашув услубидаги жумлаларга алмаштиринг. Чунки, улар тингловчилар томонидан яхши қабул қилиниб, нотиққа кўпроқ ишонч пайдо бўлишига олиб келади. Масалан:

- “нашриётда” ўрнига – “газеталарда”;
- “бюджет соҳаси ишчилари” ўрнига – “шифокорлар, ўқитувчилар, актёрлар”;
- “оммавий ахборот воситаларида” ўрнига – “газета, радио ва телевидениеда”;
- “конфиденциал маълумот” ўрнига – “махфий маълумот”;
- “суицид” ўрнига – “ўз жонига қасд қилиш”;
- “аутсайдер” ўрнига – “қолоқ”;
- “шовинизм” ўрнига – “миллатчилик”, каби жумла ва сўзларни қўллаш омманинг осонроқ тушунишига сабаб бўлади.

Жуда узун ва мураккаб жумлалардан фойдаланманг. Уларни бир нечта қисмга бўлиб, 2-Зта қисқа гаплар ясанг. Агар жумладаги сўзлар сони 13-15 тадан ошса, уни тингловчилар кўпинча тушунишмайди.

135-маслаҳат. Нутқни дўстона, дилкаш сұхбат тарзида олиб боринг.

Тингловчилар билан яkkама-якка дилкаш сұхбат қилгандек, bemalol, дўстона гаплашиш лозим. Аудитория шуни хоҳлайди, унга шу ёқади. Агар тингловчилар

нотиқни “ўзини одами”дек қабул қила бошласа, унинг гапларига кўпроқ ишонади. Шу мақсадда кўрилаётган ҳар бир масала, муаммо, қизиқиш ёки қийинчилек нотиқ ва тингловчилар учун умумий эканлигини таъкидлаб туриш керак. Масалан:

- “Албатта, бу кўрилаётган масала шахсан мен учун ҳам жуда зарур...”;
- “Бу камчиликлар нотиқнинг ўзида йўқми? Албатта, бор...”;
- “Бугунги мавзу шахсан мени ҳам жуда қизиқтиради...”;
- “Бу муаммога ўзим ҳам тез-тез учраб тураман...”

136-маслаҳат. Тингловчининг қалбини оғримтманг.

Бир подшоҳ туш кўрибди. Тушида барча тишлари тўкилган эмиш. Эрта тонгда муаббир (туш таъбири қилувчи) ни чақириб, тушининг таъбирини сўрабди. Муаббир: “Эй, подшоҳим, бу ноҳуш тушингизнинг таъбири шуки, барча қариндош-урӯғ, хеш-акраболарингиз ўлиб, охирида ёлғиз ўзингиз қоласиз”, дебди. Подшоҳнинг жаҳли чиқиб, муаббирни 100 қамчи уришни буюрибди. Сўнг бошқа муаббирни чақириб, унга ҳам шу саволини берибди. Муаббир: “Хушҳабар! Ажойиб туш! Подшоҳим, табриклайман, сиз қариндош-урӯғлар ичида энг узоқ умр кўрар экансиз!” дебди.

Подшоҳ: “Иккаласи ҳам бир хил жавобни айтди. Фақат биринчиси кўполлик ва бефаҳмлик билан, иккинчиси эса мулойимлик ва донолик билан фикрини етказди. Иккинчи муаббирга 100 тилла совға беринг!” деб ҳукм чиқарди.

Бу ривоятдан холоса чиқарадиган бўлсак, сўзлашда эҳтиёт бўлиш лозимлиги, ўйламасдан айтилган гап кимнингдир қалбини яралashi мумкинлигини унутмаслигимиз керак. Шириңсўз, мулойим бўлинг, аммо қўпол сўзловчи бўлманг.

Минбардан бирорларни чақиши, обрўсини тўкиши, қасд олиш учун фойдаланманг. Бу иш ҳалол, фаросатли, ақлли инсонларга ярашмайди ва бир кун, албатта, ўзингизга

қайтади. Ушбу маслаҳатга амал қилиш учун қуидаги мақол ва ҳикматларнинг маъноларини яхшилаб чақиб, улардан тўғри хулосалар чиқаринг.

- Нотиқ маҳмадана бўлса, мажлиснинг бурди кетар. (Мақол)
- Қиличнинг заҳри кетса ҳам, сўзниңг заҳри кетмас. (Мақол)

Хар неким кўнгулда бор – тилга сўрма.

(Алишер Навоий)

- Кўп сўз-иборалар борки, одамларга улар фасоҳатли кўринса-да, Аллоҳ наздида улар номақбулдир – сўзловчини ҳам, эши тувчини ҳам уялтирур.

(М. Замахшарий)

- Сўзингга эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин,
Тилингга эҳтиёт бўл, тишинг синмасин.

(Юсуф Хос Ҳожиб)

- Бирор масалада фикр-мулоҳаза қила бошлаганингда ҳеч бир ошиқма, ҳар томонлама ўйлаб, обдон фикрлаб иш тутгин.

(М. Замахшарий)

- Сўз буюк нарса. Шунинг учун ҳам буюкки, сўз билан одамларни бирлаштириш, сўз орқали уларни бир-бирлари билан юз кўрмас қилиб юбориш мумкин, сўз билан меҳр қозониш, сўз билан нафрат ва адоваратга йўлиқиши мумкин. Одамларни бир-биридан ажратадиган сўзни айтишдан сақлан.

(Л. Н. Толстой)

- Эй фарзанд, ҳеч кишининг олдида ҳаддан ошмагин ва ҳаддан ошишни шумлик деб бил. Ҳар ишда ўрта миёна бўл, сўз айтмоқда ва иш қилмоқда оғир бўл. Сирингни ҳеч кимга айтма, агар айтсанг сўнгра уни сир дема. Ҳар сўзни андиша билан бошлагин, токи айтган сўзингдан пушаймон бўлмагайсан. Совуқ сўзлик бўлмагин. Совуқ сўз бир тухумдир, ундан душманлик ҳосил бўлур.

(Кайковус)

- Агар тилингнинг ортиқча сўзлашига эга бўла ол-масанг, унда тизгининг жиловини шайтонга топширган бўласан.

(М. Замахшарий)

- Тил – энг хатарли қурол. Сўз ярасидан кўра тиф яраси-ни даволаш осон.

(П. Кальдерон)

137-маслаҳат. Соңлардан унумли фойдаланинг.

Айтилаётган маълумотларни соңлар билан мустаҳкамлаш, нутқнинг ишончлилигини ва таъсирчанлигини оширади. Масалан, “Спортчиларимиз халқаро мусобақада жуда яхши натижалар кўрсатиши”, деган жумла ўрнига, “Спортчиларимиз халқаро мусобақада жуда яхши қатнашиб, 3 та олтин, 2 та кумуш ва 4 та бронза медалларини қўлга киритиши”, дейилиши тингловчиларга анча кучли таъсир қиласди.

Аммо соңларни келтиришнинг ҳам маълум *қоидалари* бор.

1. Соңлар ҳаддан ташқари кўп бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда, тингловчилар уларга ишонмай қўядилар. Колаверса, кўп маълумотни эслаб қолиш ҳам қийин бўлади.

2. Соңларни майда бўлакларигача айтиб ўтирмай, уларни яхлитлаш лозим. Чунки яхлитласа, эслаб қолиш осон бўлади, бўлаклар эса барибир хотирада қолмайди.

3. Статистик маълумотларни бошқа нарсалар билан со-лиштирган ҳолда бериш лозим. Масалан: “Шаҳримиз аҳолиси урушдан олдинги вақтга нисбатан тўрт баравар кўпайган”.

4. Аҳоли сони, квадрат километр, кубометр каби соңларни аниқ айтмай, уларни тасаввурга сифадиган нарсалар билан солишириб бериш керак. Бунда уларни тасаввур қилиш осон кечиб, таъсири жуда кучли бўлади. Куйидаги жумлаларнинг қайси бири кучлироқ таъсир қилишини солиширинг.

- Токио шаҳрининг аҳолиси сони 37 миллиондан ошик.
- Азарбайжон, Арманистон, Тожикистон, Грузия, Молдавия, Литва, Латвия, Эстония давлатларининг барча аҳолиси сонини қўшсак, биргина Токио шаҳри аҳолиси сонига ета олмайди.
- Асалари 100 гр. асал йигиши учун 46000 км. масофани учиб ўтади.

• Асалари 100 гр. асал йигиш учун 46 минг км масофани учиб ўтади. Ер шарининг экватори 40 минг км эканлигини ҳисобга олсак, ер планетасини айланиб чиқишдан ҳам кўпроқ масофани учиб ўтар экан.

5. Статистик маълумотларни келтирганда унинг манбасини аниқ кўрсатиш керак.

138-маслаҳат. Матн таъсирини кучайтиринг.

Сўз кучидан ийқилур минбар ҳам, дор ҳам,

Сўз бирла чиқар индан илон-мурдор ҳам.

(Абу Шукр Балхий)

Матн таъсирини кучайтириш, унга бўлган ишонч ва диққатни ошириш учун қуидаги усуслардан фойдаланишингиз мумкин:

– Даилилларни янгидек етказиш:

- “Яқинда шуни аниқлашдики...”;
- “Кеча шу нарса маълум бўлдики...”;
- “Ҳозиргина шуни ўқиб билдимки...”;

– Даилилларни ҳозиргача нотиқнинг ўзи ҳам тан олмагандек етказиш:

- “Бу гапга ўзим ҳам ишонмай юрган эдим...”;
- “Бу нарсанинг ҳақлигига узоқ вақт гумон билан қараганман...”;

• “Наҳотки, шу гап рост бўлса, деб ўйлаб юрадим...”;

– Даилини тажрибалар натижаси сифатида тақдим этиш:

- “Тажрибалар шуни кўрсатдики...”;
- “Олиб борилган тажрибалар натижасида шу нарса аниқландики...”;

- “Бир неча йиллик тажрибалардан шу хulosага келиндики...”;

– Даилини психологлар хulosаси сифатида кўрсатиш:

- “Психолог олимлар шуни аниқладиларки...”;
- “Психологларнинг хulosаларига кўра...”;
- “Психологик тажрибалар шуни кўрсатдики...”;
- Даилини чет эллик олимларнинг хulosасидек етказиш:
- “Япониялик олимларнинг тадқиқотлари натижаси шуни кўрсатдики...”;

- “Россиялик олимларининг хуносаларини оладиган бўлсак...”;
- “Америкалик олимлар шуни аниқлашдики...”;
- Даилин профессор ёки академиклар номидан тақдим этиш:
 - “Россия Фанлар Академияси академиги Чазовнинг фикрига кўра...”;
 - “Америкалик профессор Джек Торренснинг таъкидлашича...”;
 - Даилин буюк шахсларга таяниб тақдим этиш:
 - “Улуғ аждодимиз Амир Темур ўзининг “Темир тузуклари”да: “Ўша кеча жума туни эди, тонг отгунча Аллоҳдан мадад сўраб, ухламай чиқдим. Тонг отгач...”;
 - “Буюк ватандошимиз Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида...”;
 - “Бутун дунё тан олган Абу Али ибн Сино айтганидек...”;
 - Даилин қадимдан ҳамма билган, аммо у ҳақида энди эслатилаётгандек тақдим этиш:
 - “Бу нарсани бир неча аср олдин аждодларимиз билишган...”;
 - “Бу усул азал-азалдан ота-боболаримизга маълум бўлган...”;
 - “Мусулмонлар бундан 1400 йил олдин шу даво усулидан фойдаланишган...”

Юқоридаги усувларнинг қайси биридан фойдаланишингиздан қатъи назар, энг асосий шарт – у ҳаққоний, тўғри, ёлғон аралашмаган бўлиши лозим. Текширилмаган, ёлғон аралашган ёки нотўғри маълумот нотиқнинг обрўсига салбий таъсир қиласи.

139-маслаҳат. “Парадокс” усулидан фойдаланинг.

“Парадокс” – умум томондан қабул қилинган фикрларга, илмий қоидаларга мос келмайдиган, шунингдек соғлом ақлга зид фикр.

Бу усул анча қийин бўлиб, унга олдиндан маҳсус тайёр гарликни талаб қиласи. Аммо қўллай олса, жуда яхши таъсир қиласи. Масалан:

- Ҳар қандай ҳазилнингтагида озгина ҳазил бўлади (сони), ҳар қандай ҳазилнинг фақат озгинасигина ҳазил, колдан чиндир);
- Ҳамма вақт икки тортишувчи одамнинг ақллироги айбдордир (яъни, ақлли одам тортишмаслиги керак эди);
- Дунёда абадий двигатель йўқ, аммо абадий тормозлар тиқилиб ётибди;
- Ақлли кўринишнинг энг осон йўли – бу пессимист бўлиш;
- Дўст қалбаки бўлиши мумкин, аммо душман ҳамма вақт ҳақиқий бўлади;
- Агар инсон бирор ғоя учун жон берса, бу ҳали ҳақ иш учун жон берди дегани эмас.
- Тарбияли инсон – бир нарсани ўйлаб туриб, бошқа нарсани гапиради. Тарбиясиз инсон эса –нимани ўйласа шуни гапиради.

• Қароқчи ё пулингни, ё ҳаётингни талаб қиласди.

Врач эса ҳам пулингни, ҳам ҳаётингни олади.

Амалда аввал парадокс жумла айтилади, сўнг унга ҳаётий мисол келтирилади, кейин хулоса ясалади.

140-маслаҳат. Умумлаштиришдан қочинг, аниқликка интилинг.

Нутқда жуда умумий лафзлардан қочиб, имкон борича уларни аниқ тушунчалар билан алмаштиришга ҳаракат қилинг. Масалан, “Бу нарса бюджет соҳасидаги ишчиларга…”, демасдан, “Бу нарса ўқитувчиларга, шифокорларга…”, десангиз, тингловчиларга анча тушунарли бўлади.

Аудиториядагиларнинг диққатини жалб қилиш, қизиқтириш, ишончини ошириш учун мавзуни бошлиётганда аниқ тафсилотларни келтириш яхши натижа беради. Масалан, “Яқинда бир танишимни учратганимда у менга қуидаги воқеани айтиб берди…”, деган жумла ўрнига: “Ўтган куни шаҳардан қайтаётганимда автобусда бир дўстимни учратиб қолдим. Биз у билан олийгоҳда 5 йил бирга ўқиганмиз. Ўн беш йилдан бери учрашмаган эдик. Сўрашганимиздан сўнг у менга қуидаги воқеани айтиб

берди...”, десак, тингловчилар иккинчи вариантни қизиқиш билан тинглай бошлайдилар. Чунки унда аник тафсилотлар күпроқ келтирилмоқда.

141-маслаҳат. Абстракт (умумий) тушунчадан кейин аник мисол келтиринг.

Нутқингизда абстракт – умумий тушунчалардан камроқ фойдаланинг, чуңқи улар нутқни зерикарли қилади. Ҳар бир умумий тушунча ёки даъватдан кейин, албатта, аник, конкрет мисол келтиринг. Масалан, тамаки соғликка заар, шунинг учун чекишни ташлаш керак, каби умумий гаплардан сўнг, бир нечта қўйидагига ўхшаш мисоллар келтириш керак:

- Ҳар йили чекишнинг зааридан фақатгина Россиянинг ўзидаги 300 минг киши ўлади.

- Чекиш туфайли чекувчининг умри 10-20-30 йилгача қисқаради.

- Тамакининг тутуни таркибида 4000 хил кимёвий бирикмалар бор, уларнинг 40 таси айниқса хавфли бўлиб, кўпинча рак касаллигига, юрак-қон томир тизими ва ўпка касалликларига олиб келади.

- Чекмайдиган одамларга нисбатан чекувчиларда ўпка раки 30 баравар, миокард инфаркти 12 баравар, ошқозон яраси 10 баравар кўп учрайди.

142-маслаҳат. Масалага ҳар томонлама ёндашинг ва тушунтиринг.

Ҳаётда ҳам, нутққа тайёрланиш вақтида ҳам ҳар қандай масалага турли хил нуқталардан қарашни ўрганинг. Бу уни яхшироқ ўрганишга, тушунишга ва осонроқ ечишга ёрдам беради.

Агар бир киши, сизнинг фикрингизча, бирор ишни нотўғри қилаётган бўлса-ю, сиз уни шу йўлдан қайтармоқчи бўлсангиз, аввало масалага у одамнинг кўзи билан ҳам қараб кўринг. Нега у одам шу ишни қиляпти? Шу ишга уни нима мажбур қиляпти? Нега у шу ишнинг хатолигини тушумаяпти ёки тушунишни хоҳламаяпти? Унинг ўрнида ўзингиз бўлсангиз ва худди шу вазиятга ёки муҳитга тушиб қолсангиз, нима қилган бўлар эдингиз? Шу йўлдан

қайтишни у одамнинг ўзи хоҳлаши учун нима қилиш керак? Бу саволларга бирор томонга ҳам ён босмасдан, адолат билан, тўғри жавоб берсангиз, уни ҳал қилишнинг осонроқ йўлларини топасиз.

Масалан, фарзандингиз дарс қилишни хоҳламаяпти. Албатта, энг осони, нега дарс қилмайсан, деб уришиш. Лекин масалага бошқа нуқтаи назардан қарасак-чи? Нега бола дарс қилишни хоҳламаяпти? Балки унинг дўстлари шунга сабаб бўлаётгандир? Уни ўша мухитдан ажратиб олиш керакдир? Боланинг биздан яшириб юрган бирор муаммоси бордир? Уни айтишга биздан уялаётган ёки қўрқаётгандир? Ўқиш унинг келажак ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушунмаётгандир?

Шунга ўхшаш саволларга жавоб излаб, ундан сўнг болага маслаҳат қилиш керак бўлади:

- Ўқисанг, ўзингни келажагинг учун яхши бўлади. Ҳаётда юқори мавқеларга эришишинг осон бўлади. Ўқиган одамни ҳамма ҳурмат қиласди ва ҳ. к.

- Дўстларинг ўқишига кириб, сен кира олмасанг, доимо уларни олдида уялиб юрасан....

- Ота-онанг-чи? Улар фарзандим ўқишига кирди, деб фахрланиб юрса яхшими ёки....

- Бобонг, бувинг, aka-у坎г, опа-сингилларинг-чи? Улар сени ютуғингдан қувониб юрса яхшими ёки....

- Қариндош-уруг, қўни-қўшнилар-чи? Улар сенга қандай баҳо беришларини ўйлаб қўрганмисан? Улар сени ўқишини хоҳламайдиган дангаса, деса яхшими ёки....

- Сенга дарс берган устозларнинг ишончини оқлай олмасанг, ўзингни қандай ҳис қиласан?...

Хуллас, болага масалага ҳамма томондан қараш кераклигини тушунтириб, кейин дарс қилишни талаб қилиш керак бўлади. Ҳар бир саволни бергандан сўнг, боланинг ўзидан таъкид жавобини олиш керак.

143-маслаҳат. Маърузани чўзиб юборманг.

Айрим нотиқлар мавзунинг ҳар бир икир-чикирларигача гапириб, маърузани чўзиб юборадилар. Тингловчилар бун-

дан зерикиб кетади ёки ҳамма нарсаны тушунмайды. Шунинг учун фақатгина зарур атамалардан фойдаланиб, тингловчиларнинг илм даражасига мос содда тилда нутқ сўзланг. Осон қилинг, қийин қилманг.

Нодонлардек юзлаб сўзни қилма қатор,

Донолардек бир сўз дегил, лек маънодор. (Саъдий Шерозий).

144-маслаҳат. “Диалогизация” усулидан фойдаланинг.

Фақат монолог қилиб турсангиз, тингловчилар диккати тезда сўнади. “Диалогизация” усули билан эса тингловчиларни сўзлашувга чақиргандек бўласиз:

- “Айримларингиз айтишингиз мумкинки...”;
- “Кимлардир менга эътиroz билдириб айтиши мумкинки...”;
- “Кўпчилигингиз бу фикрга балки кўшилмассиз, аммо...”;
- “Агар мен сизларга ... десам, орангиздан кимдир ... деб жавоб бериши мумкин...” ва ҳ. к.

Бу усул билан тингловчилар сизнинг фикрингизга қўшилаётганини ёки қарши эканини билиб олишингиз мумкин. Буни уларнинг бош қимирлатиши ёки бирор бошқа ҳаракатидан сезса бўлади.

145-маслаҳат. Агар хато қилсангиз, кечирим сўранг.

Агар тингловчиларга текширилмаган маълумот берсангиз, рақамлар ёки далилларда хато қилсангиз, аудиториядагилар билан баҳсллашиб ўтирунганг ва ўзингизни оқламанг, ҳеч нарса бўлмагандек ҳам тутманг. Ҳақиқий эркаклардек дарҳол хатони тан олинг, кечирим сўранг ва хатони топган “ивғогарга” раҳмат деб қўйинг.

Агар хатони ўзингиз топсангиз ва у кичик ёки аҳамиятсиз бўлса, тузатиб ўтирунганг. Одатда, уни бир нечта эътиборли тингловчигина сезади, холос. Аммо кечирим сўраб эълон қилсангиз, унга ҳамма эътибор беради. Бироқ бу хато моҳиятни бузуб юборадиган даражада катта бўлса, унда хатони тузатинг. Масалан:

- Кечирасизлар, мен бу жойда демокчи эдим;
- Албатта, мен назарда тутган эдим;

- Узр, хато қилибман,

Маданиятли киши ўз хатосини, айбини бўйнига ола билиши, унинг учун кечирим сўрай олиши лозим. Узр сўраш ўз ғурурини ерга уриш эмас, балки одоблилик, хушмуомалик, тарбия аломатидир.

146-маслаҳат. Агар бирор нарсани эсдан чиқарсангиз...

Маъруза қилаётган пайтда бирор нарсани эсдан чиқарсангиз, ўзингизни йўқотиб, қофозларни қидириб, кўзларингиз билан ер чизиб ёки осмонга қараб, нокулай ҳолатга тушиб қолганингизни ҳаммага сездириб ўтируманг. Эсингиздан чиққан атама ёки нарсани бошқа жумлалар билан алмаштириб, хеч нарса бўлмагандек давом эттираверинг. Кўп ҳолларда тингловчилар буни сезмай ҳам қолишади.

Эсингизга тушганда ҳам дарҳол унга қайтманг. Аввал фикрни ёки бўлимни тугатиб олинг, сўнг:

- Мен ҳозир га қайтмоқчи эдим;
- Яна бир нарсани айтиш эсимдан чиқибди....;
- Яна бир маълумотни қўшимча қилишни лозим топяппман..., деб давом эттиринг.

Аммо, эсга тушган маълумот унчалик зарур бўлмаса, унга қайтиб ўтирумаганингиз маъкул.

147-маслаҳат. Кўлингиздан келса, ҳазиллашиб туринг.

Ҳар қандай аудитория ҳазилни яхши кўради. Яхши ҳазил нотиқнинг обрўсини кўтаради, ўртадаги расмиятчиликни йўқотади, нотиқ билан тингловчиларни жуда тез “дўстлаштиради”, уларни бир-бирига яқин қиласади, хотира да яхши қолади. Тингловчиларни уйқусини қочириб, кайфиятини кўтаради. Улар нотиқни “ўз одами”дек қабул қила бошлайдилар. Аммо, ҳазиллашиш ҳамманинг ҳам кўлидан келавермайди. Қолаверса, ҳазилингиз ҳар қанча яхши бўлмасин, ёмон кайфиятда ўтирган кишиларга барабириб ёқмайди.

Агар бирорта латифа айтадиган бўлсангиз, уни мавзуга боғлиқ жойини дарҳол билдируманг. Аввал тингловчилар уни ўзлари қидириб кўришсингиз, нега айнан шу латифа айтилга-

нига жавоб қидиришсин, қизиқишилари ортсин. Шундан сүнг жавобини айтсангиз қизиқарли чиқади. Ёки аввал латифани айтиб, кейин маъruzанинг охирида унинг мавзуга алоқасини эълон қилсангиз бўлади.

Ҳазил, кулгили воқеа ва *латифа айтшининг қоидалари* бор.

1. Нимани яхши билсангиз, шуни айтинг.
2. Ҳазилингиз қатнашчиларнинг барчасига тушунарли бўлсин.
3. Ҳазил мавзуни ривожлантиришга ёрдам берсин.
4. Ҳазил қисқа бўлсин.
5. Ҳамма биладиган, “сийқаси чиқиб кетган” эски ҳазил ёки латифалардан фойдаланманг.
6. Унда қўпол сўз ёки жумлалар бўлмасин.
7. Ҳазилда қатнашчилардан бирортасининг миллати, касби, жисмоний камчилигига шама қилинмасин.
8. Қатнашчилар кўп бўлса, “нозик” ҳазил ёки латифаларни ишлатманг. Кичик давраларда айтса бўладиган ҳазилни кўпчилик олдида айтсангиз, кўп тингловчилар ўзларини нокулай ҳис қиласилар.
9. Латифани шошилмасдан, ўртача темпда, жиддий, ўзингиз асло кулмасдан айтиб беринг. Фақат тутагандан сўнггина табассум қилиб қўйишингиз мумкин. Ҳеч қачон олдиндан кулгили латифа, деб эълон қилманг.
10. Латифани тутилмасдан, адашмасдан, равон ва актёрлик маҳоратидан фойдаланиб, озгина ролга кириб айтиб беринг.

11. Латифани тутагач унга ўзингиздан ҳеч нарса қўшманг, шарҳламанг. Кулги ва қарсак учун катта паузалар қилманг.

Латифани эшиитиши одоблари ҳам бор:

1. Гапни бўлмаслик.
2. Йўл-йўлакай латифани шарҳламаслик.
3. Диққат билан эшитиш.
4. Буни олдин эшиитганман ёки эски латифа, демасдан, худди биринчи марта эшитаётгандек тинглаш.
5. Кулгили бўлмаса ҳам одоб юзасидан бошқаларга қўшилиб кулиб қўйиш ёки табассум қилиш.

Тажрибадан мисол. Тингловчилар чарчаб, уйқуси кела

бошлаганини сезган нотиқ ҳаммани бир силкитиб қўйиш учун савол билан мурожаат қилди:

– Биродарлар, сизларга бир саволим бор (пауза). Ричард Харвани ким танийди? (катта пауза) Наҳотки Ричард Харвани ораларингиздан ҳеч ким танимаса? (яна катта пауза).

Ҳамма бир-бирига савол назари билан қарай бошлади. Уйкучиларнинг уйқуси қочиб, улар ҳам саволга жавоб қидира бошладилар. Залдан “қўшиқчи”, “ёзувчи”, “спортчи”, деган варианtlар айтила бошланди. Нотиқ чеккадаги уйқуси келганларга қўли билан ишора қилиб сўради:

– Чеккадагилар, наҳотки сизлар ҳам Ричард Харвани танимасангизлар? (пауза). Қойил-э! Тўғрисини айтсам, уни кимлигини ўзим ҳам билмайман!

Ҳамма бараварига кулиб юборди. Кулги тўхтагач нотиқ давом этди:

– Аммо, Ричард Харви ким бўлишидан қатъи назар, унга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Чунки у уйқуси келганларнинг уйқусини қочирди, чарчаганларнинг чарчофини чиқарди ва ҳаммамизнинг кайфиятимизни кўтарди. Энди маърузани давом эттирамиз...

148-маслаҳат. Нотиқлик санъатини ўргатинг.

Бошқаларга дарс берадигандан, ўзингиз тезроқ ва яхшироқ тушунасиз.

Роза Люксембург.

Геометрия ўқитувчиси ҳамкасбига шикоят қиласпти:

– Менга жуда ёмон синф тушиб қолди-да! Теоремани бир марта тушунтиридим – тушунишмади. Иккинчи марта тушунтиридим – тушунишмади. Учинчи марта тушунтиридим – ҳатто ўзим тушундим, улар барибир тушунишмади.

Қисқа вақт ичида яхши нотиқ бўлмоқчи бўлсангиз – бошқаларни машқ қилдиришни бошланг.

- Ўқувчингизга ўн мартараб полга ёки томга эмас, балки тингловчиларнинг кўзларига қараш зарурлигини тушунтиrsангиз, кейинги марта саҳнага чиққанингизда бу нарса ўзингизнинг ҳам эсингиздан чиқмайди.

- Ўқувчиларингизнинг “э-э-э”, “а-а-а”, “ҳм-м-м”, “х-ў-ў-

ш”лари қулоғингизни кесишиң бошласа, ўзингиздаги паразит сўзлар ва товушларни топишингиз осон бўлади.

- Кўп усулларни қайта-қайта тушунтириш натижасида, улар ўзингизнинг миянгизга ҳам сингиб кетади, уларни яна-да яхшироқ тушӯнасиз ва эслаб қоласиз.

Амалда кимгадир дарс бериб, уни қийнашингиз шарт эмас. Моҳият шундаки, бошқа кишининг нутқини тинглаётганда, қолоқ тингловчи сифатида эмас, балки унинг ютуқ ва камчиликларини дикқат билан кузатаётган эксперт бўлишингиз керак.

Телевизорда бирорта нотиқнинг чиқишини дикқат билан кузатинг. Агар мен шу одамнинг устози бўлсан, унинг қандай ютуқлари-ю, қандай камчиликларини санаб ўтган бўлар эдим? Қайси жойларига ўзгартириш киритар эдим? Каерда хато қиляпти? Унга нималар етишмаяпти? Қайси усуллар устида ҳали ишлаши керак? Шунга ўхшашиб саволларга жавоб қидирар экансиз, ўзингиз ҳам нотиқ сифатида жуда тез ўса бошлайсиз.

Ўзингиз бошқаларнинг маърузаларига бориб қатнашинг, уларни кузатинг, юқоридаги саволларга жавоб қидиринг. Нима учун унинг маъруzasи қизиқ ёки зерикарли ўтаётганинг сабабларини изланг. Қандай усуллардан фойдаланяпти? Шу йўл билан бошқаларнинг омади ёки хатосига қараб ўрганасиз, ўсасиз.

Агар бошқаларнинг чиқишлиарини дикқат ва ҳушёрлик билан таҳлил қилишни ўргансангиз, ўзингизнинг хатолариниңизни ҳам бемалол топадиган бўласиз, ўз устингизда яхшироқ ишлаб, нутқингиз даражасини оширасиз. Нотиқ сифатида 5-6 баравар тезроқ ўса бошлайсиз. Чунки сиз нафақат ўзингизни чиқишиларингиз вақтида, балки бошқаларнинг чиқишлиарини кузатиш жараёнида ҳам ўсишда давом этаверасиз.

Талабалар мустақил машқ қилиб, бир-бирларига устозлик қиласалар, хато ва камчиликларини кўрсатсалар, уларни таҳлил қилишни ўргансалар, бу ишлари келажакда яхши нотиқ бўлишлари учун катта фойда беради.

*Үргата туриб, үрганамиз.
(Сенека)*

149-маслаҳат. *Стулга ўтириб нутқ қилишига тұғри келса...*

Нотиқ тик турғанда гавдани қандай тутса, стулға ўтирганда ҳам шундай тутади:

- умуртқа погонаси текис;
- оёқлар орасы 20-25 см;
- бир оёқ сал олдинроқда;
- оёқ учлари сал четроққа қараган;
- энгак озгина күтарилған;
- хотиржам қарааш;
- оёқ билан юришнинг иложи йүқлиги сабаб, құллар билан имо-ишораны күпроқ қилишга ҳаракат қиласы.

150-маслаҳат. *Ўзингизнинг видеөөзувларингизни таҳлил қилинг.*

Имкон топиб ўз чиқишиларингизни видеотасвирға тушибириб, сұңг уларни қайта-қайта, ҳар томонлама таҳлил қилинг. Айнан мана шу машқ кишини нотиқ сифатида жуда тез ўсишига ёрдам беради. Ўзингизни четдан күрсанғыз хато ва камчиліктернің яқындағы күрінінде. Энг күп міндердегі фойда олиш учун бу ишни бир неча босқичта бүлип ўтказишины маслаҳат берамиз.

1-босқич: Видеоөзувингизни “уз ҳолица” күриб чиқинг. Бириңчи күриб чиқишида камчилік қидирмай, фақат яхши томонларингизни қайд қилиб чиқинг:

- менга ёққан томонлари...;
- қуйидагилар яхши... ;
- қуйидагиларни ўзгартырмасдан сақлаб қолишим керак ба ҳ. к.

2-босқич: Иккінчи марта овозни ўчириб күйиб, фақат тасвирни томоша қилинг. Бунда имо-ишора, гавданинг туриш вазияти ва мимиканғыздаги хато ва камчиліктарні таҳлил қилиб чиқинг.

3-босқич: Учинчى марта тасвирға қарамай, фақат овозни эшлитиб таҳлил қилинг. Бунда қуйидагиларга эътибор беринг:

- зараркунанда сўзлар бор-йўқлигига;
- нутқ оҳанг ва унинг баландлигига;
- нутқ сурати ва мақомига;
- сўзларга берилган урғуларнинг тўғрилигига;
- сукутлардан тўғри фойдаланганлигига;
- жумлалар грамматик нуқтаи назардан тўғри тузилганлигига;

- нутқингизга маҳаллий шева аралашмаганлигига ва ҳқ.

4-босқич: Энди тасвирни тезлаштириб кўринг. Бунда қўйидагиларга эътибор беринг:

- зарарли имо-ишоралар борлигига;
- имо-ишора ва ҳаракатларингизнинг бир хиллиги ёки ҳар хиллигига.

5-босқич: Видеоёзувни яна ўз ҳолича кўриб чиқинг. Биринчи босқичдан фарқли равишда, энди қўшимча ва ўзгартириш киритилиши керак бўлган нарсаларни қидиring.

Агар маъруза узун бўлса, уни 5 дақиқалик бўлакларга бўлиб-бўлиб, юқоридагидек босқичларда таҳлил қилиш керак. Бу жуда зарур! Кичик бўлакдаги хато ва камчиликларни топиш ва тузатиш осон. Аммо, 30-40 дақиқалик чиқишни бошидан охиригача кўриб, сўнг таҳлил қилишдан фойда жуда кам бўлади.

151-маслаҳат. Чўнтакда ортиқча нарсалар бўлмасин.

Агар бирорта чўнтағингизда овоз чиқарадиган нарса (марсалан, гутурт, калитлар, кутичада дорилар) бўлса ва ҳар бир ҳаракатдан кейин улар шиқирлаб тингловчилар дикқатини ўзига тортадиган бўлса, бу маърузага жуда халақит беради. Агар маъруза узокроқ давом этадиган бўлса, бу уларнинг асабига тега бошлайди. Шунинг учун чўнтағингиздан овоз чиқарадиган барча нарсаларни олиб қўйинг.

Яна чўнтакдан бўртиб турадиган нарсалар (букланган рўмолча, кўзойнак, ён дафтарча, қалин ҳамён)ни олиб қўйинг. Белингизга осиб қўйилган эски моделли катта қўл телефони бўлса, уни ҳам олиб қўйинг. Чунки у пиджакни четини кўтариб туради. Кўкрак устидаги чўнтакчадан авторучкани олиб қўйинг, чунки бу чўнтакча қўл рўмолча учун мўлжалланган.

Лекин маъруза пайти унга қўл рўмолнчани ҳам қўйманг.

Телевидениедаги бошловчи кўрсатув бошлангач ўзини кийимларини, соч турмагини тузата бошласа қандай кўринади? – Тўғри, жуда хунук. Демак, нотиқ ҳам бу ишларни (тугмаларни ўтказиш, соч турмагини тахлаш, қоғозларни тартибга солиш, кўзойнакни тозалаш ва ҳ. к.) ҳаммасини саҳнага чиқмасдан олдин қилиши керак.

152-маслаҳат. Имкон бўлса кўргазмали чиқиши қилинг.

Одам эшитганига нисбатан кўрганини яхшироқ эслаб қолади. Шунинг учун имкон бўлса мавзуга мос кўргазмали (жадвал, чизма, расм, объектнинг ўзи ёки нусхаси, харита ва ҳ. к.) чиқиши қилинг. Бу нарсалар маърузани яна-да қизиқарли, таъсирчан, тушунарли ва эсда қоларли бўлишига хизмат қиласди. Агар тингловчиларга бирор нарсани қўлингизда кўрсатмоқчи бўлсангиз, уни елка соҳасида ёки ундан 5 см баландроқда тутинг. Ҳаётий мисол. Мавзу – “Наркотиклар”

Нотиқ қўлида чиройли атиргул билан саҳнага чиқди.

– “Мана бу атиргулнинг чиройлилигига эътибор беринг. Ҳар бир одам ана шу атиргулга ўхшайди...”

Пауза. Нотиқ одамлар гулга яхшилаб қараб олишларига имкон берди.

– “Аммо, одам наркотикларни истеъмол қила бошласа нима бўлади? Биринчи доза унинг талантини узиб олади, иккинчиси унинг ақлини, учинчиси хотирасини, тўртинчиси орзуларини, бешинчиси...”

Ҳар бирини санаб ўтаётганда нотиқ биттадан атиргул япрогини узиб, ерга ташларди. Охири унинг қўлида шикастланган гул ғунчаси қолиб, унга қараган кишининг раҳми келар эди.

– “Агар сиз ҳам ҳаётим, қалбим, келажагим ана шу гулдек хазон бўлмасин, шикастланмасин, десангиз, наркотикларга яқинлашманг!”

Албатта, буни тингловчилар оддий гапларга нисбатан анча яхши эслаб қоладилар.

Яна бир мисол. Мавзу – “Оилавий муносабатлар”

Нотиқ құлида ўйинчоқ қайиқ ва унинг ичида әркак ва аёлнинг ҳайкалчалари билан чиқди.

– “Бугун сизларга әр-хотин муносабатлари ҳақида гапирмоқчиман. Ҳаммага яхши тушунарли бўлиши учун мана бу ўйинчоқлар мисолида уларни намойиш қилмоқчиман”.

Пауза. Одамлар ўйинчоқларга қизиқиб қарадилар.

– “Агар әркак эшкакни бир томонга, аёл иккинчи томонга эша бошласа, қайиқ қайси томонга сузади?”

Одамлар қайиқ жойида айланиб тураверади ёки тўнтарилиб кетади, каби “тўғри” жавобларни бера бошладилар.

Сўнг нотиқ қайиқдаги ўйинчоқлар жойини алмаштириб, давом этди:

– “Агар әр-хотин елкама-елка туриб, бир томонга қараб эшкак эшсалар, албатта, улар манзилларига етадилар”.

Кейин нотиқ яна ўйинчоқлар жойини алмаштириб, давом этди:

– “Аёлни қайиқ учига ўтқазиб, иккала эшкакни ҳам әркакнинг қўлига берс...”

Бундай тушунтириш узоқ вақтгача одамларнинг эсидан чиқмайди ва мавзу ҳам тушунарли бўлади.

Слайдларни кўрсатиш қоидалари

153-маслаҳат. Слайдлар кўрсатилаётганда залдаги-ларни диққатини ўзингизга тортманг.

Слайдлар кўрсатилаётганда, аудиториядагилар яхшироқ тушунишлари учун, уларни “кадр ортидан” изоҳлаб туринг, холос. Бу пайтда, имо-ишоралар ва хатти-ҳаракатлар билан залдагиларнинг диққатини ўзингизга тортманг. Бунда улар фақатгина овозингизни эшитса бўлди. Бу жараёнда кўпроқ паузалар қилинг, жавоб талаб қилмайдиган (“шундай эмасми?”, “тўғрими?” каби) саволлар беринг. Нутқ суратини тез-тез ўзгартириб туринг. Хуллас, тингловчи кўзи билан слайдни томоша қилин, қулоғи билан сизни эшитсин.

154-маслаҳат. Слайдларни тайёрлаш ва намойиш қилишда қийидагиларга эътибор беринг:

– слайддаги ранглар сони учтадан ошмасин;

- ранглар ёрқин бўлмасин (рангларнинг кўплиги ва ёрқинлиги тингловчиларни чалғитади);
- ҳамма слайдлар бир хил андаза ва услубда тайёрлансин;
- шрифтлар тури учтадан ошмасин;
- тингловчилар бўлмаган бўш залда слайдларни намойиш киладиган техникани яхшилаб ўрганиб, у билан бир неча марта машқ қилинг;
- агар ёрдамчингиз бўлса, у ҳам ўз вазифасини мукаммал ўрганганига қайта-қайта машқ қилиб, ишонч ҳосил қилинг;
- ҳар эҳтимолга қарши кўзда тутилмаган ҳолатлар (чироқ ўчиб қолиши, ток бўлмаслиги, аппарат бузилиши, ёрдамчи касал бўлиб қолиши ва ҳ. к.) га ҳам тайёр бўлинг.

Фойдаланиб бўлгач доскадаги ёзувларни ўчиринг, жадвал, чизма, хариталарни пастга олиб қўйинг, проекторни ўчириб қўйинг, акс ҳолда улар тингловчиларни чалғитиб туради.

155-маслаҳат. Кўргазмали материалларни олдиндан кўрсатиб қўйманг.

Кўп нотиклар кўргазма материалларини олдиндан осиб ёки кўрсатиб қўйишиди. Бундай қилиш нотўғри бўлиб, у фақатгина тингловчиларнинг диққатини чалғитиб туради. Кўргазмали материаллар қачон керак бўлса, ўша пайт кўрсатилиши лозим.

156-маслаҳат. Сўзларни аниқ талаффуз қилиши учун қуийидаги машқларни тез-тез бажариб туринг:

- тил уни билан бир неча марта буруннинг учига, ундан сўнг энгакка тегизишга ҳаракат қилинг;
- тилимизнинг учини ўнг ва чап ёноқларимизнинг ичига худди соябон уни билан санчгандек бир неча марта санчамиз;
- тилимизнинг уни билан лаб ва тишлар орасига бир неча марта айлантирувчи ҳаракатлар қиласиз;
- лабларни найсимон шаклга келтирамиз. Ўнгга-чапга. Юқорига-пастга. Айланасига. Бу ҳаракатларни бир неча марта бажарамиз;
- жағни бўшаштириб пастга туширамиз. Бармоқларимиз билан жағни остидан ўнг ва чап томондан тутиб турамиз. Жағ билан ўнгга-чапга, олдинга-орқага бир неча марта ҳаракат қиласиз;

– юз мимикасини яхшилаш учун ойнага қараб ҳар хил даҳшатли чехралар билан ўзимизни-ўзимиз “кўркитамиз”. Бунда чехра қанча даҳшатлироқ бўлса, шунча яхши. Бу машқ юзга ажин тушишининг ҳам олдини олади;

– сўзларни тўғри талаффуз қилиш учун машқ: қаламни тишлаб туриб, 15-20 та сўздан иборат жумлани талаффуз киласмиз. Кейин қаламсиз шу жумлани такрорлаймиз. Шунда табиий талаффуз осон, аниқ ва тиниқ бўлганини хис қиласиз;

– машқни охирида мушакларни бўшаштириш учун отга ўхшаб: “Фр-р-ру-у” деймиз.

157-маслаҳат. Ташиб кўринишингизга эътибор беринг.

Психологик текширишлар шуни кўрсатдики, агар киши тоза, орастা, чиройли кийинган ва яхши кўринишига эга бўлса, ўзига нисбатан ҳурмати ошиб, ўзини ишончли тутар, ўз кучига кўпроқ ишона бошлар экан. Чиройли кийиниб юрганда муаммоларни ҳал қилиш ва омадга эришиш осонлашар экан.

Нутқ қиласидиган куни соқолингизни олинг, ҳаммомга киринг, соч турмагини тахланг, кийимларингизни дазмолланг, сифатли пайпоқ кийинг, оёқ кийимингизни тозаланг. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, тингловчилардан маърузадан сўнг нотиқ ҳақида сўралганда, кўпчилик унинг кийими ни рангини эслолмаган, аммо соқоли ўсганини, кийими ёки рўмолнаси дазмолланмаганини, оёқ кийими тоза эмаслигини, пайтоғи осилиб турганини, шимининг дазмоли эгрилигини, қулогининг ичидан тук ўсиб чиққанини ва ҳ. к. бошқа камчиликларни аниқ эслашган. Ташиб кўринишимиздаги ҳар бир камчиликка тингловчи эътибор беради, бу унинг ғашини келтиради. Бу эса нотиқнинг обрўсига путур етказади. Тингловчи: “Нотиқ дидсиз кийинган, ташки кўринишига нисбатан шунчалик эътиборсизми, демак унинг ақли ҳам унчалик ўткир эмас экан”, деган холосага боради.

158-маслаҳат. Соғлом турмуши тарзини кечиринг.

Профессионал нотиқ яхши жисмоний тайёргарликка, соғлом юрак ва ўпкага эга бўлиши керак. Чекиш, ичиш ва бошқа ёмон одатларни тарқ қилиши керак. Булар нотиқни ҳаётда ҳам, тингловчилар олдида ҳам ўзига бўлган ишончини оширади.

ХХIII БОБ

ЁШ НОТИҚҚА МАСЛАХАТЛАР

1. Ўзинг яхши биладиган, сени ҳаяжонлантирадиган, ўзингга ҳам қизиқ бўлган нарсалар ҳақидагина гапир.
2. Тингловчиларни хурмат қил. Ўзингни улардан ақллироқ деб ўйлама.
3. Бақирма. Овоз кучи билан эмас, балки исбот ва далиллар билан ишонтир.
4. Бирданига кўп нарса ҳақида гапиришга ҳаракат қилма. Қисқа, аммо мантиқли ва ишончли гапир.
5. Оддийроқ ва соддароқ тилда гапир.
6. Тингловчиларнинг фақат ақлига эмас, қалбига ҳам муражаат қил.
7. Нутқингни тўғрилигини назорат қил. Агар қийин сўзни тўғри талафуз қила олишингга ишонмасанг ёки унинг маъносини аниқ билмасанг – уни бошқасига алмаштири.
8. Нутқингда мақол, матал, баландпарвоз гаплардан фойдалан. Улар сени нутқингни ёрқинроқ ва таъсирчанроқ қиласди.
9. Ҳеч қачон:
 - “Кечирасизлар, мен нотиқ эмасман” ёки “Маърузага яхши тайёр эмасман”, деб бошлами;
 - “Узр, озгина ҳаяжонланаяпман”, деб айтма;
 - “Кечирасизлар, яна озгина вақтларингизни оламан” ёки “озгина сабр қилинглар, ҳозир тугатаман”, деб якунлама;
 - “Сизларни чарчатиб қўйганим учун узр” ёки “яхши тушунтира олмаганим учун узр”, деб тугатма;
 - Чарчаганингни билдирма;
 - Ҳаяжонланаётганингни ёки қўрқаётганингни сездирма;
 - Шошилаётганингни кўрсатма;
 - Асабийлашаётганингни билдирма;

- Жаҳлинг чиққанини сездирма;
- Ўзингта ишонмаётганингни билдиришма;
- Ёрдамга муҳтоҷлигингни кўрсатма;
- Одамларнинг ўзини тутишидан, кечикаётганлигидан, камлигидан, саволлардан, залдаги шароитдан, ташкилий ишлардан норозилигингни кўрсатма.
- Мавзуга алоқаси бўлмаган ҳазил билан нутқни тугатма, чунки тингловчилар бунинг сабабини билолмай ҳайрон қолишади:

10. Тингловчиларнинг руҳини чўктирмасдан, нутқни ҳамма вақт кўтаринки кайфиятда тугат.

11. Дарров саҳнадан қочиб кетма. Тингловчиларни нутқдан сўнг олдингга келишлари, савол беришлари ва муносабат билдиришларига имкон бер. Бу уларда сен ҳақингда яхши таассурот қолишига ёрдам беради.

12. Нутқни ғайратли баён қил. Нутқингнинг бошидан охиригача ғайрат, фаоллик, қатъийлик сезилиб турсин. Бундай нутқ қуввати тингловчиларга ҳам ўтиб, улар зўр дикқат-эътибор билан эшита бошлайдилар, ҳар бир гапингта ишонадилар.

13. Жисмонан тетик, бардам ва ҳаракатчан бўл. Тингловчилар бўш, ожиз, қувватсиз нотиқнинг гапларига ишонч-сизлик билан қарайдилар. Одамлар унинг тетик, бардам ва жисмонан бақувватлигини кўрсалар, бу хиссиёт уларга ҳам юқади ва уни яхши қабул қила бошлайдилар.

14. Ташқи кўринишинг ўзига ишонган одамларники-дек бўлсин. Ўзига ишонган нотиқни гапларини одамлар танқидий мулоҳаза қилмай, борган сари кўпроқ ишонч билан қабул қила бошлайдилар, унга ижобий муносабатда бўладилар. Шунинг учун қоматни тик тутиб, энгакни юқори кўтариб, одамларнинг кўзига қараб ишонч билан гапир.

15. Фақат яхши ўйланган ва тайёрланган нутқгина омадли чиқиши мумкин.

XXIV БОБ

МИКРОФОН БИЛАН ИШЛАШ

159-маслаҳат. Микрофонни тўғри ушланг.

Микрофонни худди бананинни ушлагандек эмас, балки ошхона пичоги ёки санчқини ушлагандек, бармоқлар билан ушлаш керак. Яъни, панжани ичи билан ўраб олмасдан, фақатгина бармоқларнинг уни билан ушлаш керак. Бу пайтда кичкина бармоғингиз кўтарилиб турмасин. Тирсак эса бўшашибган ҳолда пастда, қовурғаларингизга ёпишиб туриши керак. Энг кўп учрайдиган хато – тирсакни энгак соҳасигача кўтариб туриб гапиришади. Четдан бу ҳол хунук кўринади.

160-маслаҳат. Микрофонни ўнг қўлда ушланг. Агар чапақай бўлсангиз, чап қўлда ушланг.

Қўлида микрофон билан маъруза қиласидиган нотик, албатта имо-ишораларда анча чегараланган бўлади. Шунинг учун микрофонни ишлайдиган қўлингизда, яъни чапақай бўлсангиз чап қўлда, бўлмаса ўнг қўлда ушланг. Энди имо-ишоралар учун иккинчи қўл ва танангизни кўпроқ ишга соилишга тўғри келади.

Кўп учрайдиган хато – нотик микрофонни ушлаб турган қўли билан ҳам имо-ишора қилмоқчи бўлади. Натижада, тингловчилар гоҳ баланд, гоҳ паст овоздан қийналиб кетишади.

161-маслаҳат. Маърузанинг бошидан охиригача микрофонни лабингиздан бир хил масофа ва бир хил бурчак остида тутиб туринг.

Лабдан микрофонгача бўлган энг мақбул масофани аниқлаш учун қўлимизни мушт қилиб, оғзимизга олиб келамиз. Бунда кўрсаткич бармоқ лабимизга тегсин. Бу пайтда номсиз (тўртингич) бармоғимизнинг жойи – микрофон турадиган энг мақбул масофа бўлади. Агар шундан узоқроқ тутсангиз овоз чиройли чиқмайди, яқинлаштирсангиз “п” ҳарфини талаффуз қилганда ёқимсиз овоз чиқади. Шунда

микрофон юзингизнинг вертикал чизиғига перпендикуляр ҳолда бўлса, энг яхши овоз чиқади. Энди шу ҳолатни маърузани охиригача ўзгартирманг. Эгилсангиз, микрофонни ҳам эгилтиринг. Бурилсангиз, микрофонни ҳам буринг.

Микрофонга қараб чуқур нафас олманг, бу ёқимсиз товуш чиқишига сабаб бўлади. Агар йўталишга тўғри келиб қолса, микрофонни пастга туширинг.

162-маслаҳат. Агар микрофон тиргакка маҳкамланган бўлса, нутқни бошлишдан олдин уни бўйингизга қараб мослаб олинг.

Тиргакка ўрнатилган микрофондан фойдаланишдан олдин, унинг баландлигини бўйингизга мос қилиб олинг. Айрим ҳолларда нотик шу ишни қилмасдан, маъruzанинг охиригача ноқулай ҳолатда эгилиб ёки бўйини юқорига чўзисб нутқ сўзлайди. Тиргакнинг баландлигини ўзгартиришдан олдин микрофонни ўчиришни унугтманг. Акс ҳолда баланд, нохуш, ғижирлаган товуш эшитилади.

Тиргакни бўйингизга мослаб олгач, микрофонни полга деярли паралелл ва юзингизга перпендикуляр бурчак остида ўрнатинг.

163-маслаҳат. Микрофоннинг ишланишини текширинг.

Гоҳида микрофоннинг ишлайтгани билинмайди. Натижада, тажрибасиз нотик уни қўли билан (tinglovchilarning асабига тегиб) тўқиллатади ёки “бир-бир” деб синаб кўради. Бу пайтда миркофон орқали tингловчиларга салом берсангиз кифоя – унинг ишлаш-ишламаслиги дарҳол билиниб қолади.

164-маслаҳат. Агар микрофон минбар ёки столга ўрнатилган бўлса, унга қараб эгилманг.

Агар микрофон стол ёки минбарга ўрнатилган бўлса, кўкрагингиз билан стол устига ёки минбарга ётиб олманг. Чунки бу ҳолларда, одатда сезгирилиги баланд микрофонлар ўрнатилган бўлади ва уни овоз операторлари ўзлари бошқариб туришади.

Эслаб қолинг! Нотиқقا ҳамма вақт ўз овози радиокарнайлардан паст эшитилаётгандек туюлади. Лекин, аслида бундай бўлмайди. Қолаверса, агар овоз паст эши-

тилса, тингловчиларнинг ўзлари сизга айтишади. Шунинг учун овозингизни баландлатишга ҳаракат қилмай, одатдаги ҳолингизча гапираверинг.

165-маслаҳат. Агар микрофонни тиргакдан қўлингизга ечиб олсангиз, тиргакни саҳнанинг четига олиб бориб қўйинг.

Айрим пайтлар нотиқ берилиб кетганда микрофонни тиргакдан ечиб олиб, юриб маъруза қила бошлиди. Агар сиз ҳам шундай қиладиган бўлсангиз, аввал микрофонни бир неча сонияга ўчириб қўйинг. Сўнг микрофонни ечиб олиб, тиргакни саҳнанинг чап ёки ўнг чеккасига олиб бориб қўйинг. Тиргак саҳнанинг ўртасида қолиб кетмасин.

166-маслаҳат. Агар микрофон симли бўлса...

Агар микрофонингиз симли бўлса, саҳнада ҳаракатланаётган пайтингизда, сим оёғингизга ўралмаслиги учун иккинчи бўш қўлингиздан фойдаланинг. Акс ҳолда микрофон ёки унинг сими қўлингиздан узилиб тушиб кетиши ёки оёғингизга ўралиб нокулай ҳолатга тушишингиз мумкин.

167-маслаҳат. Агар радиомикрофондан фойдалансангиз...

Хозирги замонавий радиомикрофонлар жуда қулай, кичик, фон бермайди, имо-ишораларга ва юришга халақит бермайди. Аммо уларни бир камчилиги бор – қувват манбай тез тугаб қолади. Уларнинг қувват берувчи батарейкаларини алмаштиришни ва ёқиб-ўчиришни маъruzадан олдин ўрганиб олинг. Ҳамма вақт чўнтагингизда, ҳар эҳтимолга қарши, заҳирада иккита батарейка бўлсин.

168-маслаҳат. Қўлингиздаги микрофон билан радиокарнайларга яқинлашиманг.

Маъruzадан олдин овозни кучайтирувчи радиокарнайлар қаерда жойлашганини текширинг. Агар улар нотиқнинг орқасида жойлашган бўлса, айниқса эҳтиёт бўлинг. Чунки микрофон мемранаси билан радиокарнай мемранаси бир-бирига қараб қолса, ёқимсиз ҳуштак овози тарқалади. Бу пайтда микрофонни учини дарҳол бошқа томонга айлантириш керак, холос. Агар юриб маъруза қиладиган бўлса, микрофон билан радиокарнайларга яқинлашмаслик керак.

169-маслаҳат. Одамлар бўлмаган пайтда ёқилган микрофон билан, албатта, машқ қилиб олинг.

Энг яхиси, микрофон билан машқ қилишни уйингизда бошланг. Микрофонга ўхшаган бирор нарса (масалан, телевизор пульти)ни топинг ва унинг остига юмшоқ сим боғлаб, нутқингизни имо-ишоралар билан машқ қилинг. Юрганда сим оёкларингизга ўралмаслигига эътибор беринг. Шу билан бир пайтда аудитория билан кўз мулоқотини ҳам узмай туринг. Сўнг маъруза қиласидиган залга олдинроқ келиб, саҳнада юриб кўринг. Хизматчилардан микрофонни ёқиши сўранг ва у билан саҳнада юриб, гапириб кўринг. Радиокарнайлардан келаётган ўз овозингизга кўникинг. Микрофонни бир неча марта ёқиб-ўчиринг. Тиргакни кўтариб кўринг, унга микрофонни бир неча марта ўрнатиб-ечиб, кўтариб туширинг. Шундан сўнг ўзингизни саҳнада анча хотиржам хис қиласиз.

170-маслаҳат. Мухбир билан сұхбатда...

Агар бирор мухбир билан сұхбат кураётган бўлсангиз, унинг қўлидаги микрофонни тортиб олишга ҳаракат қилманг (у барибир бермайди). Мухбирнинг ўзи микрофонни сиздан қанча масофада ушлаш керак эканлигини яхши билади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. А. Аҳмедов. Нотиқлик санъати. Т:1967.
2. А. Ортиқов. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати. Т.: 2002.
3. Б. Ўринбоев. А. Солиев. Нотиқлик маҳорати. Т.:1984.
4. Р. Расулов. Н. Хусанов. Қ. Муйдинов. Нутқ маҳорати. Т.:2006.
5. С. Иномхўжаев. Нотиқлик санъати асослари. Т.:1982.
6. Н. Гойибов. Д. Юсубов. А. Мавлянов. Нотиқлик санъати. Т.:2012.
7. Н. Бекмирзаев. Нотиқлик асослари. Ўқув қўлланма. Т.:2012.
8. Вайсман Дж. Мастерство презентаций. - М.: Вершина, 2004.
9. Гандапас Р. Камасутра для оратора. - М.: Олимп-бизнес, 2004.
10. Гандапас Р. К выступлению готов! - М.: МИФ, 2008.
11. Гандапас Р. 101 совет оратору. М.: Альпина Бизнес Букс, 2009.
12. Далецкий Ч. Риторика. Заговори, и я скажу кто ты. - М.: Высшая школа, 2004.
13. Желязны Дж. Бизнес-презентация. - М.: ИКСИ РАН, 2004.
14. Желязны Дж. Говори на языке диаграмм. - М.: ИКСИ РАН, 2004.
15. И. А. Стернин. Практическая риторика. Воронеж-2011.
16. Пожарская А. Этую речь невозможно забыть. Секреты ораторского мастерства. Санкт-Петербург; 2013
17. Сопер Поль Л. Основы искусства речи. Книга о науке убеждать. - Ростов н/Д: Феникс, 2002.
18. Сергей Шипунов. Харизматичный оратор.
19. Сергей Шипунов. Уроки Риторики и Ораторского Мастерства.
20. Скотт Беркун. Исповедь оратора. Санкт-Петербург-Москва: 2010.
21. Сэмпсон Э. Бизнес-презентация: Творческие идеи для блестящего выступления. - М.: Альпина Бизнес Букс, 2004.
22. Хофф Р. Я вижу Вас голыми. Как подготовиться к презентации и с блеском ее провести. - М.: Класс, 1999.

МУНДАРИЖА

Сұзбоши.....	3
Рахбар ходимга нотиқлик санъати керакми?	5
Устоз-мураббийларга нотиқлик санъати нима учун зарур?	5
Риторика - нотиқлик санъати.....	7
Чиқишилар	7

I БОБ. ҚҮРҚУВ

Күпчилик олдида гапириш қўрқувини қандай енгиш мумкин?	9
Қўрқувнинг сабаблари нима бўлиши мумкин?	10
Қўрқувни йўқотиш учун нима қилиш керак?	11
Залда норози одамлар бўлса нима қилиш керак?	16
Агар залдагиларнинг ҳаммаси норози бўлса-чи?	16

II БОБ. ЧИҚИШГА ТАЙЁРЛАНИШ

Чиқишига тайёрланишнинг усуллари	20
Чиқишини ўйлаш	20
Режа – конспектни тайёрлаш	21
Конспектдан фойдаланиш	22

III БОБ. ТИНГЛОВЧИЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Нечта одам бўлади?	27
Эркакларми ёки аёллар?	28
Тингловчиларнинг ёши?	28
Ижтимоий статус қай даражада?	29
Қатнашчилар ўртасидаги муносабатлар қандай?	29
Тингловчиларнинг илмий даражаси қандай?	30
Жамоадаги сўзлашув услуби қай тарзда?	31
Қарорни ким қабул қиласди?	31
Тингловчилар нотикдан нимани кутишмоқда?	31
Нотикнинг кийими ҳақида...	32
Тингловчилар залга нима учун келишиди?	33

IV БОБ. МАЪРУЗАНИНГ ТУЗИЛИШНИ ШАКЛАНТИРИШ	34
Режа шакли қандай бўлиши керак?	34
Нима учун биринчи жумлаларни ёдлаш керак?	36

V БОБ. АУДИТОРИЯНИ ТАЙЁРЛАШ

Аудиторияни тайёрлашда қуйидагиларга эътибор беринг	37
“Қўпорувчиликни қонунлаштириш” усули.....	41

VI БОБ. ЧИҚИШНИНГ БОШЛАНИШИ**VII БОБ. ДИҚҚАТНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА УШЛАБ ТУРИШ КҮЗ БИЛАН МУЛОҚОТ**

Күз билан мулоқот амалда қандай ўрнатилади?	51
Күз мулоқотида нотиқнинг жиддий хатоси.....	53
Алоқа нима?	56
Тингловчига қандай қарааш керак?	57
Алоқа таъсирини кучайтириш усуллари.....	57
VIII БОБ. ҚОҒОЗГА ҚАРАБ НУТҚ ЎҚИШ	
Қоғозга қараб нутқ ўқиш қоидалари	58

IX БОБ. ДИҚҚАТНИ САҚЛАБ ТУРИШ УСУЛЛАРИ

Тингловчи диққатини тез-тез янги маълумот билан алмаштириб туринг.	61
Диққатни сақлашнинг бошқа усуллари	63
Жалб қилишнинг манипулятив усули.....	65
Кескин фарқли таъсиrlаш усули	65

X БОБ. НУТҚНИНГ ҚУВВАТИ

Нутқ қувватини бошқариш	71
Нутқ қувватига таъсир қилувчи кўрсаткичлар.....	71
Қачон қайси қувватдан фойдаланиш керак?.....	73
Тингловчиларнинг ҳолатига қараб мослашиш.....	74
Диққатни жалб қилиш.....	74
Ташаббусни қўлга олиш	75

XI БОБ. НАЗАР ВА ИМО-ИШОРАЛАР

Имо-ишоралар ҳақида маълумотлар	80
Имо-ишораларингизда мутаносиблик бўлсин.	80
Имо-ишораларни кенг қилинг.....	80
Ҳаракатларни мукаммал қилинг.....	81
Очиқ ҳаракатлар қилинг.....	81
Беҳуда имо-ишоралардан кутулинг.....	81
Имо-ишораларингиз матнга мос тушсин.	82
Тартибсиз имо-ишоралар	84
Имо-ишораларнинг номувофиқлиги	84

XII БОБ. ПАУЗА

Паузанинг мақсадига қараб турлари.....	88
----------------------------------------	----

XIII БОБ. ГАВДАНИ ТУТИШ**XIV БОБ. САҲНАДА ҲАРАКАТЛАНИБ НУТҚ ҚИЛИШ**

Ҳаракатланиб нутқ қилишнинг мақсадлари	97
Саҳнада қандай ҳаракатланиш керак?	98

XV БОБ. АСОСИЙ ФИКРНИ ТАКРОРЛАШ

Такрорлашнинг турли усуллари.....	101
-----------------------------------	-----

XVI БОБ. САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШ

Калтис саволни тингловчи нима учун беради?	108
Берилган савол юзасидан кимга қараб жавоб бериш керак?.....	112

XVII БОБ. “ЗАРАРЛИ” АУДИТОРИЯ.

“Яхши хўжайн”	119
“Хиссиятсиз жавоб” усули	120
Инкор усули.....	122
Ҳамдардлик билдириш усули	124
Айкido усули.....	125
Гапиришдан маҳрум қилиш ёки залдан чиқариш	126
“Мақсадни очиб бериш” усули.....	127
Бизникларни уришяпти	130
Залдаги юқумли муҳит	131
Битта қалла яхши, иккитаси ундан-да ёмон!	131
Салбий кутишни эълон қилиш усули	132
Хазил	133
Тўлдириш ва бўрттириш усули	134
Захарни ечиш усули.....	135
“Зараарли” савол берувчини нейтраллаш	136
“Бефарқ-зараарли” тингловчи.....	137

XVIII БОБ. СЎЗ ЖАНГИ УСУЛЛАРИ

“Бумеранг” усули	141
Метафора усули	142
“Бошқача тушунча” усули	143
Солишириш усули.....	144
Вазнни кўпайтириш ёки камайтириш усули	145
“Мос келувчи ҳолат” усули	147

XIX БОБ. ОГЗАКИ ИМПРОВИЗАЦИЯ (ТАЙЁРГАРЛИКСИЗ ГАПИРИШ)

Оғзаки импровизациянинг асосий вазифалари.....	149
Оғзаки импровизацияни ўрганиш усуллари	151
Ассоциация усули	151
Охирги сўзга қараб янги мавзуга ўтиш усули.....	154
Тингловчиларга риторик саволлар бериш усули.....	155
Оғзаки импровизацияни ўрганиш учун машқлар.	157

XX БОБ. АКТЁРЛИК МАҲОРАТИ

Актёрлик маҳоратини ривожлантирувчи машқлар.....	160
Диалогизация машқи	160
Нотиққа тақлид машқи	161
Ролни алмаштириш машқи.....	161
Хабарни етказиш машқи.....	162
“Қайси хиссиёт?” ўйини	163

XXI БОБ. ХОТИРАНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Исмларни эслаб қолиш учун нима қилиш керак?	165
Такрорлаш	166
Қандай такрорлаш фойдали?.....	167
Такрорлашнинг тур ва усуллари	169
Эббингауз усули бўйича такрорлаш.	171
Маълумотни қачон такрорлаш керак?	171
Ассоциация.....	173
Ассоциациянинг турлари	173
Саналарни эслаб қолиш	176
Нутқ режасини эслаб қолиш	176

XXII БОБ. ҲАР ХИЛ МАСЛАҲАТЛАР

Слайдларни кўрсатиш қоидалари	202
-------------------------------------	-----

XXIII БОБ. ЁШ НОТИҚҚА МАСЛАҲАТЛАР

XXIV БОБ. МИКРОФОН БИЛАН ИШЛАШ ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	211
--------------------------------------------------------------------------	------------

Илмий-оммабон нашр
Илҳом ҚАҲҲОРОВ

НОТИҚЛИК САНЪАТИ

170 маслаҳат

Муҳаррир:
Мавжуда Сайдова

Техник муҳаррир:
Файзулла Азизов

Дизайнер:
Дилмурод Жалилов

Мусаҳҳиҳ:
Ғ.Умурзоков

«Turon zamın ziyo» нашриёти
Лицензия: AI № 171. 2010 йил 11 июнь

Теришга 2015 йил 10 сентябрда берилди.
Босишига 2015 йил 05 декабрда рухсат этилди.
Бичими: 60x84 1/16. «PT Serif» гарнитурасида
оффсет босма усулида оффсет көғозида босилди.

13,5 шарт. б.т. 12,5 ҳисоб нашр. таб.
Адади 1000 нусха. 159-сонли буюртма.

«Муҳаррир» нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди.
100060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй
E-mail: muharrir@list.ru

Хеч бир қобилияят инсонни жамиият томонидан зудлик билан тан олиниши ва юқори мавқеларга эришишида нотиқликдек имкон берса олмайди.

Чонси М.Депью.

Нутқнинг ҳам қуввати бўлади. Нутқ нотиқнинг қалбидан чиқса, унинг ўзини ҳам ҳаяжонлантирса, айтаётган гаплари ўзининг ҳам дил торларини чертиб чиқса, ҳатто кўзларни ёшлилантирадиган даражада бўлса, ана у нутқ ҳаммани сеҳрлаб қўяди! Бундай нутқ тингловчилар қалбига етиб боради ва уерда қолади!

Яхши нотиқ қайси томонга қайрилса, бутун танаси билан қайрилади, кўкрагидаги юраги билан қайрилади. Юракдан юракка эса, алоқа ўрнатиш, меҳр узатиш осон.

- Маросимларда сўз беришса нега ўзимизни йўқотиб қўяшимиз?
- Нотиқликни ҳар биримиз ўрганишишимиз мумкинми?
- Раҳбар ходимга нотиқлик санъати керакми?
- Устоз-мураббийларга нотиқлик санъати нима учун зарур?
- Нутқимиз таъсирини қандай кучайтириши мумкин?
- Хотирани қандай яхшилаши мумкин?

Ушбу китобдан шу ва шунга ўхшаши кўплаб саволларга жавоб топишингиз мүмкин.

ISBN 978-9943-4548-8-0

9 789943 454880